Таким образом, на основании полученных результатов можно сделать вывод о том, что биопрепарат Rizokom-2 на основе 3 штаммов фосфор и калиймобилизующих бактерий *p.Bacillus*, способствует снижению токсической нагрузки и очищению почвы от вредной грибной микофлоры, тем самым оздоравливает почву и в результате создает неблагоприятные условия для развития фитопатогенов и благоприятные фитосанитарные условия для корнеобразования, роста и развития проростков пшеницы на искусственно зараженных фитопатогенами почвах.

Список литературы.

1. Биопрепараты в сельском хозяйстве / Под ред. И.А. Тихоновича и Ю.В. Крутлова // Методология и практика применения микроорганизмов в растениеводстве и кормопроизводстве. – М., 2005. – С. 154.
2. Билай В.И. Фузариоз. – Киев: Наукова думка. 1977. – 439 с.
3. Звягинцев Д.Г. Методы почвенной микробиологии и биохимии. – Москва, 1991. – 50 с.
4. Кочетков В.В., Чигалейчик А.Г. и др. Биопрепарат Псевдобактерин-2 для защиты растений от широкого спектра фитопатогенов. Проблемы экологической безопасности агропромышленного комплекса. – Санкт-Петербург, 1996. – 132 с.
5. Маннанов Р.Н. Автореф. диссертации на соискание ученой степени доктора биологических наук. – Ташкент, 2010.
6. Сахибгареев А.А., Лукьянов С.А., Мухутдинов Ф.Г., Кудоярова Р.А. Фитоспорин-М – модифицированный промышленный микробиологический фунгицид комплексного действия.
7. Соловьева А.И. Методика создания инфекционного фона // Вредители и болезни хлопчатника и других культур и меры борьбы с ними. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1951. – С.120-130.
8. Указания по применению Фитолавина-100 в борьбе с болезнями сельскохозяйственных культур, 1983.
9. Хасанов Б.А., Глухова Л.А. Методические указания по выделению, идентификации возбудителей и созданию искусственного инфекционного фона «гельминтоспориозов» ячменя. – Ташкент: Фан, 1992. – С. 78.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Rizokom-2 биопрепаратининг фитопатогенлар билан суний зарарланган буғдой ости тупроқ микофлорасига таъсири микробиологик ва кимёвий фунгицидлар билан таққослаш аспектида ўрганилганда, кимёвий фунгицидлар таъсирида (Бахор, Celes Top) 12 вариантдан еттитазида замбуруғлар ўсганлиги кузатилди. Микробиологик препаратлар таъсири остида Байкал ЭМ-1да ўн иккитадан тўққизтасида, Rizokom-2 қўлланилганда ўн иккитадан иккита вариантларда замбуруғлар ўсиши кузатилганлиги баён этилган.

РЕЗЮМЕ

Изучено влияние биопрепарата Rizokom-2 на микофлору почвы под пшеницей, искусственно зараженную фитопатогенами, в сравнительном аспекте с химическими фунгицидами и микробиологическими препаратами. Выявлено, что под влиянием химических фунгицидов (Бахор, Celes Top) рост грибов наблюдался в 7 вариантах из 12. Под влиянием микробиологических препаратов – Байкал ЭМ-1 рост грибов наблюдался в 9, а при использовании Rizokom-2 – в 2 вариантах из 12.

RESUME

The effect of the Rizokom-2 biopreparation on the microflora of the soil under wheat which artificially infected by phytopathogens, in a comparative aspect with chemical fungicides and microbiological preparations was studied. It was revealed that the growth of fungi was observed in 7 variants out of 12 under the influence of chemical fungicides (Bahor, Celest Top). Under the influence of microbiological preparations – Baykal EM-1, fungal growth was observed in 9, and when applied Rizokom-2 – in 2 variants out of 12.

Наишга проф. Л.Ёзиев тавсия этган

ҚАШҚАДАРЁ ВОҲАСИ АҲОЛИСИ ГИЛАМДЎЗЛИГИНИНГ
СОВЕТ ДАВРИ ҲОЛАТИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР

Давлатова С.Т. (ЎЗР ФА Тарих институти)

Таянч сўз ва иборалар: совет даври, воҳа, хунармандчилик, гиламдўзлик, гилам маҳсулотлари.

Ключевые слова: советский период, оазис, ремесло, ковроделие.

Key words: period Soviet, oasis, craft, carpet-making.

Қашқадарё воҳасида гиламдўзлик тўқимачиликнинг ноёб турларидан ҳисобланиб, чорвачилик билан узвий равишда асрлар давомида шаклланиб келган. Воҳа гиламдўзлиги қадимдан аёллар ишлаб чиқаришига асосланган бўлиб, улар уй шароитида тукли ва туксиз гиламлар, кигиз, намат, гилам маҳсулотлари (уй жиҳозлари)ни тўқишнинг турлича техникасига эга бўлганлар¹[17-20.]. Гиламлар ерга тўшаладиган, деворга осиладиган, шолча ва палослар ҳамда хўжалик учун ишлатиладиган турларга бўлинади. Айниқса, совет даврида воҳада гиламдўзлик қандай кўринишда тараққий этганлигини ўрганиш муҳим илмий аҳамиятга эга.

Қашқадарё гиламдўзлиги анъаналари жуда кам ўзгаришларга учраган бўлишига қарамай, гиламларда воҳага хос этник уруғчилик ва маданий алоқалар умумийлиги сезилиб туради. Қашқадарё воҳасида ўзбек, тожик, эроний, туркман ва араблар яшашган ҳамда XIX асрдан бошлаб гиламчилик билан асосан араб ва туркманлар шуғулланишган. Воҳа араблари ва туркманлари узоқ вақт бир-бирига яқин яшаганликлари сабабли гилам тўқиш услуби, технологияси ва бадий безаш анъаналарини сақлаб қолишган. Қаршидан 30 км узоқликда Қамаш, Хўжаки, Жейнов қишлоқларида арабларнинг “мушқоқи”, “хожаки” ва “жейнови” уруғлари яшашган². Улар орасида моҳир гиламдўзлар бўлиб, “араби” гиламлар тўқишган [6.105]. Шунингдек, воҳанинг Эрсари, Башир, Қизилоёқ қишлоқларида тўқилган гиламларнинг безаклари туркман гиламлариникига (Текин, Пендин, Човдур) ўхшаб кетади.

Совет даврида хунармандчилик ва хунармандларга бўлган муносабат тубдан ўзгарди, хунармандчилик устахоналари ва дастгоҳлари ҳукмрон доиралар томонидан мусодара қилинди. Хунармандларга “майда товар ишлаб чиқарувчилар”, яъни эзилувчи синф сифатида қаралиб, хунармандчилик соҳаси бутунлай янги ташкилий тизим тарзида қайтадан қурилди. Уй хунармандчилигининг саноат асосига ўтказилиши, тармоқ ва турли ишлаб чиқариш имкониятларига эга бўлган устахоналар ва хунармандларнинг ташкилий жиҳатдан уюшма, кооперация ва артелларга бирлаштирилиши, уларни совет ҳукумати ва унинг манфаатлари йўлида хизмат қилдириш турли хил усул ва йўллар билан мажбур қилинди. Совет даврининг 1920-30-йилларида вилоятда артеллар ташкил этиш жараёни кузатилади. Гилам тўқиш бу даврдан хонаки услубдан корхона ва артелларда тўқиш ишлари амалга оширила бошланади. Бундай ўзгариш хонаки хунармандчиликнинг саноат асосига ўтказилиши билан белгиланади. Шунинг учун ҳам бу даврда гиламдўзлик анъаналари ўзига хос тарзда гиламларнинг безак анъаналари ва шаклига ҳам таъсир этади.

Таъкидлаш жоизки, бу жараёнлар Туркистон хунармандчилик иттифоқи (Туркпромсоюз 1921 йил феврал)³[349.] халқ хўжалигини тиклаш ва ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириш, халқ оммасининг маиший ҳаётини яхшилаш, барча хунармандчилик кооперацияларини бирлаштириш ва назорат қилишга ёрдам беришдан иборат эди. Лекин молиявий маблағнинг етишмаслиги сабабли амалда ундай бўлмади. Бунинг учун етарли тажриба ҳам йўқ эди, шу боис совет ҳукуматига бирлашган хунармандчиликни хом ашё, яримфабрикатлар ва асбоб-ускуналар билан ўз вақтида таъминлай олмади. Фа-

¹ Фахретдинова Д.А. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. – Ташкент, 1972. – С. 17-20.

² Араблар XIV асрларида Амир Темур томонидан Ўрта Осиёга олиб келинган (эҳтимол Балхдан) деган фикрлар учрайди.

³ ЎЗР МДА. 25-жамғарма, 1-рўйхат, 524-йиғма жилд, 349-варак.

катгина ташкилий жихатларга эътибор қаратилди. Хом ашё тайёрлаш ва маҳсулот сотишнинг биргаликда олиб боришни фойдали эканлигини тушунган хунармандлар артелларга бирлашиб, хунармандчилик кооперациясини ташкил этдилар.

1921 йилда ўлкада ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларига оид 1270 та кооператив-хунармандчилик артеллари ишлаб турарди, уларга 30 минг нафарга яқин хунарманд бирлашган эди¹[190.]. Бу хунармандчилик кооперацияларида хотин-қизларни иш билан таъминлаш мақсадида корхоналар махсус аёллар артелларига айлантирилди. Жумладан, 1926 йилда ўлкада мавжуд бўлган 16 та йирик аёллар артелида 814 нафар киши фаолият юритган. 1930 йилга келиб эса Республика хунармандчилик кооперациясининг 50 дан зиёд артелларида 5000 нафардан ортик аёллар ишлаган²[190.].

Совет давлатининг аёлларни меҳнатга жалб этиш сиёсати натижасида хонаки хунармандчиликнинг гилам ва гилам маҳсулотларини ишлаб чиқариши кескин қисқариб кетди. Айниқса, коллективлаштириш сиёсати натижасида хусусий чорва сонининг қисқариши ва бунинг оқибатида хом ашё танқислиги гиламдўзликка сезиларли равишда таъсир этди. Бу ҳол тўқимачиликда асрлар давомида шаклланиб, авлоддан авлодга ўтиб келаётган гилам тўқиш технологиясининг узвийлиги ҳамда давомийлигига путур етказди.

Бу даврда Совет ҳокимияти гиламдўзликни ривожлантириш мақсадида махсус фармон чиқариб, янги уюшган гиламдўзлик устахоналарини очиш, марказда кўргазмалар ташкил этиш, устахоналарда назоратчилар тайинлаш ва сифатсиз бўёқлар, яъни *анилин* бўёғидан фойдаланишни тақиқлаш тўғрисидаги бандлар киритилди. Шунингдек, ушбу ҳужжатда гиламдўзлар, асосан аёллар бўлганлиги учун уларга тўланадиган маош тўғрисида ҳам тўхталди³ [41.]. Бунга сабаб XX аср бошларидан ўлкага анилини бўёқлари олиб келинади ва бу гиламларнинг сифатига салбий таъсир қилди. Чунки воҳа гилам ипларини табиий бўёқларда бўяшган. Бу даврда воҳада гиламнинг *қоқма, терма, гажари, қолин, олача, шатранж, жулбарак, жулхурс, араби, оқэнли, жиҳиз, туркман, кашта каби* турлари тўқилиб, аҳоли кундалик эҳтиёжини қондириб турган.

1924-25 йилларда Қашқадарё вилоятида гиламдўзлик билан Китоб туманида 26 та, Бехбудий уезди Қамаш волостида 65 та хонадон шуғулланишган⁴[15.]. Ўз ўрнида таъкидлаб ўтиш жоизки, Қашқадарёда гиламчилик артеллари ташкил этилиши билан гиламчилик саноати тикланди ва бутун XX аср давомида сақланиб қолди⁵.

1928 йилда Шаҳрисабз “Хужум” фабрикаси хотин-қизларнинг кичкина хунармандчилик артели бўлиб, дастлаб 20 нафар тўқувчи аёл бирлаштирилган эди. Артел аста-секин кенгая бориб, кўпроқ аёллар ишга жалб қилинди. 1951 йилда “Хужум” артели бадий буюмлар ишлаб чиқарадиган фабрикага айлантирилган.

Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги Олий кенгаши (ВСНХ) қарорига кўра, дастлабки кўмак Республика иқтисодиётига ёрдами тегадиган металлга ишлов бериш (қишлоқ хўжалиги учун меҳнат куроллари ишлаб чиқариш), тўқимачилик (ип газлама ва ипак тўқимачилиги, ипакка ишлов бериш ва матоларни бўяш, яъни бўёқчилик), ёғочга ишлов бериш, пойабзал саноати, кўнчилик кооперациялари билан бирга наматчилик (кигиз тайёрлаш, кигиз бостириш) ва гилам ишлаб чиқаришга ҳам эътибор қаратилади⁶ [10.]. Бироқ кооперацияга бирлашган бу артеллар хом ашё билан тўлиқ таъминланмаганлиги, ишчиларга иш ҳақи камлиги боис ривожланиб кетмади.

1920-йилларнинг ўрталаридан бошлаб республиканинг турли жойларида гиламдўзлик қайта тиклана бошлайди. У асосан чорвачилик ривожланган ҳудудларда, жумладан,

¹ Ўша жойда. – Б. 190.

² Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида... – Б. 190.

³ ЎзР МДА. И-1-жамғарма, 12-рўйхат, 1775-йиғма жилд, 41-варақ.

⁴ Қашқадарё вилояти ДА. 83-фонд, 1-рўйхат, 47-йиғма жилд, 15-варақ

⁵ Ўзбекистон Давлат Санъат музейида шу даврга оид гилам маҳсулотларидан Қамаш қишлоғида тўқилган тўрва (инв 199. 1928 йилга оид), Косон тумани араб гиламдўз томонидан тўқилган араби палос (инв 513.1976 йилга оид.) сақланади.

⁶ ЎзР МДА. 297-жамғарма, 1-рўйхат, 114-йиғма жилд, 10- варақ.

Қашқадарё, Сурхондарё, Андижон, Самарқанд, Бухоро ва Амударё бўйларида анча яхши ривожланган эди. Гиламдўз усталар уй шароитида турли технологияга эга бўлган тукли гилам ва палослар ишлаб чиқарганлар¹[17.].

Айниқса, тукли гилам ишлаб чиқариш борасида Андижон, Самарқанд гиламлари ва Қорақалпоқ чодирлари учун тўқилган жиҳозлар алоҳида ўрин тутди. Халқ хунармандчилигининг мазкур соҳасини кейинги тараққиётини белгилаб бериш мақсадида 20-йилларнинг охирида Қашқадарёнинг Қамаш қишлоғида туксиз гилам тўқиш артеллари ташкил этилган²[70.].

XX асрнинг 30-40-йилларида воҳа қишлоқларида янги тўқилган тукли гиламлар жуда кам учрар эди. Мазкур гиламларнинг тўқиш технологиясини фақат катта ёшдаги аёллар билган. Мамлакат ҳудудида тукли гилам тўқиш анъаналарини бузилишида қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш сиёсати натижасида аёлларнинг қишлоқларга қайтилиши бу соҳанинг аста-секин унутилишига олиб келди ҳамда йирик ва мураккаб гилам маҳсулотлар тўқишнинг хом ашёси ҳисобланган қўй жуни танқис бўлиб қолди. Хом ашёнинг кескин камайиши натижасида, қишлоқларда кўп меҳнат талаб қилмайдиган ва жун кам ишлатилмайдиган шолча-гиламлардан савдо ҳамда кундалик эҳтиёжлар учун ҳам кенг фойдаланила бошланган.

30-йилларнинг иккинчи ярмида гиламларда маълум бир сюжет ва портретларни акс эттиришга уринишлар амалга оширилади. Ушбу саъй-ҳаракатлар жанубий ҳудудларда 1941 йилда ўз самарасини бера бошлайди ва айнан шу йилда дастлабки портретли гилам тўқилган [6.146.].

Иккинчи жаҳон уруши йилларидан кейинги давр миллий хунармандчиликнинг гиламдўзлик соҳасида эски технологияларнинг қайта тиклаш ва гиламларга эҳтиёжнинг ортиши натижасида ишлаб чиқаришни янгидан қайта ташкил этиш даври ҳисобланади. Қашқадарёнинг Китоб (1946) ва Шахрисабз (1949) шаҳарларида мавжуд артелларда гиламчилик цехлариташкил этилади [6.65.]. Ушбу артелларда Туркменистондан махсус усталар чақиртирилиб, гиламчилик усулларидан таълим берганлар. Натижада бу даврда тўқилган гилам нақшларида туркман гиламдўзлиги анъаналари кенг акс этганлигини кузатиш мумкин.

XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб аксарият хонадонларда замонавий мебелларнинг пайдо бўлиши шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси хонадонлари деворлардаги гилам, сўзана ва палаклар ўрнини дарпардалар ва мебеллар эгаллай бошлади. Бу ҳолат ўз навбатида мазкур маҳсулотларга нисбатан бўлган эҳтиёжнинг кескин камайишига олиб келди. Бироқ гиламдўзлик миллий хунармандчиликнинг ажралмас бир қисми сифатида бутунлай йўқолиб кетмади ва, аксинча, мустаҳкам тарихий илдизларга эга бўлганлиги туфайли ўз мавқеини сақлаб қолди. Жумладан, 1958 йилда вилоятда “Учқун” артели қошида гиламчилик фабрикасини қуриш юзасидан Қашқадарё “Облпромсоюз”(Вилоят саноат уюшмаси)да йиғилиш бўлиб, унда фабрикага бошқа артеллардан ишчи кучини қурилиш ишларига жалб қилиш масаласи кўтарилди³. Шу мақсадда Охунбобоев номли, “Рабочая сила”, “Красный молот”, “Гулистон”, “Учқун”, Навоий номли, “Ш Интернационал”, “Маданият”, Тельман номли артелларидан 44 нафар киши жалб қилинади. Бу даврда аҳолининг кенг истеъмол молларига бўлган талабини маҳаллий хунармандчилик кооперативлари қондириб келган. Бироқ хунармандчилик артелларининг саъй-ҳаракатларига қарамай, совет ҳокимияти хунармандларнинг кооператив корхоналари ва артелларига эътибор бермасдан, ўз ҳолига ташлаб қўйди. Уларни янги техникалар билан жиҳозлаш ва хунармандларнинг малакасини оширишга етарли эътибор берилмагани боис корхоналарнинг моддий техника базаси заифлашиб қолди. Аксинча, шу йилларда сон ке-

¹ Фахретдинова Д.А. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. – Ташкент, 1972. – С. 17.

² Мошкова В.Г. Ковроделие // Народное декоративное искусство советского Узбекистана. – Москва, 1955. – С. 70.

³ Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 357-йиғма жилд, 45-46 варақлар.

тидан қувиб, гилам ишлаб чиқариш режаларини 100, 150, ҳатто 200 фоизга бажариш авж олади.

1960 йилларда Совет ҳокимиятининг маҳаллий ҳунармандларга бўлган салбий муносабати оқибатида газлама ишлаб чиқариш, кўнчилик, мискарлик, бўёкчилик билан бир қаторда гиламдўзлик ва кигиз тайёрлаш соҳалари ҳам тугатилди. Шунингдек, ишлаб чиқарган маҳсулот турлари ва ҳажми кескин камайиб кетди¹[95.]. Натижада, Ўзбекистон бўйича оммавий равишда ҳунармандчиликнинг турли соҳалари артеллар асосида ишлаб чиқарувчи корхона ва фабрикалар қайта ташкил қилиш ишлари амалга оширилди²[92.]. Хусусан, 1970 йилларнинг охирида воҳанинг Шаҳрисабз тумани “Хужум” фабрикасида 96 фоиз маҳаллий аёллар фаолият олиб бориб, ишчилар сони 1300 нафарни ташкил этган. Фабрика бир йилда палос ишлаб чиқариш бўйича 104,5 фоиз давлат режасини бажариб келган. Бу ерда ишлаб чиқарилган гилам маҳсулотлари Европа, Осиё, Африка, Латин Америкаси, Австралия, яъни барча қитъалардаги магазинларда сотилган. Фабрика ишчиси Адолат Турсунова 11 хил номдаги, жумладан, *наврўз*, *нақибанди* каби гилам-палосларни яратган³[38; 224.].

Мустабид тузумнинг дастлабки ва кейинги йилларида анъанавий ҳунармандчилик соҳасини модификация қилишга бўлган уринишларига қарамай, ўз тамойилига кўра ўзгармасдан қолаверди. “... совет социалистик давлатчилиги... халқимизнинг туб маънавий, ахлоқий, диний қадриятларига мос келмас эди. Марказдан туриб бошқариладиган давлат машинаси қандайдир бир манқуртга, ўз уруғ-авлодларини ҳам билмайдиган кишига мўлжалланган эди. Мазкур давлат тизимида расмий эълон қилинган шиорлар билан амалдаги иш ўртасидаги узиллиш айнан шу сабабли юзага келди”⁴[6.].

Вилоятда артеллар ташкил этиш жараёни ташкилий ҳамда таъминот жиҳатдан талаб даражасида эмас эди. Юқори хўжалик раҳбарлари томонидан артеллардаги мавжуд камчиликларга қарши курашилмади, аъзолик бадаллари йиғиб олинмади, айланма маблағлар тўғри тақсимланмади, артелларга аъзо бўлиш ва яқка тартибдаги артелларни уюшмага бирлаштириш ишлари ҳам тўла расмийлаштирилмаган эди. Қолаверса, уюшмага аъзо артеллар ўртасида товар айирбошлашда номувофикликларга йўл қўйилиб, уста-шоғирдчилик анъаналари суёт йўлга қўйилган, уюшма раҳбарлари меҳнат сарфларининг ҳисоботлари ва далолатномаларини тузишмаган. Шунга қарамай, вилоятда ҳунармандчилик, яъни гиламдўзлик ўзига хос тарзда тараккий этиб келди.

XX асрнинг 80-йилларида воҳада уй шароитида гилам тўқиш камайиб кетган бўлишига қарамай, гиламдўзликда ўзига хос тарзда ривожланиш босқичи бошланади. Жумладан, Қашқадарё вилояти Чирокчи туманининг Кўкдала кишлоғида аёллар гиламчилик цехи ташкил этилиб [Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. Чирокчи тумани. 2016 йил]. ҳозирги кунга қадар *қоқма*, *терма*, *ҳожари*, *гажари*, *араби*, *еттиипли*, *чархпалак*, *бахмали*, *бўғжама*, *пат*, *ипак*, *жун*, *мапраж*, *жулхўрс*, *пойандоз*, *қиз*, *кигиз* гиламларнинг ҳар бири *чумчукўз*, *арча гули*, *силсила*, *бурама*, *дикдига араби*, *сатранж* тўқишиш услублар асосида безалади. Гилам маҳсулотлари (*бўғжама*, *хуржун*, *сумка*, *ёстиқ* *жилдлари* ва *бошқа уй жиҳозлари*) ишлаб чиқарилмоқда.

Бундан ташқари, Чирокчининг Абрбанди ва тоғли Лангар кишлоғида ҳам уйда гилам ишлаб чиқариш кенг ривожланган. Гиламдўзлик устахоналарида гилам ишлаб чиқариш технологияси, ранг бериш уйғунлиги, нақш ва безаклари ўзига хос локал хусусиятларга эга. Гиламдўзлик сабрни, катта меҳнатни талаб этадиган ҳунарлар сирасига киради, дейди гиламдўз Салтанат Қўлдошева. Аввало, жун дук воситасида йиғирилиб, “даржа” (калава) қилинади. Йиғирилган ип уч-тўрт кун тобини олганидан кейин бир қисми турли рангларга бўялади. Бўялмаган қисми эса “шат” деб номланади ва “чарх”да

¹ ЎЗР МДА. Р-837 жамғарма, 38-рўйхат, 9280-йиғма жилд, 95-варақ.

² Фахретдинова Д.А. Кўрсатилган асар. – 92.

³ Захаров С.М., Ҳикматов Н. Шаҳрисабз. Т.: Ўзбекистон. 1979. 38-бет.; Захаров С.М. Очерки истории Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей Узбекистана. – Т.: Фан. 1968. – 224 с.

⁴ Каримов И.А. Родина священна для каждого. Т. 3. – Т.: Ўзбекистон. 1996. – С. 6.

тобланиб, “дўкон” (махсус қолип)га югуртирилади. Кейин рангли иплар “тарок” билан тўқий бошланади. Гиламга “ғужум”, “хат”, “ойна”, “дуо”, “қизгули”, “қалдарахт”, “чилдирез”, “қалпоқ”, “тугма” деб номланувчи турли шаклдаги нақшлар солинади. Уч киши биргаликда битта гиламни тўқиб тугатиш учун 15-20 кун вақт кетади [Дала ёзувлари. Қашқадарё вилояти. Чироқчи тумани. Абрбанди қишлоғи. 2016 йил].

Чироқчида бир одат бор. Оилада қиз бола туғилса, онаси, момолари ва аммалари унга атаб сеп учун жулхурс гилам тўқийди. Қишнинг узун кечаларида кўшни аёл ва қизларнинг тугун кўтариб бир-бириникига гуруннга бориши одатига кўра, 7-8 нафар аёл тўпланишиб, алламаҳалгача гилам тўқиганлар. Кимдир пахтани чигитдан ажратса, кимдир жун титган, бошқа биров эса урчуқ йигирган. Бу меҳнат тақсимоти натижаси кўзни қувнатадиган чиройли гиламга айланган.

Кўкдала қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Бегланиш маҳалласида яшовчи София Доллиеванинг тўқиган *холи*, *бахмали*, *бўғжама*, *бурама*, *силсила*, *арча гули* гиламлари хорижликларнинг назарига тушди. Гиламдўз гилам ранглари тиниклигининг бизга номаълум сирини шундай таърифлайди. Бўялган ипнинг ранги узоқ сақланиши, тиниклашиши учун ип яхшилаб йигирилгач, уни сузмадан сиздириб олинган сувга, яъни зардобга ивитилади ва яна сўнг қуритиб олинади. Гилам тўқиш учун қирқилган жунлар тозалаб ювилади, темир тарокда таралади ва таралган жунлар ип қилиб йигирилади. Йигирилган иплар кейин турли табиий бўёқларда бўялади. Шунинг учун ҳам гиламларимиз ранги ўзгармайди ва сифатини ҳам йўқотмайди. Кўкдала тумани гиламлари Германия ва Францияда бўлиб ўтган халқаро ярмаркаларда мукофотлар олган [Дала ёзувлари. Чироқчи тумани. Кўкдала қишлоғи. 2016 йил].

Чироқчининг тоғли Лангар қишлоғида республиканинг бошқа ҳеч қаерида учрамайдиган *гул кигиз гилам* тўқилган. Кигизга гул бостириш ва тайёрлаш жараёни жуда қизиқарли бўлиб, гулкигиз бошқа гиламлар сингари кўп вақт тўқилмайди, аввал жун титилган сўнг эса табиий рангларга бўялган. Бўёқлар анор пўчоғи, ўрик томири, ёнғоқ, пиёз пўстлоқлари сингари турли ўсимлик, дарахт ва ўт-ўланлардан олинади. Шу жараёнда янги ранглар кашф этилади. Турли рангларга бўялган жун калавалар қўлда енгилгина эшилиб, улар ёрдамида шундай чиройли нақшлар ясалади. Бир-икки соатда кигиз тайёр бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Захаров С.М., Ҳикматов Н. Шаҳрисабз. – Тошкент: Ўзбекистон, 1979. – Б. 38.
2. Захаров С.М. Очерки истории Кашкадарьинской и Сурхандарьинской областей Узбекистана. – Ташкент: Фан. 1968. – 224 с.
3. Каримов И.А. Родина священна для каждого. Т.3. – Ташкент: Ўзбекистон. 1996. – С. 6.
4. Кустарная и ремесленная промышленность национальных республик. – Москва, 1926. – С. 3.
5. Мазкур ҳолат муаллиф томонидан Ўзбекистон халқлари тарихи Давлат музейининг этнология бўлими фондида 2007-2008-йилларда олиб борилган тадқиқотлар давомида кўп бора кузатилган.
6. Мошкова В.Г. Ковроделие // Народное декоративное искусство советского Узбекистана. – Москва, 1955. – С. 70.
7. Sono Fumoto. Women Marriage, and the Market Economy in Rural Uzbekistan: Cases from a Pastoral Area of Kashkadarya Provice, In Obiya Chika ed. «Islam and Gender in Central Asia Soviet Modernization and Today's Society» CIAS Discussion Paper. 2016. No. 63. – P. 40-49.
8. Фахретдинова Д.А. Декоративно-прикладное искусство Узбекистана. – Ташкент, 1972. – С. 17-20.
9. Ўзбекистон янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистоннинг совет мустамлакачилиги даврида. – Тошкент: Шарқ. – 190 б.
10. ЎзР МДА, Р-837 жамғарма, 38-рўйхат, 9280-йиғма жилд, 95-варақ.
11. ЎзР МДА. 25-жамғарма, 1-рўйхат, 524-йиғма жилд, 349-варақ.
12. ЎзР МДА. И-1-жамғарма, 12-рўйхат, 1775-йиғма жилд, 41-варақ.
13. ЎзР МДА. 297-жамғарма, 1-рўйхат. 2416-йиғма жилд, 14- варақ.
14. ЎзР МДА. 297-жамғарма, 1-рўйхат. 220-йиғма жилд, 36- варақ.
15. ЎзР МДА. 297-жамғарма, 1-рўйхат, 114-йиғма жилд, 9-10 варақлар.

16. ЎзР МДА. 10-жамғарма, 1-рўйхат, 547 –йиғма жилд, 82-варақ.
17. ЎзР МДА. 58-жамғарма, 2-рўйхат, 825-йиғма жилд, 150 варақ.
18. ЎзРМДА, 86-жамғарма, 1-рўйхат, 2393-йиғма жилд, 33-варақ.
19. Ўроқова Н.С. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида саноат соҳасидаги ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни (Жанубий вилоятлар мисолида). Тарих фан. номз. дисс. – Қарши, 2004. – Б. 145-149.
20. Қашқадарё вилояти ДА. 83-фонд, 1-рўйхат, 47-йиғма жилд, 15-варақ.
21. Қашқадарё вилояти ДА. 224-жамғарма, 1-рўйхат, 357-йиғма жилд, 45-46-варақлар.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Қашқадарё воҳаси аҳолиси гиламдўзлигининг совет давридаги ҳолати тарихий-этнографик ва архив материаллари асосида ёритилади.

РЕЗЮМЕ

В статье на основе историко-этнологических и архивных данных описывается состояние ковроделия среди населения Кашкадарьинского оазиса в советский период.

RESUME

The article deals with the historical, ethnological and archival data carpet-making of the population of the Kashkadarya oasis in the Soviet period.

Нашрга доц. О.Бўриев тавсия этган

КЕШ-СУҒДНИНГ ИЛК ЎРТА АСРЛАРДАГИ СИЁСИЙ ВА МАДАНИЙ МАРКАЗИ

Кўчаров Ж.К. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *Ши давлати, Думо дарёси, Ли, Тухуло давлати, Ми, Сулик мамлақати, Кеш шоҳи, ҳукмдор Шишир, “Китоб-ал Булдон”, Хан Шу, Сусе, Хунь Янь, Читрагандха, Цюйша.*

Ключевые слова: *государство Ши, река Думо, Ли, государство Тухуло, Ми, страна Сулик, шах Кеш, властитель Шишир, “Китоб-ал Булдон”, Хан Шу, Сусе, Хунь Янь, Читрагандха, Цюйша.*

Key words: *state of Shi, river Dumo, Li, state Tuhulo, Mi, country Sulik, Shah Kesh, sovereign Shishpyr, “Kitob-al-Buldon”, Khan Shu, Sousse, Hun Yan, Chitragandha, Quush.*

Кеш шаҳри тарихий манба ва адабиётларда Жанубий Суғднинг марказий шаҳри бўлганлиги тўғрисида далиллар мавжуд. Ушбу мақолада антик ва илк ўрта асрлар даврида Шарқ, хусусан Хитой тарихига оид манба, тарихий адабиётларда Кеш шаҳрининг Жанубий Суғд, Туркистон минтақасида, шунингдек, халқаро муносабатларда тутган мавқеига оид маълумотларни таҳлил этиш мақсад қилиб қўйилди. Шунингдек, Кешнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий марказ сифатидаги ролини ҳам кўрсатишга ҳаракат қилинди. Хитой тарихий манбаларида Кеш давлати ва вилоятининг тарихий географик таснифи келтирилган бўлиб, уларда “Кеш (Ши) давлати пойтахти ҳам шу ном билан юритилиши, пойтахт Думо (Танхоздарё)дан 10 ли (1 ли – 479 м) жанубда жойлашганлиги, ушбу ерлар қадимий Қангюй давлати ерлари эканлиги, ҳукмдор Чжао-у деб номланиши, ҳукмдор қароргоҳи 2 ли масофадаги мудофаа девори билан ўраб олинганлиги, доимий кўшин сони 1000 кишини ташкил этиши, Шимолда Кан (Самарқанд) давлатигача 240 ли, жанубда Тухуло (Тохаристон) давлатигача 500 ли, Ғарбда Нашеболо (Насаф)гача 200 ли, шимолий-шарқда Ми (Маймурғ)гача 200 ли атрофидаги ерлар ушбу давлат тасарруфида¹[1:274] эканлиги билан боғлиқ маълумотлар келтириб ўтилган.

Илк ўрта асрларда ҳам Кеш Туркистон минтақасида муҳим маданий марказлардан бири бўлган деб айтишга далиллар етарли бўлиб бу даврда суғдлар ривожланган ўрта асрларда Мовароуннаҳр ва хоразмликлар, сўнгги ўрта асрларда бухороликлар ва хиваликлар халқаро алоқаларда катта ўрин тутиб, турли ўлкаларни ўзаро боғлашда асосий воситачи бўлиб келдилар². [2:360] Кешнинг минтақадаги маданий ва сиёсий марказлардан

¹ Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. М-Л.: Издательство Академии наук 1950. – С. 274.

² Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Моногра-

бири эканлигини Сюань Цзянь маълумотлари ҳам тасдиқлайди. Унинг маълумотларида Чу дарёсидан Шаҳрисабзгача бўлган ҳудудларни Сулик мамлакати деб номланганлигини кўриш мумкин. Шунингдек, у ушбу минтақада ягона тил ва маданиятга эга халқлар истикомат қилишини ёзиб қолдирган. Академик В.В.Бартольд Сулик буддавийча-манихейча талаффузда Суғд сўзининг ўзгарган шакли деб келтиради. Бундан ташқари Фарғонанинг шимолий-ғарбий ҳудудларидан Шаҳрисабзгача бўлган ерлар мил.авв II асрда Қанг давлати таркибига кирганлиги, Хитой манбаларида эса бу ягона маданий минтақа деб қаралиши билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларни ҳам келтириб ўтганлигини кўришимиз мумкин¹. [3:179]

Шунингдек, Сюань Цзянь хотираларида; “Сушэшуэй (Чу дарёси)дан Цзешуанна (Шаҳрисабз)гача бўлган ерлар қадимда Сули деб номланиши, мамлакатда қўлланиладиган ёзувлари 30 та атрофида эканлиги, ёзувларни тепадан пастга қараб ёзишлари ва ўқишлари, кийимлари чарм ва жундан, қисман матодан тайёрланиши, кийимлари этаклари калта бўлиши, аёллар узун соч қўйиш, эркаклар сочларини калта олдириши ёки бутунлай қиртишлаб ташлаши, пешоналарига нақшлар чизилган майин лента тақиб юришлари²” [4:40] билан боғлиқ маълумотлар келтириб, аҳолининг одатлари ва турмуш тарзи тўғрисида ҳам қимматли маълумотлар беради.

Ёзма манбаларга, хусусан, илк ўрта асрларга оид маълумотларга таянган В.В. Бартольд Кеш шаҳрини нафақат жанубий Суғдда, балки бутун Суғдиёна минтақасида дастлабки сиёсий етакчи шаҳар бўлган, деган фикрларни илгари суради. Жумладан, олим ўз фикрини асослаш учун араб муаррихи Ёқубийнинг “Китоб ал-Булдон” асарига маълумотларига кўра, Шаҳрисабз Суғднинг қадимда бош шаҳри бўлганлиги билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтиш ўринли деб ҳисоблайди³. [5:188] Археологик манбаларда ҳам милодимиз бошларида Суғд минтақасида Кеш шаҳрининг маданий ва сиёсий марказлардан бири бўлганлигини асословчи далиллар мавжуд. XX асрнинг 60-йилларида Қашқадарё воҳасида олиб борилган археологик изланишлар натижасида милодий III-IV асрларга оид тангалардаги суғдий ёзувларни айрим олимлар шоҳ Канишка тарзида ўқиган. Аммо кейинчалик таниқли суғдшунос олима О.И. Смирнова ушбу тангалардаги ёзувларни таҳлил этиб, ёзувларни “Кеш шоҳи (ҳукмдори)” тарзида ўқилишини кўрсатиб берган⁴. [6:273] Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўриниб турибдики, Кеш шаҳри милод бошларида нафақат жанубий Суғднинг, балки бутун Суғдиёнанинг марказий шаҳарларидан ҳисобланиб, маданий, иқтисодий ва сиёсий маркази бўлган. Чунки танга пулларни чиқариш ва унда ҳукмдор тасвирларининг акс эттирилиши, шаҳар мавқеини, давлатнинг қудратини кўрсатувчи омилар билан бир қаторда шаҳарнинг мустақил тарзда сиёсат юритганлигидан ҳам далолат беради. Суғднинг биринчи ихшиди Шишпир (тахм. VII асрнинг 40-60-йилларида ҳукмронлик қилган) илк бора маҳаллий танга пул муомаласини йўлга қўйган ҳукмдорлардан бўлиб ҳисобланади. У зарб қилган тангаларнинг каттаси 25-26 мм диаметри, 5 грамм оғирликда, кичик тангалари эса 19-22 диаметр, 2,4 грамм оғирликда эканлиги, энг асосийси, унинг Кеш ҳукмдори бўлганлиги билан боғлиқ маълумотлар Кеш шаҳрини антик давр ва илк ўрта асрларнинг дастлабки босқичида Суғднинг сиёсий, маданий ва иқтисодий марказлардан бири бўлганлигини кўрсатиб беради⁵. [7:168]

фия-Т.: Академия, 2008 й, 360-бет.

¹ Бартольд В.В. Общие работы по истории Средней Азии. Работы по истории Кавказа и Восточной Европы. Соч. Т. II. Часть. 1. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – С. 179, 454.

² Сюань-Цзань Записки о западных странах [эпохи] Великой Тан (Да Тан си юй цзи) / Сюань-Цзань; введо., пер. и коммент. Н.А. Александровой; Ин-т востоковедения РАН. – М.: Вост. лит., 2012. – С. 40.

³ Бартольд В.В. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Соч. Т. I. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – С. 188.

⁴ Труды международной конференции, археологии и культуре Центральной Азии в Кушанскую эпоху. Душанбе 27-сентября-6 октября 1968 г. // Центральная Азия в Кушанскую эпоху. Т. II. М.: Наука, 1975. – С. 273.

⁵ Смирнова О.И. Очерки истории Согда - М.: “Наука” 1970. – С. 168, 275.

Тарихий адабиётларнинг айримларида Суғд сўзининг келиб чиқиши ҳам айнан Кеш шаҳрининг қадимий номланишидан олинганлиги билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар келтириб ўтилганлигини кўришимиз мумкин. Хитойнинг Хан сулоласи йилномаси “Хан шу” (“Хан хонадони тарихи”) асарининг 96 бўлимида “Қанг давлати ҳақида”ги маълумотларда Сусе давлатдаги бешта кичик князлик (сяо ван)лардан биринчиси эканлиги, князь пойтахти ва ўлка ҳам Сусе деб номланиши, князь қароргоҳидан Хитойнинг Дунхуандаги чегара пости Янгуангача 8025 ли масофа эканлиги билан боғлиқ маълумотларни учратиш мумкин¹. [8:273] Бундан Суғд ўлкасининг Кешнинг номи билан бир хил аталиши ва унинг марказий шаҳри ҳам Кеш эканлиги билан боғлиқ хулосага келиш мумкин. В.В. Бартольд келтирган маълумотлар ҳам юқоридаги фикр-мулоҳазаларни тасдиқлашга хизмат қилади. Туркистон ўлкасининг тарихий географиясига бағишланган асарида, олим Кеш Суғднинг қадимий пойтахти деб ҳисоблангани, эҳтимол Кеш шаҳрининг хитойча Сусе номланишидан кейинчалик Суғд атамаси келиб чиққан, дейди². [9:488] Аммо тадқиқотчи ушбу атамаларнинг даврлар оша ўзгариб боришини таҳлил этувчи асосларни келтириб ўтмаганлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Юқорида келтирилган нумизматик далиллар ҳам Кешнинг минтақанинг дастлабки сиёсий, маданий ва иқтисодий марказ сифатидаги ўрнини кўрсатиб бера олади. Кешнинг сиёсий мавқеи араблар истилоси даврида ҳам нафақат жанубий Суғд, балки Туркистон минтақасида етакчи мавқеда бўлганлигини исботловчи маълумотлар тарихий адабиётларда талайгина. Араб халифалиги Мовароуннахрни истило қилгандан сўнг ҳам маълум бир тарихий даврда маҳаллий сулолалар бошқарувни ўз қўлларида сақлаб қолишга муваффақ бўлганлар. Кеш шаҳри ҳукмдорлари ҳам ўзининг маҳаллий сулолавий ҳокимиятини қўлида сақлаб қолишга мушарраф бўлган.

Шунингдек, Кеш Суғд ўлкасида сиёсий ва маданий алоқаларда муҳим роль ўйнашда давом этган. Мисол тариқасида, 738 йилда турклар (туркашлар) давлатидаги сиёсий курашларда Кеш давлатининг кўшинлари ҳам иштирок этганлигини келтириб ўтиш мумкин. Шу йили Кеш давлати ҳукмдори Чоч ҳукмдори билан бирга иттифок бўлиб, сиёсий курашларда иштирок қилганлигини рус сайёҳ олими Г.Е. Грум-Гржимайло келтириб ўтган далиллар орқали билиб олишимиз мумкин³. [10:329] Илк ўрта асрлар даврида Суғддаги етакчилик Самарқанд шаҳрига ўтиб кетса-да, Кеш жанубий Суғднинг маркази бўлиб қолиш билан бирга, халқаро иқтисодий ва маданий муносабатларда фаол иштирок этганлиги билан боғлиқ маълумотларни тарихий адабиётларда кўплаб учратиш мумкин. Хитой тарихий йилномаларида Кеш шаҳри билан олиб борилган савдо ва элчилик алоқалари хусусида кўплаб маълумотларни мисол тариқасида келтириб ўтиш жоиз. Тарихий адабиётларда келтирилган маълумотлар таҳлилига кўра, Суй сулоласи (586-618 йй) даврида Кеш Хитой билан 604-618 йиллар давомида элчилар ва қарвон орқали маданий, иқтисодий муносабатлар олиб борган. Юқорида кўрсатилган йилларда Ғарб давлатларига келган Суй элчилари турли ҳукмдорлардан император саройига турли ноёб буюмлар, маҳсулотлар олиб кетганлар. Элчилар Кеш шаҳрида бўлганда, уларга 10 та раққоса қиз, шер мўйнаси ва хитойликлар “хошу” деб номлаган, таржимада “оловли сичқон мўйнаси” (?) маъносини берувчи ноёб маҳсулотни тортиқ сифатида олиб кетганликлари хусусида тарихий адабиётлардаги маълумотларни келтириб ўтиш мумкин⁴. [11:66] Хитойга олиб кетилган ноёб маҳсулотлар сирасига “Қора туз” (“хэй янь”), “Қизил туз” (“хунь янь”), “Читрагандха” (мўъжиза дори) деб номланувчи дориворларнинг олиб кетилиши борасида кўплаб маълумотлар мавжуд. Тарихий адабиётларда қора рангли туз қорин оғриғига, қизил туз кўз касалликларига, “Читрагандха” дориси эса турли жароҳатларга даъво бўлиши келтириб ўтилган. “Читрагандха” дорисини таркиби тарихий адабиётларда, тама-

¹ Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: Тексты и исследования. – Новосибирск: Наука. Сиб. отд-ние, 1989. – С. 273.

² Бартольд В.В. Сочинения. Работы по исторической географии. Т. III. – М.: Наука, 1965. – С. 488.

³ Грум-Гржимайло Г.Е. Западная Монголия и Урянхайский край. Исторический очерк этих стран в связи с историей Средней Азии. Т. II. – Ленинград, 1926. – С. 329.

⁴ Малявкин А.Г. Кўрсатилган асар. – Б. 66.

рин (минна), ширинмия ва “Rahnannia”, шунингдек, “қайноқ қон” деб номланувчи моддалардан ташкил топганлиги келтириб ўтилади. Ушбу дорининг мураккаб таркибий тузилишга эга бўлганлиги ва қимматбаҳо эканлиги сабабли, уни қалбаки шаклида ишлаш ва сотиш ҳам катта даромад келтирган. Шу сабабли ушбу дорини сотиб олиш чоғида синаб кўриш орқали, яъни бирор жойни кесиб, дорини оғиз билан намлаб, жароҳат жойига суртиш ва таъсири тезда сезилса, унинг сифатли эканлигига ишонч ҳосил қилиниши билан боғлиқ маълумотлар мавжуд¹. [12:247] Хитой тарихига бағишланган адабиётлардаги маълумотларда милодий VIII асрнинг биринчи ярмида ўлкамиздаги турли давлатлар, хусусан Кешдан Хитойга мусиқачилар, раққосалар бир неча бор хитойлик зодагонлар кўнглини хушлаш учун олиб кетилганлиги қайд этилган. Хитой саройи ва зодагонлар қасрларида Ғарб мусиқаси ва рақслари Тан империяси даврида айниқса оммалашади. Тан даври йилномаларида, Ши (Кеш) раққосалари хусусида, уларнинг рақслари ҳақида маълумотлар келтирилган бўлиб, уларнинг байрамона қирмизи рангда бўлиши, кийимлари энги парча матосидан, оёқ кийимлари қизил замши (кимматбаҳо чарм) матосидан тайёрланиши, раққосалар шар устида рақсга тушиш учун мўлжалланган майдончада олдинга ва орқага шар устида ҳаракатланган ҳолатда рақсни сакраш орқали ижро этиши ва томошабиннинг мириқиб ҳордик чиқариши билан боғлиқ маълумотлар учрайди². [13:85] Кеш давлати билан Хитойнинг Тан сулоласи давридаги маданий-иқтисодий муносабатлар Буюк ипак йўлида савдо-иқтисодий муносабатлар ривожланиб бориши билан кучайганлигини кўришимиз мумкин. “Тан хонадони тарихи” (“Син Тан Шу”)да Кеш шаҳри Ши деб номланган. Шунингдек, Кешнинг Цюйша, Цзешуанна тарзида ҳам номланиши келтириб ўтилади.

Кеш давлати хусусидаги маълумотларда эса унинг ҳудудида 500 та шаҳар борлиги, бу шаҳарнинг бутун Суғдда етакчи бўлганлигига яна бир ишорадир. Чунки милодий VII аср учун бу каби кўп аҳоли манзили бутун Суғд минтақасидагина бўлиши мумкин эди. Кешнинг Хитой давлати билан алоқа ўрнатиши хусусида эса Да-е эраси (605-617) даврида бошланган, Княз Дичжэ Хитой билан яхши муносабатларни ривожлантиришга ҳаракат қилган. Чэнь-Гуань ҳукмронлигининг ўн олтинчи йилида (642-643) князь Шасэби (суғдча Шишпир) маҳаллий маҳсулотлардан Тан саройига тортиқ сифатида юборганлиги тарихий адабиётларда қайд этилган³. [14:85]

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бичурин Н.Я. (Иакинф) Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – М.-Л.: Издательство Академии наук, 1950. – 332 с.
2. Мавлонов Ў.М. Марказий Осиёнинг қадимги йўллари: шаклланиши ва ривожланиш босқичлари. Монография. – Т.: Академия, 2008. – 432 б.
3. Бартольд В.В. Общие работы по истории Средней Азии. Работы по истории Кавказа и Восточной Европы. Сочинения. Т. II. Часть.1. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – С. 10–20.
4. Сюань-Цзань Записки о западных странах [эпохи] Великой Тан (Да Тан си юй цзи) /Сюань-Цзань; введ., пер. и коммент. Н.А. Александровой; Ин-т Востоковедения РАН. – М.: Вост. лит., 2012. – 463 с.
5. Бартольд В.В. Сочинения. Туркестан в эпоху монгольского нашествия. Т. I. – М.: Издательство Восточной литературы, 1963. – С. 763.
6. Труды международной конференции археологии и культуре Центральной Азии в Кушанскую эпоху. Душанбе 27-сентября-6 октября 1968 г. // Центральная Азия в Кушанскую эпоху. Т. II. – М.: Наука, 1975. – С.428.
7. Смирнова О.И. Очерки истории Согда. – М.: Наука, 1970. – С. 287.
8. Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: Тексты и исследование. – Новосибирск: Наука, Сиб. отд.-ние, 1989. – С. 432.

¹ Шефер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. – М.: Главная редакция восточной литературы издательство Наука, 1981. – С. 247–287.

² Шефер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. – М.: Наука Главная редакция восточной литературы издательство. 1981. – С. 85.

³ Малявкин А.Г. Кўрсатилган асар. 1989. – Б. 85.

9. Бартольд В.В. Сочинения. Работы по исторической географии. Т. III. – М.: Наука, 1965. – С. 711.
10. Грум-Гржимайло Г.Е. Западная Монголия и Урянхайский край. Исторический очерк этих стран в связи с историей Средней Азии. Т. II. – Ленинград, 1926. – С. 896.
11. Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: Тексты и исследования. – Новосибирск: Наука. Сиб. отд-ние, 1989. – С. 328.
12. Шефер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. – М.: “Наука” Главная редакция восточной литературы издательства, 1981. С. 287.
13. Шефер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. – М.: Наука, Главная редакция Восточной литературы. 1981. – С. 285.
14. Малявкин А.Г. Танские хроники о государствах Центральной Азии: Тексты и исследования. – Новосибирск: Наука, Сиб. отд-ние, 1989. – С. 85.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Кеш Шахрининг Суғдининг илк ўрта асрлардаги сиёсий ва маданий марказ сифатидаги мавқеи тарихий манбалар, жумладан, Хитой манбалари асосида таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье на основе исторических, в том числе китайских, источников анализируется статус города Кеша как раннесредневекового политического и культурного центра Согда.

SUMMARY

The article deals with the Kesh city as the first political cultural center of Soghd on the basis of historical sources including Chinese ones.

Наширға проф. Б.Эшов тавсия этгин

ҚАЙТА ҚУРИШ СИЁСАТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН САНОАТИГА ТАЪСИРИ ВА ОҚИБАТЛАРИ (1985-1990 йиллар)

Ҳайдаров И.М. (ТДШИ)

Таянч сўз ва иборалар: *саноат, қайта қуриш, чора-тадбир, маъмурий-бўйруқбозлик, хўжалик, иттифоқ, кооперация, қишлоқ хўжалиги, кимё саноати, тўқимачилик саноати, асбоб-ускуналар.*

Ключевые слова: *промышленность, перестройка, реформы, командно-административное управление, экономика, хозяйство, союз, кооперация, сельское хозяйство, химическая промышленность, текстильная промышленность, станки и оборудование.*

Key words: *industry, restructuring, reform, command and administrative management, economy, economy, union, cooperation, agriculture, chemical industry, textile industry, machinery and equipment.*

Совет раҳбариятининг 1985 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш юзасидан илгари сурган режаларини бажариш борасидаги дастлабки уринишлариёқ қутилган натижани бермади. Узоқ йиллар давомида жорий этилган яроқсиз хўжалик системасини қисман қайта қуриш билан муддаога эришиб бўлмаслиги аён бўлиб қолди. Тўғри, иқтисодни бошқариш соҳасида кенг кўламда қайта қуриш жараёнлари амалга оширилди, хўжалик ҳисобидаги муносабатларни кучайтиришга ва хўжалик механизмини такомиллаштиришга қаратилган бир қанча тажрибалар ўтказилди. Бироқ маъмурий-бўйруқбозлик системаси мавжуд бўлган бир шароитда амалга оширилган бу тадбирлар натижа бермади.

Қайта қуриш сиёсати давомида йўл қўйилган ҳатоликлар, мамлакат минтақалари ўртасидаги алоқаларнинг бузилиши, сиёсий вазиятнинг кескинлашиши оқибатида белгиланган вазифалар уदдаланмади. Жумладан, 1986 йил давомида республикадаги 321 та корхона ва ташкилот режада белгиланган вазифаларни бажаришнинг уддасидан чиқа олмади, 347,7 млн рубль миқдоридagi маҳсулот етказиб берилмади. 225 та энг муҳим маҳсулот турларидан 86 таси бўйича давлат режаси бажарилмай қолди [1].

Фан-техника тараққиётининг асосий кўрсаткичларига доир статистика бюллетенларининг маълумотлари диққат билан таҳлил қилинса, кўп нарса равшан бўлади. Гап шундаки, муаммо ҳатто режалаштирилган топшириқлар ва тадбирлардан орқада қолганликдан ташқари режаларнинг ўзи реал ва ҳаётий эмаслигида, фан-техника тараққиёти-

нинг устун йўналишларига етарлича эътибор берилмаганида эди. Эскириб қолган технологиядан, маънавий ва жисмоний ишдан чиқиб қолган асбоблардан фойдаланишнинг сабаби ҳам шунда эди. Биргина Шаҳрисабздаги “Хужум” пиллакашлик фабрикасини техник жиҳатдан қайта қуроллантириш масаласи тўртта беш йиллик давомида ҳал қилинмади, бу ерда 1927 йилги нусхадаги 252 та пиллакашлик дастгоҳининг ҳаммаси тўхтаб қолиш арафасида эди. Маҳаллий саноат корхоналаридаги асбоб-ускуналарнинг 60 фоиздан кўпроғи 20 йилдан буён ишлатилиб келинарди [2].

Ўрганилаётган даврда аслида иқтисодий тизимни қайта куриш, унинг моддий базасини мустаҳкамлаш, янги технологияларни жорий этиш, юқори даражадаги бошқарув тизими асосида иқтисодиётни ва ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш мўлжалланган эди. Лекин кейинчалик маълум бўлдики, қилинган умидлар хомхаёл бўлиб чиқди. Чунки ўн иккинчи беш йилликнинг икки йили мобайнида иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши давом этди. Натижада, 4,2 млрд сўмлик ижтимоий маҳсулот, 3,4 млрд сўмлик миллий даромад, қишлоқ хўжалигининг 2,2 млрд сўмлик ялпи маҳсулоти кам олинди. Ушбу давр ичида ижтимоий ишлаб чиқариш маҳсулотининг мутлақ ўсиши амалда юз бермади. Бу эса республикада кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш барқарор жараёнининг таъминланмаганлигини кўрсатади [3].

Корхоналарни тўлиқ хўжалик ҳисобига ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтказиш ҳам ўзини оқламади, чунки “социалистик хўжалик юритиш” тизими, раҳбарликнинг буйруқбозлик усуллари объектив жиҳатдан соғлом бозор муносабатларининг амалда намоён бўлишига тўсқинлик қиларди. Шунинг учун ҳам айни даврда ўзини ўзи қоплаш ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлашга ўтказилган корхоналар, ташкилотлар ва хўжаликларнинг талай қисми зарар кўриб ишлади [4].

Мазкур беш йиллик даврида Ўзбекистон ССР Министрлар Кенгаши қарамоғидаги ишлаётган корхона, ташкилот ва хўжаликлар сони 4796 тадан 2104 тага (бунда олинган зарар 152,6 млн сўм ёки 23,3 фоизга ортди) қисқарди. Ишлаб чиқариш тармоқлари доирасида 1988 йилда ижобий натижага эришган корхоналар сони 1987 йилда зарар билан ишлаган корхоналар сонидан икки баравар кам бўлди. Бунда ҳақиқий кўрилган зарар 607,4 млн сўм ўрнига 419,5 млн сўм ҳисобланган бўлиб, жами зарар билан ишлаган корхоналар сони 1515 та (ёки 73,6 фоизни) ташкил қилган эди [5].

Ижобий натижалар учун интилишлар қанчалик кучли бўлишига қарамай, ислохотларнинг самараси айтарли катта бўлмади. 1988 йил январь-августда Ўзбекистондаги 1267 та саноат корхонасидан бор-йўғи 320 таси (25,3 фоиз) тўлиқ хўжалик ҳисоби ва ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш шароитида ишлаган [6]. Сифат муаммоси ҳаддан ташқари кескин тус олиб кетди. Мазкур муаммони ҳал қилиш мақсадида маҳсулотнинг давлат қабули жорий этила бошланди. 1986 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқаришнинг асосий участкаларини давлат қабули бўйича 27 та пост назорат қилган эди. 1987 йилда давлат қабули шароитида ишловчи корхоналарда яроқсиз чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 833 минг сўмликни ташкил этди. Давлат қабули жорий этилган 33 корхонада ҳар ойда ўрта ҳисобда 0,9 млн сўмлик маҳсулот қабул қилинмас эди.

Агар 1986 йил декабрида давлат қабули талаби билан 60 фоиз маҳсулот қабул қилинган бўлса, 1987 йилнинг январига келиб 48,5 фоиз маҳсулот давлат қабули талабига жавоб берди. Мамлакатда маҳсулот сифатини ошириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар натижасига кўра, 1986 йилда ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида олий сифат категориясидаги маҳсулот салмоғи иттифоқ бўйича ҳисоблаганда 15 фоизни, Ўзбекистон бўйича эса атиги 10 фоизни ташкил этди [7]. Енгил саноатдаги аҳвол, айниқса, ёмон бўлиб, тармоқда болаларбоп моллар ишлаб чиқариш ўрнига “ялпи кўрсаткичга” зўр бериларди. Маҳаллий саноатда ялпи маҳсулот режаси барарилса-да, бироқ 1986 йилда савдо корхоналари бу тармоқдан 70 млн сўмлик молни олишдан бош тортган эди. Чунки у маҳсулотлар сифатсиз ва харид қилиш учун яроқсиз эди [8].

1990 йил июнь ойида қабул қилинган “СССР корхоналари тўғрисида”ги қонун [9] корхоналарнинг иқтисодий ва сиёсий ҳуқуқларини анча кенгайтди. Ўша вақтдан бош-

лаб корхоналар мулкчиликнинг ҳар қандай шаклига асосланадиган, солиқларни тўлагандан кейин қолган соф фойдадан мустақил фойдаланадиган, ўзларининг давлат билан муносабатларини фақат бозор асосларида белгилайдиган бўлдилар. Афсуски, ҳатто қисман ислоҳ қилинган совет ижтимоий ва давлат тузуми ҳам давлат тасарруфидаги иқтисодиётдан ҳаётий жиҳатдан муҳим бўлган бозор сиёсатига ўтишда объектив равишда қийинчиликларни туғдирди. Совет тузумининг “социалистик” бозорни таркиб топтиришга интилиши илғор ташаббуслари тўла-тўқис барбод қилишни назарда тутар эди. Миллий республикалар, жумладан, Ўзбекистоннинг чинакам иқтисодий ва сиёсий мустақил эмаслиги бозор муносабатларига ўтишга тўсқинлик қилди.

Кадрлар тайёрлашда уларнинг иш ҳақи даражаси, меҳнат шароитлари, турли мутахассисликлардаги ходимларнинг нуфузи каби талаблар қондирилмади. 80-йилларнинг охирида қарийб 20 минг олий маълумотли мутахассис ва 140 мингдан ортиқ ўрта махсус маълумотли мутахассислар ақлий меҳнат билан эмас, балки жисмоний меҳнат билан банд бўлдилар.

Советлар ҳукмронлиги йиллари Марказий Осиё минтақасининг ишлаб чиқарувчи кучлари бир мунча ривожланди, фан-техника тараққиётининг замонавий ютуқлари билан қуролланган инсоннинг табиатга фаол тарзда ва баъзида етарлича асосланмаган ҳолда кириб келиши унинг яшаш муҳитига улкан юк бўлишига олиб келди, кишиларнинг соғлиги ва ҳаёти учун потенциал хавф туғдирувчи экологик вазият юзага келди. Жумладан, Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариши ўсиб борган сайин атмосферага чиқариб юбориладиган зарарли моддаларнинг ҳажми анча кўпайиб, йилига 4,2 миллион тоннадан ошди, шунинг 2,9 миллиони автотранспортдан чиқарди. Андижон, Гулистон, Қўқон, Қарши, Навоий, Тошкент, Фарғона ва бошқа шаҳарларнинг ҳавоси жуда ифлосланган. Бу ҳудудларда бир галда ҳавога чиқариладиган зарарли моддалар миқдори йўл қўйиладиган меъёрлардан 6-9 маротаба ортиқ эди.

Экологик муаммонинг кескинлиги муайян даражада миллий даромадда материал сарфининг ўсиши туфайли юзага келган, бу эса инсоннинг табиатга бўлган антропоген юкларининг ошишига олиб келган. Чунончи, Ўзбекистон ССРда 1988 йилда миллий даромаднинг 1 фоиз ўсиши учун материал сарфининг 29 фоиз ўсиши талаб қилинди. Бу ҳолат иқтисодий структурага ҳам жиддий таъсир этиб, унда “ифлослантирувчи” тармоқларга – энергетика, металлургия ва тоғ-кон саноатига катта ўрин ажратилган эди.

Ишлаб чиқаришда материал ва энергиянинг ортиқча сарфланиши фойдали қазилмалар ундиришнинг йирик миқёсларини, уларни қайта ишлаш ва йўқотишни шартларди, бу эса ўз навбатида, бўш жинслар, кул ва тошқолнинг, сув ва ҳавога зарарли ташландиларнинг кўплаб чиқишини туғдирарди. Тахминий маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда ҳар йили 7,5 миллион тоннадан ортиқ фақат ҳисобга олинмаган саноат чиқиндиси, 60 миллион тоннадан ортиқ юзадаги жинслар ҳосил бўларди, лекин уларни ишлаб чиқаришга қайта жалб этиш даражаси очикдан-очик қониқтирарли даражада бўлмай, ўша пайтда у 3 фоиздан ошмасди. Бу эса умумиттифоқ кўрсаткичидан 2 баравар, Украина ССРдагидан 4 баравар паст эди.

Ҳосил бўлган чиқиндиларни ишлаб чиқариш жараёнига жалб этиш бўйича аҳвол қуйидагича эди: иккиламчи газмол – 90 фоиз, кул ва тошқол – 8,6 фоиз, каолинли гилтупроқ – 4,4 фоиз, иккиламчи полимерлар – 20 фоиз. Республикада амалда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши чиқиндилари, асбестли чиқиндилар (салкам 2 миллион тонна), бетон ва темир бетон (6,6 минг тонна), тахта тилиш ва ёғочга ишлов бериш чиқиндилари деярли ишлатилмасди [10].

Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари СССРнинг ташқи савдо вазирлиги ҳамда бошқа тегишли иттифоқ ташкилотлари назоратида ва бошқарувида бўлди. Бутун валюта ва экспорт-импорт операциялари, даромад олиш ва фойдани тақсимлаш улар томонидан амалга оширилди, бу маблағлардан, биринчи навбатда, умумиттифоқ дастурлари таъминланди. Мамлакатнинг марказлашган ташқи иқтисодий фаолияти қай даражада

сақланиб қолган бўлса, уни ташкил этувчи республикаларнинг ишлаб чиқаришида танглик ҳолатлари ҳам, бу соҳадаги ислохотлар ҳам шундай даражада кечди.

Ўзбекистонда мазкур ислохотлар бутунлай муваффақиятсиз бўлди. Республика экспортнинг хом ашё йўналишини, унинг тузилишини ва товарларнинг муайян гуруҳини четдан келтиришдан иборат анъанавий қарамлигини ўзгартирмади. Ўзбекистоннинг чет элга тайёр тўқимачилик маҳсулотларини сотиши ва ундан келадиган фойдадан баҳраманд бўлиш имкониятини ўзгартира олмади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон иқтисодиётининг хом ашё йўналишида бўлиши умумиттифоқ меҳнат тақсимоти билан мустаҳкамланди ва уни ривожлантириш пахтачилик билан қатъий боғланди, “қайта қуриш” йилларида эса пахта агросаноат мажмуининг хўжалик механизмини такомиллаштиришга қаратилди, бу механизм Россия ва айрим социалистик мамлакатлар тўқимачилик саноатини зарур миқдорда ва баъзи турдаги тола билан таъминлашдан иборат вазифани бажарди. Ўзбекистонни шу йўсинда ихтисослаш – унинг миллий даромадини, демак, аҳолининг турмуш даражаси ҳам паст бўлишини олдиндан белгилаб берди. Маълумки, бу ихтисослашувни сақлаган ҳолда саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, замонавий фан-техника негизига ўтказиш, шунингдек, мутахассисларга таълим бериш ва тайёрлаш тизимини янги даражага кўтариш ва бу йўл билан қолоқликнинг боши берк кўчасидан чиқиб олиш амалда мумкин эмасди. Марказ эса бу борада ғоят самарасиз сиёсат ўтказарди. Республикада керагидан ортиқча меҳнат сарфланиши ва ишсизлик (биргина Фарғона водийсининг ўзида камида 1 млн. ишсиз бор эди), буларга яна бир қатор муаммоларнинг – кўп миқдордаги аҳолининг, айниқса, маҳаллий аҳолининг қишлоқ жойларда тўплангани каби эски муаммоларнинг қўшилиши, жамоа кадриятлари ва манфаатларининг (уруғчилик, оила-қариндошчилик) шахсий манфаатлардан устуворлиги, ёшларда истиқбол ва келажакка умидворликнинг йўқлиги, масалан, уларнинг Фарғона водийсида ва бошқа жойларда кўпроқ намоён бўлиши, Ўзбекистондаги вазиятни ҳаддан ташқари кескинлаштириб, уни ички томондан зиддиятли ва беқарор қилиб қўйди [11].

Аммо бир томондан, республиканинг ўзида анча кучли ишлаб чиқариш-иқтисодий базаси таркиб топди. Унинг қишлоқ хўжалиги, саноати фақат иттифоқ доирасидагина муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмай, халқаро миқёсда ҳам сезиларли даражада иқтисодий аҳамиятга эга бўлиб борди. Ўзбекистон ўзининг саноат маҳсулоти билан (мустақил равишда бўлмаса-да) жаҳон бозорига чиқишга муваффақ бўлди. Чунончи, республиканинг электротехника буюмлари дунёнинг 30 дан ортиқ мамлакатига чиқариларди. Ўзбекистон пахта тозалаш заводлари учун асбоб-ускуналар ва пахта билан боғлиқ бошқа техникани Болгария, Югославия, Кубага етказиб берадиган бирдан-бир республика эди. Шарқий Европа мамлакатларига табиий газ етказиб бериш, рангли металлургия ва кимё саноати маҳсулотларини экспорт учун ишлаб чиқариш имконияти вужудга келди. Ривожланган капиталистик мамлакатларга машина-техника буюмлари, кимёвий маҳсулотлар, газлама, чинни идишлар, ривожланаётган мамлакатларга қишлоқ хўжалик машиналари, кимё ва тўқимачилик саноати учун асбоб-ускуналар, дизеллар, компрессорлар, экскаваторлар, киноаппаратура экспорт қилинди. Бироқ Ўзбекистон маҳсулотларининг кўпгина турлари унчалик рақобатбардош эмас, шу билан бирга, бу маҳсулотлар “СССР” номидан чиқариларди.

Иккинчи томондан, республика иқтисодиёти СССРнинг бошқа хўжалик районларига мажбурий боғлиқ қилиб қўйилди. Бу боғлиқлик чуқурлашиб бораётган ишлаб чиқариш кооперацияси таъсирида янада мураккаблашиб борди. Ўзбекистон бошқа иттифоқдош республикалардан машиналар, турли асбоб-ускуналар, кенг истеъмол молларини олиб туришга мажбур эди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Исаков Б.Н. Ўзбекистонда 80-йилларнинг иккинчи ярми – 2000 йиллардаги тарихий ўзгаришларнинг демографик жараёнларга таъсири. Тарих фанлари номзоди... диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2010. – 13 б.

2. Ражабов Н. Фан-техника тараққийетини жадаллаштириш – давр талаби // Ўзбекистон коммунисти. 1988. – №7.
3. Осминин В. Ўзбекистон ССР экономикасини қайта қуриш асосида ривожлантиришнинг яқун ҳамда проблемалари // Ўзбекистон коммунисти. 1988. – №11. – Б. 20.
4. “Ўзбекистон коммунисти”. 1987. №9. – Б. 35.
5. Ревун В. Убыточные предприятия: быт или не быт? // Экономика и жизнь. 1990. – №2. – С. 37.
6. Осминин В. Ўзбекистон ССР экономикасини қайта қуриш асосида ривожлантиришнинг яқун ҳамда проблемалари // Ўзбекистон коммунисти. 1988. №11. – Б. 23.
7. Йўлдошева Д. Қайта қуриш шароитида Ўзбекистон саноати. – Т., 1989. – Б. 10.
8. Ўша асар. – Б. 8.
9. Известия. 1990, 13 июня.
10. Шодиметов Ю. Жамият – Экология – Сиёсат // Инсон ва сиёсат. 1991. №6. – Б. 51-54.
11. Бу ҳақда батафсил қаранг: Ўзбекистон РПДА. 58-фонд, 418-рўйхат, 1-йиғма жилд, 39-51-варақлар.

РЕЗЮМЕ

Мақолада қайта қуриш сиёсатининг Ўзбекистон саноатига таъсири, кўрилган чораларда йўл кўйилган хатоликлар, мамлакат минтақалари ўртасидаги алоқаларнинг бузилиши, юзага келган сиёсий вазият ва уларнинг оқибатлари кўрсатиб берилган. Шу билан бирга, ишда аниқ статистик маълумотлар ҳамда турли манбалар ўзаро қиёсий таҳлил қилинган ва якуний хулосалар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье показаны последствия ошибочной политики «перестройки» для развития промышленности в Республике Узбекистан, раскрывается её влияние на разрушение региональных связей республик и возникновение сложной политической обстановки. Вместе с тем, автор проводит сравнительный анализ статистических данных и в конце статьи даёт свои выводы.

SUMMARY

The article shows the consequences of the erroneous policy of “restructuring” for the development of industry in the Republic of Uzbekistan, reveals its influence on the destruction of regional relations of the republics and the emergence of a complex political situation. At the same time, the author conducts a comparative analysis of statistical data and at the end of the article gives his own conclusions.

Наишга проф. Б.Эшов тавсия этган

БУХОРО ХОНЛИГИ ҚАРВОН ЙЎЛЛАРИДА ХАВФСИЗЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ХИЗМАТИ: ТАШКИЛ ЭТИШ ВА БОШҚАРИШ МАСАЛАЛАРИ

Эргашев Ж.Ю. (БухДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *савдо алоқалари, геосиёсий вазият, сепаратистик ҳаракат, элчилик миссиялари, қарвон йўллари, хавфсизликни таъминлаш, божхона, сарбозлар, қароқчилар.*

Key words: *trade relationships, geopolitical situation, separatist movements, embassy missions, caravan roads, security, customs, sergeants, robbers.*

Ключевые слова: *торговые отношения, геополитическая ситуация, сепаратистское движение, посольские миссии, караванные пути, обеспечение безопасности, таможня, пехотинец, грабители.*

Бухоро хонлиги XVI-XVII асрларда Ўрта Осиёнинг катта ҳудудларини ўз ичига олган давлат бўлиб, кенг тармоқли ички қарвон йўллари тизимига эга эди. Хонликнинг йирик шаҳарларини ўзаро боғлаб турган савдо йўллари ўз даврида Буюк ипак йўлининг асосий йўналишлари бўлиб, Шайбонийлар ва Аштархонийлар сулоласи ҳукмронлиги даврида ҳам минтақа коммуникация тизимининг муҳим таркибий қисми сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолди. Бухоро хонлиги шайбонийлар даврида, айниқса, Абдуллахон Иккинчи давлатни бошқарган даврда Бобурийлар Ҳиндистони ҳамда Қашғар орқали Хитой билан анъанавий алоқаларни сақлаб қолди. Шу билан бирга, халқаро алоқаларнинг янги йўналиши сифатида Москва князлиги билан савдо алоқаларини ўрнатди. Евроосиёда ўз мавқеини яратиш учун ҳаракат қилаётган ва туркий дунёнинг бир қатор ҳудудларига (Қо-

зон, Астрахан ва Сибирь) даъво қилиб, аста-секин эгаллаб олаётган Москва давлати ҳам Бухоро хонлиги билан савдо алоқаларини ўрнатиш ва ривожлантиришдан манфаатдор эди.

Савдо қарвонларига, чопарларга, сайёҳларга, элчилик миссиялари аъзоларига ва умуман йўловчиларга хизмат кўрсатиш тизимида хавфсизликни таъминлашга устувор вазифа сифатида қаралган. Бу масала минтақада қадимги давлатлар шаклланиб, минтақавий ва трансминтақавий халқаро алоқалар йўлга қўйила бошланган даврлардан бошлаб ҳукмрон сулолалар олдида турган вазифалардан бири бўлиб келарди.

Қарвон йўлларида хавфсизликни таъминлаш хизматини ташкил этишда хонликнинг табиий-географик шароити, иқлими, тоғ ва тоғолди ҳудудлари, дашт ва чўллар ҳамда дарё водийлари орқали ўтувчи қарвон йўлларининг хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш талаб этиларди. Бу соҳада тўпланган тажрибалар турли даврларга мансуб тарихий манбаларда ўз аксини топган. Улардаги маълумотлардан келиб чиқсак, сувсиз чўл ҳудудларидан ўтиш асосан сув тўлдирилган чарм халталардан етарли даражада олиш орқали ҳал қилинган бўлса, [1:9] катта қарвонлар тоғ йўлларидан одатда фақат ёз мавсумида ўтишган [2:79] ва отлар ҳамда бошқа улов воситаларини катта доволардан туширишда махсус мосламалар билан таъминлаш йўлга қўйилганини [3:37] қайд қилиш керак бўлади.

Бухоро хонлигининг қарвон йўлларидаги энг жиддий хавф айрим йўналишларда, айниқса, дашт ва чўл ҳудудлари орқали ўтувчи йўлларда талончилик ва қароқчилик ҳисобланарди. Бундай йўналишларда нафақат савдо қарвонлари ва йўловчилар, кўпинча катта моддий бойликка эга бўлмаган чопарлар, элчилик миссиялари аъзоларининг хавфсизлигини таъминлаш ҳам давлат аҳамиятига молик жиддий муаммолардан бири эди. Хонликда марказий ҳокимиятнинг мавқеи кучайиши қарвон йўлларида хавфсизликни таъминлашдаги муаммоларни камайтирувчи омиллардан ҳисобланарди. Марказий ҳокимиятнинг заифлашиши ва ҳокимият учун курашлар даврида, ички низолар кучайган пайтда қарвон йўлларида, хусусан, Марказий ҳокимият назорат қилиши қийин ёки умуман бўлмаган ҳудудлардан ўтиш биринчи галда савдо қарвонлари учун жиддий муаммо бўлганлиги тарихий манбаларда акс этган.

Шайбонийлар ва Аштархонийлар ўзларини Туронзаминдаги қудратли салтанатларнинг меросхўри сифати кўриб, Турк ҳоқонлиги, Амир Темур давлати каби улкан салтанатлар даврида бутун Марказий Осиё ва унга қўшни ҳудудларда юксак даражада ташкил этилган хавфсизликни таъминлаш хизматини йўлга қўйганлар.

Турли кўчманчи чорвадор қабилалар тасарруфида, назорати остида бўлган бу ҳудудлардан савдо қарвонлари ўтиши уруғ бошлиқлари ва савдо-сотикдан манфаатдор бўлган маҳаллий ижтимоий қатламлар учун керакли бўлган, албатта. Баъзи тадқиқотчилар кўчманчи чорвадорларга хос бағрикенглик, меҳмондўстликни, чорвадорларнинг ҳар бир ўтовида йўловчилар озиқ-овқат ва зарурат бўлганда от ёки бошқа улов воситалари билан ҳам таъминланганлигини қайд этишади [4:39]. Савдо йўллари фаолиятдан манфаатдорлик бу ҳудудлардаги йўлларда хавфсизликни таъминлаш кафолати сифатида ҳам кўзга ташланади. Лекин барча даврларда ҳам юқоридагидек меҳмондўстлик ва бағрикенглик бўлмаганлигини, бепоён даштлар орқали ўтувчи қарвон йўлларида табиий тўсиқлар билан бирга айнан хавфсизликни таъминлаш масаласи кўп ҳолларда жиддий муаммо бўлгани маълум.

Ички ва ташқи иқтисодий-маданий алоқаларни ривожлантириш давлат аҳамиятига эга масалалардан бўлиб, бундан бевосита манфаатдор бўлган бундай давлатларда қарвон йўлларида хавфсизликни таъминлаш, йўловчиларга тегишли хизматларни кўрсатиш ишига сиёсий масала сифатида қаралар эди. Ташқи савдодан катта фойда олганликлари боис, бу давлатлар қарвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш кафолати бўлиб майдонга чиқдилар. Қарвон йўллари бўйида божхоналар, йўлбўйи иншоотлари барпо этилди, савдо қарвонларининг зарурий эҳтиёжларини (озиқ-овқат ва сувга, улов воситалари учун ем-хашакка ва бошқаларга бўлган талаблар) таъминлашга хизмат қилувчи тегишли инфратузилмалар ташкил этилди.

Карвон йўлларида миноралар куришга, зарур жойларда турли белгилар ва махсус йўлкўрсаткичлар бўлишига азалдан катта эътибор қаратилгани маълум [5:171-174]. Буни Буюк ипак йўлидан мерос сифатида Бухоро хонлиги карвон йўлларида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, мисол тариқасида шайбоний ҳукмдор Абдулахон II томонидан Шахрисабздан Оқработ орқали Темир дарвозага олиб борувчи Калтаминор йўлида қурилган минораларни келтириб ўтиш мумкин [6:144-145]. Буларнинг барчаси ички ва ташқи иқтисодий-маданий алоқалар йўлларда хавфсизликни таъминлаш масаласи билан узвий боғлиқликда ривожланиб боришига имкон берди.

Кўриб чиқиладиган даврда марказий ҳукумат аъзолари ва маҳаллий ҳокимлар ҳам карвон йўлларининг хавфсизлигини таъминлашга эътибор беришган. Бунга нафақат уларнинг ўз мансаб вазифасини бажариши, шу билан бирга, ички ва ташқи савдода иштирок этиши, савдо карвонларидан олинган бож йиғими орқали катта фойда олиши сабабли эди.

Айниқса, бепоён ва кимсасиз чўллар, даштлар орқали ўтувчи савдо йўлларида хавфсизликни таъминлаш катта эътибор ва куч талаб этарди. Агар катта савдо карвонларини одатда қуролланган махсус кўриқчи гуруҳлар маълум масофаларда кузатиб боришган бўлса, кичик карвонлар кўп ҳолларда ўз хавфсизлигини ўзлари таъминлашга мажбур эдилар [7:26].

Карвон йўлларида элчилар ва элчилик миссиялари аъзолари, турли тоифадаги амалдорлар, давлат хизматчилари, чопарлар, махсус ёрликқа эга бўлган савдогарларнинг хавфсизлигини таъминлашга ва уларга бошқа тегишли хизматлар кўрсатишга катта эътибор қаратиларди. Бу тизим минтақамизда қадимдан бўлган. Масалан, Марказий Осиёда катта таъсирга эга бўлган Хун элчилари Усунлар юртидан (Еттисувдан) Анъсигача (Эронгача) бўлган ҳар бир ўлкада йўлбошловчи билан таъминланиб, озиқ-овқат ва улов воситаларига бўлган талаби тўлиқ қондирилганлиги машҳур Хитой сайёҳи, элчи Чжан Цяннинг Даван давлатидан Катта Юечжилар юртига ўтишида йўлбошчилар билан таъминланиб, хавфсизлиги таъминлангани ҳақида Хитой манбаларидаги маълумотлар мисолида ҳам кўрамиз [8:165].

Манбаларда карвонлар хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган кўриқчи сарбозлар гуруҳлари ҳақида маълумотлар кўплаб учрайди. Хусусан, Абдуллахон II (1558-1598 йй.) даврида бу ердаги чўлда барпо этилган работларда карвон йўлини кўриқлаш вазифаси юклатилган сарбозлар гуруҳи жойлаштирилгани маълум [9:34].

Сиёсий беқарорлик, ўзаро низолар ва марказий ҳукуматнинг заифлашуви карвон йўлларида хавф-хатарларнинг ошишига олиб келувчи сабаблардан эди. Масалан, XVI асрнинг 40-йиллари охири 50-йиллари ўрталарида Ҳиндистондан Ўрта Осиё орқали ўз юртига ўтган турк адмиралли Сайди Али Раис асарида ҳам карвон йўлларида хавфсизликни таъминлашдаги муаммолар қайд этилган [10:94-116]. Москва князи Иван Грознийнинг элчиси сифатида 1558 йилда Ўрта Осиёга келган Англия фуқароси Антони Женкинсон Хоразмнинг пойтахти Урганчдан Бухорога қараб йўлга чиққанда Хоразм хонининг кўриқчилар ажратганлиги ва элчининг хавфсизлиги таъминланиши ҳақидаги хатига қарамасдан уларнинг карвонига қароқчилар ҳужум қилганлигини ёзади [11:36-41]. Бу маълумотлар Бухоро ва қўшни Хоразм давлатларидаги нотинч сиёсий вазият даврида йўлларда хавфсизликни таъминлашдаги муаммолар бўлганлигини кўрсатувчи муҳим далиллардир.

Йўлларда хавфсизликни таъминлаш, савдо карвонларини қароқчилар ҳуружларидан сақлашда талончи гуруҳларни зарарсизлантириш бўйича мунтазам иш олиб бориш давлат аҳамиятига эга эди.

Бухоро хонлигида муҳим йўлбўйи иншоотларидан бўлган карвонсарой ва работлар карвон йўллари хавфсизлигини таъминлаш вазифасини бажарувчи кўриқчи гуруҳлар учун қўналға вазифасини ҳам бажарганлиги маълум. Ҳатто XIX асрда ҳам Бухоро сарбозлари Қоровулбозорда, Хўжа Муборақда ва Бухоро – Қарши – Керки йўлидаги бошқа работларда жойлаштирилиб, уларга карвонлар хавфсизлигини таъминлаш, савдогарларни кўчманчи туркманлар ҳужумидан сақлаш вазифалари юклатилган эди [12:654]. Рус ҳарбий манбалари маълумотида кўра, Бухоро сарбозлари Карманадан 2 тош [13:26] узоқликдаги Работи Маликда ҳам жойлаштирилган бўлиб, уларга Бухоро – Кармана – Самарқанд йўлини кўриқлаш вазифаси юклатилган [14:229]. Хонликда йўлларни талончилардан кўриқлаш вазифасини Қоровулбеги бошлиқ сарбозлар бажарган [15:99].

Бухоро ҳукумати бу даврда хонликнинг дашт-чўл ҳудудлари орқали ўтувчи қарвонлар хавфсизлигини таъминлашга тўлиқ эриша олмаганлигини кўрамиз. Ҳатто айрим йўл-бўйидаги иншоотлардан қароқчилар таянч манзил сифатида ҳам фойдаланганлар. Рус ҳарбий манбаларида Бухоро – Қарши оралиғида жойлашган Бўзачи работи бўза ичиб, йўловчиларни талайдиган қароқчилар макони сифатида таърифлангани бундан далолатдир [16:113]. Бухоронинг Эрондаги савдо шаҳарлари билан алоқаларида муҳим ўрин тутган Чоржуй – Марв йўлидаги ягона чучук сувли Рапатак манзили қароқчи туркманлар назорати остида бўлиб, савдо қарвонлари ва ҳатто ҳаж сафарига кетувчилар ҳам таланиш хавфи мавжудлиги сабабли бу манзилни четлаб ўтишга мажбур бўлганлар [17:60-61].

Хонликнинг тоғли ҳудудлари ҳам хавфсизлик нуқтаи-назаридан эътиборни талаб қилган. Бухородан Фарғона водийси орқали Хитойга ўтувчи Қашқар йўлида ҳам сиёсий нотинчлик даврларида қирғизлар томонидан савдо қарвонлари таланиши ҳақида маълумотлар мавжуд [18:110-111].

Сўнги ўрта асрларда қозоқ даштлари ҳам хавфсизлик энг кам таъминланган ҳудудлардан бири бўлиб қолган эди. XIX аср бошларида Оренбургдан Россияга ҳарбий соқчилар кузатувида йўлга чиққан қарвоннинг ҳам кўчманчи қозоқлар ва хивалиқлар томонидан таланганлиги [19:14-17] бу даврда йўлларда талончилик ниҳоятда жиддий муаммо бўлганидан далолат беради.

Шу сабабли, Марказий Осиёнинг йирик давлати бўлган Бухоро хонлиги қарвон йўлларида, айрим ҳолларда фақат ёлғиз сайёҳлар, қашшоқлар ва дарвишларнинг хавфсизлиги бирмунча таъминланган эди [20: 288]. Шу сабабли ҳам, қарвон йўлларида хавфсизликни таъминлаш маҳаллий ва марказий ҳукуматнинг, савдо-сотикдан манфаатдор ижтимоий табақаларнинг доимий диққат марказида турган масала бўлганидан далолатдир. Лекин айрим ҳолларда бу тамойилдан четга чиқиш ҳолатлари ҳам бўлган. Масалан, XIX асрнинг 30-йилларида Оллоқулихон томонидан Марв туркманлари устига юборилган Хива навқарлари Машҳаддан Марв орқали Бухорога ва Бухородан Марвга кетаётган савдо қарвонини талагани [21:7,126] сиёсий низолар қарвон йўлларида хавфсизликни таъминлашда салбий ўрин тутганлигининг яна бир исботидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Гинтелло. Сведения по интендантской части, собранные в Бухарском ханстве капитаном Гинтелло в мае и июне 1885 г. // СМА. – СПб.: Военная типография, 1886. Вып. XXI. – С. 53.
2. Маев Н. Очерки горных бекств // Материалы для статистики Туркестанского края. – СПб., 1879. Вып.V. – С. 280-328.
3. Шилтбергер И. Путешествия Иоганна Шилтбергера по Европе, Азии и Африке (с 1394 по 1427 г.) / Перевел с немецкого и снабдил примечаниями Ф. Брун. – Ташкент: Шарқ, 1997. – С. 337.
4. Калыбекова А. Теоретические и прикладные основы народной педагогики казахов. – Алматы: БАУР, 2005. – 363 с.
5. Носир Хисров. Сафарнома / Форсийдан Ғ. Карим таржимаси. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 84 б.
6. Маев Н. Очерки Гиссарского края // Материалы для статистики Туркестанского края. – СПб., 1879. Вып.V. – С. 130-255.
7. Мукминова Р.Г. Социальная дифференциация населения городов Узбекистана в XV-XVI вв. – Ташкент: Фан, 1985. – 137 с.
8. Бичурин Н.Я (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. В 3-х частях. – Алматы: ТОО “Жалын Баспасы”, 1998. Ч.2. – 348 с.
9. Хорошхин С.П. Сборник статей, касающихся до Туркестанского края. – СПб., 1876. – С. 34.
10. Сайди Али Раис. Миръот ул ма’молик (Мамлакатлар кўзгуси) / Таржима ва изоҳлар И. Зуннуновники, таҳрир ва сўзбоши С. Азимжонованики. – Тошкент: Фан, 1963. – 138 б.
11. Мирзаев Р. Путешествие в Бухару Энтони Дженкинсона // Мозийдан садо. – Тошкент, 2004. – № 4 (24). – Б. 36-41.
12. ЎзР МДА. 1-жамғарма, 34-рўйхат, 172-иш, 38-варақ; Крестовский В.В. В гостях у эмира Бухарского (Путевой вестник) // Русский вестник. 1884. – № 6. – С. 654.
13. Архипов. Военная рекогноцировка равнинной части Бухарского ханства, произведенная в 1883 г. Генерального Штаба капитаном Архиповым // СМА. – СПб.: Военная типография, 1884. Вып. X. – С.171-238.

14. Архипов. Военная рекогноцировка равнинной части Бухарского ханства, произведенная в 1883 г. Генерального Штаба Капитаномъ Архиповым // Сборникъ географическихъ, топографическихъ и статистическихъ матеріаловъ по Азій. – СПб., 1884. Вып. X. – С. 229.

15. Семёнов А.А. Очерк устройства Центрального административного управления Бухарского ханства позднейшего времени. Материалы по истории таджиков и узбеков Средней Азии. – Сталинабад, 1954. Вып. II. – С. 179.

16. Стремоуховъ Н. Поездке в Бухару (Извлечение из дневника) // Туркестанский сборник. – Т. 78. – СПб., 1873. – С. 113.

17. Петров. Путь въ замѣтки класснаго топографа тит. сов. Петрова 1884 г. // Сборникъ географическихъ, топографическихъ и статистическихъ матеріаловъ по Азій. Вып. XXL. – СПб., 1886. – С. 60-61.

18. Бабабеков Х. История Коканда. – Ташкент: Фан, 1996. – С. 193.

19. Мухаммаджонов А.Р., Неъматов Т.Н. Бухоро ва Хиванинг Россия билан муносабатлари тарихига доир баъзи манбалар. – Тошкент, 1957, – Б. 208.

20. Вамбери А. Путешествие по Средней Азии / Перевод с немецкого с примечаниями В.А. Ромодина. – СПб., 2005. – С. 288.

21. Огахий, Мухаммад Ризо Мироб Эрнӣзбек ўғли. «Жомеал-воқеати Султоний»дан // Асарлар. VI жилдлик. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1980. VI жилд. – Б-362.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Бухоро хонлиги карвон йўлларида хавфсизликни таъминлаш хизмати, уни ташкил этувчи маҳаллий ҳокимият органлари ҳақида сўз юритилган. Бундан ташқари, хавфсизлик тизимини назорат қилувчи органлар ва масъул шахслар фаолияти ҳақида маълумотлар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье идет речь о службе обеспечения безопасности на караванных путях Бухарского ханства и формирующих ее местных органах власти. В рамках статьи также представлены данные о деятельности органов и ответственных лиц, контролировавших безопасность.

SUMMARY

In article was written about saving security system in caravan roads of Bukhara Emirates and importance of native government in this sphere. Beside it here was written information about persons who was responsible for saving security in caravan roads at that time.

Наишга проф. Б.Эшов тавсия этгин

ТУРКИСТОНДА КАРТОШКА ЭКИН НАВИНИНГ ТАРҚАЛИШИ ТАРИХИ

(XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари)

Ҳайитов Ж.Ш. (БухДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *сабзавотчилик, полизчилик, кўчқиндилар, картошка, янги экин, нав, Жанубий Америка, десятина, ер майдони, савдо-сотиқ, маҳаллий аҳоли, озиқ-овқат, трансфоамация, ҳосилдорлик, пуд, фунт.*

Ключевые слова: *овощеводство, садоводство, картофель, новые культуры, сорт, Южная Америка, десятина, земельный участок, торговля, местное население, продукты питания, трансформация, продуктивность, пуд, фунт.*

Key words: *vegetable growing, gardening, potatoes, new crops, sort, South America, dessiatin, land, trade, local population, food products, transformation, productivity, pood, pound.*

Қириш. Россия империяси мустамлакаси йилларида (1867 – 1917 йй) Туркистон ўлкасига янги экин навларининг йирик “миграция” босқичи юз берди. Бугунги кунда Ўзбекистонда етиштирилаётган мева ва сабзавотларнинг ўнлаб навлари хориждан келтирилиб, XIX аср иккинчи – XX аср бошларида маҳаллий шароитга маданийлаштирилди. Улар ер юзининг Америка, Европа, Кавказ ва Қрим минтақаларидан олиб келиниб, дастлаб тажриба – синов майдонлари ва участкаларида экилиб, сўнгра бутун ўлка бўйлаб тарқалиб кетди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси” билан боғлиқ 4947 –

сонли Фармонида Ўзбекистонда 2017–2021 йилларда мевачилик ва сабзавотчиликни ривожлантириш истиқболлари белгилаб берилди.[4.] Шунингдек, инсон истеъмолининг 50 фоизини мева ва сабзавотлар ташкил этиши, витаминларга бой бу неъматлар ҳар бир давлатда жамият аъзоларини соғлом ва баркамол бўлишида муҳимлиги олимлар томонидан исботланган. Ҳозирда Ўзбекистон аҳолиси кундалик озиқ-овқат истеъмолининг муҳим сабзавот экини ҳисобланган картошкасиз тасаввур қилиб бўлмайди. Картошка ишлатилмайдиган овқатлар сони бармоқ билан санарлидир. Республикамизда деҳқон ва фермерлар томонидан картошка экиннинг 70 та нави етиштирилиб келинмоқда ва унинг янги навларини яратиш устида ҳамон илмий изланишлар олиб борилмоқда. [12.] Ушбу заруратдан келиб чиқиб, мазкур мақолада картошка экин навининг Туркистон ўлкасида тарқалиш тарихи юзасидан илмий мулоҳаза юритиш мақсади кўзланган.

Тарихий адабиётларда келтирилишича, картошканинг ватани Жанубий Америка қитъаси бўлиб, бундан 14 минг йиллар илгари америкаликлар томонидан экиб келинган. Бу янги экин нави 1565 йилда Европа қитъасига испанлар томонидан олиб келиниб, Россия ҳудудига кириб келиши XVIII асрга тўғри келади. Ушбу мамлакат деҳқончилик маданиятига киритилган картошканинг тугунаклари дастлаб истеъмол қилинмай, турфа ранг гуллар пояси император ва императрицалар саройини гул сифатида безатган. Россия императрицаси Екатерина II (ҳукмронлиги: 1762–1792 йй) саройида турли-туман анвойи гуллар қаторида картошка ҳам гул сифатида парваришланган. Россия тарихида шундай даврлар бўлганки, ушбу экинни рус деҳқонлари экмаслик учун тўполонлар қилганлар. Улар картошкани “Шайтон олма” (чортовая яблока) – деб аташган. У пайтларда картошкадан витаминларга бой турли хил овқатлар тайёрланиши, ундан крахмал ва спирт олинишини билмаганлар. Бироқ Жанубий Америкада картошканинг 150 дан ортик маданийлаштирилган ва ёввойи навларини майя, ацтек, инк қабилалари яхши биларди. [5. 485.]

Академик олим В.В.Бартольд В.Масальскийнинг “Туркистон очерклари” (“Очерки Туркестана”) ва Наливкиннинг “Фарғона очерки” асарларига таяниб: Картошка руслар Туркистонга кириб келгунча маҳаллий аҳоли учун бутунлай нотаниш бўлган. Бироқ Тошкент шаҳри ва унинг атрофида истиқомат қилувчи татарлар картошка етиштиришган. Наливкин маълумотича татарларнинг сони 5000 киши атрофида бўлган”, – деб ёзади. [1.159.]

Картошка экин навининг маҳаллий аҳоли хўжалигига кириб келиши тарихи билан боғлиқ фикр-мулоҳазалар турличадир. Маълумотлардан бирида “Картошка дастлаб Тошкент уезидан бундан ўн йиллар олдин (1860 йилларда) пайдо бўлиб, Тошкент шаҳридан 8 чақирим узоқликда жойлашган Солар дарёси бўйидаги Убай (Губай) қишлоғига Мулла Убай томонидан келтирилиб иқлимлаштирилган,” – деб ёзилади. [10.21.] Иккинчи бир маълумотда, “Картошкани руслар ва татарлар олиб келиб, туземец (маҳаллий аҳоли)дан 1870 йиллар бошида фақат қирғизлар (қозоқлар) экарди. Сарт (ўзбек)лар бу фойдали экинга ишончсизлик билан қараб экишмади,” – деб ёзилган. [2.178.] Маҳаллий аҳоли дастлаб картошка экинни экмаслиги, картошка истеъмол қилмаслиги, картошка савдоси билан шуғулланмаслиги ҳақида манбаларда бир хил маълумотлар келтирилган. Картошка рус посёлка ва қишлоқларида экилиб, унинг Европа аҳолиси томонидан истеъмол қилингани ҳамда мол истеъмол қиладиган озуқабоп картошка навлари ҳам етиштирилганлигига гувоҳ бўламиз.

Тарихий манбалар шуни кўрсатадики, картошка дастлаб Туркистон генерал- губернаторлиги вилоятларидан Сирдарё ва Фарғонада тарқала бошлаган. Ўтроқлашган, рус кўчкдилари билан қўшни яшаган қирғизлар картошка эка бошлаган. Картошка экин нави 1880-йилларда ҳам ўлка бўйлаб кенг тарқалиб улгурмаганди. Шунга қарамай маҳаллий аҳоли картошкани ўз хўжалигига олиб келар экан, аввало, уни бозорда сотиш учун етиштирди. Генерал-губернаторлик маркази Тошкент шаҳри бозорига картошка 760 чақирим узоқликда бўлган Верний (Олмаота) шаҳридан олиб келиниб, унинг 1 пуди 3 рубль сотилган.[3.152.] Фарғона водийсида умумий экин майдонлари 1885 йилда 365.142 десятинани ташкил этган ҳолда, картошка экилган ерлар 45 десятина эди. Бироқ XIX аср сўнгги ўн йиллиги – XX аср бошларида картошка экиладиган майдонлар Фарғона вило-

ятида тезлик билан кўпайиб борди ва унинг ҳосилдорлиги йилдан-йилга ошди. Қуйида келтириладиган жадвал бу ҳақдаги фикримизни тасдиқлайди. [10. 3, 4, 5, 6, 7, 9, 10, 11, 129]

Йиллар	Картошка экилган майдон (ўтрок)	Картошка экилган майдон (кўчманчи)	Жами	Йиғилган ҳосил пуд ҳисоби да (ўтрок)	Йиғилган ҳосил пуд ҳисобида (кўчманчи)	Жами пуд ҳисобида	Ҳосилдорлик центнер ҳисобида
1891	191	–	191	3775	–	3775	19
1892	222	–	222	4419	–	4419	20
1893	2130	–	2130	99860	–	99860	17,0
1894	2185	–	2185	92950	–	92950	21,69
1895	2586	–	2586	98586	–	98586	21,19
1896	4766	50	4816	101530	860	102390	20,4
1897	6432	–	6432	131585	–	131585	20,5
1898	5840	101	5941	151650	2050	172701	22,4
1899	7320	–	7320	171556	–	171556	20,8
1900	3263	183	3446	54673	4680	59473	16,7

Юқоридаги жадвалдан кўриниб турибдики, 10 йиллар давомида Фарғона водийсида картошка экин майдонлари кенгайиб борган, ўтрок аҳоли билан бирга баъзи йилларда кўчманчилар ҳам картошка етиштириш билан шуғулланишган. Ўша давр агрономларининг ёзишча, айрим йилларда совук тез тушиши, ҳосилни ҳашарот босиши каби омиллар туфайли ҳосилдорлик миқдори пасайган. Ҳар уч йилдан сўнг, ҳосилсизлик йили қайтарилиши ҳақида маълумотлар берилар экан, баъзи йилларда донли экинларни ҳашарот еб кетса, улардан бўшаган ерларга картошка экини экилган ҳолатлар бўлган. Рус маъмурлари ва агрономлари картошка экини учун Туркистон иклими қулайлиги, бу экин келажакда истиқболи кенг бўлишини ҳисобга олиб, унинг посёлка ва қишлоқларда кенг тарқалишига оммавий ёрдам қилдилар. “Фарғона вилояти Чуст уезди Олмос қишлоғида 300 десятина ерга картошка экилди”, – деб ёзади рус агрономи А.Шахназаров. [9.72.] Қишлоқ деҳқонлари томонидан олинган ҳосилнинг асосий қисми бозорда рус аҳолиси ва харбийларига сотилган.

Маҳаллий ва рус деҳқонлари 1910– 911 йилларда Фарғона вилояти Наманган уезди далаларида 297 десятина ерга картошка экканлар. Фарғона вилоятида XX аср дастлабқа ўн йиллигида картошка майдонлари 166 десятинадан 853 десятинача гоҳ камайиб ва кўпайиб турган. 1911 йилда Андижон уезида 164 десятина экин ер майдонига картошка экилган, унинг ҳосилдорлиги 1 десятинадан 447,9 пудни ташкил этган.[1.158.]

Туркистон генерал-губернаторлигининг Сирдарё вилоятида 1906 йилда 1403 десятина, 1907 йилда эса 1197 десятина ерга картошка уруғи қадалиб, 1906 йилда 515.900 пуд, 1907 йилда 509.400 пуд картошка ҳосили олинган, олинган ҳосилнинг 463 минг пуди келгуси йил уруғликка қолдирилиб, вилоятда аҳоли жон бошига ўртача 0,26 пуд картошка истеъмоли тўғри келган. 1906 йилда 1 десятина ердан олинган картошка ҳосилининг миқдори 367,7 пудни ташкил этган бўлса, 1907 йилда 425,6 пудга ошиб, ҳосилдорлик даражаси ҳар бир десятина ердан 67,9 пудгача кўпайган. [6.32–33.] 1907 йилда Сирдарё уездларида картошка экин майдонлари ва етиштирилган ҳосил миқдори қуйидаги жадвалда келтирилди. [7.33; 34.]

Уездлар	Экин майдони (десятина ҳисобида)	Олинган ҳосил миқдори (пуд ҳисобида)	Изоҳ
Тошкент	611	320.795	
Амударё	206	72.100	
Авлиёота	49	12.923	
Казалинск	–	–	Аник эмас
Перовск	160	–	Аник эмас
Чимкент	171	56.993	
Жами	1197	509.426	

Туркистон ўлкасининг Самарқанд вилоятида 1908 йилда 379 десятина ерга картошка экилиб, қутилган натижада ҳосил олинган. Самарқанд уезди картошка экини учун қулай бўлиб, унинг турли навларини иқлимлаштириш нисбатан осон кечган. Еттисув вилоятида нафақат қирғиз ва ўзбеклар, таранчи ва дунганлар ҳам картошка экишдаги деҳқончилик маданиятини ўзлаштирганлар. Бироқ картошка истеъмол қилишга ўтиш маҳаллий аҳоли томонидан Еттисув вилоятида секинлик билан борди.[1.160]. Фарғона вилоятининг Марғилон ва Наманган уездларида картошка майдонлари XIX аср охирида 333 десятинадан 999 десятинагача ошиб борган. В.И.Кушелевскийнинг таъкидича, картошка Марғилон уездининг Учқўрғон, Қоратепа волостларида нисбатан кенг майдонларга экилган. В.Масальскийнинг ёзишича, 1911 йилда Фарғона вилоятида маҳаллий деҳқонлар 853 десятина, рус деҳқонлари 166 десятина, жами 1019 десятина ерга картошка экидилар. Ўртача ҳосилдорлик ҳар бир десятина ердан 450 пудгача етказилди. Агар ушбу натижа 1885 йил билан қиёсланганда, картошка майдонлари 25 йил давомида 12,5 баравар кўпайганлигига гувоҳ бўламиз. [6.250.] Ушбу муаллифнинг ёзишича, маҳаллий аҳоли картошкадан илк бор каша (картошка фюре) тайёрлаган ва кунжут ёғида картошкани пиёз билан қовуриб қовурдоқ ҳолатда истеъмол қилишган. Картошка янги сабзавот тури сифатида бозорга олиб чиқилар экан, у доимо бир хил нархда эмас, истеъмолчи талабига қараб вилоятларда, шаҳар ва посёлкаларда турли нархларда сотилган. 1890 йил Марғилон бозорида 1 пуд картошка 30 тийинга баҳоланган. Самарқанда – 40 тийин, Еттисувда – 45 – 60 тийинга сотилиши қайд этилган. [7.35; 6.253.] Бошқа сабзавот турларининг ўша пайтдаги бозор нархлари билан таққослаганда, картошка истеъмолчиларга ўртача нархда сотилганлигига гувоҳ бўлинади. Масалан, Марғилон бозорида XIX аср охирида 1 пуд лавлаги – 30 коп, 1 бош қарам – 2– коп, 1 пуд сабзи – 30 коп, 1 пуд пиёз – 30 коп, Астрахань тарвузининг бир донаси ўртача 8–10 копдан сотилган.

XX аср бошларида Россия империяси ва Европа мамлакатларидан айрим озиқ – овқатлар қаторида картошка ҳам ўлкага экспорт қилинган. Жумладан, 1901 йил Самарқанд вилоятига Россия ва бошқа Европа мамлакатларидан 210.327 пуд ун, 682,144 пуд гуруч, шунингдек, 60.000 пуд картошка келтирилган. [8. 14.]

XX аср дастлабки ўн йиллигидаёқ картошка рус деҳқонлари сингари маҳаллий аҳоли хўжалигида ҳам асосий экин турларидан бирига айланиб улгурди. Ушбу сабзавот тури асосий экин нави ва кенг истеъмол қилингунга қадар уч босқични босиб ўтди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бартолд В.В. История культурной жизни Туркестана. Изд.Акад.наук СССР. – Ленинград, 1927. – 253 с.
2. Земледельческая производительность Средней Азии // Туркестанский сборник. 29-том. – С. 177-179.
3. Исоқов З. Фарғона водийси анъанавий деҳқончилик маданияти (Хўжалик-маданий анъаналар: тавсифи ва таҳлили) – Т.:Yangi nashr. 2010. – 186 б.
4. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили”да амалга оширишга оид Давлат давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий-услубий рисола. – Т.: Маънавият; 2017. – 244 б.
5. Картошка. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. 4-том. – Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” нашриёти, 2002. – Б. 484 – 485.
6. Кушелевский В.И. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Т. II. – Новый Маргелан. 1891. – 476 с.
7. Ступанов И. Итоги земледелия Сырдарьинской области // Туркестанский сборник. 534-том. – С. 30 – 38.
8. Ураков Д.Ж. Официальные отчеты Российской администрациям в Туркестане как исторический источник (конец XIX – начала XX в.в.). Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидат исторических наук. – Тошкент, 1999. – 29 с.
9. Шахназаров А.И. Очерк сельского хозяйства Туркестанского края. – Санкт-Петербург, 1898. – 152 с.

10. Обзор Ферганской области за 1891–1900. – Новый Маргелан: 1892, 1893, 1894, 1895, 1896, 1897, 1898, 1899, 1900. – С. 3–29.

11. Хорошхин А. Очерки Туркестана (IV часть) // Туркестанский сборник. Том 1. – С. 20-22.

12. Ўзбекистонда озиқ-овқат захираларини яратиш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга бағишланган халқаро конференция // Халқ сўзи, 2014 йил 8 май.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада тарихий манбалар ва адабиётлардаги маълумотлар асосида Туркистонда картошка экин навининг тарқалиш тарихи илмий жиҳатдан таҳлил қилинади.

РЕЗЮМЕ

В статье на основании исторических источников и данных литературы с научной точки зрения анализируется история распространения картофеля в Туркестане.

SUMMARY

The article scientifically analyzes the history of potato distribution in Turkestan based on historical sources and literature data.

Наишга проф. Б.Эшов тавсия этган

1970–1990-ЙИЛЛАРДА ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРИ МАДАНИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

Полвонов К.Н. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: Қашқадарё, шаҳар, маданият бўлими, ансамбл, кино-театр, клуб, кутубхона, маданият саройи, тўгарак, матбуот.

Ключевые слова: Кашкадарья, город, отдел культуры, ансамбль, кинотеатр, клуб, библиотека, дворец культуры, кружок, пресса.

Key words: Kashkadarya, city, towns, cultural departments, ensemble, cinema, club, library, culture palace, circle, the press.

Жамият ҳаётининг асосий йўналишларидан бири бу маданий соҳадир. Аҳоли ўрта-сида тарбиявий ишларни йўлга қўйишда, жамиятда рўй бераётган ўзгаришлардан бохабар қилишда, қолаверса, меҳнат фаоллигини оширишда соҳанинг ўрни салмоқлидир.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида “маданий-маърифий ташкилотлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш”[1] га алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада соҳа тарихини ўрганиш, ундан тегишли хулосалар чиқариш муҳим аҳамият касб этади.

XX асрнинг 70–80-йилларида Қашқадарё вилоятининг қатор аҳоли масканларига шаҳар мақоми берилиб, шаҳарлар ҳаётининг барча жаҳаларида, шунингдек, маданий ҳаётида ҳам муайян ўзгаришлар содир бўлди. Вилоятда маънавий-маърифий муассасаларни бирлаштирган маданият бўлимлари ташкил этилди. Қамашада 1940 йилда, Косонда 1955 йилда[2] маданият бўлими ўз фаолиятини бошлаган. Қашқадарё вилоятида 1960 йиллардан маданият бўлимларининг иши жонлана бошлаган. Кейинчалик вилоят шаҳарларида маданият уйлари ташкил этилди. Уларга қарашли бўлган кинотеатрлар, кутубхоналар, клублар, дам олиш уйлари, маданият саройларининг аҳоли маданий турмушини юксалтиришдаги хизмати катта бўлган.

Маданият уйларида ашула ва рақс ансамбллари ташкил қилинди. Масалан, Қамашада 1969 йилда “Бўстон” [3], Бешкентда 1972 йилда “Чўл чамани” [4], Косонда 1978 йилда “Дилрабо” [5] ҳамда Китоб шаҳрида “Кифтиоб”, “Садо”, Чирокчи шаҳрида “Олтин кўллар”, “Чирокчи чироклари”, Ғузор шаҳрида “Наргиз” каби ашула ва рақс, фольклор ансамбллари ташкил этилиб, фаолият олиб боришган.

Қамашадаги “Бўстон” ашула ва рақс ансамблининг ташкил топишида Исмат Раҳматов, Ортиқ Хурсанов, Рустам Эшмуродов, Раҳматжон Азимов ва Абсоат Тўраевларнинг хизмати катта бўлган. 1970 йилда жамоага халқ ансамбли унвони берилган. 1970 йил ав-

густ ойида Молдавияда бўлиб ўтган Бутуниттифок ёшларининг II фестивалида иштирок этди. 1971 йили республика халқ ансамбллари кўригида I-ўринни олиб, жамоа ўзининг шарафли номини оқлади. 1972 йили Италияда ижодий сафарда, шу йили Москвада Бутуниттифок халқ хўжалиги кўргазмасида, 1972 йил август ойида жамоа “Мархабо талантлар!” телефестивалида, 1974 йилда “Биз талантларни излаймиз” телефестивалида иштирок этди. 1978 йилда Андижонда ўтказилган ансамблларнинг республика кўригида I-ўринни олди. Қамашилик санъаткорлар республикамининг барча вилоятлари ва шаҳарларида бўлиб, санъатсевар халқимизнинг олқишига сазовор бўлди [6].

Бешкентдаги “Чўл чамани” ашула ва рақс ансамбли вилоятда ташкил топган илк ансамбллардан бири бўлган. Ансамбл халқ санъатини тарғиб этиш борасида кенг фаолият кўрсатди. 1973 йил ёзида Тошкентда ўша давр учун анъана тусига кирган “Мархабо, талантлар!” кўрик танлови ўтказилди. Кўрикда “Чўл чамани” ансамбли ҳам қатнашди. Ансамбл пойтахтдаги “Баҳор” концерт залида ўз санъатини намойиш этди. 1973 йилда “Чўл чамани” ансамбли Бутуниттифок халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг ташаббуси билан уюштирилган бадиий ҳаваскорларнинг фестивалида қатнашиш учун Москвага борди. Ансамбл “Останкино” телестудиясида ўз санъатини намойиш этиб, Бутуниттифок халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг бронза медалини қўлга киритди ҳамда бадиий ҳаваскорлик тўғараклари ўртасида III ўринни ишғол этган [7].

Ансамбллар корхоналарда, дала шийпонларида, чорва фермаларида бўлиб, кечалар, оммавий сайиллар ташкил этиб, конкурсларда муваффақиятли қатнашиб келган. Турли конкурсларда қатнашиб, диплом ва фахрий ёрлиқлар билан мукофотланган. Шунингдек, улар хориж давлатларида ўз санъатларини намойиш этишган. Ғузурдаги “Наргиз” ансамблига 1972 йил халқ ансамбли мақоми берилган бўлиб [8], ушбу ансамбл Озарбайжон, Арманистон каби қатор давлатларда ижодий сафарларда бўлган [9].

Аммо Шаҳар маданият уйлари, улар қошидаги ансамбллар фаолиятини таҳлил этар эканмиз, бу борада жиддий камчиликлар кўзга ташланади. Масалан, 1985 йилда Ғузур шаҳар маданият уйи учун бинонинг ўзи йўқ эди [10]. 80-йилларнинг ўрталарида маданият уйлари қошидаги ансамбллар чиқишларида савияси паст куй ва қўшиқлар ўрин ола бошлаган. Маданият бўлими халқ орасидан етишиб чиққан истеъдодли ёшларни излаб топиш ва улар ижодини кенг ёйиш ишига эътиборсизлик билан қараган.

Халқни маънавий озиклантиришда, маданий турмушини юксалтиришда кинотеатрнинг ўз ўрни ва ролини эътироф этиш керак. Вилоят шаҳарлари маданият уйлари қошида кинотеатрлар фаолияти йўлга қўйила борди. Йиллар давомида кинотеатрлар сони ортиб, аҳолига кино хизмати кўрсатишда қатор тадбирлар амалга оширилган. Масалан, 1970 йилда Бешкентда 500 ўринли Собир Раҳимов номидаги кинотеатр биноси қурилиб [11], фойдаланишга топширилган. 1978 йилга келиб Бешкент шаҳри аҳолисига 1 та кишки, 1 та ёзги кинотеатрлар, 1982 йилда Китоб шаҳрида “Октябрь 50 йиллиги”, “Зафар” кинотеатрлари ишлаб турган. Китоб шаҳридаги кинотеатрларда аҳолига 1982 йилнинг етти ойи давомида 1170 сеанс кино кўрсатилган [12].

Ғузур шаҳрида ҳам бу борадаги ишлар изчиллик билан йўлга қўйилган. 1985 йилга келиб шаҳардаги маданият уйи қошида 5 та кинотеатр фаолият олиб бориб, шундан 3 таси ёзги кинотеатрлар эди. Бу кинотеатрларда 13 киши самарали меҳнат қилишган. Ўша йили аҳолига кино кўрсатиш режаси ортиғи билан уддаланиб, режа 135 фоизга бажарилган [13].

Архив манбаларига кўра, бу тизимда ҳам қатор хато ва камчиликлар мавжуд эди. Кинотеатрларда аҳолига кино кўрсатиш режа асосида ташкил қилинмаган, бунинг натижасида томошабин режаси бажарилмай қолган. Бешкент кинотеатрларида 1978 йилнинг биринчи ярмида 910 сеанс ўрнига 800 сеанс кўрсатилган. Томошабин режаси 151 минг киши бўлиб, бу кўрсаткич ҳам 127212 кишига бажарилган, холос [14]. Шаҳар кинотеатрларида болалар учун кино кўрсатиш режа асосида амалга оширилмаган. Ваҳоланки, ҳар ой Қашқадарё вилоят кинотеатр ва киноустановакалар бошқармаси томонидан киноленталар юборилиб турилган. Шунингдек, кино мухлисларига чипта сотишда ортиқча ҳақ олиниши, кино залларининг ифлослиги каби салбий ҳолатлар учраб турган. Кинотеатрларда

йиғим режалари асосан ҳинд киностудиясида тайёрланган киноленталар ҳисобидан амалга оширилган.

Кейинги йилларда, айниқса, 1989-1990 йилларда кинотеатрлар, видеосалонлар экранини Ғарб фильмлари эгаллади. Бу фильмлар одоб-ахлоқ, ҳаё ҳақида эмас, беҳаёлик намоиш этилган. Томошабинларнинг 85–90 фоизи 12–22 ёшли ўсмирлар эди. Бу ҳолат ёшлар маънавиятига салбий таъсирини кўрсатган.

Аҳоли бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида вилоят шаҳарларида маданият саройлари куриб, фаолият кўрсата борди. 1967 йилда Таллимаржонда 800 ўринли, 1976 йилда Янги Нишонда 600 ўринли маданият саройи куриб битказилди [15]. Маданият саройларида, шаҳар марказларида таниқли ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар бўлиб турган ҳамда эл суйган санъаткорлар ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг концертлари намоиш этилган. 1960 йилларнинг охирида Қарши чўлини ўзлаштираётган чўлқуварлар билан суҳбатлашиш мақсадида Таллимаржонга республикамизнинг забардаст ёзувчилари ва шоирлари: Одил Ёқубов, Пиримкул Қодиров, Асқад Мухтор, Абдулла Орипов ва адабиётшунос олим Озод Шарафиддиновлар [16] боришган. Бу учрашув аҳолида жуда катта таассурот қолдирган. Таллимаржондаги маданият саройида 1970 йилнинг июнь ойида Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Ботир Зокиров катта концерт кўйди [17] ва ўша давр кишилари хотирасида абадий сақланиб қолди. Машҳур санъаткорлар ва бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг концертлари кейинги йилларда ҳам кўплаб ташкил қилинган. Масалан, 1979 йил давомида Қамаш шаҳар марказида 25 та концерт намоиш этилди [18].

Маданият бўлими ихтиёрида марказий ва болалар кутубхоналари, бадиий ҳаваскорлик тўғарақлари фаолияти йўлга қўйилган. Кутубхоналарнинг китоб фондлари кўпайтириб борилган. 1982 йилда Китоб шаҳар маданият бўлимида битта марказлашган кутубхона, унинг саккизта филиали, битта махсус кўзи ожизлар учун кутубхона ишлаб турган [19].

Қамашдаги болалар кутубхонаси 1960 йилда [20] очилган бўлиб, унга Зафар Диёр номи берилган эди. Ушбу болалар кутубхонасида китоб фонди 1985 йилга келиб 20704 тани, кутубхонага аъзо бўлганлар сони 1897 нафарни ташкил этган. Ўша йили шаҳардаги марказий кутубхона 25376 донга китоб фондига эга бўлиб, китобхонлар сони 1923 нафарни, уларга берилган китоблар сони 40413 тани, бир китобхоннинг ўртача ўқиган китоблари сони 22 тани ташкил этган [21].

1980 йилда Ғузур шаҳрида икки қаватли Муқимий номли марказий кутубхона фойдаланишга топширилди. 1985 йилга келиб шаҳардаги 10 та кутубхонада 20 киши фаолият олиб борган. Кутубхоналардаги жами китоб фонди 1985 йилда 90310 тани ташкил этган, бу 1984 йилга нисбатан 5000 тага кўп эди [22].

Маданият уйлари ҳузурида клублар, рақс, ашула, аккардион, доира, рубоб, шахмат-шашка ва фотоҳаваскорлик тўғарақлари ишлаб турган. Биргина Ғузур шаҳрида 1980 йилда 3 та клуб, 7 та бадиий ҳаваскорлик тўғарақлари фаолият олиб борди [23]. 1980 йилларнинг ўрталарида Китоб шаҳридаги маданият уйида Тошкент Жумаев раҳбарлигидаги рақс тўғараги самарали иш олиб борган [24]. Шаҳар марказларида турли концертлар намоиш этилган. Маданият уйлари ҳамда марказий кутубхона ҳамкорлигида китобхонлар конференцияси, учрашувлар, қизлар давраси, “Иқбол” конкурси, “Балли йигитлар” мусобақаси, шоир ва ёзувчилар туғилган кунларини, тарихий саналарни нишонлашга бағишлаб турли кечалар ўтказилган.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. – Т.: Адолат, 2017. – Б. 24.
2. Муҳамедов Н. Косон: тарих саҳифалари. – Қарши: Насаф, 1997. – Б. 93.
3. Боймиров Т., Бойқобилов Ў. Қамаш ва қамашликлар. – Т.: Фан ва технология, 2016. – 158 б.
4. Эргашев Э. Бешкент тарихи. – Қарши: Насаф, 2000. – 149 б.
5. Шарқ юлдузи // 1997 йил, 12 февраль.
6. Боймиров Т., Бойқобилов Ў. Кўрсатилган асар. – 158 б.

7. Эргашев Э. Кўрсатилган асар. – Б. 65-66.
8. Чориев З., Жўраев А. Ғузур тарихидан лавҳалар. – Қарши: Насаф, 1997. – Б. 48.
9. Нуриддинов Ҳ. Ғузурликлар. – Т.: Янги аср авлоди, 2014. – Б. 138.
10. ҚВДА Ғузур филиали 8-жамғарма, 1-рўйхат, 59-иш, 33-варақ.
11. Эргашев Э. Кўрсатилган асар. – Б. 70.
12. ҚВДА Шаҳрисабз филиали. 477-жамғарма, 1-рўйхат, 15-иш, 3-варақ.
13. ҚВДА Ғузур филиали. 8-жамғарма, 1-рўйхат, 59-иш, 33-варақ.
14. ҚВДА Қарши филиали. 320-жамғарма, 1-рўйхат, 3-иш, 3-варақ.
15. Маматқулов Б., Шарипова М. Нишон туманининг совет мустамлакачилиги йилларидаги аҳволи. – Тошкент, 2012. – Б. 93.
16. Худойқулов М. Қарши чўли. –Т.: Шарқ, 1998. – Б. 55.
17. Худойқулов М. Қарши чўли. –Т.: Шарқ, 1998. – Б. 46; Дала ёзувлари. 2018 йил, май. Ахборотчи Муракаев Рубик. 1944 йилда туғилган. Қарши шаҳри.
18. ҚВДА Ғузур филиали. 133-фонд, 1-рўйхат, 13-иш, 79-варақ.
19. ҚВДА Шаҳрисабз филиали. 477-жамғарма, 1-рўйхат, 15-иш, 3-варақ.
20. Боймиров Т., Бойқобилов Ў. Кўрсатилган асар. – Б. 156.
21. ҚВДА Ғузур филиали. 133-жамғарма, 1-рўйхат, 67-иш, 18-варақ.
22. ҚВДА Ғузур филиали. 8-жамғарма, 1-рўйхат, 59-иш, 33-варақ.
23. ҚВДА Ғузур филиали. 8- жамғарма, 1-рўйхат, 17-иш, 59-варақ.
24. ҚВДА Шаҳрисабз филиали. 477-жамғарма, 1-рўйхат, 51-иш, 14-варақ.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада 1970-1990 йилларда Қашқадарё вилояти шаҳарлари маданий ҳаётида рўй берган ўзгаришлар хусусида фикр юритилади. Вилоят шаҳарларида аҳолининг маданий турмуши-ни юксалтириш борасида маданият бўлимлари ва улар ҳузурида ташкил этилган маданий оқартув муассасалари фаолиятидаги ютуқлар, шунингдек, тизимдаги қатор хато ва камчиликлар бирламчи манбалар ва илмий адабиётлар асосида ёритилиб, таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье даётся описание изменений, происходивших в культурной жизни городов Кашкадарьинской области в 1970-1990 годах. На основе первоисточников и научной литературы проанализированы успехи и недостатки в работе отделов культур и культурно-просветительских организаций.

SUMMARY

Some opinions about the changes that took place in the cultural life of the cities and towns of Kashkadarya region in the years of 1970-1990 are given in this article. Some facts about achievements in the activity of cultural departments organized in order to improve cultural life of the people living in the cities and towns of the region and cultural and educational institutions under the authority of them are enlightened and analyzed here.

Наширға проф. Б.Эшов тавсия этган

ЯНГИ РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧИДА РАҚАБОТБОРДОШ КАДРЛАР
ТАЙЁРЛАШГА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ

Тожалиев А.А. (ФарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: кишилик жамияти, олий маълумот, реформа, университет, ёшлар, инновация, мутахассис, тараққиётнинг янги босқичи.

Ключевые слова: гражданское общество, высшее образование, реформа, университет, молодежь, инновация, специалист, новый этап развития.

Keywords: a civil society, higher education, reform, university, youth, an innovation, the expert, a new stage of development.

Мамлакат тараққиётининг ҳозирги босқичи ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим факторларидан бири ҳисобланган рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ишини янги инновациялар асосида ташкил қилиш муҳим вазифа ҳисобланади. Инсоният цивилизациясининг янги босқичга кўтариллиши, фан ва техника соҳасидаги инновацион ютуқлар бевосита инсон омилига боғлиқ бўлган жараён дир. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики, тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи омилларидан бири юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимининг яратилганлиги билан характерланади. Рақобатбардош кадрларнинг инновацион фикрларини жамият тараққиётининг барча жабҳаларида ўз вақтида қўллаш давлат, жамият ва шахснинг фаол ва самарали тараққиёти учун янги имкониятларни юзага келтиради. Жамият жадал ривожланиши жараёнида малакали кадрларга бўлган талаб ва эҳтиёж ошиб бормоқда. Инсон дунёқараши ва онги тараққиётнинг янги даврига хос бўлган мазмун билан бойиб бориши, социомаданий ўзгаришларнинг таъсирчанлиги ва мослашувчанлиги, фуқаролик жамияти шаклланиши ва ривожланиш назариясини гуманистик-концептуал тадқиқ этиш, унинг янги сифат белгиси рақобатбардош кадрларга бўлган талабини назарий-фалсафий тушунишни тақозо қилади. Бу реаллик ва инновацион ривожланиш кадрлар тайёрлаш миллий тизимининг мазмуни ва моҳияти илмий тамойилига киритилиб, фалсафа, социология, маданиятшунослик ва бошқа фанлар тадқиқотчиларида катта қизиқиш уйғотаётган бўлса-да, уни илмий жиҳатдан мустақил тадқиқот сифатида ўрганиш заруриятини вужудга келтирди.

Фуқаролик жамияти ривожланиш концепцияси, хусусан, унинг социомаданий хусусиятлари, дунёвий билимлар қўламининг ортиши, инновацион технологияларни кадрлар тайёрлаш миллий тизими мазмунига татбиқ этиш ва уларнинг рақобатбардош кадрлар салоҳиятига бевосита таъсирини англаб етишнинг объектив зарурияти билан боғланганлигидадир. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлайдики: “Олий ўқув юртлари нуфузини ошириш, нодавлат таълим масканлари сонини кўпайтириб, соҳага юқори малакали кадрларни жалб этиш ва рақобатни кучайтириш лозим. Ёшларимизга бир вақтнинг ўзида бир нечта олий ўқув юртига ҳужжат топшириш имкониятини беришимиз, ўйлайманки, уларнинг таълим олиш ҳуқуқларини кенгайтиришга хизмат қилади”. [1,1]

Шу муносабат билан айтиш лозимки, мамлакатимизда олий таълим соҳасида кенг қамровли ислохотларнинг амалга оширилиши жамиятда юқори малакали кадрларга бўлган ижтимоий талабнинг қондирилишига, иқтидорли ёшларнинг фуқаролик жамияти шароитида ижтимоий, иқтисодий жабҳаларда муносиб ўрин эгаллашларига, ёшларнинг тенглик ҳолатида ўз билимларини синаш имкониятларини яратишга йўналтирилган ва замонавий инновацион билимлар мажмуи малакали кадрлар тайёрлаш ишига жалб этилишида ҳам намоён бўлади. Инновацион ривожланиш концепциясининг амалий аҳамиятини ва унинг инсон камолотидаги ўрнига алоҳида эътибор берилмоқда. “Ўзбекистонда олий ва ўрта махсус таълим масканлари битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш ўтган даврда 9-10 фоиз даражасида бўлиб келаётган эди. Сўнгги икки йилда қўрилган чора-тадбирлар туфайли биз бу рақамни 15 фоиздан оширишга эришдик. Лекин бу ҳали етарли эмас. Чунки дунёдаги ривожланган давлатлар тажрибасига қарайдиган бўлсак, бу кўрсаткич уларда 60-70 фоизни ташкил этади. Шунинг учун 2019 йилда мамла-

катимизда битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 20 фоизга етказиш ва келгуси йилларда ошириб бориш – муҳим вазифамиздир”. [2,1]

Фуқаролик жамиятининг аксарият белгилари, ҳозирги янги тараққиёт босқичини ўз бошидан кечираётган Ўзбекистон жамияти учун ҳам хосдир. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, миллий кадрлар тайёрлаш ишида зарур бўлган илмий, инновацион билимлар оқимининг ўсиши, янги педагогик технологияларни малакали кадрлар тайёрлаш ишига қўллаш, олий таълим соҳасидаги модернизациялашувни тезлаштирмақда, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш муҳити ва методлари, ихтисослик моделлари, бўлажак бакалавр ва магистрларнинг ижтимоийлашуви ўзгармақда, уларнинг ижтимоий, иқтисодий жабҳаларда муносиб ўрин эгаллаши учун рақобат майдони вужудга келмақда. Инновацион ривожланиш жараёни малакали кадрларнинг янги корпуси учун зарур бўлган иш жойи ва унинг ижтимоий характери, ижтимоий структураси тез ўзгармақда, кадрларнинг интеллектуал меҳнат ва шахсий қобилиятига жамиятнинг барча бўғинларида мунтазам эҳтиёж ортиб бормақда. Глобаллашув ва инфорацион инқилоблар, инновацион билимларнинг бевосита таъсирида ўзгараётган меҳнат шароити, мақсади, кадрлар фаолиятининг ўзига хос хусусияти ва жамият ривожининг янги талаблари, инновацион ривожланиш ва замонавий кадрлар тайёрлашнинг миллий тизими моҳиятини фалсафий жиҳатдан чуқур тадқиқ қилишни долзарблаштирмақда.

Инновацион ривожланиш ва кадрлар тайёрлашнинг миллий тизими умуммиллий ҳодиса эканлиги, малакали кадрлар фуқаролик жамияти шароитида социомаданий бошқарувда муҳим ўрин эгаллаётганлиги, жамият ривожини ва кадрлар салоҳиятининг диалектик алоқадорлигини фалсафий асосларини ўрганиш зарурияти комплекс тадқиқотлар олиб боришни тақозо қилади.

Мамлакат тараққиётининг ҳозирги, янги босқичига хос ўзгаришлар ўзининг узлуксизлиги, шиддаткорлиги, суръати, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олганлиги ва глобал характери билан ўтмиш воқеаларидан тубдан фарқ қилади. Бу хусусиятлар амалда умумжаҳон ҳамда жамият ҳаётининг барча томонларига ҳам хосдир. Бу даврда янги ижтимоий иқтисодий мунособатлар, фуқаролик жамияти институтлари қарор топмақда, ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда кадрлар салоҳиятининг устуворлиги ортиб бормақда, янги тараққиёт босқичи касбий билимларни ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига татбиқ этувчи ақлий меҳнат тусини олмақда. Янгиланаётган жамият, ўз навбатида, тараққиётнинг инновацион билимларга ва кадрларнинг рақобатбардош корпусига таянадиган янги йўналишларини юзага келтирди.

Бинобарин, жамият аъзолари, шу жумладан, шаклланаётган янги кадрлар корпуси, инновацион билимлар оқими, ихтисослик учун зарур бўлган замонавий ахборотлар мажмуасининг инновацион турларини ўзлаштиришга эҳтиёж сезмақда. Янги тараққиёт босқичида аксарият мутахассисларнинг жадал ўзгаришларга тайёр эмаслиги, уларнинг билими, малакаси ва кўникмаси ислохотлар талабларига жавоб бермаслиги маълум бўлди. Бундай ҳолат фуқаролик жамияти ривожланиши шароитида, ислохотлар тизимида малакали кадрлар ролининг муҳимлиги ва улар салоҳиятининг мунтазам юксалтириш заруриятини кўрсатмақда. Шу билан бирга, индустриал цивилизациядан инновацион тараққиётга ўтиш жараёни чуқурлашиб бормақда. Бу жараён бевосита янги инновацион билимларга эга бўлган малакали кадрлар фаолиятига боғлиқ. Бундай мураккаб ижтимоий вазифа ечимида хорижий тажрибадан самарали фойдаланиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти таъкидлаганидек, “Қандай оғир бўлмасин, тан олишимиз керак, юртимиз равнақи учун энг зарур йўналишлар бўйича изланувчан, истеъдодли ёш кадрларни четда, ривожланган давлатларда ўқитишга мажбурмиз. Шунинг учун ҳам олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, олий ўқув юртлари, мамлакатимиздаги илмий марказлар “Эл юрт умиди” жамғармаси билан яқин ҳамкорликда самарали иш олиб бориши керак”. [3,1]

Инновацион тараққиётнинг қарор топиши ва ривожланиб бориши ҳар бир шахсининг, тайёрланаётган миллий кадрлар корпусининг ўз билим доирасини кенгайтириш, замонавий ахборотлар таъсирида ижтимоий иқтисодий фаолиятнинг янги турларини эгаллашни тақозо қилади. Фуқаролик жамияти қарор топаётган даврдаги ижтимоий тараққиёт маъно-мазмун жиҳатдан илгаригилардан тубдан фарқ қилади. Бунда нафақат

инновацияларга эҳтиёжнинг ортиши, шу билан бирга, глобаллашув шароитида мафкуравий, информацион хуружлардан ҳимояланиш, кадрлар корпусининг юксак маънавиятга эга бўлиш ҳам муҳим аҳамият касб этади. Бу, ўз навбатида, бўлажак мутахассислардаги миллий ҳамда умуминсоний маънавий меъёрларга мувофиқ илғор маданиятни шакллантиришни долзарб вазифа қилиб қўяди.

Юқоридагиларга асосланиб қайд этиш мумкинки, миллий кадрлар онгида баркамолликнинг маънавий фазилатларини шакллантиришда уларнинг дунёвий ва диний билимларга эгаллиги, ўз мутахассислигини чуқур билиши, дунёқараши ва малакалари тизимини, жамият бағрида содир бўлаётган ҳодисаларга онгли муносабати ҳамда салбий мафкуравий таъсирдан ўзини ҳимоялаш қобилиятини тарбиялаш жамиятимиз ҳамда миллий давлатчилигимизни мустаҳкамлаш стратегияси асосларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, инновацион ғояларнинг олий таълим тизимига мунтазам жорий этилиши, тайёрланаётган бакалавр ва магистрларнинг юртимиз манфаатларини жаҳон миқёсида ҳимоя қила олиш имкониятларини уларда шакллантириш ғояси ҳам илгари сурилади. Муаммонинг ечимига бундай муносабат бевосита мамлакатимизнинг яқин келажақда ривожланган мамлакатлар қаторидан жой олишга бўлган стратегик мақсаднинг амалиётдаги ечими билан боғлиқдир. Масаланинг фалсафий аҳамияти яна шу билан белгиланадики, миллий тараққиёт давомида ижтимоий-иқтисодий жабҳаларда учраётган муаммолар ечими ҳам бевосита рақобатбардош кадрларнинг тарбияланиш жараёни, салоҳияти, малакаси ва самарали фаолият олиб боришини тақозо қилади.

Фалсафий мулоҳазалар асосида хулоса ўрнида қайд этиш лозимки:

Биринчидан, фуқаролик жамиятининг мунтазам тараққиётини таъминлаш учун ҳар жиҳатдан рақобатбардош кадрлар корпусини тайёрлаш ишини такомиллаштириш, бўлажак бакалавр ва магистрларнинг мутахассислигига монанд инновацион тайёргарлиги, интеллектуал қобилияти, ақл-заковатини юксалтириш, малакавий кўникмасини таъминлаш тақозо қилинади.

Иккинчидан, ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги янги босқичида инновацион фикрлар, ғоялар ва омилларнинг янги тайёрланаётган кадрлар корпусига бевосита таъсири ортиб бормоқда, кадрлар шурида фуқаролик жамияти мазмуни, ривожланиш тенденцияларига хос хусусият ва функциялар қарор топмоқда. Бундай вазифа мунтазам суратда олий таълим муассасаларида ўқув тарбиявий жараёни такомиллаштириш заруриятини вужудга келтирди.

Учинчидан, янги тараққиёт босқичи шароитида бўлажак рақобатбардош мутахассисларни, айниқса, иқтидорли ёшларни бузгунчи информацион оқимлар таъсиридан ҳимоялаш, уларда юксак ватанпарварлик маданиятини тарбиялаш ижтимоий заруриятга айланди. Шунингдек, янги ривожланиш босқичида кадрларда инновацион асосдаги таълим ва маданиятни шакллантиришнинг яхлит концепциясини яратишга ижтимоий эҳтиёж сезилмоқда.

Тўртинчидан, глобаллашувнинг салбий таъсири туфайли ёш кадрларга мафкуравий таъсир ўтказиш ғоят хавфли қуролга айланиб бораётган шароитда бўлажак малакали кадрлар тарбиясида уларнинг юксак маънавий, ватанпарварлик онги, теран тафаккури, ислохотларга ижобий муносабати, ижтимоий фаоллиги, ахлоқий маданиятини юксалтириш имкониятларини ижтимоий-фалсафий таҳлил этиш ва амалий аҳамият касб этувчи тавсияларни бериш муҳим илмий муаммо саналади.

Бешинчидан, янги тараққиёт босқичида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ишини такомиллаштириш учун зарур бўлган замонавий, жумладан, хусусий олий ўқув юртларининг сонини кўпайтиришни, уларда фаолият юритишга қодир бўлган юқори малакали профессор-ўқитувчиларни тайёрлашни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига мурожаатномаси. 2018 йил 28 декабрь. <https://president.uz/uz/lists/view/2228>
2. Билимли авлод – буюк келажакнинг, тадбиркор халқ – фаровон ҳаётнинг, дўстона ҳамкорлик эса тараққиётнинг кафолатидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги

маърузаси. Халқ сўзи, 2018 йил 8 декабрь.

4. Ишмухамедов Р. Таълимда инновация. – Тошкент.: Фан, 2010.

5. Рузиева Р.Х. Ҳаётбахш маънавий кадриятлар. – Тошкент, – Навоий, 2016. – 180 б.

6. Ҳакимов Н.Х. Иқтисодий инновацион ривожлантиришни самарали таъминлашда малакали кадрларнинг роли. Ўзбекистон Республикаси иқтисодий инновацион ривожлантириш: хорижий таъриба, тенденциялар ва истиқболлар илмий-амалий конференция тезислари тўплами – Тошкент, 2018 йил 12 октябрь. – Б. 323-325.

7. Ҳакимов Н.Х., Абдумаликов А.А. Ривожланишнинг янги босқичи шароитида кадрлар тайёрлашни такомиллаштириш. ФарДу илмий хабарлари, 2018 йил, 5-сон. – Б. 86–88.

8. Ҳакимов Н.Х., Рузиева Р.Х. Реформирование науки и высшего образования как важный фактор в поддержке активного предпринимательства, инновационных идей и технологий. Узбекистан на пути к инновационному развитию // Сборник научных трудов. – Ташкент, 2018. – С. 25-27.

РЕЗЮМЕ

Мақолада тараққиётнинг янги даврида рақобатбардош кадрлар тайёрлаш тизимида инновацион ёндашувни шакллантиришнинг долзарб масалалари ҳақида фикр юритилади. Муаллиф ислохотларни чуқурлаштириш шароитида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш жараёнини такомиллаштириш муаммоларини таҳлил қилади. Илмий изланишда мазкур масаланинг бўлғуси мутахассислар орасида ғоявий-тарбиявий ишларни такомиллаштириш зарурати билан алоқадорлиги баён этилган.

Шунингдек, мамлакат инновацион тараққиётини таъминлашга доир бугунги вазифаларнинг малакали мутахассислар тайёрланиши билан боғлиқлиги, бундай мутахассисларни тайёрлаш мамлакатдаги стратегик вазифаларни ҳал қилишнинг муҳим эканлиги, бакалавр ва магистрларни шакллантиришда хорижий таърибадан фойдаланиш зарурлиги очиқ берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются актуальные вопросы инновационного подхода к системе подготовки конкурентоспособных кадров в условиях нового периода развития. Автор исследует проблемы реформирования подготовки высококвалифицированных кадров в условиях углубления реформ. В работе рассмотрены связь данного вопроса с необходимостью совершенствования идейно воспитательной работы среди будущих специалистов.

Сделана попытка связать современные задачи инновационного развития страны с подготовкой специалистов как важнейшего фактора в решении стратегических задач страны и использования зарубежного опыта в формировании современного корпуса бакалавров и магистров.

SUMMARY

In article pressing questions of the innovative approach to system preparations competitive shots in the conditions of the new period of development are considered. The author investigates problems of reforming of preparation of highly-skilled personnel in the conditions of deepening of reforms. In work are considered communication of this point in question with necessity of perfection of ideologically educational work among the future experts.

Attempt to connect modern problems of innovative development of the country with preparation of experts as major factor in the decision of strategic problems of the country and use of foreign experience in formations of the modern case of bachelors and masters is made.

Наируза фалс. ф.д. С.Чориев тавсия этган

ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ЖАРАЁНИДА МУРАККАБЛАШУВИ ВА УЛАРНИНГ МАЪНАВИЯТГА ТАЪСИРИ

Раҳмонова Г. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, ибтидоий, аграр, индустриал жамият, постиндустриал жамият, меҳнат тақсимоти, маънавий ҳаёт, онг, билим, маънавий меъёрлар, бегоналашув.*

Ключевые слова: *социально-экономические отношения, первобытное, аграрное, индустриальное, постиндустриальное общества, разделение труда, отчуждение, духовная жизнь, сознание, духовные меры.*

Key words: *social and economical relations, primary, agrarian, industrial, postindustrial societies, work divisions, move away, spiritual life, consciousness, spiritual limits.*

Тарихий тараққиёт ибтидоий жамиятдан бошланди. Дастлаб, ибтидоий одамлар озиқ-овқат қидириб ўзи яшаётган муҳитни яхшироқ ўргана бошладилар. Бу эса уларнинг табиатга оид турли билимларини, жумладан, географик билимларини оширган. Табиатдаги мавжуд истеъмол қилишга яроқли ўсимлик ва меваларни қидириб топиши, уларнинг йилнинг қайси фаслларида пишиб етилиши, униб-ўсишини аниқлаш натижасида ботаникага оид илк билимлари тўпланган. Ёввойи ҳайвонларни овлаш жараёнида уларнинг феъли, тури, яшаш жойларини, урчиши, вояга етишини кузатиш туфайли ибтидоий одамларда зоологик билим шакллана бошлади. Бу жараёнларни ўрганиш ибтидоий одамлар учун зарурий, ҳаёт учун кураш, тирикчилик манбаи эди. Аста-секин у ўсимликларни маданийлаштириш, ҳайвонларни хонакилаштиришни ўрганди. Касалликни даволаш учун ўша замоннинг ўзига хос содда табобати юзага келди. Одамлар даволашда ўсимликлар, мевалар, ҳайвонлар, минерал жисмлардан фойдаланганлар. Баъзи касалликларни руҳларга мурожаат этиш ва фолбинлик, сеҳргарлик ва жодугарлик усулларидан ҳам фойдаланиб даволашга уринганлар. Ибтидоий одамларда табиатни, иқлимни шароитдан келиб чиқиб кузатиши асосида об-ҳавони олдиндан айтиб бериш қобилияти пайдо бўлади. Ибтидоий одамлар нимага эришган бўлсалар, ёлғиз, индивидуал тарзда эмас, жамоа бўлиб, биргаликда эришди. Биргаликда яшаш, меҳнат қилиш, турли-туман ҳаётий эҳтиёжларини қондириш, ўзаро муносабатларни тартибга солиш меъёрлари, қоидаларини шакллантиришни, уларни мифологияда, халқ оғзаки ижодида, урф-одатларда мустаҳкамлашни тақозо этди. Тўпланган билимлар, улар асосида вужудга келган қарашлар, эътиқод, биргаликда яшаш, меҳнат қилиш қоидаларининг, меъёрларининг зарурлигини англаш, тизимлаштириш негизида ибтидоий жамиятнинг маънавияти шаклланди.

Термачилик негизида илк деҳқончилик, овчилик негизида ҳайвонларни хонакилаштириш туфайли илк чорвачилик унсурлари пайдо бўлди. Уларнинг ривожланиши меҳнатнинг биринчи тарихий тақсимоти – деҳқончилик ва чорвачилик бир-биридан ажралиб, хўжалик юритишнинг мустақил шаклларига айланишига олиб келди. Ўзлаштирувчи хўжаликдан ишлаб чиқарувчи хўжаликка интилиш билим ва тажрибанинг тўпланиши натижасида содир бўлди. Деҳқонлар ва чорвадорлар ўртасида маҳсулот айирбошлаш ва бу билан боғлиқ турли-туман қоидалар, меъёрлар қарор топди. Адолат, ҳалоллик, бир-бирини алдамаслик, бир-бирига ишониш тушунчалари шакллана бошлади. Янгидан вужудга келган қоида ва меъёрлар ахлоқ ва диний эътиқод ёрдамида мустаҳкамланди. А.Эркаев асарларида таъкидланганидек, одамларнинг ўзаро муносабатлари, шу жумладан, маҳсулот, мол айирбошлашлари мазмунига, шаклига қараб маънавиятнинг асоси – ахлоқ ва дин томонидан ижобий ёки салбий баҳоланди.

Деҳқончилик ўтроқ турмуш тарзини юзага келтирди. Қишлоқлар пайдо бўлди ва улар сони муттасил ўсди. Бу яна бирга яшаб меҳнат қиладиган одамлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, бошқаришнинг янги меъёрларига, қоидаларига заруриятини кучайтирди. Экин майдонларини тақсимлаш, сув чиқариш, ариқ ва зовурларни тозалаш, ер ҳайдашда, экинни йиғиштиришда бир-бирига ёрдам бериш одамларни жипслаштирди, биргаликда меҳнат қилишга ундади. Уларда жамоавийлик туйғуси мустаҳкамланиб, ҳаётнинг асосий тамойилига айланди, индивидуализмга нисбатан устунлик қилди. Маънавий маданият дастлаб жуда содда бўлиб, ўша давр кишиларининг меҳнат фаолияти ва турмуш тарзи билан уйғунлашиб кетган эди.

Меҳнатнинг иккинчи тарихий тақсимоти – деҳқончиликдан ҳунармандчиликнинг ажралиб чиқиши ижтимоий муносабатларни янада ранг-баранглаштирди. Албатта, одамларнинг ўзаро муносабатларини тартибга солувчи талаблар, қоидалар, меъёрлар ҳам анча бойиди, мураккаблашди.

Меҳнатнинг учинчи тарихий тақсимоти – жисмоний меҳнатдан ақлий меҳнатнинг ажралиб чиқиши натижасида инсоният цивилизацияга қадам қўйди. Ижтимоий онг тизимида ўзаро бир-бирини тўлдирувчи шу билан бир қаторда ўзаро мустақил онг шакллари, жумладан, ахлоқий онг, диний онг, сиёсий онг, ҳуқуқий онг, адабиёт ва санъат кабилар юзага келди. Бу даврда инсон барча соҳаларда янги ютуқларга эришди. Янгидан-янги

соҳалар пайдо бўлди. Эндиликда ҳар бир соҳанинг ўз эгалари фаолият олиб борадиган бўлди. Бу эса инсон маънавий ҳаётида туб бурилишларга олиб келди.

Ақлий меҳнатнинг ажралиб чиқиши инсон тафаккурининг жадаллашувига ҳамда унинг маънавий онгининг бойишига сабаб бўлди. Узлуксиз давом этган тараққиёт жараёнида XVIII–XIX асрларда Европада аграр жамият ўз ўрнини индустриал, яъни санотлашган жамиятга бўшатиб берди. Индустриал жамият аграр жамиятдан ишлаб чиқариш жараёнида инсон фаолиятининг аҳамияти қанчалик юқори эканлиги билан ҳамда ижтимоий муносабатлар жуда ранг-баранглик касб этиб, мураккаблашиб кетгани билан фарқланади. Аграр жамиятда ишлаб чиқариш асосини кўпроқ инсоннинг жисмоний меҳнати ташкил этса, индустриал жамиятда механизмлар – дастгоҳлар, машиналар ва ҳ.к. ёрдамидаги ишлаб чиқариш, ақлий меҳнат, технологик билимлар аҳамияти йилдан-йил ошиб борди. Индустриал жамият аграр жамиятдан фарқли равишда ишчи ва хизматчиларнинг саводли бўлишини талаб этган. Ишлаб чиқаришда машиналарнинг мураккаблашуви, технологияларнинг тараққий этиши бунга зарурат туғдирган. Ишлаб чиқариш технологиялари ривожланиши натижасида мутахассислар тизими – инженер-техниклар, менежерлар, иқтисодчилар, таъминотчилар, бухгалтерлар ва бошқа мутахассисларни тайёрлаш вужудга келди. Кўплаб ўқув юртлари ташкил этилди. Индустриал жамиятда халқ таълими ва кадрлар тайёрлаш тизими иқтисодий-ижтимоий заруратга, бинобарин, уни ривожлантириш жамиятнинг, давлатнинг устувор вазифаларидан бирига айланди. Аграр жамиятда эса таълим ва кадрлар тайёрлаш тизими давлатнинг зарурий тармоғи эмас эди.

Барча даврларда учрайдиган айрим шахсларга хос бойликка ҳирс қўйиш, молпарастлик, юлғичлик каби иллатлар индустриал жамиятда кучайиб кетди. Ишлаб чиқаришда ва меҳнат бозорида ишчи-хизматчилар ўртасида шафқатсиз рақобат муҳити шаклланди. Рақобат аста-секин сиёсатга ҳам, ҳатто ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларига ҳам кўчди. Бу эса кўпчилик инсонларнинг нафақат меҳнат фаолиятига, балки, ахлоқиға, қадриятларига, маиший турмушига ҳам акс таъсир кўрсатди. Индустриал жамиятда, бизга маълумки, бир корхонада юзлаб, минглаб кишилар ишлайди. Бундай катта ишлаб чиқаришга катта сармоя жалб этилади, балки шу заводнинг бутун йиллик сармояси қўйилиши ҳам мумкин. Бундай ҳолатда рақобатга бардош беролмаган завод ёки фабрикалар ўз-ўзидан банкротка учрайди. Бунда нафақат завод эгаси, балки завод ишчи-хизматчиларининг ҳам меҳнат фаолияти тўхтаб қолади, улар ишсизлар сафини тўлдирди. Ишчи-хизматчилар аввал ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотдан бегоналашган бўлса, ишсиз қолгандан кейин бутун жамиятдан ҳам бегоналаша бошлайди. Жамиятдан бегоналашини потенциал тарзда кучайиб бораверди, чунки бирор кишида эртанги кунга ишонч, қафолат йўқ эди. Бу Эрих Фромм таъкидлаганидек, инсонни ҳам, жамиятни ҳам маънавий хастага айлантди.¹ Бундай хавфнинг доимо мавжудлиги ишчи-хизматчиларнинг онгига, ҳаётга, жамиятга муносабатига, одамларнинг ўзаро алоқаларига, яъни маънавиятига ҳар хил таъсир кўрсатмаслиги мумкин эмас эди. Бир томондан, улар қаттиқ эксплуатацияга, кўчада ишсиз қолишга қарши ўзаро бирлашди, касаба уюшмаларини ва турли ташкилотларини тузди, иккинчи томондан, улар ўртасида негатив хулқ-атвор – ичкиликбозлик, ахлоқсизлик, зўравонлик, кўнгилочар томошаларга – оммавий маданиятнинг ўткинчи шакллариға қизиқиш кучайди. Индустриал жамиятда аста-секин фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва давлат бошқарувининг демократиялашуви ҳокимият учун курашнинг ашаддий рақобатини келтириб чиқарди. Омма онгига турли-туман ахборот ёғдирилди, у бошқарила бошлади.

Индустриал жамиятда иқтисодий муносабатлар мамлакатлат ичида революцияларга, халқаро майдонда эса давлатларнинг арзон хом ашё базаси ва бозор учун (мустамлакалар учун) ўзаро урушларини келтириб чиқарди. Бу 1914 йилда I жаҳон урушиға сабаб бўлди.

¹ Қаранг: Эрих Фромм. Здоровое общество. – М., 2006. – Б. 63.

II жаҳон урушидан кейин ривожланган индустриал мамлакатлар аста-секин постиндустриал тараққиёт босқичига ўта бошладилар. Иқтисодий ривожланиш ва иқтисодий муносабатлар янги поғонага кўтарилди. Лекин I жаҳон урушидан кейин оч-яланғоч, оталаридан, боқувчисидан айрилган ўсмир ёшлар, фарзандларини ёлғиз боқишга мажбур ёш бева аёллар ўртасида безорилик, ўғирлик, ахлоқсизлик, уруш инвалидлари ўртасида ичкиликбозлик ва бошқа иллатлар кўпайди.

Россияда социалистик революция содир бўлди. Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий муносабатлар тубдан ўзгарди. Одамларнинг маънавияти ҳам тубдан янгиланди. Унда ижобий ва салбий жиҳатлар зиддиятли қоришиб кетган эди. Германияда 1933 йилда ҳокимият тепасига фашистлар келди. Ҳар икки давлат ички мухолифларига ва халқига нисбатан репрессив сиёсат олиб борди. Одамлар онгига ижтимоий кўрқувни чуқур сингдирди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин икки ижтимоий система – капитализм ва социализм ўртасида “совуқ уруш” – мафкуравий-информацион уруш давом этди. Одамлар онгига турли ваҳималар, ёлғон уйдирмалар қўйилди. Одамлар онгини бошқариш кучайди.

Бугун социалистик тузум барҳам топган бўлса-да, ривожланган мамлакатлар ўртасида иқтисодий ва геосиёсий рақобат давом этмоқда. Чуқурроқ таҳлил қилинса, мазкур рақобат асосида аслида трансмиллий компанияларнинг иқтисодий манфаатлари, ўзаро иқтисодий рақобати турганини кўриш мумкин. Рақобат ахборот хуружини, ранг-баранг шаклдаги ва мазмундаги маънавий таҳдидларни туғдирмоқда. Бундан ташқари, маданият ва истироҳат (дам олиш) тобора кўнгилочар индустрияга, ишлаб чиқаришнинг бир турига айланиб бораётир. Шоу-бизнес атамасида кўнгилочар ва ишлаб чиқариш мазмунлари бирлашган. Шу ўринда Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг қуйидаги сўзлари ўринлидир: “Авваламбор, “оммавий маданият” кўринишида кириб келаётган турли таҳдидлар, гиёҳвандлик, диний экстремизм, миссионерлик каби бало-қазолардан ёшларимизни асраш, уларнинг таълим-тарбиясига ҳар биримиз масъул эканимизни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак”. Оммавий маданият, шоу-бизнес иқтисодиётнинг янги тармоғига айланди. Бу борадаги рақобат маънавиятга жуда зиддиятли таъсир қилмоқда. “Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-хунарларга эга, ўз мустақил фикрига эга бўлган ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир”¹.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом этириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон. 2018. – 592 б.
2. Каримов И. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 173 б.
3. Эркаев А. Маънавият ва тараққиёт. – Тошкент: Маънавият, 2009. – 453 б.
4. Эрих Фромм. Здоровое общество. – М., 2006. – 539 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада маънавият тизимига ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг таъсири ўрганилган. Улар бутун тарихий тараққиёт давомида инсон онгига, жамият ҳаётига ахлоқий, эстетик, диний, илмий, сиёсий қарашларга, урф-одатларга таъсир кўрсатиши очиқ берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье изучается влияние социально-экономических отношений на систему духовности. Показывается, как они на протяжении всего исторического развития оказывали влияние на сознание человека, жизнь общества, на нравственные, эстетические, религиозные, научные, политические взгляды, на традиции и обычаи.

SUMMARY

The article examines the impact of socio-economic relations on the system of spirituality. They reveal how they throughout the whole historical development influenced human consciousness, the life of society, moral, aesthetic, religious, scientific, political views, traditions and customs.

Наишга доц. А.Эркаев тавсия этган

¹ Ўша манба. – Б. 89.

ИҚТИСОДИЙ ВА ИННОВАЦИОН ТАФАККУР УЙҒУНЛИГИНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Абдуллаева И.Ғ. (УрДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *иқтисодий тафаккур, хўжалик субъекти, тадбиркорлик, фан-техника, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, жамият ва давлат, илмий фаолият, илмий ғоя, кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, кредит, экспорт салоҳияти, молиявий механизм.*

Ключевые слова: *экономическое мышление, хозяйственный субъект, предпринимательство, наука и техника, социально-экономическое развитие, общество и государство, научная деятельность, научная идея, малый бизнес, частное предпринимательство, кредит, экспортная способность, финансовый механизм.*

Key words: *economic development, economic entity, entrepreneurship, science and technology, socio-economic development, society and government, scientific activity, scientific idea, small business, private entrepreneurship, credit, export potential, financial mechanism.*

Ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг динамик хусусиятлари хўжалик субъектлари ва тадбиркорларни янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқишга, хизмат турларини тинмай кенгайтириб, аҳолининг эҳтиёжларини тўла қондиришга ундайди. Ҳар бир давр ёшларининг билим даражаси, фикрлаши, дунёқараши, маънавий қиёфасига қараб ўша жамиятнинг эртанги кунини аниқ тасаввур этиш мумкин. Зеро, ёшлар жамиятнинг туб негизи, аҳолининг илгор қатлами, келажакнинг ишончли эгаларидир. Бозор муносабатларига ўтиш даврида устувор ҳисобланган давлат илмий-техника сиёсатининг моҳияти республика ички талабини тез қондирадиган, жаҳон бозорида рақобатбардош бўла оладиган, иқтисодиёт тармоқлари тубдан янгиланишига имкон берадиган илмий ва технологик тадқиқотларга қўмаклашишдан иборат. Давлат инновацион сиёсати маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, аҳолининг турмуш сифати ва даражасини ошириш, технологик ва экологик хавфсизлигини таъминлаш учун инновацион фаолият устуворликларини тан олишдан келиб чиқиб шакллантирилади ва амалга оширилади. Давлат инновацион сиёсатининг асосий мақсади инновацион фаолият учун маҳаллий маҳсулотлар рақобатбардошлигининг ўсиши, фан-техника ютуқларидан самарали фойдаланиш, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини ҳал этишни таъминлайдиган иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар яратиш ҳамда мамлакатнинг мудофаа қобилиятини, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини мустаҳкамлашдан иборат. Илмий фаолият давлат сиёсатининг энг фаол соҳаси бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Айтиш жоизки, илмий ғоя бевосита хўжалик фаолиятида қўлланилиши мумкин эмас. Шунинг учун ташкилотлар тадқиқотларни молиялаштиришга секинлик билан ёндашади, гарчи унга катта эҳтиёж сезса ҳам. Ҳозирги шароитда давлат бизнеснинг таъминлаш функциясини, аниқроғи, илмий билимлар ва ғоялар билан таъминлашни ўз зиммасига олмоқда. Бозор иқтисодиёти шароитида мустақил хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорларнинг тинмай изланиши, ишлаб чиқаришга оид янгилликлардан самарали фойдаланишга интилиши ҳам шундандир. Бозор иқтисодиётининг имманент хусусиятларини тадқиқ этган ва тадбиркорлик фаолиятининг инновация билан боғлиқлигини очиб берган Й.Шумпетер фикрига кўра, иқтисодий изланишлар – ўзига хос тафаккур тарзи, янгилликларга ўчликни, инновацияни тақозо этади[1:180]. Иқтисодий фаоллик, айниқса тадбиркорлик янгилликлар изланишга мойил тафаккурнинг инъикоси сифатида ўзини намоён этади, шундай хусусиятга эга бўлмаган тадбиркорлик, бизнес фойда олишни ўта содда, примитив тушунади. Бозор иқтисодиёти назариётчиларининг барчаси Р.Контильон, А. Тюгро, Ф. Кэне, А. Смит, Ж.Б. Сэя, Й. фон Тюнен, Ф. Хон Хайек, Л.Мизес, П.Ф. Дрюкер фойда олишни рад этмаган ҳолда инновацион тафаккурнинг, изланишларнинг зарурлигини қайд этадилар. Масалан, АҚШ лик иқтисодиётчи П.Ф. Дрюкернинг ёзишича, «янгилик жорий этиш тадбиркорликнинг алоҳида воситаси, инструменти ҳисобланади, бу тадбиркорга бизнес ва хизматлар кўрсатиш соҳасида фойда кўришдан кам аҳамиятли нарса эмас. Шунинг учун тинмай янгиллик

манбаларини излаш, бизнес ва хизмат соҳасида ютуқларга эришиш, фойда кўриш имконидир» [2:29]. Шу билан бирга П.Ф. Дрюкер иқтисодий тафаккур ва фаолликни инновацион изланишлар билан уйғунлигини бу уйғунлик «ташқи ва ички корпоратив муҳит»ни ўзгартириш, янгилашга қаратилишини қайд этади. Унинг фикрича, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик инновацион изланиш билан уйғунлашганида бир томондан, фойда олишни фақат бойлик орттириш доирасидан чиқишга, илмий-техник кашфиётларни қўллаб-қувватлашга йўналтиради, иккинчи томондан, янгича тафаккурни, бизнес маданиятини, самарали иш олиб бориш кўникмасини, ишбилармонлик хислатларини шакллантиради [3:22]. Тўғри, П.Ф. Дрюкер ҳам, юқорида номлари келтирилган иқтисодчилар ҳам иқтисодий тафаккурни алоҳида ижтимоий-фалсафий феномен, тушунча сифатида тадқиқ этмайдилар, бироқ уларнинг илмий-назарий меросида иқтисодий фаолликка ундовчи субъектив омиллар – иқтисодий онг, иқтисодий маданият, тадбиркор режаси ва мақсади, ҳаётий идеали фойда кўриш нияти каби воқеликлар ҳақида қимматли фикрлар учрайди.

Иқтисодий тафаккур, онг иқтисодий маданиятнинг таркибий қисми, у ўз хусусиятларига кўра, инсоннинг ижтимоий-иқтисодий муносабатларини ифодалайди, иқтисодий фаолиятга мақсад, йўналиш беради [4:9]. Иқтисодий тафаккур, онг бирламчими ёки ижтимоий-иқтисодий борлик, муносабатлар, деган савол турли баҳслар уйғотиб келади. Бизнинг фикримизча, улар ўзаро диалектик боғлиқ воқеликлар, иқтисодий тафаккурсиз, онгсиз ижтимоий-иқтисодий борлик муносабатлар йўқ, иккинчисиз биринчиси шаклланмайди. Ҳар бир давр ва жамият ўзига мувофиқ келадиган иқтисодий тафаккур ва ижтимоий – иқтисодий муносабатларни шакллантиради, улардан мутлақ холи тузум йўқ. Фалсафа фанлари доктори С. Норкуловнинг ёзишича, “иқтисодий тафаккурдаги ўзгаришларни фақат иқтисодий борлик таъсири маҳсули, натижаси деб қараш бир ёқлама ёндашувдир, иқтисодий борлик қандай тарзда, ўзининг имманент қонунларига мувофиқ янгилашиш, ўзгариш, трансформацияга учраш хусусиятга эга бўлса, иқтисодий тафаккур ҳам шундай хусусиятга эга” [5:98]. Инновация лотинча сўз бўлиб, у янгилик олиб кириш, жорий этиш деган маънони англатади. Баъзан «инновацион изланиш», «инновацион кашфиёт» ёки ихтиро, «инновацион ишланма» деган иборалар ишлатилади. Инновацияни ижод, айниқса илмий-техник ижод билан, иқтисодий соҳадаги изланишлар билан боғлаш кенг тарқалган. Натижада ҳар қандай ижод тури, янгилик, изланиш инновация тарзида тақдим этилади. Бундай ёндашувга фалсафа фанлари доктори, профессор В.Алимасов эътироз билдириб, инновацияни соҳада туб янгилашиш яшашга қаратилган ижод, кашфиётдир, деган ғояни илгари суради. [6:7] Аммо бизни бу ўринда инновацион тафаккур ва унинг иқтисодий тафаккур билан уйғунлиги масаласи қизиқтиради.

Инновацион тафаккур бетакрор ижодий янгилик яратишга қаратилган ақлий, интеллектуал салоҳиятдир. У моҳиятан тинмай изланиш, реал борликни ноодатий ижодий фаолият билан янгилаш, такомиллаштиришдир. Ҳар қандай янгилик инновация эмас, назарда тутилган соҳани илмий-техник ёки ташкилий нуқтаи назардан тубдан янгилаш инновациянинг бош мақсадидир.

Юқорида айтганимиздек, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, борлик динамик хусусиятга эга, улар тинмай ўзгаришга мойил. Айнан шу нуқтаи назардан иқтисодий тафаккур инновацияни тақозо этади. Бу улар ўртасидаги, фундаментал аҳамиятга эга, бош белгидир. Ҳозирги шароитда давлат бизнеснинг таъминлаш функциясини, аниқроғи, илмий билимлар ва ғоялар билан таъминлашни ўз зиммасига олмақда. Айнан шунинг учун илғор мамлакатлар расмий 13 ҳужжатларида илмий-техника тараққиётига ягона занжир, илмий ғоя ишлаб чиқариш, инновация бизнесини кенг кўламда қўллаш ёки фойдаланиш сифатида қаралади. Бозор иқтисодиёти шароитида нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам илмталаб ва юксак технологияларга асосланган маҳсулотларга эҳтиёж катта. Шу боис бутун дунёда янги ва илғор технологияларнинг бозори ошмоқда. Аҳолининг асосий қисми ёшлардан ташкил топганлиги учун юртимиз аҳолисининг 60 фоиздан зиёдини 24 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Ўзбекистон бу борада катта салоҳиятга эга. Бунда турли ижтимоий аҳамиятга эга соҳаларда ёшлар ташаббуслари ва инновацион лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратиш лозим. Очиғини айтиш керак,

бугун мамлакатимизда ёшлар муаммоларини ечишга қаратилган дастур ва тадбирларни амалга оширишда, вояга етиб келаётган ёш авлоднинг ҳаётда ўзига муносиб ўрин топиши, уларни иш билан таъминлаш, соғлом турмуш кечириши учун имконият туғдириш, ёшлар онгида замонавий дунёқарашни қарор топтириш, ижтимоий ҳаётдаги муаммо ва тўсиқларни бартараф этиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўла амалга оширишлари учун шароит яратиш каби ўта муҳим масалалар мавжуд. Ҳозирги кунда ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг малакаларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда бир қатор ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда “Бир тадбиркор – учта ҳамкор” лойиҳаси амалга оширилмоқда. Бу лойиҳадан қуйидаги натижалар кутилмоқда:

- ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда тадбиркорлар ва фуқаролар хиссаси ошади;

- янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилади, иш ўринлари яратилади;

- фуқароларга ўз бизнесини ташкил қилишида амалий ёрдам кўрсатилади;

- республиканинг барча ҳудудларидаги илғор тадбиркорлар электрон базаси яратилади ва ундан кенг фойдаланиш йўлга қўйилади;

- бизнесда ҳамкор топиш имконияти кенгайди.

Хулоса қилиб айтганда, ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этишда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади:

- ёшларга кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг кредитлар, хом ашё ресурслари, шунингдек, давлат харидлари тизимидан фойдаланиш имкониятини кенгайтириш;

- ёшлар орқали кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ва қулай бўлган ташкилий, ҳуқуқий, молиявий механизм ва шароитларни яратиш бериш;

- давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан ёшларнинг ўз бизнесини бошлаши учун мақсадли кредитлар ажратиш ва уларнинг сарфини таъминлашда тизимли назоратни йўлга қўйиш;

- ёшлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш орқали ўрта синфни шакллантириш ва мустақамлашга қаратилган зарур ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни замон талаблари асосида янада такомиллаштириш. Иқтисодий тафаккур хўжалик субъектлари, корхоналар, тадбиркорлар, хизмат муассасалари фаолиятини маълум бир тизимга солади, улар ўртасидаги тизимли, барқарор алоқаларни шакллантиради. У яратган хўжалик модели барча қисмларда баб-баравар таъсир этиб, бутун тизимнинг самарали ишлашини уюштиради. Бироқ бу тизим, хўжалик модели вақт ўтиши билан янгиланишга, инновацияга эҳтиёж сезади, ҳатто бутун тизим (объект, муассаса) банкротга учраши мумкин. [7:38] Демак, иқтисодий тафаккур мудом инновацион тафаккур билан қўллаб-қувватланиб турганида хўжалик субъектлари фаолиятини самарали олиб боради.

Инновацион тафаккурга баъзан давлат, сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий, маданий тизимлар ҳам буюртмачи бўлиши мумкин. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрда имзолаган «2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонини эслаш мумкин. Кузатувлар кўрсатадики, илмий-техник ишланмаларни, инновацион кашфиётларни жорий этиш бўйича Ўзбекистон 130-140 давлат ичида 122 ўринда туради. [8:3]

Иқтисодий тафаккур ва инновацион тафаккур инсон капиталини ривожлантириш орқали бир-бирига уйғун боғлиқдир. Юқоридаги фармонда мамлакатни иқтисодий ва инновацион ривожлантириш «Стратегиянинг бош мақсадидир» деб кўрсатилади [8:3].

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шумпетер Й. Теория экономического развития. – Москва : Экономика, 1982. – С. 180-182.
2. Друкер П.Ф. Рынок: как выйти в лидеры. Практика и принципы. – Москва: Экономика, 1992. – С. 29-30.
3. Drucker P. Innovation and entrepreneurship. – New York, 1985. – P. 22-28.
4. Валиев Б. Иқтисодий маданият ва уни шакллантириш омиллари. – Тошкент: Ислон университети, 2008. – Б. 9-116.

5. Норкулов С. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онгда трансформация жараёнлари. – Тошкент: Navro‘z, 2015. – 98 б.
6. Алимасов В. Инновация фалсафаси ёки биз «тўртинчи илмий-техник инқилобга тайёр мизми»? // Тафаккур, 2019, 1-сон. – 76 б.
7. Кристенсен К.М. Дилемма новатара. Как из-за новых технологий погибают сильные компании. – Москва: Альпина, 2018. – 38-42.
8. Инновацион ривожлантириш стратегияси мамлакат тараққиётини белгилайди // Халқ сўзи, 2018 йил 26 сентябрь.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг динамик хусусиятлари хўжалик субъектлари ва тадбиркорларни янги маҳсулотлар ишлаб чиқишга, хизмат турларини тинмай кенгайтириш, аҳолининг эҳтиёжларини тўла қондириш ҳамда иқтисодий ва инновацион ривожланиш инсон тафаккурига, салоҳиятига таяниш, ундан унумли фойдаланиш маҳсули бўлиши ҳақида, бозор муносабатларига ўтиш даврида устувор ҳисобланган давлат илмий-техника сиёсатининг моҳияти, жаҳон бозорида рақобатбардош бўла оладиган, иқтисодиёт тармоқлари тубдан янгилашишига имкон берадиган илмий ва технологик тадқиқотларга қўмаклашиш давр талаби эканлиги ҳақида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье идёт речь о динамических особенностях экономических отношений, которые включают разработку новых продуктов субъектами бизнеса и предпринимателями, постоянное расширение видов услуг, полное удовлетворение потребностей населения, а также о том, что экономическое и инновационное развитие основывается на человеческом мышлении, способностях и их продуктивном использовании, о сущности государственной политики в сфере науки и техники, которая является приоритетной при переходе к рыночным отношениям, о необходимости поддержки научно-технических исследований, которые будут конкурентоспособны на мировом рынке, что позволит радикально обновить секторы экономики

SUMMARY

In this article. The followings are described: Dinamic features of economic relations are that economic entities and entrepreneurs have the potential to develop new products, to continually extend the range of services, fully meet the needs of the population, and to use economic and innovative development based on human thinking, the importance of the state of scientific and technical policy, the need for scientific and technological research, which will be competitive in the world market, and to radically renew the economic sectors.

Наирга фалс. Ф. Д. С. Чориев тавсия этган

ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУТАҲҚАМЛАШ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА ДИАХРОН МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЗАМОНАВИЙЛАШИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Зоҳиров Р.Т. (Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази Қашқадарё вилоят бошқармаси)

Таянч сўз ва иборалар: оила институти, концепция, модернизация, диахрон муносабатлар, оилани мустаҳкамлаш концепцияси, ажримлар, кекса авлод, авлодлараро муносабатлар, илмий изланишлар.

Ключевые слова: институт семьи, концепция, модернизация, диахронические отношения, концепция укрепления семьи, разводы, старшее поколение, отношения между поколениями, научные исследования.

Key words: family institute, concept, modernization, diachronic relations, family strengthening concept, divorces, older generation, intergenerational relations, scientific research.

2018 йил 27 июнда Республикамиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги №3808-сонли қарори эълон қилинди. Бу аслида оила институтини жамиятимизда кечаётган модернизациялаш жараёнларининг мантиқий давомидир. Шу пайтгача оила ва ундаги авлодлараро муносабатларни, анъаналарни мустаҳкамлаш борасида кўп гапирил-

ди, маълум бир давлат дастурлари қабул қилинди, бироқ оилавий ажралишларнинг олдини олишга, ёшлар ва хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган самарали, замонавий механизмлар, институтлар яратилмади. Шунинг учун расман эътироф этилади: “Бугун оила аталмиш муқаддас даргоҳ остонасидан ҳатлаётган кўпчилик ёшларимиз, афсуски, мустақил ҳаётга на иқтисодий, на маънавий, на ҳуқуқий, на руҳий ва на диний маърифий тайёр”¹.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Оила” илмий – амалий тадқиқот маркази директори Д.Г.Тошмухамедованинг таъкидлашича, биргина “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази томонидан, Президентнинг юқоридаги Қарори эълон қилинган, уч ой ичида 10000 дан ортиқ нотинч ва 4343 та ўта ночор оилалар аниқланган². Демак, Президентимиз эълон қилган концепция ўзининг объектив асосига эга, оила институти ҳаётини жамиятда кечяётган модернизация ва инновацион ривожланиш жараёнлари билан уйғунлаштириш зарур.

“Модернизация” – француз тилидан олинган бўлиб “янгилаш”, “янги кўринишга ўтиш”, “замонавий хусусият касб этиш” маъноларини англатади.

Ижтимоий сиёсий, илмий фалсафий ва ҳуқуқий адабиётларда модернизация деганда мавжуд ҳаёт тарзини, институтлар ва ижтимоий муносабатларни, ҳуқуқий меъёрлар ва нормаларни янгилаш, замонавий талабларга келтириш назарда тутилади. Бунда умуминсоний кадриятлар ва меъёрлар, баъзан эса илғор хорижий давлатлар синовидан ўтиб ижтимоий борлиққа татбиқ этилган моделлар назарда тутилади. Ҳар икки ҳолда ҳам модернизациялаш янгиланишни, замонавийлаштиришни англатади.

Кейинги йилларда жамиятни модернизациялаш ҳақида кўпгина тадқиқотлар ўтказилди.³ Уларда модернизациялашнинг турли жиҳатлари ва турли соҳаларда намоён бўлиш хусусиятлари тадқиқ этилади. “Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилиши моҳиятан модернизациявий воқелик”, – деб ёзади М.Атавуллаев. У 1990 йил 20 июнда қабул қилинган Мустақиллик Декларациясида ўз ифодасини топди. Айнан ушбу ҳужжат халқимиз иродаси ва орзу-истакларини ифода этиб, мамлакатни модернизациялаш ҳамда ижтимоий тараққиётни янги этносиёсий парадигмага мувофиқ таъминлашни бошлаб берди. Кейинги демократик ва модернизацион ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши ҳамда бозор иқтисодиётига ўтиш ва “Ўзбек модели” билан боғлиқ.

Ўтган чорак асрда Ўзбекистонда модернизация ва демократлаштириш бўйича мисли кўрилмаган ўзгаришлар, янгиланишлар амалга оширилди. Бугун ижтимоий тараққиёт мутлақ янгича этносиёсий парадигмага мувофиқ кечмоқда, унда миллий манфаатларимиз, халқимиз озодлиги, унинг эркин ва фаровон ҳаёт қуриш истаги устувор”⁴. Оила институтидаги янгиланишлар ҳам ушбу ижтимоий фалсафий моҳиятга эга янги этносиёсий парадигмага мувофиқ рўй бермоқда. Бу янгиланишнинг ташаббускори ва бош субъекти бўлиб ўзбек давлати чиқмоқда.

Ўзбекистон Республикасида оила институти мустаҳкамлаш концепциясида ўтган ўн йилликлардаги ишларга баҳо берилган. Дарвоқе, унда шундай дейилади: “Биринчидан, тегишли идора ва ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда мониторинг қи-

¹ Тошмухамедова Д. Оила жамият ва давлат ҳимоясида // Халқ сўзи, 2018 йил 28 сентябрь.

² Қаранг: Ўша жойда.

³ Қаранг: Тожихонов Б.У. Ҳуқуқий сиёсат ва ҳуқуқий тизимни модернизациялаш. -Тошкент: ЎЗР ИИВ Академияси, 2007; Мусаев Ф. Демократик ҳуқуқий давлат қуришнинг фалсафий ҳуқуқий асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007; Норқулов С. Фуқаролик жамияти ва ижтимоий онгда трансформация жараёнлари. – Тошкент: Navro'z, 2015; Тўхлиев Н. “Ўзбек модели” араққиёт моделлари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси нашриёти, 2005; Исломов З.М. Ўзбекистон модернизациялаш ва демократик тараққиёт сари. –Тошкент: Ўзбекистон, 2005; Жураев С.А. Узбекистан: модернизация и развитие политической системы. –Тошкент: АкадемияМВД Узбекистана, 2009; Атавуллаев М. Жамиятни модернизациялашда ҳуқуқий кадриятларнинг ўрни (фалсафий ҳуқуқий жиҳатлари). Монография. – Тошкент: Университети, 2017.

⁴Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Ўзбекистон Республикасида оила институти мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” // Халқ сўзи, 2018 йил 28 июнь.

лишнинг таъсирчан тизими мавжуд эмас, оилани ривожлантириш масалалари бўйича давлат, фуқаролик жамияти институтлари ва хусусий сектор ҳамкорлиги паст даражада;

иккинчидан, оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги илмий тадқиқотлар ихтисослиги тор, ҳозирги ҳаёт воқелигидан узилиб қолган, илмий тадқиқотлар натижалари амалиётга сушт жорий этилмоқда;

учинчидан, оиланинг демографик ривожланишида ўзгаришлар юз бермоқда, оилада ажралишлар сони ўсмоқда, мазкур соҳада салбий тенденциялар ва муаммолар сабабларини асословчи тадқиқотлар етишмаяпти;

тўртинчидан, оилада, таълим муассасаларида маданий тарихий мерос салоҳиятидан сушт фойдаланилмоқда, миллий менталитетимизга ёт бўлган ғоя ва қарашлар таъсири-нинг олдини олиш борасидаги ишлар самарасиз;

бешинчидан, оила институтини мустаҳкамлашнинг қонунчилик асослари мукамал эмас, ҳуқуқни қўллаш амалиётини ва илғор хориж амалиётини ўрганиш асосида оилани химоя қилишва қўллаб-қувватлаш соҳасида мустаҳкам ҳуқуқий асос мавжуд эмас;

олтинчидан, мутахассислар етишмайди ва кадрлар малакаси паст даражада, таълим тизимида мутахассисларга бўлган эҳтиёжни прогнозлаштириш механизми йўлга қўйилмаган, оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш бўйича ўқув дастурлари мукамал эмас". Мазкур камчиликлар давлатимиз томонидан комплекс чора-тадбирлар қўришни, энг муҳими ташқи ва ички таъсирлар остида оилаларда рўй бераётган ижтимоий, иқтисодий, психологик, маънавий ахлоқий ва демографик ўзгаришларни рўй рост ўрганиш, юзага келаётган муаммоларнинг оқибатларини прогнозлаштириш, авлодлараро муносабатлар ва миллий анъаналар тажрибаларидан самарали фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Тан олишимиз керакки, бугун оила институти ҳар томонлама босқин остида: бир томондан, глобаллашувнинг зиддиятли таъсири мавжуд тажрибаларнинг самарасига раҳна солмоқда, уларни енгил-елпи тасаввурлар, моҳиятсиз ўйин кулги воситалари билан алмаштиришга ундамоқда. Бу воситаларни қўнғилочар томошалар ва дам олиш усуллари сифатида эртадан кечгача оммавий ахборот воситалари, айниқса, телевидение тарғиб этаётгани ачинарли ҳол; иккинчидан, ижобий аҳамиятга эга, шу пайтгача самарали усул сифатида фойдаланиб келинган анъаналар, маросим ва удумлар замонавий технологиялар ёрдамида яратилган детективлар, фантастик ва мистик фильмлар, томошалар олдида ўз таъсир кучини йўқотиб қўймоқда. Компьютер ўйинхоналари эртадан кечгача ўспиринлар билан тўла, лекин туман, шаҳар Маданият уйлари, Ёшлар ижод марказлари хоналари ё бўм- бўш туради ёки қунига атиги бир ярим соат, унда ҳам санокли ёшларга хизмат қилади, холос. Учинчидан, телевидение нукул атлас қўйлак кийган хотин-қизларни кўрсатади, журналларимизнинг усти шундай хотин-қизлар сурати билан безатилмоқда. Ҳа, чиройли ўзбек аёлларини оммавий ахборот воситаларида намойиш этсак арзийди, уларнинг ҳусни, чиройи мақтовларга лойик. Бироқ уларда оилавий муаммоларни чуқур таҳлил қиладиган, ажралишлар келтириб чиқараётган сабаблар очиб бериладиган, томошабинни ўйлантирадиган, унда бедилликка, ёвузликка, хиёнатга қарши нафрат уйғотадиган лавҳалар, кўрсатувлар қани? Тўртинчидан, оилашунослар етишмагани туфайли дуч келган, баъзан бошқа соҳаларда ўз салоҳиятини кўрсата олмаган шахслар оила, маҳалла, тарбия ва маърифий тарғибот ишлари билан шуғулланади. Республика-мизда оила ва оилавий муносабатлар бўйича мутахассислар тайёрловчи ўқув даргоҳининг ўзи йўқ. Бешинчидан, шу пайтгача биз оилаларимизни, ундаги миллий анъаналарни улуғлаш, мақташ билан банд бўлдик, ҳатто кўпгина асарларда уларни Ғарб маданиятидан, ғарбона анъаналардан устун қўйишга зўр бердик. Аслида бундай "мутахассислар"нинг бирортаси ҳам Ғарбга бориб, у ердаги оилалар ва уларнинг анъаналарини ўрганган эмас. Концепцияда илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш вазифа қилиб қўйилгани билан эътиборлидир. У мутахассисларимизни илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш орқали, улардаги модернизациялашган, инновацион аҳамиятга эга усулларни ўзлаштиришга даъват этади. Ҳа, чет эллардаги таълим, тарбия ва оилавий муносабатларни ташкил этиш миллий менталитетимизни бойитади, ўзбек оилалари дуч келаётган муаммоларга ечим

топиш технологиясини яратишга ёрдам беради, интеграция жараёнларини мақсадли давом эттиришга кўмаклашади. Минг афсуски, ўзбек педагогикасида шу пайтгача бирорта чет эллик оилашунос, тарбияшунос ёки этнограф, маданиятшунос асари она тилимизга ўгирилмаган.

Бундан ташқари, оила институтлари билан шуғулланувчи муассасалар жойлардаги реал ҳолат ҳақида объектив маълумотларга эга эмаслиги ажабланарли ҳол. Концепция эълон қилинган Республика Бош прокуратураси оилалардаги кримоген ва моддий таъминланиш, гендер тенглик масалаларини ўрганиб ҳайратли ҳолга дуч келган. Ўрганишлар давомида мамлакатимизда ўткир муаммоли оилалар сонини Ички ишлар вазирлиги 12 932 та, жойлардаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, яъни маҳаллалар 8 264 та, деб маълумот беради, Республика “Оила” илмий амалий тадқиқот марказининг келтиришича эса улар сони 10 000 дан зиёд. Ўтган йил яқунларига кўра, оилаларнинг ажралиш кўрсаткичи ҳам ортган, яъни 2017 йили 31,9 мингга ташкил этган, 2018 йилда эса бу кўрсаткич 32,9 фоиз, деярли учдан бирга ошган.¹ Аммо бу кўрсаткичлар юқоридаги ташкилотлар маълумотларида келтирилмайди, келтирилса ҳам чала, ўқувчи англаб етолмайдиган даражада мужмал берилади.

Оилани мустаҳкамлаш концепциясида оила институтини мустаҳкамлашнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш вазифа қилиб белгиланган. Бундай ҳуқуқий меъёрларсиз оила институтида янгиланиш бўлмайди. Амалдаги “Оила кодекси” 1998 йили қабул қилинган. Кейинги икки йилда оила институти ва оилавий муносабатларга оид, бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, икки юздан ортиқроқ ўзгаришлар ва қўшимчалар киритилди. Улар “Оила кодекси”ни янги, тўлдирилган нашрини чоп этишни тақозо қилади.

Концепцияда оила институтини мустаҳкамлашнинг асосий йўналишлари қилиб қуйидаги вазифалар белгиланган:

-оила институтини мустаҳкамлашнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шерикчиликни кучайтириш;

-замонавий оилани мустаҳкамлаш ва ривожлантириш масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар олиб бориш;

-демографик ривожланишни рағбатлантириш ва оила фаровонлиги даражасини ошириш;

-оиланинг тарбиявий таълим салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда анъанавий оилавий кадрларни сақлаш, оилаларда маънавий ахлоқий муҳитни яхшилаш;

-оилаларга таъсирчан методик, консультатив ва амалий ёрдам кўрсатишнинг самарали тизимини яратиш”.² Мазкур вазифаларнинг ҳар бири оила институти ҳаётини, ундаги авлодлараро муносабатларни, маънавий ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва янгилашга хизмат қилади. Масалан, оила институтини мустаҳкамлашнинг институционал ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, ижтимоий шерикчиликни кучайтириш йўналиши бўйича белгиланган вазифалар моҳиятан оила ва жамият, давлат, нодавлат, ҳуқуқ идоралари, тарбия ўчоқлари ўртасидаги координацион ва интеграцион алоқаларни янгича ташкил этишга қаратилган.

Концепция янги оила моделини шакллантиришга қаратилгани билан эътиборлидир. Шу пайтгача қабул қилинган ҳужжатларда янги оила моделини шакллантириш, бу борада инновацион тадқиқотлар ўтказиш лозимлиги назарда тутилмаган.

Маълумки, шаръий никоҳни халқимизга хос анъана ҳисоблаб, у билан кифояланаётган оилалар ҳам бор. Буни кенг анъанага айланганини махсус кузатувлар ҳам кўрсатади. Масалан, 2018 йили махсус ишчи гуруҳи томонидан олиб борилган кузатувлар пайтида 6428 нафар туғилган болаларга гувоҳномалар берилмагани, 44499 та никоҳ расмийлаштирилмагани аниқланган.³

¹ Қаранг: Соғлом оила жамият ривожланишининг асоси // Халқ сўзи, 2018 йил 6 июль.

² Ўша жойда.

³ Қаранг: Никоҳ қонуний бўлса, оила ҳимояси кафолатланади акс ҳолда...// Халқ сўзи, 2018 йил 5 декабрь.

Хатто қўшни республикадан Бекободга келин бўлиб тушган, фуқаролиги йўқ аёл 5 марта шаръий никоҳ билан оила қурган, никоҳини расмийлаштирмагани сабабли 6 нафар фарзанди билан дайдиб юрган. Фарзандларида ҳам гувоҳнома йўқлиги аниқланган.¹

Демак, Концепцияда белгиланган вазифалар оила институтини мустаҳкамлашга, унда ҳуқуқий тенгликни таъминлаш ва замонавий ўзгаришлар яшашга қаратилган. Ань-аналар қонунларга, давлат томонидан ўрнатилган ҳуқуқий меъёрларга зид келса, уларни замонавийлаштириш чора-тадбирларини кўриш керак. Агар юқоридаги мисолдан келиб чиқсак, оилаларда шаръий никоҳ билан чегараланиш ҳоллари кузатилса, бундай оила аъзоларини жиноий жавобгарликка тортиш миллий ҳуқуқнинг гуманистик тамойилларига мувофиқ келмайди. Бу ўринда ҳуқуқий маърифий тадбирлардан фойдаланиш тавсия этилади, яъни шаръий никоҳ расмий никоҳни рад этмаслиги, фуқаролик муносабатлари қонунлар билан расмийлаштирилиши зарурлиги тушунтирилади. Расмийлаштирилган никоҳ давлат томонидан ҳимоя қилинади, ёш болаларга моддий ёрдамлар кўрсатилади, ҳомиладорлик пайтларида аёллар бепул тиббий ва бошқа хизматлардан фойдаланади. Кўпинча хотин-қизларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини билмаслиги натижасида расмий никоҳдан ўтмаслик, “уйдаги гапни кўчага чиқармаслик”, гендер нотенгликка чидаш ҳоллари рўй беради. Оилада авторитар бошқаришнинг юзага келиши ва авлодлараро муносабатларнинг патриархал талабларга қурилишини ҳам шундай изоҳлаш мумкин.

Қарилик, кексалик аввало психофизиологик муаммо. Бу ёшдаги киши кўпинча ўзини якка сезади, соғлиги алоҳида эътиборни тақозо этади. Хаттоки, оилада авлодлараро муносабатлар кўнгилдагидек бўлса-да, кекса киши армонлари тўла ушалмаганини, ҳаётида кўп нарсаларни қилиши мумкинлигини, аммо ўша пайтлари имкониятлари бўлмаганини, оилавий ҳаётидаги қувончли дамлару ўкинчли ҳолларни эслайди. “Ҳаёт синовлари орасида энг армонли, деб мулоҳаза юритади Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист А.Абдуллаев, оғриқли ва шафқатсиз эр кишининг хотинидан бевақт айрилиши бўлса керак. Шунданми, баъзилар вақти-соати келганда аёлимдан аввалроқ ўтсам, деб кўяди. Ўйлаб қарасангиз, ёш бир жойга борганида ёстикдошидан айрилиш, худди, болаликда ота-онасидан жудо бўлишдек гап. Болаликдаги етимлик қисматига вақти-соати билан кўникиш мумкиндир, аммо қариликдаги “етим”ликнинг машаққатига дош бериш оғир. Бу азобни фақат бошидан кечирган тушунади”.² Ҳақиқатан ҳам, бундай кекса кишининг ёлғизлигини авлодлараро муносабатлар унутишга ёрдам бериши мумкин, аммо у паллиатив чорадир. Ёлғизлик азоби кекса кишининг ташқи алоқаларида эмас, балки унинг ичида, психофизиологик ҳолатидир. Бизда бу муаммони ўрганган тадқиқот учрамайди, бу ҳам илм-фанимизда илдиз отган муаммолардан қочиш, барча таҳлилларни тайёр қолипларга солиш, расмий кўрсатмалардан ташқарига чиқолмаслик каби журъатсизлик белгисидир. Ваҳоланки, кексалик ва ёлғизлик бундан кейин ўткир муаммога айланади. Биринчидан, кексалар, нафақахўрлар ижтимоий ҳаётда ёшлар каби иштирок этиш имконига эга бўлса-да, уларнинг янгилинишларни тез илғаши ва уларга тез мослашиши қийин. Иккинчидан, меҳнат бозорида ким ўзди, мусобақа суръати ошиб бормоқда, бу жараёнда қатнашиш кекса авлодга оғирлик қилади, улар устига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилишига халақит бериши мумкин. Ҳозирги ишлаб чиқариш, меҳнат жараёнлари янгича интеллектни, инновацион онг ва ижодий фаолликни тақозо этмоқда. Шунинг учун кекса авлоднинг психофизиологик ҳолатига мувофиқ келадиган соҳаларни, иш жойларини кенгайтириш масаласи пайдо бўлади. Ёшлар қанчалик чаққон, кучли ва билимли бўлишмасин, улар кекса авлоддаги фазилатларга ҳар доим муҳтож бўлади, уларнинг маънавий ёрдамларига, қўллаб-қувватлашига эҳтиёж сезади. Буни “Кекса авлоддан Сизга қандай фазилатлар ўтган?” деган саволимизга респондентлардан олган жавобларимиз ҳам тасдиқлайди.

-“Меҳнаткашлик” 58 фоиз;

¹ Қаранг: Хужжатсиз яшаш мумкинми? // Оила ва жамият, 2018 йил 28 ноябрь

² Абдуллаев А. Ёлғизлик яратганга ярашар // Нуроний, 2018 йил 28 ноябрь.

- “Масъуллик” 51 фоиз;
- “Фидойилик” 49 фоиз;
- “Оилапарварлик” 48 фоиз; “
- “Ахил яшаш” 47 фоиз;
- “Меҳрли бўлиш” 37 фоиз;
- “Оқибатлилик” 31 фоиз;
- “Босиқлик” 30 фоиз;
- “Саховатпешалик” 24 фоиз;
- “Камтарлик” 10 фоиз;
- “Фарзандсеварлик” 9 фоиз;
- “Орифу донолик” 4 фоиз.

Жавоблар кўрсатадики, респондентлар кексалардаги меҳнаткашлик (меҳнатсеварлик) ва масъулликни юқори баҳолашади. Бу ўринда жавоб берган респондентларнинг 72 фоиз 31-50 ёшлардаги, айти ишчанлигини намоён этиш палласига кирган кишилардир. Айтиан улар кексалардаги меҳнатсеварлик ва масъуллик ҳиссини улардан олганини таъкидлашади. Бу, албатта, респондентларнинг ички эҳтиёжи ва қизиқишларини ҳам ифода этади. Шунингдек, респондентлар фидойилик, оилапарварлик ва ахил яшаш фазилатларини ҳам муҳим аҳамиятга эга эканини, ушбу фазилатлар ўзларига кекса авлоддан ўтганини фахр билан қайд этадилар. Демак, авлодлараро муносабатлар беиз кетмайди, улар зимдан бўлса-да, ёш авлод онги ва ҳаётига сингади, уларда у ёки бу фазилатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Ижтимоий ҳаёт ва ундаги модернизация ва янгиланишлар қандай тарзда кечмасин, улар авлодлараро муносабатларни батомам йўқ қилолмайди, бу муносабатлар тагидаги моҳиятни, аҳамиятни миллий менталитетдан сиқиб чиқаролмайди. Модернизациялаш ва янгиланишлар бундай мақсадга қаратилмаган бўлса-да, ижтимоий ўзгаришларнинг шиддати кишини баъзан миллий анъаналардан воз кечишимизга тўғри келмаяптими, шу пайтгача эъозлаб келаётган миллий қадриятларимиз ассимиляциялашиб кетаётгани йўқмикан, деган хавотирли фикрларни уйғотади. Бу фикрларни субъектив тарзда рад этиш мумкин, бироқ объектив ҳаётда, кишилараро ва авлодлараро муносабатларда уларни тасдиқловчи мисоллар ҳам етарлича топилади. Демак, бу борадаги илмий изланишларни давом эттириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги” // Халқ сўзи, 2018 йил 28 июнь.
2. Тошмуҳамедова Д.Г. Оила – жамият ва давлат ҳимоясида // Халқ сўзи, 2018 йил 28 сентябрь.
3. Атовуллаев М Жамиятни модернизациялашда ҳуқуқий қадриятларни ўрни (фалсафий ҳуқуқий жихатлари). – Тошкент: Университет, 2017. – Б. 5.
4. Нарбоева Т.К. Аёл тақдирига бефарқ қараб бўлмайди // Халқ сўзи, 2018 йил 3 ноябрь.
5. Абдуллаев А. Ёлғизлик – яратганга ярашар // Нуруний, 2018 йил ноябрь сони.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Ўзбекистонда илк марта оила институтини мустаҳкамлаш концепцияси қабул қилинганлиги, концепцияда оила институтини мустаҳкамлашнинг қонунчилик асосларини такомиллаштириш вазифа қилиб кўрсатилганлиги, оилада авлодлараро муносабатларини замонавийлаштириш хусусиятлари баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье показано, что в Узбекистане впервые была принята концепция по укреплению института семьи, закреплены правовые основы развития семьи, раскрыты аспекты современных отношений между поколениями.

RESUME

This article shows that Uzbekistan for the first time adopted the concept of strengthening the institution of the family, fixed the legal basis for the development of the family, disclosed aspects of modern relations between generations.

Наирузга фалс.ф.д. С.Чориев тавсия этган

ЁШЛАР ДУНЁҚАРАШНИ ИЎЗГАРТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МАНИПУЛЯТИВ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Ибрагимов Э. (Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги
Давлат бошқаруви академияси)

Таянч сўз ва иборалар: *геосиёсий рақобат, манипуляция, манипулятив технология, манипулятив технология турлари, манипулятив технология занжир, манипулятив технология элементлари, манипуляция мақсади, манипуляция вазифалари, манипуляция услублари, манипуляция усуллари, манипуляция принциплари.*

Ключевые слова: *геополитическая конкуренция, манипуляция, манипулирующие технологии, виды манипулятивных технологий, цепочка манипулятивных технологий, элементы манипулятивной технологии, цель манипуляции, функции манипуляции, методы манипуляции, стили манипуляции, принципы манипуляции.*

Key words: *geopolitical competition, manipulation, manipulating technologies, types of manipulative technologies, chain of manipulative technologies, elements of manipulative technology, purpose of manipulation, manipulation functions, manipulation methods, manipulation styles, principles of manipulation.*

“Ахборот асри” дея ном олган XXI аср арафасига келиб, геосиёсий майдондаги муносабатлар мутлақо ўзгача характер касб этди. Хусусан, геосиёсий кучлар ўртасидаги рақобат авж палласига кирди. Бу жараёнда эса ёшлар геополитик таъсир объектига айлана бошлади. Геосиёсий кучлар ўз мақсад-муддаолари йўлида ёшлар дунёқарашига таъсир қилиб, улар таркибидан ўз эҳтиёж ва манфаатларига хизмат қилишга тайёр келажак лидерларини вояга етказишни мақсад қилмоқдалар. Таассуфки, бу мақсад аксарият ҳолларда йигит ва қизлар онги ва фаолиятини манипуляция қилиш эвазига амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан замонавий манипулятив технологияларнинг мазмуни ва моҳиятини тадқиқ этиш, унинг ўзига хос хусусиятлари, таркибий компонентларини аниқлаш, унга қарши туриш механизмларини яратиш ҳақида бош қотириш – ижтимоий фалсафанинг ўта долзарб муаммоларидан бирига айланмоқда.

“**Манипуляция**” (*manus* – қўл) сўзи, яъни объект устидан бирор мақсадда иш олиб бориш маъносида ишлатилмоқда. Бунда чакқонлик, маҳорат талаб қилиниши кўзда тутилади. Шу сабабли “манипуляция”ни кўчма маънода “одамлар билан объект сифатида муносабатга киришиш” деб ҳам тушуниш мумкин. 1969 йил Нью-Йоркда чоп қилинган “Замонавий социология луғати”да бу ҳақда “бошқаларга билдирмасдан, асл мақсадни яширин тутган ҳолда бошқалар устидан ҳукмронлик қилиб, ўзи истаган хулқ-атворни шакллантириш”[1] дейилади.

Психолог ва социолог олимларнинг таъкидлашича, манипуляция – инсон онгига таъсир турларидан бири ҳисобланиб, ундан кишини маълум хатти-ҳаракатларни амалга оширишга билвосита ундаш орқали бир томонлама ютуққа эришиш мақсадида фойдаланилади. “Манипуляция” лотинчадан олинган бўлиб, қўл ҳаракати деган маънони билдиради. Шу билан бирга, манипуляция – қўл машки, шу жумладан, қўл маҳоратига таянган фокус намоиш қилиш; махинация, алдов, товламачилик, қаллоблик орқали ғаразли мақсадга эришиш; одамда маълум мотивацион ҳолатларнинг (ҳиссиётлар, стереотиплар) фаоллашувига олиб келадиган коммуникацион таъсир.

Манипуляция – зўравонлик эмас, у инсонда бирор нарсага ҳавас туғдирувчи васваса, уни йўлдан оздириш усулидир. Манипуляциянинг хатарли жиҳати шундаки, у ички парокандалик, шахс яхлитлигининг бузилиши, унинг ташқи таъсирга берилиб кетишига сабаб бўлади.

Одатда, кўпчилик манипуляцияни алдов билан алмаштиради. Алдовда ҳақиқат атайин яшириб бошқа ёлғон маълумот билан ўқтирилса, манипуляцияда шахсга ўтказилган таъсир натижасида шахс нотўғри нарсани ўз хоҳиши билан ҳақиқат даражасига кўтаради.

Америкалик олим Р. Чалдини манипуляциянинг бир неча турларини ажратиб кўрсатади: ёрдам сўраш; сотувчининг, рекламанинг харидорга таъсири; сиёсий тарғибот; болаларни тарбиялаш ва ҳоказо. Унинг фикрича, турли хил фондлар учун маблағ йиғувчи-

лар, кўчада савдо қилувчилар, ишбилармонлар, бизнесменлар, савдо агентлари, реклама ходимлари ҳам ўз фаолиятида манипуляциядан кенг фойдаланади. Демак, манипуляция – бу кишилар онгини енгил-елпи ғоялар, фикрлар ва қарашлар билан атайин нотўғри шакл-лантириш ҳамда шу тарика инсонни маъно-мазмунсиз ҳаётга йўналтиришдан иборат. Бу хизматни амалга оширувчи киши манипулятор деб аталади. Манипуляторга қуйидагилар хос:

– манипулятор ўз соҳасининг етук мутахассисларидан бири сифатида ғараз ниятли сиёсий кучларга моддий манфаат кўриш учун хизмат қилади;

– манипулятор белгиланган киши ёки муайян гуруҳни манипуляция қилиш, яъни тўғри йўлдан чалғитиш учун турли воситалардан, замонавий техника имкониятларидан унумли фойдаланади;

– манипулятор ўз ишида кишиларнинг, айниқса, ёшларнинг қизиқиш, интилишлари ва хоҳиш-истакларини ҳисобга олиш усулига қатъий амал қилади;

– манипулятор ўзига иродаси мўрт, фикри саёз ва фақат бир кунлик ҳаёт билан яшовчи ёшлар орасидан муносиб “шогирд”ни вояга етказди ҳамда бутун жараёни унинг воситасида бошқаради.

Бугунги кунга келиб манипулятив технологиялар одамлар сонига қараб қуйидагича амалга оширилмоқда:

1. Индивидуал. Бунда асосан якка шахс танлаб олинади. Манипуляторлар шахснинг характерини, унинг кучли ва заиф жиҳатларини обдон ўрганадилар ва, одатда, беш тоифадаги шахсларни потенциал таъсир объектига айлантирадилар.

1) Қулай ҳаётни хуш кўрадиган, фақат ўз манфаатларини қондириш йўлида фикр юритиб ўрганган кишилар. Бу тоифадаги кишилар ўз манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўядилар. Одатда уларнинг руҳиятини манипуляция қилиш учун манфаатларига урғу берилади, хусусан, у ёки бу фаолиятни уларнинг манфаатларига мослиги исботлаб берилади.

2) Мунтазам стресс вазиятида юрадиган кишилар. Бу тоифа кишилар одатда ижодий фаолият билан шуғулланадиган, орзуларга берилувчан, тез асабийлашадиган бўладилар. Уларнинг руҳиятини манипуляция қилиш учун аксар ҳис-туйғуларига таъсир кўрсатилади.

3) Мантқиқий фикрлашга одатланган кишилар. Бу тоифадаги кишилар факт ва аргументларга ишониб ўрганган бўладилар. Уларнинг руҳияти адолат, виждон, ахлоқ ҳақидаги тасавурларига таъсир кўрсатиш орқали манипуляция қилинади.

4) Энг примитив ҳайвоний инстинктларни, табиий эҳтиёжларини қондиришдан (овқатланиш, ухлаш, жинсий алоқа қилиш ва ҳоказо) нарига ўтмайдиган кишилар. Бундайлар руҳияти оддий эҳтиёжини қондириш учун имконият яратиш орқали манипуляция қилинади.

5) Руҳий патологияларга эга кишилар. Бу туркум кишилар турли руҳий касалликлардан азият чекадилар, соғлом фикр юрита олмайдилар Улар кўрқитиш ва азоб бериш орқали руҳий манипуляция қилинади.

2. Жамоавий (гуруҳли). Бу жараёнда асосан сиёсий бирлашмалар, ижтимоий ҳаракатлар ёки жамиятнинг муайян қатлами ёки синфи мўлжал қилиб олинishi мумкин. Бу бир жиҳатдан, одатда, мамлакатнинг кучли қатлами ҳисобланган ёшларни манипуляция қилиш орқали уларга мосланган технологиялар қўлланилади. Уларнинг таълим олишга бўлган эҳтиёжларини сўндириш, мамлакатдан чиқиб кетишга иштиёқини кучайтириш ёки ватанпарварлик туйғуларини издан чиқариш мақсадида қўлланилади. Бошқа бир жиҳатдан сиёсий рақобат жараёнида сайловларда ғалаба қозониш, муайян сиёсий кучларни обрўсизлантириш, ҳокимиятга эгалик қилиш ва яна шу каби мақсадларда амалга оширилади.

3. Оммавий. Бунда кенг жамоатчилик кайфиятига таъсир этиш масаласи бош вазифа сифатида белгилаб олинади. Тижорат мақсадларида етарли даражада сифатга эга бўлмаган бўлса-да, рекламани кучайтириш орқали халқни шу маҳсулотга ишончини кучайтириш ҳам манипуляциянинг бир кўриниши сифатида эътироф этиш мумкин. Шунингдек, халқ орасида турли уйдурмаларни тарқатиш, хусусан, “Қиёмат куни” бўлиши ҳақидаги хабарларни тарқатишда ҳам айнан турли манфаатлар ётганлигини кўришимиз

мумкин. Бу жараёнда одамлар ҳаётнинг тугаб бораётганига ишониш орқали истеъмомчилик жамиятини ривожлантиришади, руҳиятни тетиклаштирувчи ёки тинчлантирувчи дори-дармон воситаларига эҳтиёж кучаяди. Бу, албатта, тижоратнинг ривожланиши оқибатида бундан манфаатдор ғояларнинг моддий жиҳатдан ривожланишларига олиб келади.


Шу тариқа муайян ташқи кучлар томонидан шахс онги ва қалбига ёт ғояларни сингдириш мақсадида уларнинг ҳиссиётлари, эътиқоди ва туйғуларига таъсир этишнинг мафкуравий омилларидан бўлиб, жамият турмуш тарзи ва менталитетидаги ўзгаришларни амалга ошириш учун унга моддий, маънавий, руҳий таъсир ўтказиш асносида сиёсий мақсад ва муддаоларни амалга ошириш мажмуасига айтилади [2].

Бугунги кунда инсониятнинг муваффақиятлари ҳам, қулфатлари ҳам глобал характер касб этмоқда. Таассуфки, маданий гегемония ўрнатиш ўзга ҳудудларни ўз таъсир доирасига олиш, инсон онгини бошқаришнинг кенг тарқалган технологиясига айланипти. [3,34]

Манипуляторлар ўзларини геополитик мақсадларига эришишлари учун манипулятив технологиялардан фойдаланишади. Ушбу технологиялар турли-туманлиги билан ажралиб туради. Ҳар қандай технологиянинг ҳам муайян занжири бўлади, худди шунингдек, манипулятив технологияларнинг ҳам. Бунинг учун ёшлар дунёқарашини ўзгартиришга қаратилган манипулятив технологияларнинг занжини аниқлаш ва тадқиқ этиш лозим.

Манипулятив технологиялар занжири, бизнинг фикримизча, қуйидагича элементлардан таркиб топади:

Шахс



Бу принципларни қисқача таҳлил қилиб ўтсак.

1. Мақсад ёшларнинг онги ва фаолиятини геополитик мақсад йўлига буриб юбориш билан боғланади. Бунинг учун асосий вазифалар сифатида қуйидагилар белгилаб олинади:

1) манипуляторларга хос кадрлар системасини ёшлар онгига сингдириш учун аввало ёшлар орасидаги реал маънавий-руҳий вазиятни ўрганиш;

2) ёшлар дунёқарашига таъсир кўрсата оладиган, лекин ҳанузга қадар реализация қилинмаган имкониятларни аниқлаш;

3) дунёқарашни ўзгартиришга хизмат қиладиган омиллар ва воситаларни белгилаш;

4) аниқ бир ҳудудда ёшлар дунёқарашини ўзгартиришга хизмат қиладиган механизм ва тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

5) ёшлар онгини ўзларига мос шакл ва мазмунга ўзгартириш.

2. Ҳар қандай технологияни амалга оширишга киришишдан аввал мустаҳкам услублар комплексини ишлаб чиқишга ҳам эътибор қаратилади. Чунки услуб технологиянинг марказий элементларидан биридир. Услубларини танлаётганда унинг тўрт жиҳати мавжудлиги диққат марказда туради: [4, 226-228]

- ҳар қандай услуб ўз мазмунига эга;

- ҳар қандай услуб ўзига хос тарзда қўланилади;

- ҳар қандай услуб ўз қимматида эга;

- ҳар қандай услуб турли усуллар ва принципларни ўз ичига олишини унутмаслик лозим.

Бугунги кунда манипуляциянинг юзга яқин услублари қўлланилмоқда. Уларнинг барчасини бир мақола миқёсида таҳлил қилиб беришнинг имкони бўлмаганлиги сабабли энг кўп ишлатиладиган айримларини тилга олиш билан чекланамиз.

Энг оммабоп услублардан бири сифатида ҳақорат услубидан кенг фойдаланилмоқда. Бу услубга кўра, бирор киши ҳақида жамоатчилик олдида бир неча бор ҳақоратомуз сўзлар қўлланилади. Унинг камчиликлари (ўйлаб топилган бўлса ҳам), мағлубиятлари тилга олинади. Бунинг натижасида кишиларнинг шу инсон ҳақидаги фикри салбий томонга ўзгаради. Ҳатто мазкур киши тўғрисида ижобий хулосага эга бўлган киши ҳам унга ишонмайдиган бўлиб қолади, ундан ўзини тортади.

Мақтов услуби юқоридаги услубнинг айнан тескариси бўлиб, бундан турли пиар-кампанияларда кўпроқ фойдаланилади. Одатда у ёки бу кишининг зиғирдек фазилати бўрттириб кўрсатилади, хизматлари ошириб кўрсатилади. Кўча-кўйда, давраларда, оммавий ахборот воситаларида унинг мадҳи келтирилади. Бунинг натижасида зарурий кишининг ижобий характери-хусусияти юзага келади.

Нуфузли кишига мурожаат қилиш услуби ҳам тез-тез қўлланиб турилади. Бу услубдан одамларда ижобий таассурот уйғотиш илинжида бўлган кишилар кўпроқ фойдаланиладилар. Унга кўра, турли обрўли, эътиборли кишиларнинг сўзларидан ихтибослар келтирилади, уларнинг фикрларига мурожаат қилинади. Бунинг оқибатида кишилар бундай нутқ муаллифини бамаъни, маърифатли инсон сифатида қабул қила бошлайдилар.

Ўзини содда, оддий инсон қилиб кўрсатиш услуби эса сиёсат ва санъат оламида кенг тарқалган. Айрим сиёсатдонлар, санъаткорлар кишиларнинг ўзлари ҳақидаги фикрларини ижобий томонга ўзгартириш учун азбаройи оддий инсон бўлиб кўринишга ҳара-кат қиладилар. Аксарият ҳолларда бу услуб кўзлаган натижага осон эришиш имконини беради.

3. Ёшлар дунёқарашини ўзгартиришга интилишда, албатта, турли воситалар, жиҳозлар, асбоблар ва материаллар қўлланилиши табиий ҳол. Бу жараёнда икки ҳолатга эътиборни қаратиш лозим. Биринчидан, ушбу воситалар ва жиҳозлар энг замонавий характерга эга. Айтайлик, замонавий компьютерларнинг қўлланилиши маълумотларни тезкор, аниқ ва яширин тарзда етказиб беради. Шунингдек, самарали таъсир механизми ҳисобланади. Худди шунингдек, смартфонлар, планшетлар ва турли маълумот ташувчи қурималар ҳам айнан шу мақсадда қўлланилади.

Ҳозирги пайтга келиб ахборот тизими бутун жаҳонни қамраб олди. Интернет, уяли телефон алоқаси, радио ва телевидение умумжаҳон миқёсида кенг тарқалди. Халқлар, минтақалар, қитъалараро алоқалар жадаллашди. Инсониятнинг муваффақиятлари ҳам, кулфатлари ҳам глобал характер касб этди. Таассуфки, маданий гегемония ўрнатиш ўзга ҳудудларни ўз таъсир доирасига олиш, инсон онгини бошқаришнинг кенг тарқалган технологиясига айланыпти [5,34].

4. Амалга ошириладиган тарғибот тадбирларнинг изчиллиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда, бу изчилликни таъминлаш услубиёти аллақачонлар ишлаб чиқилган. Масалан, малакали немис мутахассислари ўтган асрнинг 70-йилларидаёқ ижтимоий воқеликни ўрганишдаги тадбирлар изчиллигини кўрсатган эдилар [6].

Унда ижтимоий воқелик тадқиқи уч босқичдан иборат бўлмоғи лозимлиги қайд этилади. Биринчи босқичда тадқиқот тайёрланади ва ташкил этилади. Бу даврда тадқиқотнинг асосий мақсади, ғояси ва асосий босқичлари аниқланади, аналитик тадбирлар комплекси ишлаб чиқилади. Иккинчи босқичда эмпирик тадқиқот амалга оширилади (яъни материаллар тўпланади). Учинчи босқичда тўпланган эмпирик материаллар таҳлил қилинади [7,15]. Шу жиҳатдан келиб чиқиб манипуляторлар ҳам олиб бораётган тарғиботлари жараёнида изчилликка алоҳида эътибор қаратиб борадилар.

5. Навбатдаги элемент бу мониторинг. Маълумки, мониторинг деганда системанинг аҳволини ўрганишга қаратилган динамик кузатишлар, аналитик баҳолашлар ва башоратлар йиғиндиси тушунилади. Албатта, бугун геополитик кучлар узоқ муддатли страте-

гияни ишлаб чиқишар экан, ўзлари томонидан олиб борилаётган манипуляциянинг таъсир жараёнини доимий равишда мониторинг этиб бормоқдалар. Ёшлар дунёқарашини ўзгартириб бориши жараёнида янгидан янги технологияларни ишлаб чиқиш, эскиларидан воз кечиш, ёшлар аудиториясининг миқдорини ҳисобини юритиш, уларнинг хоҳиш ва истакларини мунтазам ўрганиб бориш ва бошқа шу каби масалалар асосий диққат марказда туради.

Манипулятив технологиялар асосан ана шу босқичларни ўз ичига олади. Албатта, бу технология турли элементлар эвазига бойитилиши, амалда қўлланила бошланганидан сўнг янада такомиллашиб бориши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. A Modern Dictionary of Sociology Hardcover. – March 1, 1969. – 469 p.
2. Аминова Д. Ўзбекистон миллий журналистикасининг мафкуравий асослари. –Т.: Турон-икбол, 2013.
3. Кара-Мурза С. Манипуляция сознанием. – М.: Алгоритм, 2006. – 464 с.
4. Курбонов Т. Ҳозирги замон цивилизациясини тадқиқ қилиш методологияси: тадқиқот услубларини танлаш масалалари // Ҳозирги замон фалсафаси. Халқаро илмий конф. мат. – Т., 2008. – Б. 226-228.
5. Кара-Мурза С. Манипуляция сознанием. – М.: Алгоритм, 2006. – 464 с.
6. Процесс социального исследования // Перевод с немецкого А. Шестакова и И. Марасанова. – М.: Прогресс, 1975. – 365 с.
7. Процесс социального исследования // Перевод с немецкого А. Шестакова и И. Марасанова. – М.: Прогресс, 1975. – 365 с.

РЕЗЮМЕ

Мақолада янги аср бошларида авж олган геополитик рақобат турли манипулятив технологияларни юзага келтиргани, бу технологиялар аксарият ҳолларда ёшлар онги ва фаолиятини ўзгартириш мақсадида қўлланилаётгани асослаб берилади.

РЕЗЮМЕ

В статье обосновывается тезис о том, что геополитическая конкуренция начала нового века привела к возникновению различных манипулятивных технологий, которые зачастую применяются в целях изменения сознания и поведения молодежи.

RESUME

The article substantiates the thesis that geopolitical competition at the beginning of the new century led to the emergence of various manipulative technologies, which are often used to change the consciousness and behavior of young people.

Наширға фалс. Ф.д. С.Чориев тавсия этган

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ СИСТЕМЫ ОБЩЕСТВЕННОГО
УПРАВЛЕНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН

Эргашев А., Бойсунов Ж. (КарГУ)

Ключевые слова: *децентрализация государственного управления, гражданское общество, система общественного управления, общественный контроль, субъекты и объекты общественного контроля, основные принципы и формы общественного контроля.*

Таянч сўз ва иборалар: *давлат бошқарувининг децентрализацияси, фуқаролик жамияти, жамоат бошқаруви тизими, жамоат назорати, жамоат бошқарувининг объекти ва субъекти, жамоат бошқарувининг шакли ва асосий тамойилари.*

Key words: *decentralization of state administration, civil society, public administration system, public control, subjects and objects of public control, basic principles and forms of public control.*

Осуществление постепенной передачи отдельных полномочий и функций центральных органов власти местным органам, от них общественным, негосударственным некоммерческим организациям, органам самоуправления граждан открывает новые возможности в реализации принципа «От сильного государства – к сильному гражданскому обществу».

Реализация этого принципа требует решения нескольких задач: во-первых, дальнейшего углубления и расширения демократизации государственного управления, либерализации общественных отношений; во-вторых, в этих целях децентрализации и деполитизации управления, расширения полномочий негосударственных некоммерческих организаций и органов самоуправления граждан; в-третьих, повышения социальной активности граждан; в-четвертых, в этих целях, повышения их правового сознания и культуры, формирования у них чувства причастности и ответственности за все происходящее в стране. Только тогда можно будет организовать эффективный общественный контроль за деятельностью государственных органов.

Как справедливо подчеркивает А. Эркаев: “Гражданское общество предполагает наличие свободных, сознательных граждан, а не верноподданных его величества или фанатов какой-либо фундаментальной идеи. Оно отвергает также конформистов, приспособляющихся к любому политическому режиму. Гражданское общество нельзя построить с подавленным страхом населением, у которого выработался комплекс неполноценности перед властями”. Именно реализация вышеприведенных идей позволяет установить общественный контроль над деятельностью государственных органов. Нереализованность хотя бы частично одной из них тормозит развитие гражданского общества.

Дальнейшее усиление роли общественного контроля над деятельностью органов государственной власти является одним из необходимых условий реформирования системы государственного управления и либерализации страны. За последние годы в Республике Узбекистан был принят ряд нормативно-правовых актов, направленных на создание прочных конституционно-правовых основ осуществления общественного контроля над деятельностью органов государственной власти и управления.

К числу таких правовых актов можно отнести законы «Об общественных объединениях», «О негосударственных некоммерческих организациях», «О средствах массовой информации», «Об органах самоуправления граждан», “О выборах председателя (аксакала) схода граждан” в новой редакции, «Об обращениях физических и юридических лиц», «О социальном партнерстве», «Об открытости деятельности органов государственной власти и управления», «Об усилении роли политических партий в обновлении государственного управления и модернизации страны», а также многие постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан. Сюда же можно отнести ряд указов и постановлений Президента Республики Узбекистан, принятых за последние два года – таких, как «О концепции Административной реформы в Республике Узбекистан», «О мерах совершенствова-

ния деятельности общественных советов при государственных органах», «О мерах по коренному повышению роли институтов гражданского общества в демократическом обновлении страны», «О мерах по организации деятельности общественных советов при государственных органах», «Утверждение положения общественного совета при государственных органах», «О первоочередных мерах по созданию правовой и институциональной базы развития государственно-частного сектора» и других.

Функционирующие на сегодняшний день более 9200 негосударственных некоммерческих организаций выполняют важную роль в защите прав и законных интересов всех слоёв населения, демократических ценностей, достижении социально-культурных и образовательных целей. В 2018 году создан Консультативный совет по развитию Гражданского общества при Президенте Республики Узбекистан, в структуре Законодательной палаты Олий Мажлиса Республики Узбекистан функционирует комитет по вопросам демократических институтов, негосударственных организаций и органов самоуправления граждан.

В связи с принятием закона Республики Узбекистан от 16 апреля 2014 года «О внесении изменений и дополнений в отдельные статьи Конституции Республики Узбекистана (32, 78, 93, 98, 103 и 117)» вторая фраза статьи 32 Конституции были изложено в следующей редакции: «Такое участие осуществляется посредством самоуправления, проведения референдумов и демократического формирования государственных органов, а также развития и совершенствования общественного контроля над деятельностью государственных органов».

Статья 32 была дополнено второй частью следующего содержания: «Порядок осуществления общественного контроля над деятельностью государственных органов определяется законом».

Конституционное закрепление осуществления общественного контроля за деятельностью государственного управления служит мощным импульсом принятия нормативно-правовых актов, направленных на создание прочных конституционно-правовых основ осуществления общественного контроля над деятельностью органов государственной власти и управления.

Президент Республики Узбекистан Ш. М. Мирзиёев в своём Послании Олий Мажлису Республики Узбекистан от 22 декабря 2017 года говорил об актуальности принятия специального закона «Об общественном контроле» с учётом требований современной реальности.

В целях реализации задач дальнейшего реформирования системы общественного управления, определенных в Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы 12 апреля 2018 года был принят закон «Об общественном контроле». Данный правовой акт разработан с целью регулирования отношений, связанных с реализацией гражданами Республики Узбекистан гарантированного Конституцией Республики Узбекистан права на участие в управлении делами общества и государства посредством осуществления общественного контроля над деятельностью государственных органов.

В законе определяются субъекты, объект общественного контроля и его основные принципы. Субъектами общественного контроля являются граждане, органы самоуправления граждан, а также негосударственные некоммерческие организации, средства массовой информации, зарегистрированные в установленном законодательством порядке.

В соответствии с данным законом объектом общественного контроля является деятельность государственных органов и их должностных лиц по: учету общественных интересов, общественного мнения в принимаемых нормативно-правовых актах, решениях, а также в государственных, отраслевых и территориальных программах развития; обеспечению исполнения требований законодательства в сфере защиты прав и законных интересов граждан, юридических лиц, интересов общества; выполнению возложенных на них задач и функций, затрагивающих социальные и общественные интересы; оказанию госу-

дарственных услуг; реализации соглашений, договоров, проектов и программ, осуществляемых в рамках социального партнерства.

Основными принципами общественного контроля являются: законность; приоритет прав, свобод и законных интересов граждан; добровольность участия в осуществлении общественного контроля; публичность и открытость осуществления общественного контроля; объективность и беспристрастность субъектов общественного контроля; достоверность результатов общественного контроля; недопустимость необоснованного вмешательства субъектов общественного контроля в деятельность государственных органов, их должностных лиц и оказания неправомерного воздействия на них.

В данном законе установлены следующие формы общественного контроля: обращения и запросы в государственные органы. Субъекты общественного контроля вправе обращаться в государственные органы с заявлениями, жалобами и предложениями, а также направлять им запросы в порядке, установленном законодательством.

Обращения и запросы субъектов общественного контроля рассматриваются государственными органами в порядке, установленном законодательством.

Субъекты общественного контроля имеют право участвовать на открытых коллегиальных заседаниях государственных органов в порядке, установленном законодательством. Государственные органы создают условия для участия субъектов общественного контроля на их открытых коллегиальных заседаниях.

Общественным обсуждением является публичное обсуждение общественно значимых вопросов, а также проектов нормативно-правовых актов, иных решений государственных органов. Общественное обсуждение могут проводить негосударственные некоммерческие организации, органы самоуправления граждан и средства массовой информации.

Общественное обсуждение может проводиться с участием представителей различных социальных групп, в том числе лиц, права и законные интересы которых затрагивает или может затронуть обсуждаемый вопрос. Общественное обсуждение проводится публично и открыто. Участники общественного обсуждения вправе свободно высказывать свое мнение и вносить предложения по вопросам, вынесенным на общественное обсуждение.

Общественным слушанием является собрание, организуемое для обсуждения вопросов, касающихся деятельности государственных органов, их должностных лиц и имеющих общественную значимость либо затрагивающих права и законные интересы граждан, юридических лиц, интересы общества.

Общественным мониторингом является наблюдение за деятельностью государственных органов и их должностных лиц посредством сбора, обобщения и анализа информации, затрагивающей общественный интерес.

Общественной экспертизой является изучение и оценка проектов нормативно-правовых актов и иных решений государственных органов на предмет их соответствия права и законным интересам граждан, юридических лиц, интересам общества.

Изучением общественного мнения является сбор, обобщение и анализ информации с целью оценки мнения различных социальных групп о проектах нормативно-правовых актов, деятельности государственных органов, их должностных лиц по соблюдению ими требований законодательства, обеспечению прав и законных интересов граждан, юридических лиц, интересов общества.

Заслушивание органами самоуправления граждан отчетов и информации должностных лиц государственных органов. Сход граждан заслушивает:

- отчеты руководителей органов исполнительной власти Республики Каракалпакстан, областей, города Ташкента, районов и городов по вопросам, входящим в сферу деятельности сходов граждан;
- отчеты инспекторов по профилактике органов внутренних дел, руководителей образовательных учреждений на местах;
- информацию соответственно руководителей семейных поликлиник и сельских врачебных пунктов. Отчеты руководителей организаций, расположенных на соответ-

ствующей территории, по вопросам охраны окружающей среды, санитарного состояния, благоустройства и озеленения территории.

Данный правовой акт призван стать важнейшим фактором обеспечения прав, свобод и законных интересов граждан, неукоснительного соблюдения государственными органами и их должностными лицами требований законодательства, эффективной реализации стоящих перед ними задач и полномочий в общественно-политической, социально-экономической, гуманитарной и других сферах.

Список литературы

1. Конституция Республики Узбекистан. – Ташкент: Узбекистан, 2017. – С. 13.
2. Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. 22 декабря 2017 года. – Ташкент: Издательско – полиграфический творческий дом «Узбекистан» 2018. – С. 39-40.
3. Собрание законодательства Республики Узбекистан. 2018. – №15, – 304 статья.
4. Эркаев А.П. Духовность и развитие. – Ташкент: Маънавият, 2008. – С. 336-361.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ҳаракатлар стратегияси доирасида давлат бошқаруви тизимини ислоҳ қилишда давлат бошқарув органлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, унинг субъектлари ва объекти, асосий принциплари ва шакллари таҳлил этилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается совершенствование правового механизма регулирования постепенной передачи некоторых прав и полномочий центральных властей органам государственного управления на местах и институтам гражданского общества, а также раскрывается роль осуществления общественного контроля над деятельностью государственных органов в совершенствовании системы общественного управления в Республике Узбекистан.

SUMMARY

Improvement of functioning of the local representative bodies of the state power in conditions of modernizing the country.

The article considers further improvement of functioning of the local representative bodies of the state power in connection with priority directions set by the Presidential Decree of the Republic of Uzbekistan on “Strategy of actions for further development of the Republic of Uzbekistan” on February 7, 2017 (DP №4947).

Рекомендовано к печати доц. А.Эркаевым

ШАХС ИСТЕЪМОЛЧИЛИК ХУЛҚИ ВА УНИНГ КЎРИНИШЛАРИ

Худойбердиев Д. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *истеъмолчилик хулқи, истеъмолчилик хулқи кўринишлари, танловга мойил истеъмолчи, мулоқотга мойил истеъмолчи, янгиликка мойил истеъмолчи, исёнга мойил истеъмолчи, мақомини сақлашга мойил истеъмолчи.*

Ключевые слова: *потребление, потребительское поведение, типы потребительского поведения, выбирающий потребитель, коммуникатор-потребитель, исследователь-потребитель, бунтовщик потребитель, актуалайзер, самореализовавшийся потребитель.*

Key words: *consumption, consumer behavior, consumer types, consumer choice, consumer-communicator, consumer research, consumer rebel, actualizer, self-fulfilling consumer, reaching consumer.*

Постмодерн жамиятда шахс ижтимоий қиёфасига таъсир ўтказадиган омиллар сони кўпайгандан кўпайди. Айниқса, унинг истеъмолчилик хулқини тубдан ўзгартиришга қодир омил ва воситалар микдори ортди. Бунинг натижасида замонавий жамиятда истеъмолчилик хулқининг турли-туман кўринишлари қарор топмоқда. Ўзбекистонда ҳам турмуш бозор муносабатлари ва фаровонлиги юксалиши натижасида истеъмолчилик хулқи тобора ранг-баранглашиб, мураккаблашиб бормоқда. Бу жараён давом этади. Шу боис биз қуйида истеъмолчилик хулқининг турли кўринишларини таснифлаб беришга ҳаракат қиламиз.

“Истеъмолчилик хулқи” тушунчасига таъриф бериш, мазмунини аниқлаш учун энг аввало икки тушунча дефинициясига алоҳида эътибор қаратиш зарур бўлади. Биринчидан, “хулқ” тушунчасининг мазмунини очиб бермасдан туриб, истеъмолчилик хулқининг ўзига хос хусусиятларини ифодалаб бўлмайди. Иккинчидан, “истеъмолчилик” сўзи хулқнинг тааллуқлилиқ соҳасини англатади – масаланинг бу жиҳати ҳам диққат марказида бўлмоғи шарт.

Хулқ – инсоннинг табиий ва ижтимоий шарт-шароитларга мослашиш ва кўникишга қаратилган саъй-ҳаракатлари йиғиндисидир. Инсоннинг хулқи воқеликка мослашишга қаратилганларда намоён бўлса, унинг фаолияти мазкур воқеликни ўзгартиришга йўналтирилган ҳаракатлардан таркиб топади. Инсон хулқи ўз таснифига эга. Мазкур тасниф тадқиқот объектига кирмагани боис биз унга батафсил тўхталмаймиз. Фақат шуни таъкидлаб ўтиш зарурки, унинг асосий кўринишларидан бири турли маҳсулот ва хизматларни истеъмол қилиш билан боғлиқларни ўз ичига олади.

Истеъмол – инсон эҳтиёжларини қондиришнинг асосий усулидир. Эҳтиёжлар системаси мавжуд экан, истеъмол ҳам бўлади. Эҳтиёж турли маҳсулот ва хизматларни истеъмол қилиш заруриятини туғдиради, бунинг учун эса инсон мавжуд ижтимоий шарт-шароитларга мослашиши, ўз ларини жамиятдаги меъёрлар ва тамойиллар, объектив шарт-шароитлар ва субъектив омиллар билан уйғунлаштириши лозим бўлади. Шу тариқа хулқнинг истеъмол борасидаги ўзига хос кўриниши – истеъмолчилик хулқи вужудга келади.

Истеъмолчилик хулқи деганда истеъмолчининг турли маҳсулот ва хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш, уларни истеъмол қилишдаги майлларини рўёбга чиқариш мақсадида табиий ва ижтимоий шарт-шароитларга мослашган ҳолда амалга оширган саъй-ҳаракатлари йиғиндисини тушунамиз.

Истеъмолчилик хулқи нафақат объектив омиллар таъсирида, шунингдек, субъектив омиллар таъсирида ҳам шаклланади, айниқса агрессив реклама воситасида. Одамлар онги билан манипуляция қилиш ва истеъмолчилик хулқи ҳақида икки оғиз гапириб ўтиш лозим.

Шахснинг истеъмолчилик хулқи турли-туман омиллар таъсирида шакллана боради. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, ижтимоий-тарихий шарт-шароитлар ўзгаргани сайин уларнинг айримлари устувор аҳамият касб этиши, бошқалари эса ўз ўрнини бўшатиб бериши мумкин. Боз устига, мазкур омиллар муайян кишига бир тарзда, бошқасига ўзгача тарзда таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабдан ҳам жамиятда шахс истеъмолчилик хулқининг турли кўринишлари қарор топа боради.

Истеъмолчилик хулқи кўринишлари ҳақида гап кетганда, бу борада ягона илмий ёндашув йўқлигини таъкидлаб ўтиш керак. Мавзу юзасидан изланишлар олиб борган мутахассислар турли ёндашувларга асосланган ҳолда турлича таснифларни илгари сурадилар. Масалан, истеъмолчилар эҳтиёжлари характерида қараб-яшаб қолишга мойил ва анъанавий истеъмолчиларга; ташқи омилларга таъсирчанлигига қараб – одатий ва омадли истеъмолчиларга; ички омилларга таъсирчанлигига қараб – гедонист ва етук истеъмолчиларга; маҳсулотдан фойдаланишлари даражасига қараб – индивидуал, оммавий ва ишлаб чиқарувчи истеъмолчиларга; руҳий хусусиятларига қараб – руҳияти барқарор, руҳияти беқарор, экстраверт ва интроверт истеъмолчиларга ва ҳ.к. бўлиниши қайд қилинади. Айни пайтда истеъмолчиларни истеъмолчилик кайфиятининг шаклланганлиги, истеъмол ва харид жараёнига муносабатига қараб таснифласа ҳам бўлади. Мазкур таснифга кўра, замонавий жамиятда *истеъмолчилик хулқининг қуйидаги кўринишлари* мавжуд:

1. Танловга мойил истеъмолчи. Бундай истеъмолчилар одатда фойда кетидан қувадилар. Шу боисдан маҳсулот ва хизматларнинг нархи, сифати, хусусиятларини обдан ўрганишга, уларнинг турли вариантларини бир-бири билан таққослашга кўп вақт сарфлайдилар, барча вариантларни ўргангандан кейингина, улардан биттасини танлайдилар.

2. Мулоқотга мойил истеъмолчи. Айрим истеъмолчилар учун харид – мулоқотнинг ўзига хос туридир. Улар харид мобайнида ўз кечинмалари билан ўртоқлашишни маъқул кўрадилар. Сирасини айтганда, бундай истеъмолчиларнинг катта қисми мулоқот учунгина харидга қўл урадилар.

3. Янгиликка мойил истеъмолчи. Нукул янги махсулот ва хизматларни излаб юрадиган истеъмолчилар ҳам йўқ эмас. Уларнинг назарида, ҳар қандай харид янгилик билан йўғрилган бўлмоғи даркор.

4. Исёнга мойил истеъмолчи. Махсулот ва хизматларни мавжуд ижтимоий муносабатлардан норозилигини ифодалаш учунгина харид қиладиган истеъмолчилар ҳам мавжуд. Истеъмолчиларнинг бундай тоифасини турли субмаданият вакиллари бўлган ёшлар ташкил қилади. Одатда бундай истеъмолчилар Ғарб жамиятларида кўпроқ учрайди.

5. Мақомини сақлашга мойил истеъмолчи. Бундай истеъмолчи аксар ҳолларда маълум муваффақиятларга эришган, моддий-молиявий имкониятлари катта киши бўлади. У ўз мақомига мос, сифатли махсулот ва хизматларни харид қилишни маъқул билади. Бироқ бу махсулотлар ва хизматлар билан ўз мақомини оширишга интилмайд.

6. Етук истеъмолчи. Ўз ҳаётдан рози бўлган, олдига қўйган мақсадларига эришган, омадли, юқори даромадга эга кишилар истеъмолчиларнинг алоҳида тоифасини ташкил этадилар. Бундай кишилар тасодифий, муваққат кадр-қимматга эга нарсаларни танлашни эп билмайдилар. Одатда, улар асл, узоқ муддат хизмат қиладиган махсулотларни харид қилишга мойил бўладилар.

7. Мақомини оширишга мойил истеъмолчи. Ўз мақоми ва лавозимини оширишга, даромадлари миқдорини яхшилашга, обрў-эътиборга эришишга интилиб юрган истеъмолчилар бор. Улар машҳур савдо уйларида ишлаб чиқарилган, ўз мақомларини бўрттириб кўрсатишга ёрдам берадиган махсулот ва хизматларни харид қилишни хуш кўрадилар.

8. Ўз қадриятларига мойил истеъмолчи. Бу тоифа истеъмолчилар маълум қадриятлар тизимига ўта содиқ бўладилар. Махсулот ва хизматларни танлаш ва истеъмол қилишни ҳам мазкур қадриятлар асосида амалга оширадилар. Аксарият мамлакатларда даромадлари миқдори унчалик катта бўлмаган, лекин ўз мамлақати махсулотларини харид қилишни маъқул биладиган истеъмолчилар айнан шу тоифани ташкил этадилар.

9. Ўз истакларига мойил истеъмолчи. Бу тоифага ўзига ишонмаган, даромадлари миқдори паст бўлган кишилар киради. Одатда бу тоифа кишилари жамиятдаги барча мавқе ва нуфуз пул билан белгиланади, деб ҳисоблайди. Ўз даромадлари аҳамиятли даражага кўтарилиш имконини бермаётганидан азият чекадилар. Ўз мақомларини ошириб кўрсатишга ёрдам берадиган махсулот ва хизматларни харид қилишга уринадилар, бироқ маблағ танқислиги боис уларнинг арзон аналогини танлашга мажбур бўладилар.

10. Тажрибага мойил истеъмолчи. Булар – турфа саргузаштларга мойил, янги таасуротларга ўч бўлган йигит ва қизлардир. Улар топган даромадларининг катта қисмини мусиқа ва кино махсулотлари харид қилиш, антиқа кийим-кечак ва фастфуд сотиб олишга сарфлайдилар. Бу тоифа истеъмолчиларининг эҳтиёж ва майллари тез ўзгариб туради.

11. Заруриятга мойил истеъмолчи. Бундай истеъмолчилар ўзига тўқ, юқори даромадга эга бўлган, айна пайтда моддий неъматларга ружу қўймаган кишилардан таркиб топади. Улар ўзларининг одатий ва кундалик эҳтиёжларини қоплайдиган кам сонли махсулот ва хизматларни харид қилиш билан чекланадилар.

12. Яшаб қолишга мойил истеъмолчи. Истеъмолчиларнинг бу тоифасига маълумот даражаси ва даромади паст, саломатлиги заиф, ёши ўтган ва баъзан ҳаётдан умидини узган кишилар киради. Бундай кишилар энг содда эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган, хавфсиз ва арзон бўлган, синовдан ўтган махсулотларни харид этадилар.

Хулоса қиладиган бўлсак, истеъмолчилик хулқи истеъмолчининг турли махсулот ва хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш, уларни истеъмол қилишдаги майлларини рўёбга чиқариш мақсадида табиий ва ижтимоий шарт-шароитларга мослашган ҳолда амалга оширган саъй-ҳаракатларидан таркиб топади. Шахс истеъмолчилик хулқи туркум маданий, ижтимоий, шахсий ва руҳий омиллар таъсирида шаклланади. Бу омиллар турли шарт-шароитларда шахсга турлича таъсир кўрсатгани туфайли жамиятда шахс истеъмолчилик хулқининг турли кўринишлари қарор топади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Типы потребителей и модель потребительского поведения.// <https://studme.org>.
2. Ермаков Д. Исследование потребителей и потребительское поведение // Право и государство: теория и практика, 2014. – С. 144-154.

РЕЗЮМЕ

Мақолада истеъмолчилик хулқи тушунчасига таъриф берилган. Истеъмолчилик хулқи истеъмолчининг турли маҳсулот ва хизматларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида табиий ва ижтимоий шарт-шароитларга мослашган ҳолда амалга оширган саъй-ҳаракатлари йиғиндиси тушунилади. Шахснинг истеъмолчилик хулқи турли-туман омиллар таъсирида шакллана боради. Мазкур омиллар муайян кишига бир тарзда, бошқасига ўзгача тарзда таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабдан ҳам жамиятда шахс истеъмолчилик хулқининг турли кўринишлари қарор топа боради. Муаллиф замонавий жамиятда мавжуд бўлган истеъмолчилик хулқи кўринишларини таснифлаб берган.

РЕЗЮМЕ

В статье дано определение понятия “потребительское поведение”. Под потребительским поведением подразумеваются адаптированные к естественным и социальным условиям действия потребителя в целях удовлетворения потребностей в товарах и услугах, реализации его желаний в их потреблении. Потребительское поведение личности формируется под воздействием различных факторов. Однако влияние этих факторов на потребителей может отличаться. Именно поэтому в обществе существуют несколько типов потребительского поведения. Автор приводит классификацию типов потребительского поведения, существующих в современном обществе.

RESUME

In this article the notion of “consumptive conduct” is defined. The consumptive conduct is considered to be complex actions, adapted under the natural and social conditions, in order to meet the needs of a consumer in products and services and realizing his or her desires in consumption.

The conduct of consumerism in an individual is formed under the influences of different factors. However the impact of these factors on consumers may differ. That is why, several types of consumptive conduct exist in society. The author classifies the types of consumptive conduct that exist in the modern society.

Наишга доц. А.Эркаев тавсия этган

ОММАВИЙ МАДАНИЯТ ВА МАФКУРАВИЙ КУРАШ

Боймуродов З. Ш. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *оммавий маданият, виртуал ҳаёт, мафкуравий кураш, мафкуравий таҳдид, бузғунчи гоялар, диний экстремизм, истеъмолчилик психологияси, маданиятни сиёсийлаштириши.*

Ключевые слова: *массовая культура, виртуальная жизнь, идеологическая борьба, разрушительные идеи, религиозный экстремизм, потребительская психология, политизация культуры.*

Key words: *mass culture, virtual life, ideological struggle, destructive ideas, religious extremism, consumer psychology, politicization of culture.*

Мафкуравий кураш деганда, омма онгига ғоявий таъсир кўрсатиш орқали бўлади-ган, маълум бир давлатларнинг ёки иқтисодий ва сиёсий гуруҳларнинг ғаразли манфаатларини кўзлаш тушунилади. Мафкуравий кураш ҳар қайси тарихий даврда турли кўриниш, шакл ва мазмунда намоён бўлиб келган. Шуниси аниқки, одамлар онгини бошқаришда маданий қадриятлардан қурол сифатида фойдаланиб келинган ва бу жараён мудом давом этмоқда. Глобаллашув шароитида “оммавий маданият” кўринишидаги мафкуравий таҳдидлар бир мамлакат эмас, балки ер қуррасидаги барча мамлакатларнинг долзарб муаммосига айланди. XIX-XX асрлар бўсағасида алоҳида ижтимоий ҳодиса ўлароқ “оммавий маданият” вужудга келди ва мафкуравий жараёнларга зиддиятли таъсир кўрсата бошлади.

Тўғри, мафкуравий курашда сиёсий мазмундаги турли ахборотларни тарқатиш, ахборотни бир томонлама танлаш, тизимлаштириш, зарур ҳолларда ҳатто сохталаштириш

(faq-axborot), ёлгон ёки чала ахборотни тарқатиш, уларни ғаразли талқин қилиш етакчилик қилмоқда. Аммо тегишли ғояларни билвосита “маданий маҳсулотлар” шаклида тарқатиш, бу борада “юмшоқ куч”га кўпроқ таяниш тобора ривожланиб бормоқда.

Ёш давлатларда XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида содир бўлган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, бозор муносабатлари шаклланиши шароитида жамият ҳаётининг кўп томонлари тижоратлашуви, айниқса, бадий ва маиший маданиятда тутуруқсиз, бемаъни, ахлоққа зид жиҳатлар ниҳоятда кўпайиб боришини рағбатлантирди. Оммавий маданият маҳсулотлари омма учун мўлжаллангани боис уларнинг мафкуравий таъсирини фарқлаш мушкул. “Замонавий оммавий маданият одамлар онги билан манипуляция қилиш, уни бошқаришнинг янги техник имкониятлари ва воситалари билан бойимокда. Бир томондан, оммавий маданият гўёки мафкурадан холи, чунки у қайсидир ижтимоий гуруҳ ёки табақа, синф учун эмас, кенг омма учун мўлжалланган. Гўёки оммавий маданият ижтимоий тенгликни тарғиб қилади. Ҳақиқатан, оммавий маданиятга ташки демократия хос. Буни инкор қилиш ярамайди. Лекин оммавий маданият инсонни жамият муаммоларидан чалғитиши, ижтимоий бефарқлиги, бир ўлчовли одам-локаторни шакллантириши, жамоатчилик фикри билан манипуляция қилишни мафкурадан холилик ва ҳақиқий демократизм, деб бўлмайди” [2, 212-213].

Оммавий маданият – зиддиятли ҳодиса. Ундан турли мақсадларда, жумладан, моддий-иқтисодий манфаатларни кўзлаб аҳоли онгига истеъмолчилик психологиясини ривожлантиришда фойдаланиш мумкин. Истеъмолчилик психологияси инсонда нафс ва хирсни кучайтиради. Бу кўпинча инсонда, биринчидан, молпарастлик, буюмпарастлик, энг яхши бренд маҳсулотларни сотиб олишга интилишни кучайтиради.

Иккинчидан, маиший ҳузур-ҳаловатга, яхши яшашга интилишни шундай рағбатлантирадики, бунда ахлоқ меъёрлари, одамийлик унутила бошлайди. Инсонда тубан ҳайвоний инстинктлар уйғонади, ўз мақсадига одоб-ахлоқни четга суриб, ҳатто зарур бўлса, зўравонлик қилиб эришишга мойиллик билдира бошлайди.

Учинчидан, маълум даврдан кейин унда “ахборот бандилиги” (компьютер ёки гаджетларга бандилиги) юзга келади. У реал ҳаётдан юз ўгиришга, тобора виртуал ҳаётга ғарқ бўлишга мойил бўлиб қолади.

Тўртинчидан, ОАВдан, биринчи галда интернет ва уяли алоқа воситаларидан турли тажовузкор гуруҳлар фойдаланмоқда. Улар ўзларининг “вайронкор” ғояларини кўп ҳолларда “оммавий маданият” ниқобида тарқатмоқдалар.

Оммавий ахборот ва коммуникация воситалари кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даражада ривожланаётгани туфайли жамиятда юзага келаётган салбий тенденцияларга, маданиятда содир бўлаётган турли ҳодисаларга нисабатан теран муносабат билдиришни, мафкуравий жараёнларни тартибга солишни тақозо қилмоқда. Маданиятни, динни сиёсийлаштириш билан боғлиқ мураккаб жараён содир бўлмоқда.

Бошқа томондан эса ҳозир жаҳонда мураккаб мафкуравий кураш бораётганига беписанд қараб бўлмайди. Тўғри, мафкура соҳасидаги кураш доим мавжуд бўлган. Лекин авваллари мафкуравий кураш қирғин келтирувчи урушларга қўшимча равишда олиб борилган. Бу тарздаги мафкура жамоатчилик фикрини ҳосил қилиш, бир давлатнинг бошқа давлат худудига қуролли тўқнашувларнинг юзага келиши ва ҳ.к.нинг адолатчилигини ёки муқарралигини кишилар кўз ўнгида оқлаш воситаси бўлиб хизмат қилган. Соддароқ қилиб айтганда, мафкуравий таъсир воситаси ҳарбий ёки иқтисодий таъсир воситаларига қўшимча ҳисобланган. Бироқ бизнинг асримизга келиб бари ўзгарди: ҳозир мафкурага ҳарбий қудрат ва иқтисодий тазйиқ потенциали билангина қиёслаш мумкин бўлган таъсир салоҳиятига эга куч сифатидагина эмас, балки таъсирчанлиги бўйича барча таъсир воситаларидан анча устун турувчи восита сифатида қаралади. Бундай ҳолат мафқурани жаҳон ҳамжамияти сиёсий ҳаётининг олдинги маррасига олиб чиқади.

Биз яшаётган жамиятда ишлаб чиқаришда юксак технологиялар қўлланилиши, ахборот технологиялари нафақат оммавий коммуникация соҳасига, шунингдек, жамият ҳаётининг барча соҳаларига, ҳатто ишлаб чиқаришга ҳам кириб келди. Софтвэр (электрон

алоқа хизматлари) соҳаси ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётнинг узвий тармоғига айланди. Жаҳон тараққиётида глобаллашув тенденцияси вужудга келди. Оммавий маданият кенг тарқалган ижтимоий ҳодисага айланди. Мазкур жараёнлар инсон онг ва тафаккурига зиддиятли таъсир кўрсатмоқда. Натижада баъзи мумтоз кадриятлар деформацияга учради, уларнинг ўрнига айрим ҳолларда сохта кадриятлар кириб келмоқда. Бу хусусда Президентимиз Ш.М. Мирзиёев: “Барчангизга аён, ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, карама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, “оммавий маданият” каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий кадриятларга путур етказмоқда. Мана шундай ва бошқа кўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётига жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани – айна ҳақиқат ва буни ҳеч ким инкор этолмайди”, – деган эди [1].

Бугунги кунда оммавий маданият жамият ҳаётининг барча жабҳаларида етакчи ҳодисага айланиб улгурди. Маиший турмушдан то давлат аҳамиятига эга бўлган катта-катта конференция, учрашув ва бошқа муносабатларда оммавий маданият элементларини кўриш мумкин. Бу, албатта, қулайлик нуқатаи назаридан, қолаверса, кенг оммани жалб қилиш, вақтни тежаш, тез ва осон тарзда мулоқот қилиш учун жуда яхши имконият. Аммо масаланинг бошқа бир жиҳати шундаки, оммавий маданият маҳсулотлари воситасида турли ёт ва зарарли ғоялар жамият ҳаётига тезлик билан кириб келмоқда. Оммавий маданият воситасида омма онгини манипуляция қилиш жараёни жадаллашмоқда. Айрим одамларда халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган миллий кадриятларга бепишандлик, ахлоқий муносабатларнинг саёзлашуви ҳолатлари рўй бермоқда.

Халқимизнинг миллий онги ва дунёқарашида ҳамда хулқ-атвор меъёрларида ота-онага, ўзи яшаётган маҳалла жамоасига, катта ёшдаги кишиларга чуқур ҳурмат билан қараш, муайян воқеа-ҳодисаларга босиқлик, мулоҳаза ва андиша билан муносабатда бўлиш, жамоа фикрига нисбатан алоҳида эҳтиром кўрсатиш каби хислатлар устуворлик қилади. Қолаверса, айнан мана шу кадриятлар жамиятимиз маънавиятининг тамал тошини ташкил этади. Мафкуравий таҳдидларнинг объекти инсон ва жамият онги. Шундай экан, уни издан чиқариш учун турли усул ва воситалардан фойдаланилади. Жамиятда одамларнинг ўзаро ижтимоий бегоналашув муҳитининг юзага келиши замонавий сабабларидан бири ҳам айнан оммавий маданият ва мафкуравий таҳдидлар таъсиридир.

Маънавий-мафкуравий хуруж уюштираётган кучлар жамиятимиз аъзоларини миллий маданий бойликлар ва имкониятлардан бегоналаштиришга уринмоқдалар. Шу мақсадда улар Интернет тармоғидан, кинофильмлар ва санъат турларидан фойдаланган ҳолда ниҳоятда оҳанрабо, лекин енгил-елпи, инсон тафаккурини ривожлантиришга эмас, аксинча, унинг саёзлашувига хизмат қилувчи намуналарни жамиятимизга оммавий маданият ниқоби остида олиб киришга интиломоқда. Бундай санъат ва маданият намуналарида беҳаёлик, мантиқсизлик ғояларининг тарғиботи етакчилик қилмоқда. Мутахассислар ўтказган махсус тадқиқотлар натижаларига кўра, барча мавжуд сайтларнинг тахминан 12 фоизи порнографик мазмунга эга, 44 фоизи зўравонлик ва ёвузлик, 41 фоизи жангари, турли отишмалар ва портлашларга бағишланган. Шунингдек, бугунги кунда инсонийликка бутунлай зид, ёвузликка асосланган секталар фаолияти ҳам жадаллашмоқда [3, 60]

Шундай қилиб, мафкуравий кураш олиб бориш технологияси конкрет одамга, унинг одатлари ҳамда дунёқарашига таъсир кўрсатиш, ўз навбатида, оммавий маданият маҳсулотининг тўғридан-тўғри иштирокида шаклландиган оммани ижтимоий назорат қилиш назариясига таянади. Оммани ижтимоий алоқалар воситасида, жумладан, оммавий маданият воситасида назорат қилиш учун, ушбу ижтимоий назоратни амалга оширадиган ёки амалга оширишга интиладиганларга геосиёсий кучлар ва трансмиллий компаниялардан ижтимоий буюртма берилмоқда. Кўпинча оммавий маданиятнинг мутлақо хилма-хил ҳодисалар йиғиндиси негизида аҳолида бирон-бир йўналишдаги хулқ-атворни шакллантиришдан фойда кўрадиган муайян гуруҳларнинг ижтимоий буюртмаси ётади. Айна ҳозирги маданият индустрияси эркинлик шаклида эмас, балки иқтисодий манфаатларни

таъминлашга қаратилган ижтимоий буюртма таъсири остида ривожланаётгани боис кўплаб файласуфлар оммавий маданиятни салбий баҳоламоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва маънавий етук ёшлар – эзгу мақсадимизга етишда таянчимиз ва суянчимиздир// ”Халқ сўзи” газетаси, 2017 йил 1 июль.
2. Эркаев А. Маънавиятшунослик. – Т.: Маънавият, 2018. – Б. 212-213.
3. Абдулмаликов А. Фуқаролик жамиятида шахс информацион маданиятини шакллантириш: Монография. – Т.: Фан, 2016. – Б. 60.

РЕЗЮМЕ

Мақолада оммавий маданият ва мафкуравий жараёнлар диалектикаси, унинг ўзаро таъсир жараёни кўрсатилган. Оммавий маданиятдан мафкуравий таъсир ўтказиш воситаси сифатида фойдаланиш ва унга қарши кураш масаласи очиб берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье излагается диалектика массовой культуры и идеологических процессов, а также процессы их взаимовлияния. Раскрыта проблема использования и борьбы с массовой культурой как средства идеологической пропаганды.

SUMMARY

The dialectics of ideological processes and mass culture, together with its interaction are illustrated in this article. The issue of using the mass culture as a means of threatening ideologically and struggling against it is shown.

Наишга доц. А.Эркаев тавсия этган

ЎРТА МУЛҚДОРЛАР СИНФИ – ФАРОВОНЛИК ОМИЛИ

Шайманова А.Э. (ҚарДУ)

Таянч тушунчалар: *жамият, фуқаролик жамияти, ўрта синф, ўрта мулкдорлар синфи, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий негизи, мулк хилма-хиллиги, кичик ва хусусий тадбиркорлик, ўрта мулкдорлар синфи фуқаролик жамиятининг таянчи, барқарорлик.*

Ключевые слова: *общество, гражданское общество, средний класс, средний класс собственников, социально-экономические основы общества, различные формы собственности, малый бизнес и частные предприниматели, средний класс собственников как основа гражданского общества, устойчивость.*

Key words: *society, civil society, middle class owners, class, social-ekonomical basis of society, various forms of ownership, small business and private entrepreneurs, middle class owners as a basis of civil society, sustainability.*

Ўзбекистон Республикасида ҳақиқий инсонпарвар, демократик фуқаролик жамиятини бунёд этиш асосий мақсад қилиб белгиланди. Фуқаролик жамияти ўзининг мулкый, ижтимоий-синфий таянчига эга бўлиши лозим. Фуқаролик жамиятининг ижтимоий-синфий структурасининг базасини эса ўрта мулкдорлар синфи ташкил этади.

Ўзбекистонни 2017-2021 йилларда ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси ҳам ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни, қўшимча инвестицияларни жалб қилиб аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга, ўрта мулкдорлар синфини мустаҳкамлашга қаратилган. Бу вазифа Президент Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаларида ва улар асосида ишлаб чиқилган давлат дастурларида ўз ифодасини топган.

Ўрта синф – кенг миқёсдаги моддий-иқтисодий ва маънавий-маданий эҳтиёжларни қондириш учун етарли даражада барқарор даромадга эга кишиларнинг ижтимоий гуруҳи ҳисобланади. Ўрта синфнинг бойлиги ёки мулки, даромади «муносиб» турмуш сифатини таъминлаш учун етарли даражада бўлади. Ўрта мулкдорлар синфининг вужудга келиши ва ривожланиши жамиятдаги иқтисодий ва сиёсий барқарорлик билан бевосита боғлиқ. Агар жамият иқтисодий жиҳатдан юксалса, барқарор равишда бозорда талаб ва тақлиф ўсиб борса, кичик ва ўрта бизнес ҳам ўсади. Маълумки, кичик ва ўрта бизнес эгалари ўрта мулкдорлар синфини ташкил қилади. У жамият барқарор ривожланишидан манфаатдор. Чунки иқтисодий инқироз туфайли аввало кичик ва ўрта бизнес касодга учрайди.

Сиёсий барқарорлик етишмаган мамлакатларда ички низолар кучайиши ёки эртанги барқарорликка кафолатлар камайиб кетиши сабабли ҳам кичик ва ўрта бизнес ривожланишида ҳар хил тўсиқ пайдо бўлади. Шу боис ўрта синф жамиятда юқори ижтимоий барқарорликдан манфаатдор ва уни таъминловчи куч сифатида ажралиб туради.

Ўрта синфнинг тарихан шаклланиш жараёнига назар ташлар эканмиз, биринчи марта «ўрта синф» тушунчасини драматург Еврипид милоддан аввалги 420 йилда ўзининг «Ёлворувчилар» (Умоляющие) трагедиясида қўллаган. У жамиятда учта синф мавжудлигини таъкидлайди: бой, камбағал ва ўрта синф. «Давлатда учта синф мавжуд: биринчиси – бой, уларнинг шаҳар учун ҳеч қандай фойдаси йўқ, фақат ўзларининг фойдаларини кўпроқ ўйлайди. Учинчи синф камбағал ва қора халқ бўлиб, улар хавfli саналади, ҳамда ўзининг онгини қотиб қолганлиги, фитна орқали таҳдид қилишга қодирлиги, шунингдек, тартибни ўзгартирувчиларга итоаткорлиги билан ажралиб туради. Фақат ўрта синфгина шаҳарни қўллаб-қувватлашга қодир бўлиб, у қонунларга ва ҳокимиятга бўйсунди»¹.

Аристотелда ўрта қатламларга мансубликни белгилашда мулк цензини (маълум бир миқдори) қўллаш ғояси илгари сурилган. Аристотел жамиятнинг ижтимоий структурасини турли страталарга (қатламларга) бўлган ва страталарни ўзаро мулк цензи орқали фарқлаган. Шу жумладан, ўрта синфни ҳам. Унинг фикрича, давлатда қанчалик ўрта қатлам кўпроқ бўлса, у шунчалик қудратли бўлади ва гуллаб-яшнади.

Маълумки, «ўрта синф»нинг замонавий тушунчаси илмий муомалага 1920-йилларда киритилди. Бу даврга келиб, кичик тадбиркорлар ўрта синф сифатида эътироф этила бошланди. Ривожланган мамлакатларда ўрта синф сифатида таснифлана бошлаганларнинг малакалари ва иш ҳақи даражаларининг ортиши кузатилди. Дарҳақиқат, Ғарб жамиятида ўрта синфни ажратишнинг асосий объектив мезонлари мавжуд бўлиб, уларга таълим ва даромад даражаси, истеъмол стандартлари, моддий ёки интеллектуал мулкка эгаллик қилиши, шунингдек, юқори малакали меҳнат қобилиятига эга бўлиши кабилар киради.

Замонавий социологияда эса ўрта синфнинг таърифида қуйидаги ёндашувлар мавжудлигини кўришимиз мумкин: объектив (моддий фаровонлик ва маълум ресурсларга эгаллик қилишга асосланган ёндашув), субъектив (одамларнинг ўрта синфга оид бўлган ўзига хослиги билими ва малакаси асосида) ва уларнинг комбинацияси.

Объектив, яъни моддий фаровонликка асосланган ёндашувга кўра, нисбатан юқори турмуш даражаси ва истеъмол даражаси билан тавсифланган ўрта синф тушунилади. Уларнинг моддий фаровонлик даражасининг асосий мезонлари қуйидагилардан иборат :

- жон бошига тўғри келадиган даромад даражаси анча юқори;
- қимматбаҳо мол-мулкнинг маълум бир қисмининг (автомобиль, маиший-техника, уй-рўзғор жиҳозлари билан таъминланганлиги) мавжудлиги;
- пуллик ижтимоий хизматларни сотиб олиш қобилиятининг (таълим, тиббиёт) мавжудлиги;
- дунё бўйлаб саёҳат қилиш қобилиятининг (чет элга саёҳат қилиш) мавжудлиги.

Замонавий инглиз социологи Энтони Гидденснинг ўрта синф ичида «эски ўрта синф» ва «юқори ёки янги ўрта синф» ҳамда «қуйи ўрта синф» деб учта асосий тоифага² ажратганини кўришимиз мумкин. «Қадимги ёки эски ўрта синф» деб эътироф этилган ушбу синф кичик бизнес вакиллари, майда дўкон соҳиблари ва фермерлардан ташкил топган бўлиб, улар ҳозиргача иш билан банд аҳолининг катта қисмини ташкил этаётганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Зеро, эски ўрта синф йирик бизнесга нисбатан беқарор бўлиб, уларнинг кўпчилик тахмин қилган даражада қисқариб кетмаганига асосий сабаб шуки, кичик ва ўрта бизнес бозор талабларига тез мослашади, айниқса, тез ўзгарувчан мавсумий маҳсулотларни ишлаб чиқувчилар ҳамда жамиятда ўз бизнесини ташкил қилишга уринувчилар доимо топилади.

Шунингдек, «янги ўрта синф» деб эътироф этилганлар таркибига одатда интеллектуал иш билан шуғулланадиган юқори ва ўрта даражадаги маошлар оладиган ходимлар

1. Еврипид «Умоляющие» . <https://ru.m.wikipedia.org/wiki/сред...>

² Энтони Гидденс. Социология, – Т., 2002. – Б. 247-249.

киради. «Янги ўрта» синфнинг энг юқори қатлами раҳбарлар ва юқори малакали мутахассислардан таркиб топган бўлади.

«Қуйи ўрта синф»- бу янада хилма-хил тоифа бўлиб, унга ташкилот хизматчилари, сотувчилар, ўқитувчилар, шифокорлар, офис ходимлари ва бошқалар кирди. Қуйи ўрта синф вакилларининг кўпчилиги иш шароитлари ишчилар синфига кўп жиҳатдан ўхшаш бўлса-да, улар нисбатан кенг дунёқарашга ва мустақил сиёсий қарашга эга эканлиги билан ажралиб туради. Алоҳида таъкидлаш жоизки, замонавий профессионал спортда ойлик маошлар, мукофот пуллари анча юқоридир. Айниқса, профессионал боксда, якка кураш турларида, футболда, баскетболда, хоккейда, бейсболда маошлар, рекламадан тушган ажратмалар жуда баланд. Етакчи спортчилар бир йилда бир неча (5-11) миллион доллардан 70-100 миллион, баъзилари ҳатто ундан ҳам кўп даромад қиладилар. Бу даромадлар бўйича ўрта синф вакиллари орасида энг юқори кўрсаткичлар ҳисобланади. Лекин субъектив жиҳатдан, яъни билими, маълумоти, дунёқараш, маънавий-маданий эҳтиёжларига ва савиясига кўра аксарият профессионал спортчилар, жумладан, энг етакчилари ҳам зиёлиларга нисбатан анча ортда. Уларни ўрта синфнинг юқори қатламига киритиш керакми, ё қуйи қатламига? Объектив кўрсаткич бўйича улар юқори қатламга, субъектив кўрсаткич бўйича қуйи қатламга тўғри келади.

Яна аксарият таҳлилчилар ҳозирги ўрта синф ишлаб чиқариш воситаларига майда мулкга эгалик қилувчилардан иборат деган фикрни илгари сурадилар. Бу каби майда ишбилармонлар – эски ўрта синф деб аталувчи социал бирлик бўлиб, иқтисодий банд аҳолининг 10-15 фоизни ташкил этади. Уларга АҚШ фермерлари ва Буюк Британия майда савдо-сотик корчалонларини мисол қилиш мумкин. Шунингдек, ривожланган мамлакатлардаги – янги ўрта синф (ёки –менежерлар ва мутахассислар синфи) деб аталувчи социал бирлик 20-25 фоизни ташкил этиб, уларнинг аксарият қисми олий маълумотли мутахассислар, ақлий меҳнат ходимлари, эркин касблар вакилларидан иборатдир¹. Агар асосий мезон меҳнатнинг тури сифатида қўлланилса, у ҳолда ўрта синфга олий маълумотга эга бўлмаган – пастки ўрта синф ҳам, жумладан, чаласавод профессионал спортчилар ҳам мансуб бўлади.

Ўрта синфга кейинги ёндашув бу – субъектив ёндашув бўлиб, (инсонларнинг идентификациялаш ва психологик хусусиятларига асосланиб), унга кўра ўрта синф ўз-ўзини идентификация (ўзининг қайси қатламга мансублигини англаш) қилиш асосида ажратилади. Бундай ўрта синфни ажратиш учун анъанавий мезонлардан фойдаланган ҳолда (баъзи профессионал хусусиятлар, таълим, мол-мулк ва даромад кўрсаткичлари, ўзини ўзи идентификация қилиш шулар жумласидандир) амалга оширилади.

Ғарб жамиятининг замонавий «ўрта синф» тушунчаси “Жаҳон иқтисодиётининг 2007 йил учун истиқболлари” ҳисоботида акс эттирилган бўлиб, унда халқаро миқёсда ўрта синфга юқори сифатли импорт товарлар, импорт машинлар сотиб олиш, халқаро саёҳатни амалга ошириш ҳамда халқаро даражадаги хизматлардан, жумладан, олий маълумот олиш лаёқатига эга бўлган кишилар гуруҳи деб таъриф берилади². Бундан кўриниб турибдики, ғарб жамиятида ўрта синфнинг бу мезони мулккий ёндашишга асослангандир. Шунингдек, маълумотларга кўра, ривожланган мамлакатларда аҳолининг энг кўп қисми ўрта синфга тегишли бўлиб, улар моддий жиҳатдан юқори даражада таъминланганлигини кўрсатади.

Швейцариядаги Credit Suisse банкининг «Global Wealth Report 2015» ҳисоботида кўра, 2015-йилда дунё бўйича 664 миллион ўрта синф мавжуд бўлиб, улар аҳолининг 14 фоизини ташкил қилади. Уларнинг жами активлари дунё бойлигининг қарийб учдан бир қисми қийматига тенг миқдорда баҳоланади (деярли 32 фоиз) (таққослаш учун - дунё бойлигининг ярми дунё аҳолисининг фақат 1 фоизига тўғри келади). Шунингдек, маълумотларда қайд этилишида, Австралияда аҳолининг 66 фоизи, Италия, Буюк Британия ва Японияда 55, АҚШда 38, Хитойда 11, Россияда 4,1, Африка ва Ҳиндистонда 3, Украинада 1фоиздан камроғини ўрта синф ташкил этади^{3/1}.

¹ Гражданское общество: понятие, структура, функции / <http://geum.ru/book/133/532.html>.

² Global economic prospects 2007 : managing the next wave of globalization

³ Беднеют все: Украина – лидер по падению благосостояния / Статьи / Finance.UA

Шунингдек, «Credit Suisse» банкининг маълумотларига кўра, глобал иқтисодий инқироз (2008 йил)га қадар узоқ вақт давомида бутун дунёда ўрта синфнинг барқарорлиги сақланиб қолганлигини, бироқ кейин унинг заифлашувига сабаб бўлган глобал тенденцияси, жумладан, молиявий-иқтисодий инқирознинг глобаллашуви пайдо бўлганини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Турли мамлакатлардаги ўрта синф пайдо бўлишининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Дарҳақиқат, Жаҳон банкининг 2009 йилдаги маълумотларига кўра, 2008 йилда Россияда ўрта синф истеъмол даражаси миллий камбағаллик шкаласига нисбатан бир ярим баравар юқори бўлган уй хўжаликлари сифатида белгиланишини кўрсатиб ўтади (бир кишининг ойига ўртача даромади 4630 рубл ёки 2008 йилда ойида ўртача 80 АҚШ долларга тўғри келишини), бу эса 2008 йилда 55,6 фоизни ташкил этиши кўрсатилган². Бироқ Жаҳон банкининг ҳисоб-китобларига кўра, ўрта синфнинг ўртача даражадаги даромади 3500 доллардан бошланишини³ ва бу синф дунё аҳолисининг атига 8 фоизини ташкил этиши мумкинлигини кўрсатади⁴.

Шунингдек, маълумотларига кўра, 2009 йилда жаҳонда рус тоифасига кирувчи ўрта синфда юз берган инқироз энг юқори даражага кўтарилганини ва 9,5 фоизни ташкил этганини кўриш мумкин⁵.

Замонавий ривожланиш институти мутахассисларининг маълумотларига кўра, 2013 йилда, 2008 йилда бўлгани каби, русларнинг атиги 7 фоизи ривожланган давлатларнинг классик ўрта синфига тегишли бўлиши мумкинлиги қайд этилган. Ушбу баҳолаш мезонларига кўра, ҳар бир оила аъзосининг ойлик даромади 2-2,5 минг АҚШ долларига, ҳар бир оила аъзосининг яшаш майдони камида 40 квадрат метрга, ҳар бир оилада камида 2-3 тадан автомобили бўлиши кераклиги айтиб ўтилган.

Дарҳақиқат, машҳур тарихчи Арнольд Тойнбининг фикрича, замонавий цивилизация – бу ўрта синф цивилизациясидир. Зеро, бугунги кунда ривожланган мамлакатлар жамияти структурасида ўрта синфнинг ҳиссаси 60-70 фоизни ташкил этиши бунинг исботидир. Шу билан бирга, фаолият юритаётган турли илмий мактаблар ўрта синфни социал бирлик сифатида ажратиб кўрсатиш учун турли мезонлардан фойдаланиб келмоқда. Бунда кўпинча, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мақомнинг ўзини ўзи баҳолаши ва даромад мезон сифатида қўлланилиши ҳисобга олинган. Шунингдек, маълумотларга кўра, ғарб жамиятларининг учдан икки қисми ўрта синфга яқин даромад олишини, камбағаллар ва бойлар унчалик кўп эмаслиги деб ҳисоблашлар кенг тарқалган.

Ўрта қатламларни бозор муносабатлари ва меҳнат туридан келиб чиқиб аниқлашдан ташқари, маданий ва қадриятларга йўналганлиги асосида аниқлаш усули ҳам кенг қўлланилади. Дарҳақиқат, ўрта қатламлар жамиятнинг фаровон яшаши учун зарур бўлган барча эҳтиёжларни қондиришга хизмат қилади. Жумладан, янги ишчи ўринларини яратиш, истеъмол моллари, тиббий ёрдам кўрсатиш, илмий кашфиётлар ва бошқалар шулар жумласидандир.

Шу боис, ўрта қатламлар – муҳолиф синфлар ўртасидаги ўзаро ихтилофларни юмшатовчи омил сифатида ҳам намоён бўлади. Социал-иқтисодий нуқтаи назардан қараганда, ўрта синфга турли касблар меҳнати ичидаги, шунингдек, шаҳар билан қишлоқ турмуш тарзларидаги ўзаро зиддиятларни камайтириш тамойили хосдир. Оила муносабатларида ўрта синф жамиятнинг аёллар ва эркаклар учун тенг имкониятлар яратишида, анъанавий оилавий қадриятларни сақловчи омил сифатида намоён бўлади. Сиёсий жиҳатдан ўрта қатламлар анъаналар, меъёрлар, билимларни ташувчи, юксак фуқаролик ва мустақил шахсни намойиш қилувчи марказга оид (центрик) ҳаракатларнинг ижтимоий таянчи ҳисобланади.

Ўзбекистонда ҳам фуқаролик жамияти курилишида “ўрта мулкдорлар синфи”нинг шаклланишини тақозо этади. Ўрта мулкдорлар жамиятдаги юқори, бой қатлам (мулкдор-

¹ Suisse, 2015, с. 32–35. <https://ru.m.wikipedia.org/wiki/сред...>

² Всемирный банк в России. Доклад об экономике России. – № 19. Июня, 2009.

³ Юлия Котова. РОСГОССТРАХ пересчитал средний класс в России. Бизнес-журнал онлайн, 28 февраля 2008.

⁴ Всемирный банк в России. Доклад об экономике России. – № 19. Июня, 2009.

⁵ Всемирный банк. Доклад об экономике России. Июнь, 2009.

лар) билан куйи (мулкдорлар) қатламининг ўзаро мувозанатини ушлаб турувчи қатлам сифатида жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Абдурахим Эркаевнинг илмий хулосасига кўра, “Ўрта синф” атамаси нисбий тушунча бўлиб, у аниқ бир ижтимоий қатлам, табақа ёки гуруҳдан иборат эмас. Бу синф касб – кори, турмуш тарзи, дунёқараши, маданий савияси, сиёсий майли ва интилишлари билан бир-биридан фарқ қилувчи турли ижтимоий гуруҳлардан, қатламлардан иборат. Шунингдек, ўрта синфга мансубликнинг ягона иқтисодий мезони ҳам йўқ. Ўрта мулкдорлар синфининг ижтимоий-синфий доираси ўта ранг – баранг ва кўп қиррали бўлиб, унинг таркибига таълим, илм-фан, маданият, санъат, адабиёт, журналистика, соғлиқни сақлаш, юқори даромадли профессионал спорт, адвокатура, банк, молия, суғурта соҳаларида фаолият юритувчи ходимлар, муҳандислар, менежерлар, фермерлар, ижроия ва суд ҳокимияти амалдорлари, турли бўғин депутатларининг аксарият қисми киради¹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ривожланаётган мамлакатларда зиёлийларнинг субъектив нуктаи назардан билими, дунёқараши, маданий савияси, маънавий эҳтиёжлари жиҳатдан ўрта синфга мансублигини, даромадига кўра эса аксарияти бу синфга мансуб эмасли-гини кўриш мумкин.

Ўрта мулкдорлар синфи мамлакатимизда иқтисодий-сиёсий вазиятни барқарорлаштирувчи куч бўлганлиги учунгина рағбатлантирилаётгани йўқ. Улар республикамиз олдида турган ҳар қандай муаммоларни бартараф этиш ишига ҳам ўзларининг муносиб хиссаларини қўшадилар. Фақат тадбиркорларгина ички бозорни тўлдириб туришлари, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кўтариб, ўз маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқишлари мумкин. Ўрта синф иқтисодий мустақамланиши жараёнида улар шахсий жамғармаларини инвестиция лойиҳаларига кенг жалб этиб, қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш мумкин бўлади. Ўрта мулкдорлар қатламининг иштироки билангина иқтисодиётни таркибий жиҳатдан самарали ўзгартириш, уни модернизациялаш мумкинлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Ўрта мулкдорлар қатламининг жамиятдаги мавқеи қанча мустақамланса, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини куриш шунчалик тезлашади. Шундай экан, бугунги кунда ўрта мулкдорлар синфи фаолиятига тўсиқ бўлаётган муаммоларни тезроқ бартараф этиш жамиятимиз ривожланиши, халқимиз турмуш тарзини яхшилаш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Энтони Гидденс. Социология. – Т., 2002. – Б. 247-249.
2. Гражданское общество: понятие, структура, функции / <http://geum.ru/book/133/532.html>.
3. Global economic prospects 2007 : managing the next wave of globalization.
4. Беднеют все: Украина – лидер по падению благосостояния / Статъя / Finance.UA. Suisse, 2015. – С. 32–35.
5. Юлия Котова. РОСГОССТРАХ пересчитал средний класс в России. Бизнес-журнал онлайн, 28 февраля 2008 года.
6. Всемирный банк в России. Доклад об экономике России. – № 19. Июня 2009.
7. А. Эркаев. Ижтимоий барқарорлик асоси. “Тафаккур” журналининг 2009 йил 1-сон.

РЕЗЮМЕ

Мақолада фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий таянчи бўлган ўрта мулкдорлар синфининг шаклланиши, унинг ўрни ва роли масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

РЕЗЮМЕ

Статья посвящена описанию процесса формирования среднего класса собственников как социально-политической основы гражданского общества.

RESUME

In this article, it is emphasized to the forming progress of business men of the middle class, who are important for civils' society and also to their role and importance in a society

Наширға доц. А.Эркаев тавсия этган

¹ Қаранг: А. Эркаев. Ижтимоий барқарорлик асоси. “Тафаккур” журналининг 2009 йил 1-сон.

АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИДА ЎЗЛИК МАСАЛАСИ
(дастлабки қайдлар)

Эркаев А.П. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *Навоий ғазаллари, ўзликни англаш, ўзликдан кечиш, эманация назарияси, май, жом, соқий, Навоий ижодини жаҳон ижтимоий-фалсафий фикри контекстида тушуниш.*

Ключевые слова: *газели Навои, осознание собственного «Я», отрешение от «Я», теория эманации, вино, чаша, кравчий, изучение творчества Навои в контексте мировой общественно-философской мысли.*

Key words: *ghazals of Navoi, awareness of one's own "I", detachment from "I", emanation theory, wine, chalice, kravchy, study of Navoi's creativity in the context of the world social and philosophical thought.*

Навоий ижодини ўрганиш мақсадларидан бири жаҳон адабиёти ва санъати, маданияти, ижтимоий-фалсафий фикри ривожланиши контекстида миллий маънавиятимизнинг эгаллаган ўрнини, бу жараёнга буюк аждодларимиз қўшган ҳиссасини аниқроқ тасаввур этишдир.

Навоий ижоди умуминсоний қадриятлар, умумжаҳон ижтимоий фикрлар тараққиёти силсиласида муҳим ҳалқани ташкил этади. Унинг асарларида биз Сукрот, Афлотун, Арасту, Искандар каби ғарбнинг буюк даҳолари образларига дуч келамиз. Лекин бу образлар тарихий шахсларнинг реал образи эмас, балки маълум бир ғояларнинг тимсоллари, ташувчилари образларидир. Шарқнинг тарихий ва афсонавий шахслари, пайғамбарлари, авлиёю донишмандлари, шайху пири-муршидлари, Навоийнинг буюк салафлари образларининг эса сон-саногӣ йўқ. Улардан ташқари, Навоийнинг ўзи яратган тўқима бадий қахрамонлар сони ҳам салмоқли. Бу образлар орқали Навоий ўзини қизиқтирган, ташвишга солган муаммолар, тарғиб этмоқчи бўлган бадий-эстетик, эътиқодий, ахлоқий-ирфоний, ижтимоий-фалсафий, сиёсий идеалларни тарғиб этиш мақсадини кўзлаган. Унинг ижодидида антик даврдаги ғарбнинг, ўрта асрлардаги шарқнинг инсон ва жамият, моҳият ва воқелик, яшашдан пировард мақсад ва унга эришиш имкониятлари тўғрисида қарашлари акс этган. Навоий бу масалалар бўйича муқаддас китоблар, ғарблик ва шарқлик салафлари фикрларини ижодий ўрганиб ривожлантирди. Ўз навбатида унинг фикрлари шарқ ва ғарбнинг кейинги авлодларига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатди. Ҳатто Навоийдан илмий қизиқишларига, эътиқоди ва дунёқарошига кўра анча йироқ турадиган баъзи ғарб файласуфлари унинг айрим ғояларидан фойдаландилар.

Навоий ижодидида инсон моҳияти ҳар томонлама таҳлил этилади. Инсон не мақсадда яратилди, унинг яшашдан муддаоси не? Бу фоний дунёда қандай умр кечириши, нимага интилиши, ҳаётдан сабоғу ибрат олиб қандай ҳислату фазилатларга эга бўлиши, нималардан тийилиши, сақланиши лозим? У бутун ижоди давомида инсоннинг ҳақиқий ўзлиги, моҳияти тўғрисидаги саволларга жавоб излади. Ғазалларида, “Хамса”, “Маҳбуб ул-қуллуб”, “Лисон ут-тайр” ва бошқа асарларида инсон ўзлигининг турли ботиний ва зоҳирий жиҳатлари, Яратган билан, дунёи дун билан алоқалари, зиддиятлари ҳақида сўз юритди.

Инсон моҳияти, ўзлиги масаласи Сукрот фалсафасида биринчи ўринга қўйилган эди. Сукротнинг ҳаётдаги шиори “Ўз-ўзингни бил”, деган ҳикмат эди. Дельфадаги Апполон ибодатхонаси пештоқида битилган бу даъват, балоғатга етиб, ибодатхонага келган ёш Сукротга кучли таъсир қилган ва унинг олим сифатидаги келажак тақдирини белгилаган. Ўзликни англаш ғояси исломда ҳам марказий ўринлардан бирини эгаллайди. “Ман арафа нафсаҳу арафа раббаҳу” – “ўзини билган Раббини ҳам билади” дейилади ҳадиси шарифда. Навоий учун ислом имон - эътиқод негизи ва дастуриламал. Сукрот – комил инсон, донишмандлик тимсоли, у Ҳақ йўлини кўрсата олувчи пири муршид. “Фарҳод ва Ширин”да Сукрот образи айнан шундай тимсолни ифодалайди. Буюк ижодкор сифатида

Навоий ўзлик масаласида ҳам шарқ ва ғарбда мавжуд қарашларни такрорлаш, тасдиқлаш билан чекланмайди. Балки уларни ривожлантиради, бойитади, баъзида қутилмаган хулосалар қилиб, имон-этиқоднинг бошқа нозик масалалари билан боғлайди. Келинг, яхши-си унинг ғазалларига мурожаат этайлик.

Ғазал имкониятлари дostonникидек улкан эмас. Дostonда батафсил таҳлил этилиб, ривоятлар, ҳикоятлар, мақолотлар, насиҳатлар ёрдамида далилланган ғояни ғазалда бир неча мисрада таъсирчан ва теран ифодалаш ҳар доим ҳам мумкин бўлавермайди. Шу боис ғазалда ғоянинг энг муҳим моҳиятли жиҳати, томони ёки белгиси, унга муаллифнинг муносабати акс этади. Лекин бу ғазал дostonга нисбатан ғояни ёритишда ожиз экан дегани эмас. Улар мутлақо бошқа-бошқа адабий жанрлардир. Образлилик, экспрессивлик, нозиклик ва таъсирчанлик кучига кўра, ғазал дostonга устунлик қилиши мумкин. Дoston эпик-лирик жанрдир. Унда воқеа баёни, ҳолат тасвири ҳис-туйғулар ва фикрлар билан бирлашиб кетган. Ғазал лирик жанрдир. Унинг учун воқеа баёни, ҳолат тасвири эмас, туйғулар ва фикрлар ифодаси, ҳолат ифодаси муҳим. Унда тасвирий унсурлар ё батамом йўқ, ёки ёрдамчи унсурлардир.

Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар” девонини очиб берган ғазал

Ашрақат мин акси шамсил-каъси анвор ул-ҳудо,

“Ёр аксин майда кўр” деб жомдин чиқди садо

деган матлаъ билан бошланади. Биринчи сатрнинг луғавий мазмуни: “Қуёш акси жом мавжларида жилоланиб йўлни ёритди”. Аёнки, жом майида нурланиб ёришган йўл Ҳаққа олиб борувчи йўлнинг тасвири эмас, бу ёр васлига етказувчи мажозий йўл ҳақидаги фикр ифодасидир. Байтнинг иккинчи мисраси луғавий таржимага муҳтож эмас. Матлаъ ирфоний мазмунига кўра, қуйидаги ғояни ифодалайди. Ҳақиқат, Ҳақ жамоли майда акс этади. Май ва жом уларни акс эттирувчи кўзгудир. Инсон ишқ майига ғарқ бўлса, барча ғам-ташвишлардан, ғараздан узоқлашади, фикри ёди фақат ёрда бўлади. Ишқ майи тўла “синган сафол” – жом – гетийнамога (кўзгуга), уни ичган киши эса ишқ (илоҳий муҳаббат) гадосига айланади:

Эй, хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синган сафол,

Жом ўлур гетийнамо, Жамшид, ани ичган гадо.

Шунда биру бор билан маю жом ичра, ишқда бирлашиш имкони пайдо бўлади:

Ваҳдате бўлгай муяссар май била жом ичраким,

Жому май лафзин деган бир исм ила қилгай адо.

Навоий шарият аҳкомларига қаттиқ амал қиладиган, илоҳий ишқдан йироқ, аммо тоат-ибодат билан умр кечирадиган анъанавий ислом намояндасига “зоҳидо” дея мурожаат этиб, хитоб қилади:

Сен гумон қилгандин ўзга жому май мавжуд эрур.

Билмайин нафй этма, бу майхона аҳлин, зоҳидо.

Ғазал хулосасида жуда нозик сўз ўйини қўлланилган. Ичиш азал соқийси – Худодан келаётган иноятдир, кўрсатмадир, ризқдир. Бу ерда қиёмат қоимда жаннатга сазовор бўлганлар, унга киргунча кавсар сувидан баҳраманд бўлиб, ташналикни қондиришлари, дўзахийлар бундан маҳрумлиги тўғрисидаги нақлга ишора этилмоқда. Шу сабабдан ҳеч ким ишқ майига ташна бўлиб юрмасин, ичаверсин:

Ташналаб ўлма, Навоий, чун азал соқийсидин

“Ишрабу, ё айюҳал-атшон” келур ҳар дам нидо.

“Бадоеъ ул-васат”нинг 396-ғазалида

Соқийё, ойинагун жом била

Бир дам этгил мени Искандару Жам

Ки, на Жам қолдию на Искандар,

Итти ул жом ила ул кўзгу ҳам...

деган мисралар бор. Соқий – Ҳақ йўлини кўрсатувчи пир, ойнагун жом – ҳақиқатни акс эттирувчи кўзгу. Бундай кўзгу Жамшид (Жам) ва Искандарда бўлган. Жом майини сипқориб ўзимни бир дам Жамшид ва Искандардек ҳис қилай, чунки улар билан бирга ҳақиқатни кўрсатувчи жом ва кўзгу ҳам йўқолиб кетган, дейилмоқда. Навоий ғазалларида

май, жом, соқий образлари жуда кенг қўлланилади. Май турлича сифатланади – дайр майи, даврон майи, имон майи, ишқ майи, вахдат майи.

Майнинг ҳақиқатни, Ҳақни кўрсатувчи восита, ойна эканлиги тўғрисидаги ғоя антик даврга бориб тақалади. Лотин тилида шундай афоризм бор: *In vino veritas* – ҳақиқат май ичида ёки ҳақиқат майда. Антик даврда ушбу ҳикматга, шубҳасиз, маиший мазмун эмас, ўзига хос ирфоний мазмун юкланган. Олам Илоҳнинг тажаллиси эканлиги тўғрисидаги сўфиёна ғоянинг манбаи ҳам Плотиннинг эманация назариясига бориб боғланади. Исломилоҳиятига, илм-фани ва фалсафасига Плотин назарияси яхши маълум бўлган. Калом илми эманация назариясини хушламаган. Аммо тасаввуф уни ўзига мослаштириб ривожлантирган. Каломга биноан, олам, борлиқ Оллоҳ томонидан яратилган, махлук, унинг хоҳиш-иродаси билан йўқдан пайдо бўлган. У ўткинчи, унда илоҳийлик йўқ. Тасаввуфга биноан эса олам илоҳийдир, у мужассам ҳолда Оллоҳнинг ўзгача шаклдаги ўзлигини акс эттиради. Унинг ҳар бир жисмида, унсурида, ҳодисасида Яратган нафасидан, иродасидан бир улуш бор. Бошқача айтганда, олам ўз Яратувчиси жамолининг беадад унсурларга, бўлақларга, қисмларга бўлиниб кетган аксидир. Ушу муносабат билан буюк немис файласуфи Ҳегелнинг табиат, борлиқ Мутлақ ғоянинг ўзини инкор қилиши, моддийлашиш шаклидир, инсон эса табиатнинг, яъни инкорнинг инкоридир. У Мутлақ ғоядан (мутлақ руҳдаги) онг, ақл-идрок ва руҳ, табиатдан эса тана, жисм олган, уларни синтезлаштирган, бирлаштирган. У ўзини табиатдан, ҳайвонот дунёсидан ажратади, қарама-қарши қўяди. Мутлақ ғоя – тезис. Табиат – синтезис. Инсон – синтез деган таълимотни (триадани), Шопенхауэрнинг “Олам ирода ва тасаввур сифатида” асарида олға сурган оламнинг, борлиқнинг бирламчи асосини Ирода ташкил қилади, олам Ироданинг чексиз ададларга бўлиниб, объективлашган ҳолатидир, деган ғоясини эслаш жоиз.

Навоий, ўз салафлари каби, май образи ҳамда инсон қалбида Ҳақнинг учкуни, жонида нафаси бор, деган ғоя орқали ажиб бир тарзда антик ғояни ривожлантириб, яна янги давр европа фалсафасига узатмоқда. Унинг асарлари XVI асрдан бошлаб европа тилларига таржима қилина бошлаганини, айниқса тасаввуфга оид асарларидан парчалар кўпинча насрий баёнда турли тўпламларда чоп этилиб келганини ҳисобга олсак, ғарбнинг кўплаб мутафаккирлари унинг, балки, исмини ҳам билмасдан, баъзи ғояларидан хабардор бўлгани эҳтимоли ойдинлашади. Б. Спинозанинг пантеистик ғоялари ҳам, бир томондан, антик давр фалсафий қарашларига, иккинчи томондан – бевосита тасаввуф таълимотига бориб тақалади. Спиноза ислом фалсафасини яхши билган; Ибн Рушднинг рационал усулидан ҳам, тасаввуф таълимотидан ҳам етарлича хабардор бўлган, айниқса, Маймоний ва Ибн Эзра таржималари ва асарлари орқали. Тўғри, Спиноза пантеизми тасаввудан анча фарқ қилади. Спиноза суфий эмас, у материализмга мойил файласуф. Навоий қарашларидан унинг қанчалик хабардорлиги аниқ маълум эмас. Ҳар қандай ҳолда ҳам, биз Навоий ижодини умумжаҳон маданияти ва қарашлари контекстида таҳлил қилишга уришимиз керак. Шунда унинг умуминсоний аҳамияти янада теранроқ очилади.

Айрим пантеистик ғоялар брахаманизм, индуизм, даосизмда учрайди. Қадим юнон фалсафасида ҳам биз унинг унсурларига дуч келамиз. Лекин пантеизм таълимоти сифатида фақат монотеистик динларда, яъни оламни яратувчи ёлғиз Худо тўғрисидаги эътиқод орқали тугалланган таълимот сифатида вужудга келиши мумкин эди. Неоплатонизмнинг (Плотиннинг) эманация назарияси ривожлантирилиб бундай тугалланган пантеистик таълимот диний кўринишда дастлаб исломда шаклланди. Исломилломалари асарлари, жумладан, Оллоҳ тажаллиси таълимоти ва тасаввуф ғоялари акс этган асарлар лотин тилига XI-XII асрлардан таржима қилина бошлади. Европа Уйғониш даврида эса рим-католик черковининг қатъий чекловини биров юмшатиш мақсадида пантеистик ғояларни ғарбнинг илғор мутафаккирлари черковнинг ҳукмрон мафқурасига нисбатан муҳолиф қарашлар ўлароқ ривожлантирди, баъзан унга нояққол материалистик мазмун бағишлашга ҳаракат қилди. Айнан ўша даврда шарқ ислом фалсафаси ва адабиётига, жумладан, Навоий ижодига ғарб олимларининг мурожаат этиши кучайди.

Ўқувчиларда европа пантеизми ҳақида тасаввур ҳосил бўлиши учун машҳур Жордоно Брунонинг фикрини келтирамиз: “... табиат Худонинг нарсаларда намоён бўлиши-

дан бошқа нарса эмас”. Бу билан мутафаккир амалда худони инкор қилаётир, уни табиат билан алмаштирмоқда. Ж. Брунонинг бундай фикри ва гелиоцентристик назарияси (ер ва бошқа сайёралар қуёш атрофидан айланиши) унинг инквизиция суди қарори билан тириклайин ёқиб юборилишига сабаб бўлган эди. Б.Спиноза Бруно қарашларини қабул қилиб, табиат ва худо тушунчалари ўртасида тенглик аломатини қўяди. Тасаввуф Худо ва табиат ўртасида ҳеч қачон тенглик аломатини қўймаган, фақат уни худонинг шуъласи, тажаллиси, деб ҳисоблаган. Ф. Энгельснинг фикрича, немис классик файласуфлари Шеллинг ва Гегель руҳ ва материя қарама-қаршичилигини пантеизм усулида ўзаро келиштиришга уринганлар. Бу Шопенҳауэрга ҳам тааллуқли. Ҳегел триадаси моҳиятан ҳайратли даражада Навоийнинг “Ҳайратул аброр” асари бошланишида ифодаланган ғояга яқиндир.

Кўриниб турибдики, тасаввуф таълимоти ва унга асосланган А. Навоий ижоди жаҳон фалсафий ва бадиий тафаккурида муҳим даврни ва погонани ташкил этади. Навоийнинг қарашлари диалектик усулга таянгани учун у кўп ҳолларда диний-мистик қобикдан чиқиб кетади. Баъзан гап нима ҳақда – мажозий ишқми, ёки эстетик ишқ, ёки дунёвий ишқ тўғрисида кетаётганини фарқлаш қийин, чунки муаллиф сўзларнинг кўп маънолигидан ва сўз ўйинидан моҳирона фойдаланади.

Ҳақни фақат ишқда, фанода, ўзликдан кечиб ҳис қилиш мумкин. Сениқ сафолдаги май ишқ ўтида куйдириб, фанога, у орқали Ҳақ васлига етказувчи воситадир: “Ўзлугумнинг қайдидин бир май била қилдинг халос,” – дея буни тан олади Навоий.

“Ғаройиб ус-сиғар”нинг 78-ғазалида шундай мисралар бор:

Эрур мақсад йироқ, водий узун, тун тийра, йўл буртоқ,

Бу йўлда салб этиб ўзлик юкин, ўзни сабукбор эт.

Навоий ўлса тиргузгил, юзига юз қўюб, яъни

Юзига су уриб ул уйқусидин они бедор эт.

Ҳаққа етишиш йўли узок, хатарли, хавотирли, тунлари тийра, лекин бу йўлда ўзлик юкидин қутулиб, халос бўлиб манзилга етиш мумкин. “Салб этиб ўзлик юкин” яъни ўзлик юкидан халос бўлиб, сўзлари шарҳга мухтож. Салб сўзи “син” билан ёзилса, “фарқ”, “ажралиш”, “ташлаш” каби мазмунларни ифодалайди, агар “сод” билан ёзилса, дорга осилишни, қатлни билдиради. Қайси ҳарф билан ёзилганда ҳам ғазал мазмунига путур етмайди. Ғазалдаги мисра бир неча мазмунни ифодаламоқда. Ўзлик юкини ўлдириб, ўзингни сабукбор эт (юкдан, ташвишдан қутултир, енгил бўлгин), матлуб васлга эриш деган бевосита мазмунидан ташқари, Исо Масих тақдирига ҳам ишора қилади. Билмадим, Навоийнинг ўзи “салб” сўзини “сод” орқали ёзганми, йўқми, кейинги хаттотлар уни кўчиришда “син”ни қўллаганларми, “сод”ни – менга қоронғу. Навоийни кирилл ва латин имлоларида ўқийман. Аммо фавқуллодда хаёлимга Исо Масих тақдирига ишора қилинган деган фикр келиб маҳкам ўрнашди. “Салб” сўзининг қўшимча маъносини топиш истаги туғилди. Бунда менга ффд. Рашид Жумаев бегараз ёрдам кўрсатиб, “Фарҳанги забони тожики”да “сод” билан ёзилгандаги мазмунини топиб берди. Унга миннатдорчилик билдириш имконидан ҳам фойдаланиб қолай!

Маълумки, Исо Масих ўзи парчинланадиган хочни (дорни) ўзи билан қатлгоҳ Голгофа (такир тепа)га елкасида кўтариб олиб боради. Исо парчинлангандан кейин юки енгил бўлди, дордан ҳам, бу дунё ташвишларидан ҳам, ўзлигидан ҳам қутулди – сабукбор бўлди: Ҳақ билан қўшилиб кетди, Ҳақ васлига восил бўлди. Кейинги байтдаги “Навоий ўлса, тиргузгил” деган сўзлар ҳам Исо Масихга ишора. Инжилга биноан, Исо қатл этилганидан кейин қайта тирилган. Чиройли сўз ўйинлари билан Навоий мени ҳам, агар ўлсам, юзимга су (май) уриб тирилтир демоқда.

Ҳақ йўлига кирган киши аввало кибру хаводан, манманликдан, бу дунё билан боғлаб турган нафс ва ҳирсдан воз кечмоғи лозим. Зеро, улар фоний ўзликнинг таркибий унсурларидирки, сенинг йўлингни бало тоғидек тўсади:

Ишқ водийсинда мақсад ичрадур аввал қадам,

Ўзлугинг кўҳи балоси бўлмаса оллингга сад.

Шу сабабдан, дўст (ёр) истасанг, “қил фано ҳосилки”, ўзликдан кеч. Ушбу ғоя “Бадоеъ ул-васат”да янада ривожлантирилади. Ўзлик инсондаги энг оғир юк, тушов, зеро,

нафс ва хирсдан ташкил топган: Илоҳий муҳаббат истаги йўлида аввало фаноликка эришиш зарур.

*Талаб йўлида аввал фоний ўлғил
Ки, йўқ бу йўлда ўзликдин оғир банд.*

Ўзлигидан айрилмаган, ўзлигини ҳалок этмаган такводор зоҳид ҳақ васли тўғри-сида қанча лоф урмасин, агар у фоний бўлмас экан, даъвоси юзага чиқмай, собит бўлмай, пучлигича қолаверади:

*Ўзлуки боқию зоҳид урадур лофи вусул,
Фоний ўлмай киши топқайми бу даъвога субут.*

Ишқ ўзликдин халос этади, таркидунё ва такводан, фойда йўқ. Зеро, Оллоҳ инсон қалбида, жони ичида, яширин, сен эса бундан хабарсизсан (ғофилсан). Уни истаб кечаю кундуз ел каби тиним билмайсан. Май ич, васл базми қургил, кўнглинг очилади, ёрга етишасан. Афсуски, соқий менга шароб (соғар) тутмади, ёр васлидан баҳраманд бўлолмай қолдим.

*Ёр эрур жон ичра, сен ғофил вале истаб ани,
Кеча-кундуз ел каби бўлмоқ жоҳонпаймо не суд.
Суд қилди улки ичти васл базми ичра май,
Бизга соқий тутмади бу соғари саҳбо, не суд.*

Бошқа бир ғазалда ўқиймиз:

*Жон фараҳ топти, лабинг жавҳари бўлғач анга ҳут
Оллоҳ-Оллоҳ, не муфарриҳ бўлур эрмиш ёқут...
Майи лаълинг не ажаб бодаки, кайфиятидин
Рух лоъқилу андин хирад ўлмиш мабҳут.*

Мазмуни: Ёрнинг жавҳар лаби теккан май оби ҳаётга жонга ором, бахт ато этувчи ёқутга айланди, беақл рух май ичиб билимидан (онгидан) жудо бўлди.

Маълумки, жавҳар (жавҳар ал-фард) – борлиқнинг бирламчи асоси, оламнинг қурилиш ашёсидир. Оллоҳ ундан бутун оламни, онг ва ақлни яратди. “Ёқут”, “жавҳар”нинг туркий маънодоши. Бу ерда бетакрор метафора, истиора ёрдамида ёр лаби ва май ранги яратувчи жавҳарга киёсланмоқда. “Лаб жавҳари” сўз (Оллоҳ сўзи) мазмунида ишлатилса, мисрада Оллоҳ оламни сўз воситасида яратди, деган маъно келиб чиқади. Лаб жавҳари фақат сўз эмас, шунингдек, нафас ҳамдир. Лаб сўзни ва нафасни ҳосил қилишда, бошқаришда иштирок этади. Оллоҳ Одамга нафаси воситасида, пуфлаб жон, рух ато этган. Демак, лаб жавҳари яратувчиликдир, тирикликдир, ҳаётбахшликдир. Навоийда жавҳар жуда кўп маъноларда, шу жумладан ақл, моҳият маъноларда ҳам ишлатилади. Азизиддин Насафийда биз ҳатто жавҳарни, бугунги тил билан айтсак, табиат ва инсоннинг умумий генетик коди мазмунида ишлатилганини учратамиз. Навоий Азизиддин Насафий асарларини яхши билган. Мазкур ғазалда жавҳар табиат ва инсоннинг ўзаги, инсонни Ҳақ билан бирлаштирувчи омил сифатида қўлланилмоқда.

Яна “Ғаройиб ус-сиғар”га қайтамыз. Ёрдан бошқани унутиш, ёрга интилиш воситалари – бу май ва ишқдир. Аммо майнинг бир ўзи сени ёрга етказа олмайди. Мақсад ёрнинг сенга ҳамдам бўлиши экан, бунинг учун ҳақиқий ишқ ўтида куйсангина, ёринг қалбинга келиб жойлашиб, сенга ҳамдам бўлади. Акс ҳолда, айрилиқдан ғам чексанг, май уни камайтирмайди:

*Демангки, ҳажрда май ҳамдам ўлса, гам кам ўлур,
Ки, самдурур, дам эмас, бода ёру ҳамдамсиз.*

Фақат ёр фироғи ва кўнгили ғамидан бутун ҳаёти давомида бир лаҳзагина бўлса-да, мотам тутмаган киши, яъни умрида бир лаҳзагина ёрини кўнгилда ҳис эта олган, ҳаёлан у билан бирлаша олган киши бахтиёрдир, яхшидир:

*Хуш улки, ёр фироқию ё кўнгили ғамидин
Тамом умрида бир лаҳза эрди мотамсиз.*

Парҳез ва таркидунёчилик кишини ўзлик кишанидан халос қила олмайди. Бинобарин, улар ёрдамида ёр васлига етишиш мумкин эмас, балки ишқ ва май қутқарар:

*Навоийни вараъу зуҳд қайди ўзлугидин
Халос қилмади, эй ишқу май, магар ҳам сиз.*

Фанонинг асл вазифаси ва белгиси ўзликдан халос бўлишдир. Агар ҳақиқий эр бўлсанг, сен авомдан қочиб, узлатга чекинишни ўйлама, балки ўзингдан ўзни қутқариш учун жаҳд қил, яъни ўзинг билан (нафсинг, ҳирсинг, кибринг ва ҳ.к билан) кураш. Авомдан қутулиш қийин эмас, ўзликдан қутулиш қийин:

*Дема, не суд эрур ўлмоқ фано ҳаримиға хос,
Яна не суд керак ўзлугингдин этса халос.
Авомдин, демаким, ўзни қутқарай эр эсанг,
Ўзунгдин ўзни қутулмоққа жаҳд қилгил хос.*

Таъкидлаш жоизки, “жаҳд” ўзагидан ясалган “жиход” тушунчаси ҳозир ҳам биринчи навбатда ўз онгидаги жоҳиллик иллатлари, нафс, ҳирс ва кибрни енгишни, ўз онгида қолоқлик билан курашишни англатади. Иккинчи мазмуни - душмандан ватанини ва оиласини ҳимоя қилишни билдиради. Бугун диний экстремистик радикал оқимлар жиход мазмунини сохталаштириб, ундан ғаразли сиёсий мақсадларига эришиш ғояси сифатида фойдаланмоқдалар. Навоий ўз нафси, кибри ва ҳирсидан қутулишга жаҳд қилишга чорламоқда.

“Эй кўнгул” радифли 368-ғазалда ҳам ҳажр ўтида ёнмаслик, ёрдан айрилмаслик, боқий давлат топишнинг (ҳақиқатга етиш) асосий шарти кўнгилдан ўзликни фоний қилиш, сиқиб чиқариб ташлаш эканлиги таъкидланади.

*Ҳажр ўтига, истасанг, ёқилмагайсен, эй кўнгул,
Ёрдин зинҳорким, айрилмагайсан, эй кўнгул*

деган матлаъ билан бошланган бу ғазал ниҳоятда таъсирчан, туйғу ва фикрнинг баланд даражадаги авжини ифодалайдиган байт билан давом этади:

*Ваҳ, не толиғдурки топмай умре истаб ёрни,
Чун сени ёр истагай, топилмагайсен, эй кўнгил.*

Ох, бу қандай қисматки, бутун умр истаган ёрингга етолмайсан-у, ёр сени истаганда, ўзинг топилмай қоласан, эй кўнгул. Балки кўнгил ёр васлига етишиш имконидан чўчиб, тош қотгандир, балки ёрга ҳамдам бўлишга ҳали тайёр эмасдир, хомдир, балки кўнгил орзу ҳаваслар кўмилган қабрга, ёхуд нафс ва ҳирс маконига айланиб қолгандир. Албатта, йўқ. Кўнгилнинг ҳуши мавҳ бўлган, ғамдан абад очилмайдиган ғунчага айланиб қолган:

*Қилди чун соқий лаби еткан қадаҳ ҳушунгни мавҳ,
То абад зинҳорким, ойилмагайсен, эй кўнгул.
Ғунчасан ғамдан, вале соқий баҳори оразин
Очса билманким, недин очилмагайсен, эй кўнгул.*

Ҳақиқатга эришишнинг (давлати боқий топишнинг), кўнгул ғунчаси очилишининг шарти ўзликдан кечиб фоний бўлишдир:

*Давлати боқий Навоийдек эрур топмоқ муҳол,
То тамом ўзликни фоний қилмагайсен, эй кўнгул.*

“Ғаройиб ус-сиғар”га кирган бир мухаммасда Навоий шундай хитоб қилади:

*Ул қуёш токим қўрунди дидайти гирёнима,
Қолмади ўзлук хаёли хотири вайронима,
Ҳар тарафдин тушти офат барқи хонумонима,
Ургали, эй ишқи золим, барқи офат жонима,
Ҳар не ўзлуктинки бор эди гумоним, ўртадинг...*

Қуёш деганда ишқ ёки ҳақиқат назарда тугилмоқда. Ҳақиқат (хайратдан) гирён кўзларимга тушти-ю, хотиримни вайрон айлаб, ундан ўзлик хаёлини қувиб хайдади. Шафқатсиз, золим ишқ борлиғимни ўтга солди; ўзликдин гумоним бор эди, уни ҳам куйдирди, ҳали нафс ва ҳирсимни тўлиқ енга олганим йўқ, деб ўйлар эдим, улардан асар қолдирмади.

Қуёш – бу ёруғлик манбаи, ёки мажозан маърифат, илми ирфон. Қуёш – бу ёр васли, у ошиқ жисмини бутунлай куйдириб, қалбини ўзига сингдириб юборади, шунда ошиқнинг қалб кўзлари очилиб, ёруғликни (ҳақиқатни) кўради.

Навоийнинг ўзлик ҳақидаги фикрлари девондан девонга бойиб, теранлашиб борди. “Наводир уш-шабоб”нинг бир ғазалида шундай фикрларни учратамиз:

*То муҳаббат дашти бепоёнида оворамен,
Ҳар балият келса ишқ ошубидин бечорамен,
Эл нетиб топқай мениким, мен ўзимни топманом,
Бўйлаким ишқу жунун саҳросида оворамен.*

Ўзликни англаш “Ғаройиб ус-сиғар”даги ишқ, ваҳдат майи ва фано талабларидан ташқари, яна бир талаб билан бойимокда: элга хизмат қилиб, унга маъқул бўлиш, унинг ғами билан яшаш. Ўз инсоний бурчини адо этиш ўзликни англашдаги зарур шарт эканлиги таъкидланмоқда. Айнан шу даврда, “Наводир уш-шабоб” ёзилаётган йилларда, Навоий бенаволарга наво бериб, мамлакатни обод қилишга, истеъдодли кишиларни қўллаб-қувватлашга, ҳомийлик қилишга астойдил киришган эди. “Эл нетиб топқай мениким, мен ўзумни топманом,” дея Навоий элни ўзидан рози этиш, унинг дуосини олиш, яхшилик билан эл ўртасида танилиш ўзликни, ўз бурчини, яшашдан мақсадини, ҳаётининг маънисини англашнинг шarti эканлигига урғу беряпти. Бу, очиғини айтганда, тасаввуф доирасидан бироз четга чиқади, аниқроғи, унинг доирасига сиғмайди. Ўзликни англашга фақат фанолик орқали эмас, элга беминнат хизмат қилиш орқали амалда эришиш мумкин демоқда буюк мутафаккир. Навоий ўша йиллари жавонмардлик, футувват, комил инсон, саховат, мурувват, ниёз каби тушунчалар билан жуда қизиққан. Имом Ғаззолий, Азизиддин Насафий асарларини ўқиган. Хусайн Воиз Кошифий билан дўст тутинган, фикр алмашган. Кошифий ўзининг “Жавоҳир ат-тафсир ат-тухфат ул-Амир” (Тафсири Хусайний) асарини Навоийга бағишлаган. Жомийга мурид тушиб, ундан сабоқлар олган. Ўзликни англашнинг халққа хизмат қилиш билан боғлиқлик ғоясини Навоий ажиб бир тарзда “Фавойид ул-кибар”да ривожлантиради.

*Ўзин ўзлукдину кавнайн мулкидин қилиб хориж,
Қаю кавнайн мулки, ломакондин ҳам топиб ихрож
Ҳарими қурб аро матлуб васлдин бўлиб маҳзуз,
Йўқ андоққим, ҳарими Каъба ичра зумраи ҳужжож.
Тилаб уммат гуноҳин ҳар неким истаб топиб бахиши,
Зиҳи сойил, зиҳи бозил, зиҳи рифъат, зиҳи меърож.*

Келтирилган мисраларда Муҳаммад пайғамбарнинг меърожи, Оллоҳ васлига (матлуб васл) га эришиб бахтиёр бўлгани, унинг ўзлиги-ю бутун (олам) коинот ва нариги дунё мулкидан, макондан ҳам, маконсизликдан ҳам воз кечгани, бу ва у дунёдан илоҳий виртуал дунёга ўтгани ва Оллоҳдан барча мусулмонларнинг гуноҳидан ўтишни, ҳар кимни ниятига етказишни сўрагани ҳақида сўз боради. Кавнайн мулки исломда икки дунёни англатади, улар реал ҳисобланади. Нариги дунё – жаннат ва дўзах инсон учун яратилган. Улар илоҳий макон эмас. Илоҳий маконни Навоий “ҳарими қурб”- яққинлик қасри, деб атаган. Муҳаммаднинг Ҳақ васлига восил бўлишдан мақсади умматларига нажот тилаш эди.

Зиҳи – яхши, жуда яхши, ажойиб, сойил – сўровчи, тиловчи, сўзнинг иккинчи мазмуни ҳаракатланувчи деган маънони билдиради, бозил кечиримлилик, сахийликдир, рифъат юксалишдир. Зиҳи сойил – сидқидилдан сўраш, илтижо қилиш, ёки тиришқоқлик билан, астойдил ҳаракатланиш; Зиҳи бозил – сидқидилдан кечириб, ёки сидқидилдан сахийлик қилиш. Рифъат ва меърожга нисбатан ҳам шундай сифатлар қўлланилган. Сўзлар қайси маъносида ишлатилмасин, ғоя моҳияти бузилмайди, фақат унинг талқин мазмуни турлича жилоланади. Бу доҳиёна сўз маҳоратидир. Ҳар бир ўқувчи сўзларни ўзи тушунган даражада талқин қилади, Навоий ғояси эса собитлигича қолаверади. Фаноликка ҳаракат (сойиллик) орқали, маънавий-руҳий юксалиш (рифъат), сахийлик (бозиллик) ва чин дилдан илтижо қилиш (сойиллик) орқали эришилади. Шунда фоний руҳи макондан ломаконга, табиий оламдан илоҳий оламга ўтади. *Ўзликдан кечиб, Ҳаққа етишдан мақсад элга хизмат қилишдан айро тушунча эмаслиги таъкидланмоқда газалда.* Муҳаммад ҳаётининг маъниси ва мақсади халқни имон йўлига солиш, халққа Оллоҳ ҳақиқатини етказиш эди. Расулulloҳ ўзига юклатилган вазифага содиқ қолди. Шу сабабдан Унинг васлига восил бўлганда, ўзи учун эмас, уммати учун сўради. Бу фикр ҳам тасаввуф дара-

жасига кенглик қилади. Ҳаракат, фаоллик, саховат, кечиримлилик, элга хизмат ва бурчи-га содиқлик ўзлигини, ўз раббини англашнинг муҳим шартини эканлиги уқтирилмоқда.

“Ғаройиб ус-сиғар” ғазалига қайтамыз. Унда шундай байт бор:

*Эй харобат аҳли, гар сиз маст ўлуб, мен бўлмасам,
Айб эмас, невчунки сиз майхора, мен хунхорамен.*

Харобат – майхона. Харобат аҳли илоҳий ишқдан маст кишилар – сўфийлар. Уларга қарата, агар сиз маст бўлсангиз-у, мен бўлмасам, айбламайсиз, чунки сизлар ишқ майини хушловчиларсиз (майхора), мен эса хунхораман, (хун-қон ёки қоннинг моддий тово-ни), яъни сиз май ичмоқдасиз, мен қон ичмоқдаман. Бу ерда муболаға ишлатилмоқда: менинг ишқим, дардим сизникидан бир неча бор кучлироқдир. Байтни бошқача талқин қилиш ҳам мумкин. Мен моддий ғараздан кеча олмаганман, ҳали камолотга эришганим йўқ, ярим йўлдаги ошиқман, қон ютиб, азоб чекмоқдаман, демоқда. Навоий ғазалларида мудом ўзини “камситиб”, камтарлик қилиб келганини назарда тутсак, юқоридаги иккинчи талқин ҳам мантиқдан холи туюлмайдими. Ғазал, табиийки, ушбу жанр мазмунига қўйиладиган талаблар асосида ёзилган. Ғазал ривоят, ҳикоят ёки мақолот эмас. Унда фикрни ривожлантириб, узоқ мулоҳазага берилиш имконсиз. Ғазал ошиқ ҳиссиётини, ҳолатини, ҳайратини, мақсадини ифодалаш керак. Шу сабаб бир мисрада айтилган фикр катта бир рисолада ёритиладиган мазмунга эга бўлиши мумкин.

Навоий бутун умрини халққа хизматда ўтказди. Унинг Ҳирот ва Хуросондаги вази-ятни барқарор сақлашдаги роли шу қадар баланд эдики, ҳатто Ҳаж ихтиёр этиб, Каъбага бориб келиш учун рухсат сўраганда, розилик ололмаган.

Югурдинг Каъбаи мақсад тилаб кўп, лек тинмайсен,

Чиқарсанг ўзлуқингнинг дайридин ўзни эрур коме.

Бу байтда Навоий ҳаж ихтиёр этиб унга эриша олмаганига ишора қилиш бароба-рида ўзлигининг ўзинини чиқарсанг, ниятингга етасан демоқда. У маълум муддат давлат хизматида бўлиб, Хусайн Байқарога ҳокимиятини мустаҳкамлашда бевосита ёрдам кўр-сатган. Хуросонда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ўрнатилгач, Навоий эса Жомийга кўл бериб, мурид тутинган. Энди уни дунёвий ташвишлардан кўра кўпроқ рухоният, маъна-вият масалалари кизиқтирар эди. Навоий давлат хизматидан истеъфога чиқиб, ўзини илму ижодга тўлиқ бағишламоқчи бўлганда, Жомий уни ниятидан қайтарган эди. “Сиз-нинг халққа вазир сифатида фойдангиз кўпроқ тегади”, деб далил сифатида барча инсу-жинс тоат-ибодатидан бир соатлик адолат устун деган ҳадисни келтирган бўлса, эҳтимол. Лекин кейинчалик ҳам Навоийни дунёвий ташвишлардан тўлиқ воз кечиш фикри тарк этмаган. “Наводир уш-шабоб”нинг 19-қитъасига ҳаттоки “Хайробоод банди хаёлидан ха-лос бўлғони ва ўзлик банди малолидин халослиг тилағони” деган сарлавҳа берилган. Қитъада ўқиймиз:

Чу Хайробоод бандин ўзлугум бирла ясаб эрдим,

Мени андин халос этти иноят айлабон шоҳе,

Не бўлғай ўзлуқумнинг бандидин доғи халос этса,

Ҳақиқат кишвари сари ҳидоят айлаб огоҳе.

Хусайн Бойқарога Хайробоодаги қандайдир юмуш, вазифалардан халос этгани учун миннатдорлик бидирмоқда ва Навоийнинг кўнгил ҳолидан огоҳ бўлиб истеъфосини қабул айлашни, барча дунёвий ташвишлардан халос этишни ва ҳақиқат юртига йўл олиш-га рухсат беришини тиламоқда. Умрининг охириги йилларида эса у ўзининг маънавий устозларидан бири ҳисобланган шайх Ансорий мазоридида жорубкашликни (супурувчи, фаррош бўлишни) истагани (табиийки, бунга яна рухсат ололмаган) бежиз эмас. Бу туйғу унда фавқулодда туғилиб қолмагани, балки куч-ғайрати ва ижодий фаоллиги авжга чиққан йилларда ҳам бўлганини мазкур қитъа тасдиқлайди. Ишқнинг таркидунёчилик (зухд) ва ибодатдан устунлиги, қалби ҳақиқий ишққа тўла кишига уларнинг ва кибру истиғнонинг (нафсининг) кераги йўқлиги “Бадоеъ ул-васат”да чуқурлаштирилади:

Ишқ ўзлук нафий айлар, зухд ила тақво не суд,

Чун вужудинг манфи ўлди, кибру истиғно не суд.

Фано тушунчаси ҳам девонда янги мазмун ва қирралар билан бойитилган. Фано васл гавҳарига етказлади. Васл – бу Оллоҳга етишишдан кўзланган мақсад, ҳақиқат ва ишқнинг юзага чиқишидир. Оддий инсоннинг мақсади нажот бўлса, “аҳли, фано базмида” ўзини хос қилган киши учун мақсад Оллоҳ ишқи ва ҳақиқатидир:

*Бўлмайин гарқи фано, истамағил гаҳари васл,
Дур топилмас, киши то баҳрда бўлмас гаввос.*

Навоий фаноликни ҳамма нарсдан воз кечиб, Ҳақ васлини кутиб ётиш сифатида эмас, балки уни фаоллик билан бирлаштириш лозимлигини уқтирмоқда. Денгиздаги гаввосдек меҳнат қилмасанг, ҳаракатчан бўлмасанг, дур (ҳақиқат) тополмайсан. Ҳақиқатни излашинг, бутун фикри-зикрингни, билимларининг ва ҳис-туйғуларингни унга қаратишинг, интилишинг лозим. Фаоллик фаноликни воқе қилади, фаноликдаги фаоллик оммага ҳам файз келтиради:

*Файзи ом истар эсанг, айла Навоий ўзни
Бу фано дайри аро муғбачалар базмига хос.*

Навоий ўзлик масаласи устида қанчалик жиддий фикр-мулоҳаза юритмасин, кези келганда, ҳажвни ҳам эсдан чиқармаган, ўзининг устидан ҳазиллашиб, кулиб кўйган:

*Кўнгул ўзлукни бир созарга сотти,
Магар дайри фано хамморидир бу.
Навоийга, – десам, – қил, эй йигит, раҳм,
Кулуб дер, не ҳаёсиз қаридур бу.*

“Фавойид ул-кибар”да ўзликдин кечиш, фано сари қадам кўйиш, унинг юкидан халос бўлиш, энгил бўлиш учун етарлимикин деган ўйга ҳам боради. Ўзлугимдан кечтим, дунёвий ғам-ташвишдан қутулиб, юким энгиллашди деб ўйлаган киши ўз ҳолини ўзича баҳолайди. Аслида юки энгиллашганми – бу ҳали номаълум, фақат Оллоҳга аён. Соғлом шубҳа – скепсис – хулоса қилишда кишини хатодан сақлайди. Ўзлик масаласида Навоийнинг ўз-ўзига скепсис муносабати кўп учрайди.

*Навоий ўзлукидин кечти, доғи кўйди қадам,
Бу йўлда энди сабукборми экин, оё.*

Ушбу фикр кейинчалик “Лисон ут-тайр” нинг бош ғоясини ташкил этган эди. Аслида қафасдаги куш образидан тутқинлик, ғариблик, бенаволик рамзи сифатида Навоий ёшлик йилларида ҳам фойдаланган. Ушбу муносабат билан унинг машҳур рубоийсидаги

*“Гар олтин қафас ичра қизил гул бутса-да,
Булбулга тикондек ошиён бўлмас эмиш”,*

деган байтини эслаш ўринлидир.

Ўзлик масаласи Навоийнинг “Ҳамса” сида, “Лисон ут-тайр” достонида ҳар томонлама ва чуқур таҳлил этилади. Барча дostonларни кўриб чиқадиган бўлсак, мулоҳазаларимиз жуда чўзилиб кетади. Бундан ташқари, “Маҳбуб ул-қулуб” ҳам бор. Биз дастлабки қайдлар билан чекланишни ният қилган эдик.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Алишер Навоий ғазалларида ўзликни англаш, ҳақиқатни топиш, Навоий ғояларининг жаҳон ижтимоий-фалсафий қарашларига ҳамоҳанглиги, уларга таъсири, Навоийнинг халққа хизмат қилиш ўзликдан кечишнинг шаклларида бири экани тўғрисидаги ғояси тасаввуф қондасига сиғмаслиги баён этилади.

РЕЗЮМЕ

В статье освещаются вопросы выражения осознания собственного «Я» самости, поиска Истины в газелях Навои. Созвучность его взглядов с идеями мировой общественно-философской мысли. Идея Навои о том, что служение народу является одной из форм отрешения от своего «Я» выходит за пределы суфизма.

SUMMARY

The article highlights the issues of expressing awareness of one’s own “I,” selfhood, search for Truth in ghazals of Navoi. The consonance of his views with the ideas of world social and philosophical thought. The idea of Navoi that serving the people is a form of detachment from his “I” goes beyond the limits of Sufism.

ЎЗБЕК ФОЛЬКЛОРИДА МОМАҚАЛДИРОҚ БИЛАН БОҒЛИҚ МИФОЛОГИК ҚАРАШЛАР

Жўраев М. (ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти)

Таянч сўз ва иборалар: ўзбек фольклори, мифология, астромифологик персонаж, миф, афсона, космогоник қарашлар, мифологик афсона, мифоним, образ.

Ключевые слова: узбекский фольклор, мифология, астромифологический персонаж, миф, легенда, космогонические представления, мифологическая легенда, мифоним, образ.

Key words: Uzbek folklore, mythology, astromythological character, myth, legend, cosmogonic ideas, mythological legend, myth, image.

Маълумки, Ўрта Осиё халқлари мифологиясида момақалдиरोқ ва чақмоқнинг пайдо бўлишини эркак жинсидаги асотирий персонаж фаолияти билан боғлаб изоҳлаш анъанаси ҳам мавжуд бўлиб, унинг энг ёрқин намунаси *Бургут бобо*, *Бобо Қилдир*, *Бобо Гулдур*, *Бобо Қамбар* ҳақидаги мифлардир. Ана шу типдаги мифлар асосида шаклланган ўзбек халқ космогоник афсоналаридан бирида айтилишича, момақалдироқ – осмонда яшовчи бир катта одам эмиш. Унинг бир тўқмоғи бор бўлиб, шу тўқмоқ билан булутларни урганида чақмоқ чақар экан (Фольклор экспедицияси материаллари. Навоий вилояти, Навбахор тумани, Учтут қишлоғи. 1991 йил). Нуротадан ёзиб олинган мифда айтилишича, осмонда бир баҳайбат дев яшармиш. Ўша девнинг жуда улкан пўстини бўлар экан. У ҳар йил баҳорда ана шу пўстинини қоқаётган пайтда тақир-туқур қилиб момақалдироқ гумбурлар эмиш (Фольклор экспедицияси материаллари. Нурота тумани, Дибаланд қишлоғида яшовчи 1910 йилда туғилган Ойбозор момо Қобил қизидан ёзиб олинган).

Қоракўл туманидаги Жигачи қишлоғида яшовчи Мевагул Жумаеванинг айтишича, осмондаги девларнинг катта пўстини бўлар эмиш. Улар йилда бир марта – қишдан баҳорга ўтар маҳали ана шу пўстинларининг чангини қоқишар экан. Шундан момақалдироқ бўлар эмиш (Фольклор экспедицияси материаллари. 1981 йил).

Моммақалдироқ ҳосил қилувчи астромифологик персонаж – *пўстинини қоқувчи дев* ҳақидаги халқ қарашларининг келиб чиқиши дуалистик эътиқодлар билан боғлиқдир. Чунки халқимиз орасида пўстагини қоқиб, момақалдироқ ҳосил қилувчи *Бобо Гулдур* ҳақидаги афсоналар ҳам нақл қилинади. Айтишларича, осмонда яшайдиган Бобо Гулдурнинг пўстаги бўлар экан. Ёйилиб юрган говмиш сигирлари – булутларни бир жойга тўпламоқчи бўлганида пўстак-ноғорасини чалар экан. Ана шунда момақалдироқ гулдираб, осмонда ноғора саси акс садо берармиш.¹

Яхсув водийсида истиқомат қиладиган тожиклар мифологиясида момақалдироқ ҳосил қилувчи асотирий персонаж бобо Қилдир ёки Қамбар деб юритилади. Яхсувликлар тасаввурича, бобо Қилдир осмондаги оҳуларни овлаш учун шикорга чиқиб, ноғорасини чалса, момақалдироқ гумбурлар, милтигининг пилтасини ёндириш мақсадида икки қайроқ тошни уриштириб учкун чиқарган пайтда чақмоқ чақар эмиш. Бобо Қамбар ховуздан сув олиб кетаётганида унинг челагидан сочилган сув ёмғир бўлиб ёғилса, музлаган кўл устидан от чоптириб ўтаётганида тулпорнинг туёқлари тегиб кўчган муз қорга айланиб заминга тўшалар эмиш. Тожиклар дўлни ҳам бобо Қамбарнинг оти туёғидан сачраган муз бўлаклари, деб тасаввур қилишган.²

Таниқли этнограф олима Е.Пешчерева томонидан ўтган асрнинг 20-йилларида олиб борилган этнофольклористик изланишлар натижасида ёзиб олинган болалар ўйинлари орасида “Қамбарбози” номли бир ўйин ҳам борки, у ўзининг ўтказилиш тартиби ва моҳиятига кўра қадимий космогоник тасаввурларга боғлиқдир. Болалар ерда кичик-кичик тупроқ уюмларини ясаб, уларнинг ичига сув қуйишган ва кейин ана шу жойни оёқлари би-

¹Иўлдош Муқим ўғли Оташ. Наврўз нақли. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. – Б. 93.

²Андреев М.С. По Таджикистану. Краткий отчет о работе этнографической экспедиции в Таджикистане в 1925 г. / Из материалов по мифологии таджиков. – Ташкент, 1927. – С. 78-79.

лан тегиб туриб: “Қамбар, Қамбар, сув келтир!” – деб кичқиришган.¹ Бу ўйинда номи тилга олинган Қамбар образи Ўрта Осиё халқларининг қадимги момақалдиروق маъбудлари тўғрисидаги мифик инончларини ўзида акс эттирганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Ўмғир келтирувчи булутларни буқа ва соғиладиган сигирларга қиёс қилиш эса энг қадимий ва кенг тарқалган халқ қарашларидан бири ҳисобланади. Хусусан, қадимги хиндлар тасаввурича, булутлар – Индранинг сигирлари бўлиб, ўмғир ўша сигирларнинг сутидир.² Булутларнинг самовий сигир тарзида тасаввур қилиниши славян, швед, норвег, арман ва бошқа халқлар топишмоқларида ҳам ўз ифодасини топган. Словакияда ёввойи буқани “рагомовску воол”, яъни “перун (момақалдиروق) буқаси” дейишган. Қадимги хинд ёдгорлиги “Ригведе” алқовларида эса момақалдиروق билан келадиган куюқ қора булутлар самовий буқа, сигир ва бузукчалар тарзида тасвирланган.³

Ўрта Осиё халқлари мифологиясида ҳам момақалдиروقнинг “сигир” (буқа, хўкиз) тимсоллари билан алоқалантирилганлиги ҳам бежиз эмас. Чунки қадимги Кичик Осиё худудида истиқомат қилган хурритларнинг космогоник мифологиясида бўрон ва момақалдиروق худосининг зооморф тимсоли буқа ҳисобланган.⁴ Чаталкуюк ибодатхоналарининг деворларига буқа бошининг тасвири чизилганлиги ҳам бўрон ва момақалдиروق худосининг тимсоли сифатида тасаввур қилинган бу жонивор эркаклик қуввати ҳамда серҳосиллик рамзи ўлароқ талқин қилинганлигидан далолат беради. М.М.Омаровнинг тахминича, хуррит мифологиясида милоддан аввалги IV-III минг йилликлардаёқ буқа момақалдиروق ва бўрон маъбудининг тимсоли, деб талқин қилинган. Чунки шимолий Месопотамия, Сурия, Финикия, Кичик Осиё ва бошқа шунга яқин худудлардан топиб, ўрганилган ибодатхоналар орасида момақалдиروق худоси шарафига бино этилган иншоотлар ҳам мавжуд бўлганлиги аниқланган.⁵

Момақалдиروقнинг “буқа” тимсоли билан боғлиқ ҳолда талқин қилиниши тува мифологиясида ҳам учрайди. Туваликлар эътиқодича, осмондаги кўк ва ола-була буқа бири-бирини сузган пайтда момақалдиروق бўларкан.⁶ Язғулом ва Шўғнон тожиклари эътиқодича ҳам булутлар – сигирлар бўлиб, ўмғир ана шу самовий говмушларнинг сутидир.⁷

1958 йил 27 июль куни Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Терсақ кишлоғида яшовчи 65 яшар бир кампирдан (исми шарифи ёзилмаган) З.Хусаинова ёзиб олган маълумотга кўра, ўмғир ёғаётган пайтда: “*Ҳаво шим-шим жовади, бийим сийир совади*, – деб айтим айтилган.⁸ Бу материал булутларни сигир деб ва ўмғирни ана шу самовий сигирнинг сути, деб тасаввур қилиш анъанаси ўзбеклар орасида ҳам мавжуд бўлганлигидан далолат беради.

Булутларнинг “сигир” деб талқин қилинишига асосланган мифологик қарашларнинг генетик илдизлари сув ва намлик манбаи деб тасаввур қилинган “самовий буқа” тўғрисидаги архаик эътиқодларга бориб тақалади. Қадимги одамлар тасаввурича, булутларнинг “эгаси” ҳам ана шу “самовий буқа” бўлиб, ўмғир ёғишидан аввал у осмонни кезиб юриб, булутларни керакли жойга тўплар эмиш.⁹

Қадимги туркийлар мифологиясида момақалдиروق ва чакмоқни самовий қахрамон-

¹ Пещерева Е. М. Некоторые игры у оседлого населения Туркестана // Бюллетень САГУ. Вып.11. – Ташкент, 1925. – С. 91.

² Афанасьев А.Н. Поэтические воззрения славян на природу. Т.1. – М., 1883. – С. 660.

³ Бу ҳақда қаранг: Зарубин Л.А. Сходные черты зоолатрии и перехода к антропоморфизму у индоарийцев и славян // Советское славяноведение. – М., 1967. – №3. – С.45-52.

⁴ Мелларг Дж. Древнейшие цивилизации Ближнего Востока. – М., 1982. – С. 91.

⁵ Омаров М.М. Бог грозы (бог бури) в мифах древних народов // Вестник Дагестанского научного центра. – Махачкала, 2008. – №31. – С. 94-95.

⁶ Хертек Л.К. О “скифском” наследии в тувинских онимах // Сравнительно-историческое и типологическое изучение языков и культур. – Томск, 2002. – С.227-232.

⁷ Андреев М.С. Из материалов по мифологии таджиков // По Таджикистану. – Ташкент, 1927. – С. 78.

⁸ ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архиви. Инв.№1525/1. – Б. 23.

⁹ Литвинский Б.А. Семантика древних верований и обрядов памирцев (1) // Средняя Азия и ее соседи в древности и средневековье. – М.: Наука, 1981. – С. 93.

лар фаолияти билан боғлаб талқин қилинган. Масалан, Сибирда яшовчи халқлар орасида тарқалган мифга кўра, момақалдирик маъбуди Тьермес олтин шохли охуни овлаш учун унинг ортидан қувиб юради. Тьермес ёмғирли булутларни олдига солиб ҳайдаб юради. Унинг кўриниши ниҳоятда кўрқинчли: боши осмонга етган, бўйи ўн қарри эман бўйидайдароз, ям-яшил мохлар эса унинг сочлари эмиш. Камалак унинг ёйи бўлиб, ана шу ёйдан отилган ўқлар чакмоқ бўлиб кўринар экан.¹ Кавказда истиқомат қилувчи сванетияликлар тасаввурича, осмондаги девлар бир-бири билан тўқнашганда момақалдирик гумбурлайди, чакмоқ эса уларнинг милтиғидан отилган ўқлар эмиш. Баъзан эса шайтон осмонда мис қозонини думалатиб юрганида момақалдирик бўлади, дейдилар.² Шарқий Туркистонда яшовчи уйғурлар тасаввурича, чакмоқ – осмону фалакка чиқишга ҳаракат қилган шайтонни ҳайдамоқчи бўлган фаришталарнинг ўтли ўқларию, оловли қамчисининг изидир.³

Момақалдирик ва чакмоқнинг мифик “эгаси”ни тоғли олтойликлар **Қайракан** ёки **Татай Паян**,⁴ туваликлар **Қайракан қудай**,⁵ чувашлар **Тангри бабай**,⁶ бурятлар эса **Хоходэй Мэргэн**⁷ деб ҳам аташади. В.Вербицкийнинг маълумотларига қараганда, олтойликларнинг мундус ва тееёлес уруғига мансуб кишилар “дўл, момақалдирик ва ёмғир эгаси” Татай-Паянга сиғинишган.⁸ Бу мифоним таркибидаги “тотой” сўзи бошқа туркий халқлар тилида ҳам мавжудлиги қайд этилган. Масалан, қирғиз аёллари бирор нарсадан қаттиқ кўрксалар “О, татай!” – деб қичқаришган.⁹ Тоғли олтойлик шомон беморнинг қорнидан “узут” руҳини ҳайдаб чиқариш амалини бажараётган пайтда “Аi татаi!” – деб қичқирган.¹⁰ Бу ритуал айтим таркибидаги “татай” лексемаси ҳам табиат култи билан алоқадор мифологик персонаж – Татай-Паяна номи билан алоқадордир. Бизнингча, қадимги туркий мифологияда момақалдирик, дўл ва ёмғир маъбуди сифатида талқин қилинган “Татай-Паяна” образи билан боғлиқ тасаввур унутилиб кетган бўлса-да, бу инончларнинг қолдиқ ҳолдаги кўриниши “*таталади*” феъли тарзида сақланиб қолган (қиёсланг: “*қорним таталади*”, “*қорнимни ит таталади*”).

Этнограф В.Н.Басилов туркманлар орасида булутларни ўз қамчиси билан уриб ҳайдаб, момақалдирик ва чакмоқ ҳосил қилувчи Буркут бобо тўғрисидаги афсоналар мавжудлигини аниқлаган.¹¹ Унинг ёзишича, “қўлидаги қамчиси билан булутларни уриб момақалдирик ҳосил қиладиган фаришталар (масалан, козоқ фольклоридagi Макул ва Маккой) ҳақидаги тасаввурлар айрим туркий халқларнинг мифологиясида мавжуд. Аммо улар тўғрисидаги мифлар сақланиб қолмаган”.¹²

Қизилтепа туманининг Қалъаи азизон қишлоғида “малойикалар булутларни қамчиси билан уриб: “*У ёққа ёғ, буёққа ёғ!*” – деб ҳайдайди ва ана шунда уларнинг қамчисидан ўт чакнайди” дейдилар (Фольклор экспедицияси материаллари. Амина Ҳотам қизидан 1991 йилда ёзиб олинган). Пешку туманида эса: “Ҳазрати Жаброилга худо “Булутларни ур!” деб амр қилади ва у худонинг амри билан булутларни урганида гупур-гупур қилиб товуш эшитилади,” – деб ҳикоя қиладилар (Фольклор экспедицияси материаллари. Лайло Мўминовадан 1991 йилда ёзиб олинган). Бошқирд мифологиясида ҳам чакмоқ фаришта-

¹Окладников А.П. Олень – золотые рога. – М.: 1965. – С. 64.

²Тависупали С. Сванские легенды // Иверия. – Тбилиси, 1887. – №51.

³Ротаров Л.Р. Materialien zur Kulturgeschichte der Usbeken aus den Jahren 1928-1930. Mit begleitenden Worten des Sammlers herausgegeben und eingeleitet von Jakob Taube // Turcologica. – Wiesbaden, 1995. – p. 21.

⁴Вербицкий Л.В. Алтайские инородцы. – М., 1873. – С. 136-137.

⁵Потанин Г.Н. Очерки Северо-Западной Монголии. Вып. IV. – СПб., 1883. – С. 65.

⁶Зологницкий Н.И. Корневой чувашско-русский словарь в сравнении с языками и наречиями разных народов тюркского, финского и других племен. – Казань, 1875. – С. 143.

⁷Михайлов Т.М. Из истории бурятского шаманизма. – Новосибирск: Наука, 1980. – С. 104.

⁸Вербицкий В. Алтайские инородцы. – М., 1898. – С.136-137, 128.

⁹Абрамзон С.М. Киргизы и их этногенетические и историко-культурные связи. – Фрунзе: Кыргызстан, 1990. – С. 197.

¹⁰Анохин А.В. Душа и ее свойства по представлению телеутов // Сборник Музея антропологии и этнографии. Т. VIII. – Л., 1929. – С. 264.

¹¹Басилов В. Н. Культ святых в исламе. – М.: Наука, 1970. – С. 10-40.

¹²Басилов В.Н. Буркут-баба // МНМ. Т.1. – М.: Сов. энциклопедия, 1992. – С. 195.

лар камчи билан шайтонни ураётганида ҳосил бўлади, деб тасаввур қилинади. Бу камчининг учига тош боғланган бўлиб, урган пайтда олов чиқарар эмиш.¹

Момақалдиروقни гумбурлатиб, яшинни чақнатувчи фаришталар ҳақидаги мифологик тасаввурлар Ўрта Осиё туркий халқлари орасида кенг тарқалган. Хусусан, қозок мифологиясига кўра, осмондаги ҳамма булутлар кичкинагина бир фариштага бўйсунар эмиш. Бирор жойда қурғоқчилик бўлиб, ўт-ўланлар қовжирай бошласа, ҳалиги фаришта қўлидаги камчиси билан булутларни уриб, ҳаммасини ўша жойга тўплар экан. У булутларни савалаётганда гулдур-гулдур овоз чиқаркан. Фариштанинг қўлида ўк-ёй ҳам бор бўлиб, булутларнинг йўлига тўғаноқ бўлишни истаган шайтонларга қарата ўк ҳам отаркан. Шайтонни таъқиб қилаётган фаришта ғазаб билан ўқираб, унинг овози момақалдиروق бўлиб, олис-олисларгача эшитилар экан. Чақмоқ эса булутларни савалайдиган камчининг изи дейдилар.²

Қозокларнинг асотирий тасаввурларига доир материаллар тўплаган И.Кастанъенинг келтиришича, айрим овулларда момақалдиروقни худонинг вазоҳатли хайқириғи, чакмоқ эса унинг шайтонга қарата отган ўқларидир, деган қарашлар мавжуд.³

Ўзбек мифологиясида момақалдиروق ва чақмоқ пири сифатида тасаввур қилинадиган **Қарқоил** образи ҳам мавжуд. Навоий вилоятининг Нурота туманидаги Зулқарнай қишлоғида яшовчи Саодат Охунованинг ҳикоя қилишича, булутларнинг эгаси ҳазрати Қарқоил эмиш. Худонинг амри билан қаерга ёмғир ёки қор керак бўлса, қўлидаги узун камчиси билан булутларни уриб, ўша тарафга хайдаб келар экан. Қарқоилнинг камчиси зарбидан учкун чақнаб, осмон гумбурлар ва буни кўрган одамлар “*Чақмоқ чақди!*” – дейишар экан (Фольклор экспедицияси материаллари. 1991 йил).

Қарқоил асотирий образ бўлиб, ислом мифологиясида бу ном билан аталувчи фаришта бор ёки йўқлигини аниқлай олмадик. Зеро, Қўшробод туманидаги Қўштамғали қишлоғида яшовчи Меликул Боликуловнинг маълумот беришича, **Микоил** фариштанинг камчиси булутларга текканда момақалдиروق бўлар экан. Булутлар гоҳида Микоилнинг қўлидан чиқиб кетишга уринишар, ана шунда жаҳли чиққан фаришта камчиси билан булутларни аямай савалар экан. Булутларни кесиб ўтган камчи изи эса ярқираб чақмоқ бўлиб кўринар эмиш (Фольклор экспедицияси материаллари. 1991 йил).

Бизнингча, В.Н.Басилов тилга олган момақалдиروق “пирлари” Макул ва Маккой⁴ ҳақидаги қозок халқ асотирилариининг генетик асослари ҳам Микоил тўғрисидаги халқ қарашларига бориб тақалади. “Макул” атамасининг ўзи ҳам “Микоил” сўзининг муайян фонетик ўзгаришга учраган шаклидир.

Момақалдиروق билан чақмоқ афсонавий самовий қаҳрамоннинг камчисидан пайдо бўлади деган мифологик тасаввурнинг эволюцияси натижасида ўзбек фольклорида бу табиий ҳодисаларнинг Довуд пайғамбар образи билан алоқадор талқинлари ҳам юзага келган. Самарқанд вилоятининг Жомбой туманида яшовчи Абдувоҳид Каримбоевдан 1987 йилда ёзиб олинган қуйидаги мифологик афсонада айтилишича, агар бирор қишлоқда сув тақчил бўлиб, экинлар қуриб қолаверса, худо ҳазрати Довуд алайҳиссаломга: “*Фалон жой қурғоқчиликдан қақраб кетди, булутларни ўша жойга хайдаб бориб, тезда ёмғир ёғдир!*” – деб буюраркан. Ҳазрати Довуд алайҳиссалом ўзининг дулдул отига миниб, қирқ газлик камчисини қўлига олганча, осмону фалакка парвоз қилар, кўкда сузиб юрган булутларни тўплаб, айтилган жойга хайдар экан. Камчиси билан булутларни ҳар урганда қарс-курс этиб овоз чиқаркан. Буни эшитганлар момақалдиروق бўляпти, дейишаркан. Ҳазрати Довуд алайҳиссалом ҳар камчи солганда булутлардан ярак-юрук этиб олов чиқиб кетаркан. Бу олов бутун рўйи заминни ёритиб, бир зумда ўчиб қоларкан (Фольклор экспедицияси материаллари. 1987 йил).

Қадимги туркийлар мифологиясида осмон билан боғлиқ табиий ҳодисаларнинг рўй

¹Руденко С.И. Башкирские сказки и поверья // Археология и этнография Башкирии. Вып V. – Уфа, 1973. – С. 26.

²Денисов И. Гром // Тургайская газета. – 1897. – №107.

³Кастанъе И. Из области киргизских верований. – Ташкент, 1880. – С. 48.

⁴Басилов В.Н. Буркут-баба // МНМ. Т.1. – М.: Сов. энциклопедия, 1992. – С. 195.

бериши Кўк тангри номи билан боғлаб талқин қилинган. “Девону луғотит турк”даги “*тэнгри јашин јашнатти*”,¹ ибораси ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Аждодларимиз тасаввурида “кўк тангри” ва “худо” тушунчалари кейинчалик умумлашиб кетган. Ч.Ч.Валихонов жуда тўғри қайд қилганидек, “мўғуллар момақалдирикни тангрининг ғазоби деб ҳисоблаб, ундан қаттиқ қўрққанлар. Қозоқлар эса момақалдирикни тангрининг важоҳатли озови, чакмоқ эса худо шайтонни таъқиб қилган пайтда отган ўқлари деб биладилар. Аммо бу ўринда важоҳатли овоз Оллоҳ ёки Кўк тангрига хослигини, шунингдек, унинг ўқига дуч келиб ҳалок бўлган шайтон образи келиб чиқишига кўра ислом мифологияси маҳсулими ёки қадимги туркийларнинг шомонийлик анъаналари билан алоқадорми эканлиги масаласини ҳал қилиш ғоят мушкулдир”.² Момақалдирик пайти содир бўладиган чакмоқни хаёлий-мифологик персонажнинг камонидан отилган ўқ деб тасаввур қилиш жаҳоннинг бошқа халқлари мифологиясида ҳам қайд қилинган. Жумладан, абхазлар тасаввурича, денгиздан чиққан шайтон чивинга айланиб катта тоғ томонга қараб учган пайтда Музаффар Георгий камонидан ўқ отиб уни таъқиб қилар эмиш. Ана шу ўқлар момақалдирик пайтида чакмоқ бўлиб, гоҳ тоққа, гоҳ дарахтларга, гоҳ турли нарсаларга урилар экан.³

Қадимги туркийлар момақалдирик билан чакмоқни Кўк тангрининг иши, деб билганлар. Улар бу табиий ҳодисаларни ёгин-сочин юбориб турувчи, булутларни ва шамолни ўз измида сақловчи Кўк тангри бошқаради, деб ўйлашган. Шор тилидаги “момақалдирик” маъносини англатувчи “*тенгри кузренча*”, “*кудай кузренча*” иборалари ана шу тасаввурлар асосида келиб чиққан.⁴ Бинобарин, ўзбек тилидаги “*кўк кўкради*” ибораси ҳам ана шу архаик қарашлар негизида юзага келган.

М.Н.Хангалов томонидан ёзиб олинган бурят мифларидан бирида момақалдирик “эгаси” “Хухудэй мэргэн” деб номланган. Айтишларича, Хухудэй мэргэн машриқда яшовчи эзгулик тангриларидан бири бўлиб, замонлар ерда истиқомат қилган экан. Ана шу мерган тангриларнинг амри билан момақалдирик ва чакмоқ эгаси этиб тайинланибди ва у осмонга чиқиб кетибди. Шундан буён Хухудэй мэргэн осмонда яшар ва ёвуз руҳларни ўлдириш ва гуноҳкор бандаларни жазолаш мақсадида вақти-вақти билан ерга қараб тош отар, ана шундан осмон гумбураб, яшин чакнаб кетар экан.⁵

Фикримизча, олтой халқ қаҳрамонлик эпоси “Маадай қара”нинг асосий персонажларидан бири *Кўгэдэй мерган* билан мўғул-бурят мифологиясидаги *Хухудэй мэргэн* образларининг генетик илдизлари муштарак тасаввурларга боғланади. Т.М.Михайловнинг ёзишича, бу мифологеманинг лисоний-этимологик асоси “*көкел/хөхе*” сўзига боғланган бўлиб, бу лексема “*осмон*”, “*кўк*” маъносини билдиради.⁶

Момақалдирик билан чакмоқнинг пайдо бўлишини самовий персонажнинг ёвуз руҳларга қарата тош отиши тарзида талқин қилишга асосланган мифологик тасаввурлар туркий халқларнинг бу табиий ҳодисалар билан боғлиқ асотирий қарашларига ҳам сингиб кетган.

Аждодларимизнинг момақалдирик ва чакмоқ ҳақидаги мифологик қарашлари қадимги туркийларнинг кўкда яшовчи эзгу тангрилар тўғрисидаги самовий тасаввурлари билан чамбарчас боғлиқдир. Маълумки, қадимги туркий мифологияда юқори олам – кўк эзгулик тимсоли Улган, ер ости дунёси эса ёвуз ниятли Эрлик номи билан алоқадор. Ўтмишда яшаган бобокалонларимиз осмон билан алоқадор ҳар қандай табиий ҳодиса кўк оламининг рамзий эгаси саналган Улганнинг бевосита иштироки ёки буйруғига кўра рўй беради, деб ўйлашган. Шу тариха бу табиий ҳодисалар сабабини Улганнинг фаолияти

¹Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк. Т.2. – Тошкент: Фан, 1961. – Б. 411.

²Валиханов Ч.Ч. Изб. произведения. Т.1. – Алмата, 1958. – С. 159.

³Лукьянов Ф. Из космогонических поверий абхазцев // Сборник материалов для описания местностей и племен Кавказа. – Тифлис, 1904. – Вып.34. – С. 29-33.

⁴Хлопина И.Д. Из мифологии и традиционных религиозных верований шорцев // Этнография народов Алтая и Западной Сибири. – Новосибирск: Наука, 1978. – С. 71.

⁵Хангалов М. Материалы для изучения шаманства в Сибири // В кн.: Собрание соч., Т.1. – Улан-Удэ, 1958. – С.300-301; *Бу ҳақда яна қаранг: Шаракшинова Н.О.* Мифы бурят. – Иркутск, 1980. – С. 61-62

⁶Михайлов Т.М. Из истории бурятского шаманизма (с древнейших времен по XVIII вв.). – Новосибирск: Наука, 1980. – С. 104-105.

билан боғлаб талқин қилишга асосланган мифологик тасаввурлар ва космогоник мифлар пайдо бўлган. Хусусан, шорлар тасаввурича, “саридже”, яъни яшиннинг макони осмоннинг энг қуйи қаватида жойлашган. Улган ҳамиша Оқбўзот деб аталган самовий тулпорини миниб юраркан. Чақмоқ унинг қамчиси, момақалдиروق эса Улган ўзининг Оқбўзотига қамчи босганида чиққан овоз эмиш. Шор халқи осмон гумбурлаган пайтда “Улгенъ кугренча”, яъни “кўк кўкрамоқда”, “тангри кўкрамоқда” дейишар экан.¹

Назаримизда, ўзбек халқ космогоник мифлари ва афсоналаридаги булутларни камчи билан савалаб, ёмғир ёғдириш зарур бўлган жойга хайдаб юрвчи мифологик персонаж образи ҳам Улган тўғрисидаги қадимги туркий асотирларнинг ислом мифологияси талқинлари билан қўшилиб кетиши натижасида юзага келган. Мифнинг архаик вариантыда момақалдиروق ҳомийси Улганнинг самовий арғумоғи – Оқбўзот (Темир қозик юлдузига боғлаб қўйилган афсонавий от номи, Кўкбўзотнинг ёнидаги тулпор)ни миниб, оламини кезиб юриши ва табиат ҳодисалари устидаи ўз ҳукмини ўтказиши нақл қилинган бўлиши керак. Бу мифологик тасаввурлар Ўрта Осиё туркий халқлари фольклорига исломдан кейин ҳам анча вақтгача деярли ўзгаришсиз сақланганга ўхшайди. Кейинчалик момақалдиروق билан чақмоқ тўғрисидаги қадимги туркий асотирларнинг архаик мотивлари ҳам ислом асотирлари талқинларига мослаштирилган. Шу тариқа момақалдиروق ёки чақмоқ пайдо қила оладиган мифологик қаҳрамон – Улганнинг барча сифатлари ғайритабиий образлар тимсолига кўчирилган.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ўзбекларнинг момақалдиروق билан боғлиқ мифологик тасаввурлари таҳлил қилинган ва уларнинг ўзига хос локал хусусиятлари ойдинлаштирилган. Натижада ўзбек фольклорига астромифологик сюжетларнинг келиб чиқиши қадимги туркий мифология билан боғлиқлиги аниқланган.

РЕЗЮМЕ

В статье анализируются мифологические представления узбеков, связанные с громом, и определены их своеобразные локальные особенности. В результате сравнительно-исторического анализа доказано, что генетические истоки астромифологических сюжетов, выявленных в узбекском фольклоре, непосредственно связаны с древнетюркской мифологией.

SUMMARY

The article analyzes the mythological representations of the Uzbeks associated with thunder and identifies their peculiar local features. As a result of a comparative historical analysis, it was proved that the genetic origins of astromythological plots identified in Uzbek folklore are directly related to the ancient Turkic mythology.

Наиурга ф.ф.д. Н.Шодмонов тавсия этган

APPROACHES AND ACTIVITIES THAT HELP TO DEVELOP INTERCULTURAL COMPETENCE

Amirkulova N.A (KarSU)

Tayanch soʻz va iboralar: *yondashuv, madaniyatlararo yetuklik, kontekst, aniqlik, ijobiy fikr, innovatsion yondashuv, muzokara qilish, amalga oshirish, hamkorlik, soʻrov asosida aniqlash.*

Ключевые слова: *подходы, межкультурная компетентность, контексты, ясность, способствующие, инновация, расширения, согласованные, реализация, основанные на запросах.*

Key words: *Approaches, intercultural competence, clarity, conducive, innovative, increasingle, negotiated, implemented, collaborative, cooperative, inquiry-based. Context, process, task, situation, intercultural communication, competitiveness, clarity, innovation, information.*

A variety of approaches to the teaching and learning process that have proved to be conducive to the development of intercultural competence. It then provides short descriptions of a

¹Хлопина И.Д. Из мифологии и традиционных религиозных верований шорцев // Этнография народов Алтая и Западной Сибири. – Новосибирск: Наука, 1978. – С.71.

few activity types that can be adapted by education professionals to help the development of the components of intercultural competence in their own contexts. Most of these activities can be used in both non-formal and formal educational settings and some of the ideas can also be adapted to informal learning contexts. Suggestions are also included for teachers of mathematics and natural sciences for whom the development of intercultural competence may seem less obvious, as this development can be pursued by all educators across the curriculum. Components of intercultural competence that the activities develop are highlighted in the descriptions for the sake of clarity and easier orientation. A sample activity is described in detail to help readers follow the procedure and understand the aims of the activity and how its processes and expected learning outcomes support the development of some of the components of intercultural competence described in section 2 of this document. In the last two or three decades there has been a change of focus in education as competence development gains ground. Many innovative teaching techniques and work forms are now increasingly widespread with the aim of facilitating the learning process in both non-formal and formal education today. **Project work**, for example, has become very popular in the teaching of many subjects in schools. It involves topic or theme-based tasks suitable for various levels and ages, in which goals and content are negotiated by all participants, and learners create their own learning materials that they present and evaluate together. Naturally, with such new work forms and new approaches to the learning process, teachers' and learners' roles have also changed. When pedagogical approaches, methods and techniques that encourage learners to become actively involved in experience, discovery, challenge, analysis, comparison, reflection and cooperation are implemented, learning activities tend to be very effective as they engage learners as whole persons and address their intellectual, emotional and physical potential. Such a specific approach to learning and teaching that has proved to promote the development of intercultural competence regardless of the subject matter is cooperative learning. **Cooperative learning** refers to the way the learning process is organized and it does not only mean that learners often collaborate in groups in non-formal or formal classroom settings. Cooperative learning is a specific kind of collaborative learning in which students or participants do not simply work on unstructured tasks in pairs or small groups but work together on activities that have specific cooperative principles built into the very structure of the tasks. In cooperative learning, pupils, students or participants are individually responsible and accountable for their learning, and the work of the group as a whole is also assessed. The smaller the group, the more likely it is that all members will contribute, which ensures personally inclusive interaction. Cooperative groups work face-to-face or online and this teamwork ensures that there is constructive and encouraging interdependence among the group members leading to *improved social skills and conflict resolution strategies, and a gradual decrease in labeling and exclusion of individual members*. In this pool of attitudes, knowledge and skills, every member brings their strengths to the work but also acquires new knowledge and develops regardless of whether the subject matter is linked to the humanities and social sciences or to mathematics and the natural sciences. In order to create an environment in which cooperative learning can take place, learners need to feel safe and comfortable, and the task and its goals must be clearly set for them to feel appropriately challenged and to work together efficiently. Learners participating in cooperative tasks soon realize that in order to be efficient, they need to be respectful, attentive, honest and empathic. When cooperative groups are guided by clear goals and the task requires positive interdependence, group members engage in numerous activities that improve their understanding of equal access and participation as well as the topics explored. Cooperative learning applies some of the principles of constructivism and lends itself well for an inquiry-based approach. Since cooperative techniques revolve around small group work, they can be used complementary to almost any other educational strategy, approach or teaching method, and as described above they develop many of the components of intercultural competence regardless of the subject matter where they are implemented. What follows is a brief description of activity types which are suggested as conducive to the development of intercultural competence through education. As Activities to raise awareness of different perspectives will develop learners' *skills*

of observation, interpretation and decentring as well as their *openness and non-judgmental thinking*. These activities may take the form of a verbal description or visual recording of an event, action or phenomenon that can be supplemented by or juxtaposed to descriptions or visuals of the same event, behavior or phenomenon provided by others who see these from different perspectives. Facilitators need to discuss with the members of the class or group why people tend to see the same phenomena, events or actions differently and what happens if we misjudge people on the basis of first impressions and widespread but often misguided assumptions. Such activities that analyze multiple perspectives can be used in non-formal or formal educational settings to develop intercultural competence. For example, historical events are often described differently by two historians living in diasporic parts of the world and writing in different languages. As much as portraits of the same person are painted differently by two artists, drawings of a classroom sketched by people sitting in different corners of the same classroom will also be different. World maps based on projections not usually encountered, or using maps upside down, may stimulate discussion on points of view that are frequent or dominant, and others that are less customary. The same is true for descriptions of natural phenomena that are often presented in natural science classes. While variations on this activity develop participants' observation and communication skills, they also promote *analysis from multiple perspectives*, enhance *empathy and non-judgmental attitudes*, and highlight *the misleading nature of first impressions and stereotypes*. Comparing perspectives can also be used in the treatment of real conflicts among the members of any group or class, or even within a family, to develop the same skills and attitudes while solving the involved persons' own conflicts or problems. Multiperspectivity can also be enhanced through storytelling and the construction of narratives by learners. The narration of stories, which could be real or fictional, involves the ability to narrate whilst taking the perspective of specific people involved and distinguishing these from one's own perspective. Such narrations help participants to *decentre from their own values, norms and beliefs and from what is normally taken for granted*, and the explanation of matters that would otherwise be omitted. This process may be fuelled by an audience's questions in informal settings, but it can also be designed as such in non-formal and formal education. Stories in the latter settings could be purposefully drawn from the learners' own biographies, which can also be pulled together (e.g., through 'American quilt' or 'puzzle' activities where each biography forms a piece of the puzzle) to exemplify the group's diversity and to facilitate learners in exploring each other as complex individuals beyond over-simplified identities and labels which constrain members' understanding of each other. Finally, beyond the discussion of each individual biography or story, the compilation of all of them creates yet another level of rich pedagogical material which can be further analyzed, discussed and reflected upon in relation, for example, to the kinds of diversity encountered in the group, whether or how it is related to the broader social context, or the kinds of socio-historical influences that brought it about.

2) *Role plays, simulations and drama* Role play, simulation and drama activities in foreign, second or native language and literature classes or in non-formal educational settings can help develop learners' intercultural competence. For example, teachers or facilitators can give out role cards according to which learners have to act completely differently from their usual ways, norms and standards, and they have to solve a problem, carry out a task or discuss an issue in groups following the norms of their assigned 'new identity'. The benefits of role plays, simulations and drama for the development of intercultural competence are numerous. Learners experience what it is like to be different, to be looked on strangely, to be criticized or even excluded. They can also discover that, although people may show differences in every aspect from eye-contact through language use to basic norms, beliefs and values, these differences do not make them less valuable as human beings. The debriefing discussion with the class or group is very important after each role-play or simulation to raise awareness of what happened during the 'game'. Eliciting from the students or participants what they have discovered while playing – what was easy, difficult, strange, or life-like; how they were able to imagine the norms of their assigned 'new identity'; and whether their character was genuine or stereotypical – will help

them reflect about the experience. As a result, such activities can help to develop *attitudes of openness, curiosity and respect*, as well as *a willingness to empathize and suspend judgment*. They also develop *skills of observation and interpretation, skills of learning about one's own culture and discovering others* as well as *skills of adapting and empathy*. Care has to be taken that such activities do not lead to over-generalizations about other groups of people, and that they do not reinforce stereotypes instead of challenging them. When stereotypes surface in the discussions, either about the self or about the other, the teacher or facilitator can seize such opportunities to discuss these and support learners in reflecting about how stereotypes are created, why they are sustained, how they can be as harmful as helpful, and how they need to be challenged. When appropriately implemented, such role plays, simulations and drama also raise awareness of and build *knowledge about similarities and differences, assumptions and prejudices, and verbal and non-verbal communicative conventions*. Another group of activities that help to develop intercultural competence is theatre, poetry and creative writing. When we watch or read plays in our spare time because someone in the family or among our friends or colleagues recommended them, we learn about *other people of diverse cultural affiliations with a variety of perspectives*. Reading plays in literature or foreign language classes helps students learn from and through theatre in many different ways. Staging theatrical works takes this learning even further as acting out enables people to explore and reflect on experiences that they would probably never encounter otherwise.

Used literature

1. Byram, M. 1989, Cultural Studies and Foreign Language Education. Clevedon: Multilingual Matters.
2. Byram, M. 1997, Teaching and Assessing Intercultural Communicative Competence. Clevedon: Multilingual Matters.
3. Byram, M., Adam Nichols and David Stevens 2001, "Developing intercultural competence in practice"
4. Damen, L. 1987, Culture Learning: the fifth dimension in the language classroom. Reading, Mass.: Addison-Wesley.

РЕЗЮМЕ

Мақолада маданиятлараро вақолатни ривожлантиришга ёрдам берувчи ёндашувлар ва фаолиятлар ҳақидаги фикрлар баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

В этой статье обсуждаются подходы и действия, которые помогают развивать межкультурную компетентность.

SUMMARY

In this article the approaches and activities that help to develop intercultural competence are discussed.

Recommended for printing by prof. (PhD) M. Danieva

АХБОРОТ ГЛОБАЛЛАШУВИ ЖАРАЁНИ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК
МУАММО СИФАТИДА

Облоқулов Ж.Ж., Жабборов А.М. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: ахборот глобаллашуви, атрибутив ёндашув, функционал ёндашув, биологик ахборот, формал қоида, шахс фаоллиги, сиёсий-иқтисодий инқироз, потенциал имконият.

Ключевые слова: информационная глобализация, атрибутивный подход, функциональный подход, биологическая информация, формальное правило, личностная активность, социально-экономический кризис, потенциальная возможность.

Key words: informational globalization, attributive approach, functional approach, biological information, formal rule, personal activity, socio-economic crisis, potential opportunity.

Ахборот тушунчаси бугунги кунда глобал моҳият касб этиб, у инсон тафаккурига турли йўналишларда таъсир ўтказувчи, яхлит инсоният ҳаётини, унинг тақдирини, у ёки бу томонга буриб юборувчи, гоҳ салбий, гоҳ ижобий таъсир этувчи қудратли воситага айланди. Аслини олганда, мазкур атама инсон дунёқарашини ифодалайдиган барча билimler соҳасида қадимдан мавжуд бўлган. Ҳозирги вақтда компьютерлаштирилган дунё, ялпи ахборотлаштирилган глобал тизимнинг вужудга келиши миллатлар, халқлар ва бутун инсоният тақдирини бир-бирига боғлаб қўйди. Ахборот олиш, уни қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатиш технологиясининг тасаввур қилиб бўлмайдиган даражадаги тараққиёти бутун инсоният учун жиддий ташвишлар туғдирмоқда. Чунки ҳозирги замон компьютерининг энг сўнгги авлоди процессорида 100 миллиондан зиёд транзистор бўлиб, улар ҳар сонияда 2 миллиардгача вазифани бажара олади. Ахборот технологиясининг ана шундай мўъжизаси туфайли хоҳлаган киши ер юзининг исталган нуқтасидаги одам билан сониялар ичида алоқа ўрнатиши, муаммони лаҳзаларда ҳал этиши мумкин. (4;16) .

Янгича мазмун билан эътибор берсак, ХХI аср цивилизацияси ахборот хуружи, информатсион-психологик уруш қиёфасида ўзини намоён этмоқда. Инсониятнинг келажакдаги тақдирини ва истикболи ҳақида ўйлар эканмиз, ахборот технологияси моҳияти, унинг тарққиёти, инсоният ҳаётига таъсир ўтказиш имкониятларини чуқур ўрганишни тақозо этади.

Ахборот глобаллашуви жараёнининг методологик характери ва аҳамиятини ижтимоий-психологик жиҳатдан таҳлил қилишда аввало “ахборот”, “билим” ва “ахборот глобаллашуви” тушунчаларининг мазмун-моҳияти, генезиси ва унинг ижтимоий-фалсафий талқини хусусида фикр юритишимизга тўғри келади. Ахборот (лотинча “informatio” – таништирмоқ, тушунтирмоқ, баён этмоқ, шарқ тилларида эса хабар, ахборот деган маънога эга) замонавий фан, фалсафа ва сиёсатнинг асосий тушунчаларидан бўлиб, дастлаб кишилар томонидан оғзаки, кейинроқ ёзма ёки бошқа шаклларда узатишган маълумот сифатида таъриф ва тасниф этилган. Яъни, ахборотни турли кўринишларда масалан, оғзаки (товушлар ёрдамида), ёзма равишда (матн орқали), ҳаракатдаги расмлар кўринишида (кино, видео, анимация ва бошқ.) ифодалаш мумкин. Шу сабабли аждодларимиз ахборотни ҳар хил тошларни турли шаклда жойлаштириш ёки уларга чизиш ёрдамида, сўнгра тахтачаларга, ишлов берилган ҳайвонлар терисига, папирус япроқларига ахборотларни ёзиш орқали сақлашган. Кейинчалик ахборот қоғоз, китобларда нашр этиладиган бўлди. Ундан кейин эса мос қурилмалар кашф этилган, ахборотни сақлаш учун фотоплёнка, грампластинка, магнитплёнка, ҳозирги вақтда турли дисклар (эгилювчан, қаттиқ, компакт ва ҳ.к.) қўлланила бошланди.

“Ахборот” тушунчаси биринчи бор журналистика соҳасида, яъни хабарларни, янгилекларни узатиш воситаси сифатида қўлланилган. Ҳозирги пайтда замонавий илмий адабиётларда ахборотнинг кўплаб таърифлари мавжуд, аммо уларнинг барчаси мунозарали томонларга эга. Ахборотни тадқиқ этишининг илмий жиҳатларига қараб, унинг кўплаб таърифлари мавжудлигини кўриш мумкин. Масалан, “ахборот ташқи муҳитга мослашиш

жараёнида ундан олинган маълумот, сигналнинг мазмунини ифодалаш”; “ранг-барангликни ифодалаш”, “ўзига хослик, янгилик, тузилмаларнинг мураккаблиги мезони”, “танлаш эҳтимоллиги”, “хилма-хилликни акс эттириш”, ахборот теварак-атрофдаги турли хил манбалардан тўпланган белгилар бўлиб, билимларнинг қайта ифодаланишидир. Бу таърифларнинг ҳар бири “ахборот” тушунчасининг у ёки бу қиррасини очиб берса-да, ушбу тушунчанинг туб моҳиятини етарлича очиб беришга йўналган таъриф йўқ.

“Ахборот” тушунчасини фалсафий жиҳатдан таҳлил қилган С.Б.Луковкиннинг фикрича, “замонавий босқичда материя атрибути сифатида ахборотнинг умумфалсафий муаммоси узил-кесил ечим топган эмас”.(77) Бу масала, ўз навбатида, атрибутив ва функционал ёндашувлар ўртасидаги баҳслар мавзусини ташкил қилади. Демак, ахборотнинг моҳияти тўғрисидаги турли-туман нуқтаи назарлардан келиб чиқиб, ахборот атрибутив ва функционал хусусиятларга эгаллигини таъкидлаш мумкин. Баъзи муаллифлар (Б.В.Ахлибинский, К.Е.Морозов, И.Б.Новик, Л.А.Петрушенко, А.Д.Урсул, О.Ф.Файзуллаев, М.Н.Абдуллаева, Р.М.Имомалиева, С.С.Сангинов, Б.О.Тўраев, Б.Р.Каримов, Н.А.Шермухамедова ва бошқалар) ахборотнинг атрибутивлигини тан олиб, уни материянинг барча моддий объектларига тааллуқли хусусият сифатида таърифлашган.(7; 60)

Бошқа муаллифлар (В.В.Вержбуцкий, И.И.Гришкин, Д.И.Дубровский, Н.И.Жуков, А.М.Коршунов, М.И.Сетров, Г.И.Царегородцев, Ш.С.Қўшоқов ва бошқалар) атрибутив қарашлар назарий жиҳатдан ғайриқонуний функционал хусусиятга эгаллигини таъкидлайдилар. Улар ўз-ўзини ташкиллаштирувчи тизимларни аввалги эволюциядан ажратган ҳолда кўриб чиқишади, ўзи-ўзини ташкиллаштирувчи тизимлар “Ерда ҳаёт шаклланган тарихий даврда вужудга келади”, дея изоҳ беришади, аммо улар қандай қилиб вужудга келиши, ҳаёт ниманинг ҳисобига шаклланишини тушунтириб бермайдилар. (7; 60)

Биз “ахборот” тушунчасини бугун юзага келган ҳодиса сифатида қабул қилмаслигимиз керак, чунки ахборотни ўзида ифода этган қарашлар Ал-Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Алишер Навоий каби мутафаккирлар таълимотларида гносеологик жиҳатдан таҳлил этилган. Бироқ мазкур олим ва файласуфлар ахборотнинг айрим масалаларини ёритиб беришга муваффақ бўлганлар. Жумладан, Абу Наср Фаробийнинг таъкидлашича, кишиларнинг дастлабки этник гуруҳлари шаклланишида тил ҳал қилувчи роль ўйнаган. Бирлашиш учун кишилар бир ҳудудда қўшни бўлиб яшаши, битта тилда гаплашиши керак эди. Шунинг учун ҳам тил ва ҳудуднинг бирлиги одамлар тирикчилигининг асосий шarti ва табиий зарурати бўлиб, айна пайтда этнос (миллат)нинг шаклланиши ва ривожланиши учун ҳам муҳим омил ҳисобланган. Турмуш тарзи ва этноснинг ўзига хослиги сабабли у ёки бу тил мавжуд нарсаларни ифодалашга мослашган. Агар мазкур соҳа миллатнинг турмуш тарзида мавжуд бўлмаса, у тилда ҳам ифодаланмаган (13; 135).

Беруний таъбири билан айтганда, «... Қадимги одамларда турли хоҳишларини ифодалаш учун зарур бўлган сўз ва ибораларга эҳтиёж туғилган. Замонлар ўтиши билан сўз ва иборалар кўпайиб, ёдда сақланган ва такрорланиши натижасида таркиб топиб, тартибга тушган». Тил ёрдамида одамларнинг ўзаро муносабатга киришиш жараёнининг, яъни нутқнинг юзага келиши кишилиқ жамияти тараққиёти тарихида сифат бурилиши бўлган. Абу Райҳон Беруний дунёни билишда информация (ахборот)нинг учта тури муҳимлигига алоҳида тўхталиб ўтган, яъни 1) хабар (эшитиш) орқали билиш; 2) кўриш орқали билиш; 3) ёзиш орқали билиш.

Ҳар қандай ахборот учта асосий кўрсаткичга эга: мазмун, миқдор ва қадрият. Ахборотнинг миқдори математик статистикада, қадрият ва мазмуний томонлари эса семантик назарияда ўрганилади.

Ахборот ўз-ўзини ташкиллаштириш тизимларининг муҳим таркибий қисмидир. Идрок, хотира, тафаккур асосидаги фаолият дастури, ўз-ўзини ташкиллаштириш жараёни, мулоқот ва бошқа мураккаб биоижтимоий ҳодисалар ахборотсиз амалга ошмайди. Демак, ахборот билимнинг заминидир. Кўпгина илмий адабиётларда ахборот ва билим айнанлаштирилади. Ваҳоланки, билим ахборот эмас, у тушунча, тасаввур, ғоялар мажму-

асидир. Алоқа каналида ёки мулоқот жараёнида билим ахборот мазмунига айланади. Билимнинг маъноси ахборот сигналларининг кетма-кетлигида, тартиблашишида намоён бўлади. Билимни эгаллаш воқеликни субъектив ўзлаштириш билан боғлиқ. М.Поланининг таъкидлашича, “инсон учун ҳис-туйғулар орқали олинadиган ахборот онг орқали ўтадиган ахборотга қараганда нисбатан бойроқдир(5; 9). Билим субъект томонидан, ўз навбатида шахсий мулоҳаза асосида шакллантирилади. Билим инсон қобилиятини, онгини ҳам белгилайди. Уни ҳар доим ўз фаолиятида қўллаб боради. Билим тушуниш жараёни, шу билан бирга тадқиқ этилаётган объектнинг қийматини ҳам баҳолайди.

Билим ва ахборот ўртасидаги фарқни куйидаги таъриф билан белгилаш мумкин: “билим – бошқаларга айрим коммуникация воситалари билан тизимлаштирилган шаклда узатилади, мулоҳаза ёки экспериментал эмпирик натижага асосланган фактлар ёки ғоялар ҳақидаги фикрларнинг ташкиллаштирилган мажмуаси”, деб қайд қилади М.Кастельс (5; 39). Билимнинг энг юқори даражалари одатда борлиққа нисбатан сарф қилинган билим маҳсулотнинг яхшиланган ва кўтарилган даражасини беради.

Билиш – инсон онгининг янги ахборот билан бойиб бориш жараёнидир. Билим фикрлаш фаолиятининг натижасидир, инсон фаолиятининг регулятори (тартибга солувчисидир). У техника ва технологияда ўзининг амалий ифодасини топади, манбанинг потенциал имкониятларини ишга солади ва ҳозиргача инсон томонидан ишлатилган барча табиий бойликлардан ва ўтмишдаги барча ишлаб чиқариш кучларидан беҳад устунлик қилади. Идеал сифатидаги билим инсон фаолияти давомида моддийлаштирилади.

И.А.Шкуратовнинг талқинига биноан “табиатдаги сингари маданиятда ҳам энергиянинг сақланиш қонуни мавжуд. Инсоннинг қачонлардир йўқолган энергияси маданий объектда тўпланади ва уни ўзлаштириш учун янги энергия сарфланишига асос бўлади (энергия сўзини физик маънода эмас, балки шахснинг фаоллиги сифатида тушунилади). Ақл, тасаввур ва ҳиссиётнинг қуввати ҳақ қачон йўқолмайди. Бу қувват ўзини ҳаракатга келтирган “субъект-объект” механизми сақланар экан, ўзини вужудга келтирган маданият яшар экан, демак, объектдан янги инсонларнинг фикр ва ҳиссиётларига, кейин яна объектга қайта-қайта ўтаверади” (14;41).

Аниқ ва аниқ бўлмаган билимнинг ўзаро бир-бирига ташкил этилган таъсири янги билим яратишнинг асосидир. Демак, билим ва ахборот жамият ривожланишининг барча усуллари учун муҳимдир, чунки ишлаб чиқариш жараёни билимлар ва ахборотни қайта ишлаш даражаси билан ўлчанади.

Ахборот глобаллашув жараёнига фалсафий ва ижтимоий-психологик жиҳатдан ёндашганимизда, унинг моҳиятини куйидагича изоҳлаш мумкин. Глобал сўзи (французча global – умумий, лотинча globus - шар) муомалада куйидагича маъноларни ифодалайди –

1. Бутун ер шарини қамраб олувчи;

2. Ҳар томонлама, тўлиқ, ялпи, универсал. Глобал муаммолар эса – умумбашарий ҳаёт ва тараққиёт билан боғлиқ ҳозирги замон муаммолари. (2; 39)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ахборот глобаллашуви жараёнининг моҳияти ҳақида тўхталиб, “Бугунги тез ўзгараётган дунё инсоният олдида, ёшлар олдида янги-янги, буюк имкониятлар очмоқда. Шу билан бирга, уларни илгари кўрилмаган турли ёвуз хавф-хатарларга ҳам дучор қилмоқда. Ғаразли кучлар содда, ғўр болаларни ўз ота-онасига, ўз юртига қарши қайраб, уларнинг ҳаётига, умрига зомин бўлмоқда. Бундай кескин ва таҳликали шароитда биз ота-оналар, устоз-мураббийлар, жамоатчилик, маҳалла-қўй бу масалада ҳушёрлик ва огоҳликни янада оширишимиз керак. Болаларимизни бировнинг қўлига бериб қўймасдан уларни ўзимиз тарбиялашимиз лозим”, - деб алоҳида таъкидлайди (1; 23).

Б. Якубов ўзининг “Глобаллашув ва давр муаммолари” мавзусидаги илмий изла-нишларида “Глобаллашувнинг ижобий томонлари, энг аввало, унинг ўзаро очиқлик асосига қурилганлигидир, барча давлатлар ва жамиятлар яқинлашувида, бир-бирининг ютуқларидан умумий фойдаланишга имконият яратишда ўз аксини топса, унинг замири-даги бошқа бир жиҳатда – дунё микёсида етакчилик мавқеини эгаллаб турган айрим давлатлар томонидан халқлар ўртасидаги ўзаро ишончни суистеъмол қилиш, бошқалар

хисобига ўз мавқеи ва имкониятларини кучайтиришга бўлган интилиш ётибди. Мазкур давлатлар бошқа давлатларга ушбу жараёнда тенг ҳуқуқли ҳамкор деб эмас, балки ўз қудрати, иқтисодий имкониятларини янада ошириш учун... янги ташқи бозорлар топиш ва ўз саноати учун хом ашё манбалари сафини кенгайтиришдангина иборат” эканлигини кўрсатиб ўтган. (16; 15)

Ф.Юлдошева “Глобаллашув ва миллий кадриятлар” тўғрисида фикр билдириб, “Ҳар қандай глобаллашув ҳам жамиятда ажралиш ёки бўлиниш ҳолатини ярата олади. Чунки анъанавийлик ва замонавийлик ўртасидаги зиддият жамият аъзоларини ҳар хил томонларга етаклаши мумкин. Бунга ўз навбатида шахс, ижтимоий гуруҳлар ва миллатларнинг маданияти, психологияси ва кадриятли ориентациясининг бир-биридан фарқ қилиши ҳам таъсир кўрсатади. Натижада жамият ва шахснинг онги, дунёқарashi ҳам глобал характерга эга бўла бошлайди ҳамда ижтимоий онгда кадриятларнинг акс этиши механизми ўзгариб боради. (15; 6)

Унинг эътирофи этишича, глобаллашувнинг энг кечирилмас, таъбир жоиз бўлса, ёвуз мақсади миллий жамиятларнинг ахлоқий тамойилларига таҳдид солишда ўз аксини топган. Миллий ахлоққа тажовузнинг беозор, ҳатто “ёқимли” кўриниши – оммавий маданиятнинг сингдирилиши ҳисобланади. Оммавий маданиятнинг тарғиботи энг аввало, миллий ахлоқни заифлаштириб, жамиятнинг ғоявий тизимини издан чиқариши билан хатарлидир.

Д. Исмаиллаева ўз тадқиқотларида, глобаллашув жараёнида антиглобализм ҳаракатининг муҳим аҳамияти ҳақида фикр билдириб, – “миллатлар маданиятининг ўзига хос миллий жиҳатларини ва бетакрорлигини сақлашга, тарихий хотирасини сусайишига йўл қўймасликка, халқларни анъанавий илдизларидан маҳрум бўлмасликка, миллий бирдамликка путур етказмасликка, анъанавий ижтимоий институтларнинг емирилиб боришига йўл қўймасликка ва оммавий ахлоқсизликнинг кенг тарғиб қилинишини олдини олишга ундайдиган энг муҳим механизмдир”, деб баҳолайди.

Хулоса қилиб айтганда, ахборот ҳажми ва одамлар онги-шуурига кириб бориш жиҳатидан инсониятнинг битмас-туганмас стратегик захирасига айланмоқда. Ахборот ва билимлар аҳамиятининг таборо ортиб бориши ҳозирги замоннинг асосий моҳиятидир. Ҳозирги кунда ахборот ва билимлар – ижтимоий-иқтисодий, технологик ва маданий ривожланишнинг ҳақиқий ўзак қудратига, унинг қимматли манбаига айланди.

Энг муҳими, ахборот глобаллашуви жараёнида, унга нисбатан ҳар бир инсонда онгли муносабатни тарбиялаш, ахборотдан фойдаланиш маданиятини шакллантириш ҳозирги давр учун долзарб вазифадир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Миллий энциклопедияси. – Тошкент: Ўзбекистон Давлат илмий нашриёти, 2002. 3-том. – 704 б.
3. Алимасов В. Ижтимоий низолар: назарияси, амалиёти ва ечимлари // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007, 2-сон. – Б. 9-12.
4. Жўраев Н. Ахборот-психологик хавфсизлик: тажриба ва муаммолар // Жамият ва бошқарув, 2007, 1-сон. – Б. 16-19.
5. Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общества и культура. – М.: 2000. – С. 39.
6. Корогодина В.И. Информация и феномен информации. – Пушкино: Изд. АН СССР. 1991, – С. 22-24.
7. Луковкин С. Б. Проблемы становления информационного общества в современной философии. Автореф. дисс. канд. филос. наук. – Мурманск, 2006. – 18 с.
8. Полани М. Личностные знания. – М., 1985. – С. 9.
9. Тошбоев О. “Оммавий маданият” таҳдиди // Тафаккур, 2008, 1-сон. – Б. 16-21.
10. Пантина Н.С. Методологические принципы в психологии образования. Вопросы психологии, №5, 2005. – С. 125-131.
11. Турсунов А. Энг мудҳиш хавф – терроризмга қарши курашнинг қонуний асослари // Ҳаёт ва қонун, 2003, 4-сон. – Б. 17-19.

12. Турсунмуратов Т. Ўзбекистонда илмий-технологик салоҳиятнинг юксалиши масаллари // Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007, 3-сон. – Б. 10-11.
13. Хайрулаев М.М. Фаробий ва унинг фалсафий рисоалари. –Т., 1963. – 284 б.
14. Шкуратов В.А. Психика. Культура. История. – Ростов-н/Д., 1990. – 256 с.
15. Юлдашева Ф. Глобаллашув ва миллий каадриятлар // Жамият ва бошқарув, 2008, 3-сон.–Б. 6-8.
16. Якубов Б. Глобаллашув: давр муаммолари // Жамият ва бошқарув, 2007, 4-сон. – Б.14-16.

РЕЗЮМЕ

Мақолада ахборот глобаллашуви жараёнининг ижтимоий-психологик муаммолари ва унинг ечимлари ёшлар тарбиясига таъсири мисолида ёритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье изложены социально-психологические проблемы процесса глобализации и его влияние на воспитание молодежи.

SUMMARY

The article describes the social and psychological problems of the globalization process and its impact on the education of young people.

ШАХСЛАРАРО НИЗОЛАР ВА УНИ ЕНГИБ ЎТИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Бердиева Г.Ж. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: шахс, низо, хулқ-атвор, вазиятли ҳолат, стресс, детерминация, аффектив, когнитив, ноадекват, доминант.

Ключевые слова: личность, конфликт, поведение, ситуационный случай, стресс, детерминация, аффектив, когнитив, неадекватный, доминант

Key words: personality, dispute, behavior, situational case, stress, determination, affective, cognitive, inadequate, dominant.

Шахслараро низолар муаммосини муҳокама қилишда юзага келадиган кўпчилик саволлар ичида низоли юзага келтиришда аҳамиятга эга бўлган ва низо динамикаси хусусиятларини аниқлаб берувчи омиллар ҳақидаги саволлар аниқ ёритилмаганлигини қайд этиш мумкин.

Жуда кўп тадқиқотчилар шахслараро низолар детерминацияси объектив ва субъектив омиллар ўзаро таъсири билан аниқланиши ҳақидаги ҳолатни айтиб ўтадилар: биринчиси низоларнинг салоҳиятли имкониятини, иккинчилари эса унинг амалга ошириш хусусиятларини юзага келтиради.

Шахслараро низоларда инсон интилишларининг қарама-қаршилиги, яъни уларнинг бирор мақсадга эришишдаги хулқ-атвори ва установакалари субъектив сабаблар сифатида кўрсатилади [8].

Баъзи тадқиқотчилар шахслараро низолар сабаблари сифатида бир-бирларини паст баҳолаш фонида ўзини ўзи баҳолашнинг юқорилаб кетиши, иззат-нафсониятнинг камситилиши ва бошқаларни кўрсатиб ўтадилар, уларни шахслараро низоли юзага келишига олиб келувчи сабабларнинг шахслилик даражасига киритиш мумкин [3].

Субъектив омиллар ичида шахснинг низоли вазиятда у ёки бу хулқ-атвор тенденциясини танлашга мойиллиги алоҳида аҳамият касб этади. Шубҳасиз, инсоннинг шахслараро низоли вазиятидаги хулқ-атвори унинг шахслилик хусусиятлари билан белгиланади. Шунинг учун тадқиқотчилар олдида бир қатор саволлар юзага келади:

- низоли вазиятда шахс хулқ-атворининг қандай шакллари унга хос ҳисобланади?

- ҳар бир конкрет ҳолатда шахс маъқул кўрган хулқ-атвор усулини танлашнинг психологик механизмлари қандай?

- шахс томонидан шахслараро низоли ҳал қилишнинг одатий усуллари қанчалик турғун?

Бир қатор муаллифлар шуни кўрсатиб ўтадиларки, низоли вазиятда шахслараро ўзаро таъсир қатнашчиларининг ҳар бири томонидан танланадиган хулқ-атвор стратегиясини белгилаб берувчи аҳамиятга молик шахслилик омиллари ичида невротизм, безовта-

ланишнинг юқори даражаси, ички шахслилик низоларининг вазиятли ҳолати, махсус ҳимоя механизмлари, масалан, рационализациянинг мавжудлиги муҳим роль ўйнайди. [7, 43-бет].

Шахслараро низо детерминациясида шахсдаги ички низо каби шахслилик омилига алоҳида эътибор қаратилади. Таъкидланадики бундай ҳолатда шахслараро низо шахсдаги ички низоли ҳал қилиш воситаси сифатида юзага чиқиши мумкин.

Низони юзага келтирувчи шахслилик омиллари қаторига адабиётларда эҳтиёжлар даражасининг юқорилиги [4], испульсивлик, доминантлик, ригидлик киритилади [2]. Шахслилик омиллари сифатида “ноадекватлик самараси” ҳам қайд этилади [5], у шахсдаги ўзини ўзи юқори баҳолаш ва уни оклай олмасликдан қўрқиш тўқнашганда юзага келади.

Шахслараро низо шароитида шахс хулқ-атворини бошқариш механизмларини тушуниш учун психологик ҳодисалар детерминациясининг кўп даражали ва кўп омилли характери ҳақидаги ҳолат ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шунинг учун низоли вазият ва низоли вазиятдаги ўзаро таъсир каби жабҳаларни ажратиш мақсадга мувофиқдир [6].

Воқеликнинг бу икки томонини ажратиш қуйидагича бўлади.

Инсонларнинг ўзаро таъсир тизими. Ҳар қандай тизим каби унга объектив хос бўлган ҳолатлар йиғиндиси билан характерланади. Шахслараро ўзаро таъсир тизимининг бундай ҳолатларидан бири низоли ҳолатдир. У бу ҳолатни ўзаро таъсир иштирокчилари қандай идрок қилишларига боғлиқ бўлмаган тарзда низоли ҳолат деб баҳолаш имконини берувчи алоҳида объектив омиллар тўпламидан иборат. Конкрет вазиятларда бу омилларнинг долзарблашиши низоли вазият ҳисобланади.

Низоли вазиятнинг мавжудлиги юқорида таъкидланганидек, когнитив шахслараро низо хусусиятларини кўриб чиқишда ўзаро таъсир низоли тип бўйича ривожланади дегани эмас. Таҳлил жараёнида камида учта хулқ-атвор стратегиясини ажратиш мумкин, улардан ҳар бири низоли вазият қатнашчилари ўртасидаги муносабатлар ривожланиш хусусиятларини аниқлаб беради.

Биринчидан, бу вазиятдан қочиш; иккинчидан “музокаралар”, “савдолашиш” муносабатлари ва ҳ. к., ва ниҳоят, томонлар кураши, конфронтацияси билан боғлиқ низоли муносабатлар.

Ҳар иккала қатнашчиларнинг ўзаро таъсир йўналиши, хулқ-атвор тузилмаси характерини танлаши, шунингдек, бу хатти-ҳаракатлар самарадорлиги хулқ-атвор механизмларининг вазиятга қанчалик мос келиши ва қарор қабул қилиш учун улар қай даражада мақбул эканлигига боғлиқ бўлади.

Ўзаро таъсирнинг тузилмавий жабҳаларни белгиловчи ҳамда индивидуал ҳаракатлар ва хулқ-атвор механизмларини аниқлаб берувчи психик механизмларни танлаш ҳар бир қатнашчида мазкур конкрет вазият учун зарур бўлган тўпламлардан ортиб кетиши керак.

Низоли вазият қатнашчиларининг бевосита хулқ-атвори характери ўзаро таъсир қатнашчилари алоҳида шахслилик хусусиятларига бориб тақалмайди ва фақат уларга боғлиқ бўлиб қолмайди. Амалга оширилаётган хулқ-атвор ўзига хос проекция бўлиб, улардан ҳар бири мазкур ўзаро таъсир вазиятини юзма-юз келганда қандай белгилашига боғлиқ.

Низоли вазиятдаги ўзаро таъсир ҳақида гап кетганда, шуни таъкидлаш жоизки, одамлар ўртасидаги ўзаро таъсир характери ўзгаришини ўрганиш хулқ-атворнинг кейинги паттернлари детерминантлари сифатида қатнашувчи баъзи ҳолатларни ажратиш имконини беради.

Маълумотлар таҳлили низоли вазиятда шахслараро муносабатлар ривожланишини белгиловчи учта фаза ёки босқични ажратиш кўрсатади.

Биринчи фаза вазиятни низоли деб баҳолаш билан боғлиқ. Вазиятни низоли деб англаш ва идрок қилиш лаҳзаси жуда муҳим, чунки у ўз ўзидан мазкур ҳолатда ўзаро таъсирни керакли даражада тузилмага айлантирувчи хулқ-атвор паттернларини шакллантирувчи механизмга айланади.

Иккинчи фаза низоли вазиятдаги ўзаро таъсирни шакллантирувчи стратегияни танлашга боғлиқ. Низоли вазиятдаги у ёки бу хатти-ҳаракатларни долзарблаштириш объек-

тив ва субъектив омилларнинг конкрет бирикмаси билан боғлиқ. Ўзаро таъсирнинг бу фазасида ҳар бир қатнашчи хулқ атворнинг маълум чизигини шакллантиради, бу эса ўз навбатида кейинчалик умумий стратегия кўринишини олади. Юқорида таъкидланганидек, хулқ-атворнинг бундай умумий шакллари камидан кам учга бўлиш мумкин: қочиш, “музокаралар” – “савдолашиш” ва низоли стратегиянинг ўзи.

Ва ниҳоят учинчи фаза ўзаро таъсир умумий стратегияси доирасида хатти-ҳаракатни танлаш билан боғлиқ. Низо ривожланишининг бу босқичида ўзаро таъсир иштирокчиларининг шахслилик хусусиятлари алоҳида аҳамият касб этади.

Шахсларо низо тузилмаси ва ривожланиши таҳлилига бифуркация нуқтасининг киритилиши, бизнинг назаримизда махсус адабиётларда жавоби топилмаган бир қатор саволларга жавоб бериш имконини беради:

- низонинг конструктив салоҳиятини долзарблаштириш шароитлари;
- шахсларо низоларни бошқариш шакллари;
- шахсларо низоли бошқарувчи субъект;
- шахсларо низоли бошқариш самарадорлигини ошириш шарт-шароитлари;
- шахсларо низо диагностикаси ва бошқалар.

Замонавий психологияда шахсларо низо муаммоси ҳолатининг таҳлили шахсларо низоларни келтириб чиқарувчи объектив ва субъектив омиллар ҳамда сабаблар, уларнинг динамикаси, низога киришган томонлар хулқ-атвори тузилмаси ва стратегиясини тадқиқ қилиш билан бир қаторда шахсларо низо психологик белгиларини ўрганишга қаратилган тадқиқотлар ўтказилмаса тўлиқ бўлмай қолади. Бу тадқиқотлар доирасида олинган маълумотлар шуниси билан қизиқарлики, ташқаридан низоли хулқ-атвор хусусиятларида намоён бўладиган шахсларо низо вазияти билан боғлиқ “ички” психик жараёнлар ва ҳолатлар динамикасини тушуниш имконини беради. Адабиётлар таҳлили шахсларо низоларни психологик белгиларига қуйидагиларни киритиш мумкинлигини кўрсатади:

- Шахс ва гуруҳ учун доминант аҳамият касб этувчи эҳтиёжларни долзарблаштириш;
- Низоли муносабатлар субъектларининг юқори даражадаги психик зўриқишлари;
- когнитив ва эмоционал жараёнлар дисгармонизациясини;
- аффектив ҳолатларни назорат қилишнинг пасайишини;
- хулқ-атвор, тафаккур, гапларнинг стереотиплилиги;
- ўзининг ва бошқалар кадриятларини қиёсий баҳолашни ўз фойдасига ҳал қилиш;
- рақиби идрокига нисбатан салбий установкани шакллантириш;

Низоли муносабатларни ўзаро таъсирнинг бир соҳасидан бошқа бир соҳаларга – шахсий соҳадан иш соҳасига, расмийдан норасмийга ва ҳ.к.га ўтказиш;

Низога киришувчиларнинг психик ҳолатлари психик жараёнларнинг тоталлиги, бир жойда қотиб қолиши, баҳолар ва фикрларнинг кескинлиги ва яғоналиги билан характерланади.

Шундай қилиб, низоли вазиятни воқелик сифатида ўрганишда асосий йўналишлар сифатида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

- гуруҳдаги (гуруҳ ичидаги низо) шахсларо низонинг биргаликдаги фаолият самарадорлигига таъсири;
- гуруҳдаги шахсларо низонинг юзага келиш эҳтимолини оширувчи омиллар;
- гуруҳдаги шахсларо низоларни юзага келишидаги объектив ва субъектив сабаблар, уларнинг характери, мутаносиблиги ва динамикаси;
- шахсларо низоларни индивидуал-психологик сабаблари;
- шахсларо низоларни тузилмаси ва унинг динамикаси;
- шахсларо низо қатнашчиларининг психологик ҳолати хусусиятлари ва уларни психологик ўлчаш;
- шахсларо низоларни профилактикаси усуллари ва шакллари; деструктив шахсларо низоларни конструктив шаклга ўтиши.

Табиатига кўра турлича бўлган низоларни юзага келтирувчи омилларнинг ўзаро таъсири низоли вазиятнинг вужудга келишига олиб келади, у эса ўз навбатида бифуркация нуқтасидаги шахслараро низога айланади. Бифуркация нуқтасидан ўтганидан сўнг шахслараро низо икки йўналишда ривожланиши мумкин: ўзининг деструктив оқибатлари билан хавф соладиган стихияли ва низоли ўзаро таъсирнинг конструктив салоҳиятини амалга оширишга қодир бошқариладиган йўналишлар. Стихияли ривожланувчи шахслараро низонинг бошқарилувчи йўналишга ўзгариш шартлари ва воситаларини ўрганиш низо иштирокчиларини шахс сифатида ривожланиш имкониятлари нуқтаи назаридан янги истиқболни очиб беради.

Шундай қилиб, бошқариладиган шахслараро низо қатнашчиларининг шахслилик ривожланиши биз томонимиздан улардаги субъектликнинг турли шакллари долзарб-лаштириш ва кейинчалик шакллантириш сифатида қаралади. Низоли ўзаро таъсирларнинг шахсни ривожлантирувчи салоҳиятини амалга оширишнинг энг муҳим шарти психологнинг субъектлик позициясидир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик-ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. – Т., 2017. – Б. 45.
2. Занюк С. Психология мотиваций: Теория и практика мотивирования. Мотивационный тренинг. К.: Эльга. – Ника-Центр, 2000. – 13-52 с.
3. Лебединская К.С. и др. Подростки с нарушениями в аффективной сфере. – М.: Педагогика, 1988. – 336 с.
4. Лэнг Р.Д. Раколотное «Я»: перевод с англ. СПб: Белый Кролик, 1995. – 352 с.
5. Методы эффективной психокоррекции. Хрестоматия /Сост. К.В. Сельченко. Харнес. 1999. – 816 с.
6. Паренс Г. Агрессия наших детей. Москва, 1997.
7. Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. – М., 1994. – 125-142 с.
8. Fishbein D.G. Parental supervision and delinquency. – New York, 1983.

РЕЗЮМЕ

Мақолада шахслар ўртасида юзага келадиган низоларнинг психологик омиллари ва ана шундай низоларни олдини олишнинг ўзига хос йўллари ҳақида фикр билдирилган.

РЕЗЮМЕ

В статье упоминаются психологические факторы возникновения межличностных конфликтов и конкретные способы предотвращения таких конфликтов.

SUMMARY

The psychological causes of the incident arising between the individuals in this article and were told opinions on the prevention of such incidents.

Наширға проф. А.Жабборов тавсия этган

ЙИРИК ШОХЛИ МОЛЛАРНИНГ *Demodex L.* КАНАЛАРИ БИЛАН ЗАРАРЛАНИШИ

Бобоназаров Ғ.Ё., Бўриева Х.П. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *Demodex L.* каналар, демодекоз, тарқалиши, касаллик, сут эмизувчи ҳайвонлар, қорамоллар, одам, тери, тер бези, жун ва соч илдиз халтачаси, зарарлаш, қарши кураш, акарицитлар.

Ключевые слова: *Demodex L.* Постельные клопы, демодекоз, распространение, болезнь, кормящие млекопитающие, крупный рогатый скот, человек, кожа, потовая железа, волосы и волосяные фолликулы, контаминация, борьба, акарициды.

Key words: *Demodex L.* Bed bugs, demodicosis, distribution, illness, nursing mammals, cattle, human, skin, sweat gland, hair and hair follicles, contamination, fight, acaricides.

Мамлакатимиз иқтисодида чорвачилик қишлоқ хўжалигининг муҳим секторларидан бири бўлиб, аҳолини гўшт-сут, саноатни жун ва сифатли тери маҳсулотлари билан таъминлашга йўналтирилган. Бутун дунёда бўлгани сингари бизнинг юртимизда ҳам бу маҳсулотларга талаб ва эҳтиёж тобора ошиб бормоқда. Лекин шу билан бирга чорва молларининг турли юқумли касалликлари ҳам авж олиб, улар маҳсулдорлиги ва сифатиغا путур етмоқда.

Чорва моллари ва уй ҳайвонларида кўпгина каналар паразитлик қилади ва баъзилари хавфли юқумли касалликларни тарқатади. Қон сўрувчи каналар одамларга энцефалит, Қрим-Конго геморрагик лихорадкаси, қайталама тиф, пироплазмидозлар ва бошқа юқумли инвазион касалликларни кўзгатувчиларини ташувчиси сифатида қайд этилган [6].

Каналар келтирадиган зарар ҳайвонларни нобуд бўлиши, улар барча маҳсулдорликлари салмоғининг камайиши, ёш ҳайвонларнинг вазн ошишидан ортда қолиши ва ортиқча озуқа сарф бўлиши билан белгиланади. Адабиётларда қайд этилишича, бу касалликлар чорвачиликка жуда катта иқтисодий зарар келтиради. Биргина АҚШ иқтисодиёти саркоптоид каналардан ҳар йили 3 млрд доллар (\$) зарар кўради. Ўзбекистонда ҳам *Psoroptes* каналардан йирик шохли молларга, *Sarcoptes* каналардан қоракўл қўйларга келтириладиган иқтисодий зарар аниқланган [2,12].

Одам ва ҳайвонлар демодекоз касаллигини кўзгатувчиси *Demodex L.* авлоди каналари ҳисобланади. *Demodex L.* каналари сут эмизувчи ёввойи ҳайвонлар, уй ҳайвонлари ва одамларнинг тер безлари, жун ва соч илдизи халталарида ривожланади ва зарарлайди. Ўзбекистонда ҳам бу каналар тарқалган бўлиб, айниқса, уй ҳайвонлари ва одамларда учраши қайд этилган. Касаллик табиий манбали характерга эга бўлиб, уй ҳайвонлари маҳсулдорлигига путур етказди ва одамлар соғлиғига зарар келтиради. *Demodex L.* каналари мамлакатимиз шароитида кам ўрганилган.

Дунёда уй ҳайвонлари ва чорва молларида *Demodex L.* авлоди каналари тарқалиши, морфологик ва биоэкологик хусусиятлари тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Жумладан, Россияда қорамолларда *Demodex bovis* (Ғахон, 1878) канасининг морфологияси, биологияси, демодекоз касаллигининг тарқалиши ва унинг йил мавсумларига боғлиқ ривожланиш динамикаси, ушбу кана тури билан зарарланиш шароитида ҳайвонларда юзага келувчи пато-морфологик (макроскопик, гистологик) ўзгаришлар ўрганилган ва унга қарши кураш чора-тадбирлари ишлаб чиқилган [7,8,9,10]. Шунингдек, *Demodex bovis* канаси таъсирида қорамолларнинг териси сифатининг бузилиши таъсирида қайд қилинувчи иқтисодий зарар қиймати Россия микёсида 1955–1956 йиллар давомида ҳар йили ўртача 1 781 400 рублни ташкил қилиши аниқланган [9]. Худди шундай зарар қиймати АҚШ микёсида йилига 5 000 000 АҚШ долларини ташкил қилиши қайд қилинган [15]. Қозоғистонда уй ҳайвонлари демодекоз касаллиги, унга ташхис қўйиш услублари ва даволаш усуллари ишлаб чиқилган [5,11].

Уй ҳайвонларида, жумладан, қорамолларда демодекоз кенг тарқалган касалликлардан бири бўлиб, бироқ ушбу касалликнинг этимологияси ва патогенез жараёни тўлиқ ўрганилмаган ва бу ҳолат даволаш–профилактика чора-тадбирларини самарали ташкил қилиш имконини бермайди [3,7]. Адабиётларда қорамолларда демодекоз касаллиги шароитида патоморфологик ўзгаришлар, патоморфогенез хусусиятлари, демодекоз касаллиги таъсирида қорамолларда қизил қон ҳужайралари (эритроцит) миқдори камайиши, ўз навбатида камқонлик ривожланиши ҳақида маълумотлар учрайди [14].

Demodex bovis (Ғахон, 1878) ҳаёт цикл ўртача 25–30 суткани ташкил қилиб, қорамол териси жароҳатланган қисми колонияси таркибида индивидларининг сони 4 000 тагача етиши қайд қилинади. Қана қорамолларнинг асосан, бош, бўйин, елка, орқа ва кўкрак қафаси тери соҳаларида паразитлик қилиши кузатилади. Демодекоз касаллиги қорамол терисида диаметри 10 мм га тенг бўлган, юзасидан кулранг-оқиш тусли суюқлик ажралувчи, думалоқ шаклдаги, тиришган яллиғланиш ўчоқларини ҳосил қилади. Демодекоз касаллигига аниқ ташхис қўйиш учун, микроскопик таҳлил ўтказилиши талаб қилинади.

Қорамоллар демодекоз касаллигига ташхис қўйишда Д.Р.Приселкова, Н.Н.Богданов, Г.З.Шик, А.В.Алфимова, Н.Ф.Родионова, М.Г.Хатин, В.Б.Дубинин, М.Уиллард ва б.к. томонидан ишлаб чиқилган тадқиқот методларидан фойдаланилади [11]. Уй ҳайвонларининг тери қаватида дерматологик ташхис қўйиш ишлари давомида қуйидаги кўрсаткичлар ҳисобга олинади: терида жун қопламанинг ҳолати (бир текисда, силлик ҳолатда, тукларнинг терида жойлашиш мустаҳкамлиги, сийрак ёки зич жойлашганлиги, терида жун тўқилган соҳалар мавжуд ёки мавжуд эмаслиги); терининг эластиклик хусусияти (терининг тургор ҳолати); тери остида клетчатка қаватининг ривожланиш даражаси; терининг специфик ҳиди; терининг умумий клиник ҳолати (соғлом, касалланган, жароҳат ва яллиғланиш соҳалари, эритема, қон қуйилиш соҳалари, пуфакчалар, тангачасимон соҳалар мавжудлиги ва бу соҳалар ранги, ўлчамлари); терининг ҳарорати; терида эктопаразитлар мавжудлиги (қана, бит ва бошқ.); терининг ранги (меъёрий ҳолатда, оқиш тусда, қизарган, кўқарган, сарғайган, патологик пигментация мавжуд, гиперемия, петехия, экхимоз); терининг намлик даражаси (қуруқ ҳолатда, ўртача намлик, тер ажралиш жадаллиги).

Жумладан, В.Б.Дубинин методи бўйича тери қириндиси-намунаси пластмассада ясалган воронкага металдан ясалган элаксимон соҳа орқали киритилади ва воронка ичига шакар эритмаси солинган пробиркага туширилади, бунда воронканинг пастки қисми эритмага тегмаслиги талаб қилинади, ушбу ҳолатда термостатда 40 минут давомида +40°C ҳарорат шароитида инкубацияланади. Бунда тирик ҳолатдаги каналар тери қириндиларидан чиқиб, шакар эритмаси солинган пробиркага ўтади ва эритма юзасида тўпланади, металдан ясалган илмоқ ёрдамида эритма юзасидаги қават йиғиб олиниб, микроскоп остида ўрганилади.

Д.Р.Приселкова томонидан ишлаб чиқилган метод бўйича жарроҳлик скальпели ёрдамида олинган тери қатлами қириндиси-намунаси Петри чашкасига дистилланган иссиқ сувли муҳитга солинади ва 15–20 минут инкубация қилинади. Кейин эса микроскоп остида ҳаракатланувчи каналар кузатилади. Н.Н.Богданов тавсия этган методда тери қириндиси - намунаси қора рангли қоғоз устига қўйилади ва +25...+30°C гача қиздирилади, ҳаракатланувчи каналар предмет ойнаси устига жойлаштирилиб, микроскоп остида ўрганилади Г.З.Шик услуби бўйича тери қириндиси-намунаси Петри чашкасига солинади ва биров қиздирилиб, лупа ёки микроскоп остида ўрганилади. А.В.Алфимова методида тери қириндиси-намунаси Петри чашкасига солиниб, термостатда 5 минут давомида +40°C ҳарорат шароитида инкубацияланади. Сув билан намлантирилган муҳитда ҳаракатланувчи каналар микроскоп остида ўрганилади [4,11].

Биз қорамоллар *Demodex bovis* каналарининг Қашқадарё вилоятида тарқалишини ўрганиш мақсадида 2018-2019 йиллар давомида тадқиқотлар олиб бордик. *Demodex bovis* каналари билан зарарланган қорамолларни аниқлаш, улардан лабораторияда текшириш учун намуналар олиш ва демодекозга ташхис қўйиш учун Д.Р.Приселкова, Н.Н.Богданов, Г.З.Шик, А.В.Алфимова ва В.Б.Дубинин методларидан фойдаландик. Тадқиқотлар Қаш-

кадарё вилоятининг Қарши, Касби, Миришкор туманлари ва Қарши шаҳри атрофидаги фермер хўжаликлари ва шахсий хонадонларда олиб борилди. Тадқиқотлар давомида 1259 бош қорамол акарологик текширувдан ўтказилди. Текширувдан ўтказилган қорамолларнинг 21 бошида (1,7) демодекоз касаллиги белгилари қайд этилди. Қорамолларнинг демодекоз билан касалланиши барча мавсумларда кузатилади. Лекин бизнинг тадқиқотларимизда саркоптознинг ривожланиши динамикасида куз-қиш мавсумида авж олиши кузатилади. Демодекоз касаллигини қўзғатувчи *Demodex bovis* каналар тери қаватида туклар фолликула соҳаси, ёғ ва тер безлари, шунингдек, айрим ҳолатларда лимфа тугунлари ва паренхиматоз органларда жойлашиши ҳам мумкин ва шу сабабли улар ҳайвон организмга жойлашиб олгандан сўнг ташқи муҳит омиллари таъсири сустлашади. Демодекоз билан касалланган ҳайвон, биринчидан, даволаш чоралари кўрилмаса тузалмайди, иккинчидан, касалликни тарқатувчи манба бўлиб қолади. Қиш мавсумида қорамолларнинг демодекоз билан зарарланишининг авж олишига кўпроқ бу мавсумда ҳайвонларнинг бир жойда тўпланиб қолиши, қишда ёпиқ биноларда сақланиши, ҳарорат ва намликнинг юқори бўлиши сабаб бўлади. Шунинг учун бизнинг тадқиқотларимизда қорамолларнинг энг кўп зарарланиши қиш мавсумида 11 бош (52,4 фоиз) кузатилди. Қиш мавсумида *Demodex bovis* каналари билан зарарланган қорамолларнинг 7 (63,6 фоиз) тасидан олинган намуналардан тирик каналар топилди.

1-жадв.

Қашқадарё вилоятида қорамолларни демодекоз билан зарарланиши

№	Шаҳар ва туманлар номи	Текширилган қорамоллар сони	Касалланган қорамоллар	
			Сони	фоиз ҳисобида
1	Қарши ш.	201	7	3,5
2	Қарши т.	306	5	1,6
3	Касби т.	450	7	1,5
4	Миришкор т.	302	2	0,7
	Жами	1259	21	1,7

2-жадв.

Қашқадарё вилоятида турли ёшга мансуб қорамолларни демодекоз билан мавсумий зарарланиши

Йил фасллари	Текширилган ҳайвонлар	Зарарланган ҳайвонлар: Шу жумладан ёшлари бўйича зарарланиши							
		сон	фоиз ҳисобида	1-12 ойлик		2-3 ёшлик		Катта ёшдаги	
				сон	фоиз	сон	фоиз	сон	фоиз
Баҳор	225	5	2,2	1	20,0	3	60,0	1	20,0
Ёз	296	1	0,3	0	0	1	100	0	0
Куз	417	4	1,0	1	25,0	2	50,0	1	25,0
Қиш	321	11	3,5	3	27,3	6	54,5	2	18,2
Жами	1259	21	1,7	5	23,8	12	57,1	4	19,1

Қорамоллар демодекозининг тарқалиши ва сурункали давом этишига кўп сонли ҳайвонларнинг бир жойда тўпланиб қолиши сабаб бўлади. Аксарият ҳолларда паразитларга қарши профилактика чоралари қўлланилмайди. Қорамоллар акарологик текширувлардан тизимли ўтказилмайди ёки касаллик белгилари яққол сезилиб қолгандан кейингина эътибор қаратилади. Бу эса касалликнинг барҳам топишини қийинлаштиради ва даволаш тадбирлари сарф-харажатлари ошиб кетади. Бундан ташқари демодекоз билан касалланган ҳайвонларни карантинда сақламасдан бошқа соғлом қорамоллар сақланадиган иншоотларга ўтказилиши, бошқа подаларга қўшиб боқилиши инвазиянинг тарқалиши ва табиий манбалари сақланиб қолиши учун қулай шароит яратади.

Ҳозирги вақтда ветеринария амалиётида уй ҳайвонларида демодекоз касаллигини даволаш мақсадида акарицид препаратлардан фойдаланилади. Одатда, қорамоллар *Demodex bovis* каналарига қарши 0,5 фоизли «Дикрезил» эмульсияси, 1–2 фоизли «Хлорофос» эритмаси ёрдамида 3–4 сутка давомида кунига 5–6 маҳал ишлов беришдан фойдала-

нилади. Шунингдек, тери остига «Ивермектин» препарати 0,2 г/кг дозада инъекция қилинади, тўлиқ тузалишгача қорамоллар танасига касалланиш соҳаларига 1 фоизли «Севин» суспензияси 8–14 мартагача сепилади. Ҳозирги вақтда 4–6 сутка давомида «Акродекс» аэрозоли ёрдамида кунига 4 маҳал ишлов беришдан фойдаланиш самарали таъсир кўрсатиши қайд қилинади. Шунингдек, касалланган қорамолни соғлом қорамоллардан алоҳида иншоотда сақлаш, фекалиясини мунтазам тозалаш ва иншоотни катъий тартибда дезинфекциялаш тавсия қилинади¹.

Демодекоз касаллигини даволаш узоқ давом этувчи ва иқтисодий жиҳатдан қиммат жараён ҳисобланади. Бундан ташқари кўпчилик акарицид препаратлар умумий ҳолатда кучли токсик таъсирга эга бўлиб, мутаген, эмбриотоксик таъсир кўрсатиши ёки ўсма касалликларини юзага келтириши хавфи мавжудлиги қайд қилинади [1,13].

Шунинг учун бугунги кунда уй ҳайвонлари, жумладан, қорамоллар *Demodex bovis* (Faxon, 1878) каналари биоэкологик хусусиятларини тадқиқ қилиш, қорамоллар демодекозига қарши экологик хавфсиз, иқтисодий жиҳатдан самарали профилактика ва даволаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш амалий акарология ва ветеринариянинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бирюков А.А. Санитарно–токсикологическая оценка амитраза как средства борьбы с демодекозом собак // Автореферат дисс. канд. вет. наук. – Москва, 1998. – 20 с.
2. Бобоназаров Г. Я. Экология клещей рода *SARCOPTES LATR.*, 1806 (*SARCOPTIFORMES: SARCOPTIDA* в юга Узбекистана. // Автореф. дисс. канд.биол. наук. – Ташкент, 1997. – 25 с.
3. Василевич Ф.И., Ларионов С.В. Демодекоз животных // Ветеринария, 2001. – С. 234–235.
4. Ерман К., Шабдарбаева Г.С. Демодекоз плотоядных, распространение и диагностика // IX Международная студенческая научная конференция. «Студенческий научный форум», 2017. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.scienceforum.ru/2017/>
5. Жетписбаева З.К., Шабдарбаева Г.С. Распространение и диагностика демодекоза плотоядных // Материалы Международной научно-практической конференции «Состояние и перспективы развития производства ветеринарных биопрепаратов», Алматы, 2006. – С. 381–387.
6. Захваткин Ю.А. Акарология – наука о клещах. История развития. Современное состояние. Систематика. – М. Книжный дом. «ЛИБРОКОМ», 2012. – 192 с.
7. Ларионов С.В. Сезонная динамика демодекоза крупного рогатого скота при круглогодичном стойловом содержании // В кн.: Санит. –токсич. оценка ветер. препаратов и вопросы микологии и сан. кормов. Научные труды ВНИИВС (Москва). – 1984. – С. 83–85.
8. Нечаева О.Н. Демодекоз крупного рогатого скота в Саратовской области: Вопр. эпизоотологии, патоморфологии, меры борьбы // Автореферат дисс. канд. вет. наук. (03.00.19–паразитология, гельминтология). – Саратов, 1995. – С. 4–22.
9. Поляков Д.К. Демодекоз крупного рогатого скота // Автореферат дисс. док.биол.наук. – Ленинград, 1967. – С. 4–31.
10. Чернуха В.К., Бырка В.И., Иванюшенков В.П. О демодекозе крупного рогатого скота в Харьковской области и опыт борьбы с ним. // Труды Харьковского СХИ. – 1977. – Т. 238. – С. 33–37.
11. Шабдарбаева Г.С., Ахметова Г.Д., Турганбаева Г.С., Балгимбаева А.И. Практическое обучение по паразитологии (учебное пособие по арахноэнтомологии) // Алматы, «S–принт», 2013. – С. 41–44.
12. Шопулатов Ж.Ж. Псароптоз крупного рогатого скота и меры борьбы с ними. // Автореф. дисс. канд. вет. наук. – Самарканд, 1991. – 23 с.
13. Яровая Н.В. Эпизоотологический мониторинг при демодекозе собак в условиях г. Москва и разработка комплексной терапии // Автореферат дисс. ... к.вет.н. – Москва, 2010. – С. 3–14.
14. Abu-Samra M.T., Shuaib Y.A. Bovine demodicosis: prevalence, clinico-pathological and diagnostic study // Journal of Veterinary Advances. – 2014. – V.4(2). – P.381–397.
15. Flaherty F. Mange disease causing millions of dollars in hide damage // Leather and Shors, 1954. – V.127(24). – P.13.

¹ Демодекоз у коров (КРС) // Режим доступа: <http://demodekoz-lechenie.ru/forum/u-korov-krs> Дата обращения: 26.02.2018 г.

РЕЗЮМЕ

Одам ва ҳайвонлар демодекоз касаллигини қўзғатувчиси *Demodex* L. авлоди каналари ҳисобланади. *Demodex* L. каналари сут эмизувчи ёввойи ҳайвонлар, уй ҳайвонлари ва одамларнинг тер безлари, жун ва соч илдизи халталарида ривожланади ва зарарлайди. Бу касаллик ветеринарияда ҳам, медицинада ҳам демодекоз деб аталади. Ўзбекистонда ҳам бу касаллик тарқалган бўлиб, уй ҳайвонлари ва одамларда учраши қайд этилган. Касаллик табиий манбали характерга эга бўлиб, уй ҳайвонлари маҳсулдорлигига путур етказди ва одамлар соғлигига зарар келтиради. *Demodex* L. каналари мамлакатимиз шароитида кам ўрганилган. Шунинг учун бу каналар биоэкологияси, тарқалиши ва уларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқиш энг долзарб муаммолардан биридир.

РЕЗЮМЕ

Возбудителем демодекоза млекопитающих, в том числе домашних животных и человека являются клещей отряда *Demodex*. Клещи *Demodex* могут паразитировать у людей, эта болезнь в медицине и ветеринарии называется демодекозом. В нашей Республике клещи отряда *Demodex* заражает домашних животных и человека, вызывая серьезное заболевание, характеризуются зудом. Заболевание носит природно-очаговый характер, наносит огромный экономический ущерб в животноводстве. Иногда людей тоже очень страдает от демодекоза.

SUMMARY

Humand and animal demodectic diseases are the tributaries of *Demodex* L. *Demodex* L. can develop and damage sweat glands, wool and hair roots in breast-feeding animals, pets and people. This disease is called a demodicosis in both the veterinary and the medical. In Uzbekistan, this disease is spread, and pets and people are met. The disease is of a natural origin and can be harmful to livestock productivity and can harm people's health. The *Demodex* L. can be poorly understood in our country. Therefore, it is one of the most pressing issues in bioecology, distribution and response to these canals.

Наишга доц. М.Ҳакимова тавсия этган

КОРРЕЛЯЦИЯ НЕКОТОРЫХ ХОЗЯЙСТВЕННО ЦЕННЫХ ПРИЗНАКОВ СО СТРУКТУРНЫМИ ПОКАЗАТЕЛЯМИ КОЖУРЫ ЗРЕЛОГО СЕМЕНИ ДИКИХ ВИДОВ ХЛОПЧАТНИКА

Грабовец Н.В. (Институт генетики и экспериментальной биологии растений АН РУз)

Ключевые слова. *Gossypium*, воздухоносная полость, кожура семени, эпидерма, паренхима, интегумент.

Таянч сўз ва иборалар: *Gossypium*, ҳаво қатлами, уруғ қобиғи, эпидерма, паренхима, интегумент.

Key words. *Gossypium*, air-cavity, seed rind, stony, epidermis, parenchyma, integument.

Актуальность. В составе р. *Gossypium* L., согласно одной из последних классификаций, насчитывается более 50 видов, произрастающих в тропических и субтропических зонах 5 континентов мира. Представители рода *Gossypium* L. отличаются большим морфологическим разнообразием. Многообразие дикорастущих видов и форм хлопчатника, многие из которых, являются носителями ценных хозяйственных и биологических признаков – богатейший источник генетических ресурсов. Однако, коэффициент использования этих ресурсов в деле улучшения и создания новых жизненно необходимых сортов хлопчатника в мире крайне низок. В практической деятельности используются в основном 4-5 представителей (из 50), послужившие основой создания сортов прошлой и настоящей селекции, так называемые культивируемые ди- и тетраплоидные виды – *G. hirsutum* L. (мексиканский), *G. barbadense* L. (перуанский) и диплоидные – *G. arboreum* L. (индокитайский), *G. herbaceum* L. (афро-азиатский) [1,2]. В мировой практике доминируют сорта, созданные на основе мексиканского (*G. hirsutum* L.), составляя 90 % ежегодного урожая хлопчатника. Остальные представители рода *Gossypium* L., особенно дикорастущие, остаются пока потенциальным генофондом. Ограниченность использования имеющегося в природе биоразнообразия приводит к генетическому однообразию современных

сортов, вырождению и другим отрицательным последствиям и является недостатком современной отечественной и зарубежной селекции [3,4].

Использование ценной гермаплазмы дикорастущих сородичей хлопчатника в деле создания новых сортов и улучшения существующих, отвечающих современным требованиям, пока еще ограничено пробелом в наших знаниях всего биоморфологического разнообразия полиморфных ди- и тетраплоидных видов и в частности, богатого и ценного внутривидового потенциала диких диплоидных видов. Несмотря на значительное внимание, уделяемое учеными на протяжении многих лет, уровень разработки теоретических вопросов систематики, эволюции и филогении в мировом масштабе недостаточно высок.

Целью исследования являлось установления корреляции размеров воздухоносной полости и хозяйственно ценных признаков у диких видов хлопчатника.

Материал и методика.

Опыты проводились с 2010 до 2017 гг. Семенной материал получен из коллекции генофонда хлопчатника лаборатории систематики и интродукции хлопчатника. Известно, что кожура семян диких видов каменистая. Поэтому семена проращивали в термостате при температуре 25-27⁰ С в чашках Петри, предварительно подрезалась микропилярная часть семян, затем семена обрабатывались в слабом растворе перманганата калия и ополаскивались в дистиллированной воде. Проросшие семена высаживали в стаканчики с земляной смесью (почва-1 часть, песок-2 части). Проростки, образовавшие 2-3 настоящих листочка, пересаживались в сосуды Вагнера. Изучали по 10 растений каждого вида, выращенных в сосудах Вагнера, в тепличных условиях и под фотопериодическими вагончиками. В период вегетации проводили этикетирование, фенологические наблюдения, учеты. Для анатомического анализа проводилась фиксация (в 50% этаноле) зрелых семян. Анатомические исследования выполнены согласно принятой методике Паушевой З.П. (1988). При проведении исследований использовались микроскопы «CEIS». Измерения структурных элементов интегументов семязачатков и кожуры зрелых семян проводили с помощью винтового окуляр-микрометра МОВ-15. Статистическая обработка количественных данных проведена с использованием общепринятых критериев Зайцева Г.Н. (1990) при помощи персонального компьютера (MS Excel).

В качестве объекта исследования послужили дикие диплоидные а также дикие рудеральные, тропические и субтропические подвиды тетраплоидных видов рода *Gossypium* L.

Диплоидные представители из подрода *Gossypium* секции *Indica* Tod. Подсекция *Indica* Tod.: *G. herbaceum* L. (2n=26): subsp. *africanum*, subsp. *pseudoarborescens*, subsp. *frutescens*; *G. arboreum* L. (2n=26): subsp. *obtusifolium*, subsp. *perenne*, subsp. *neglectum*, subsp. *nanking*.

Представители тетраплоидных видов из подрода *Karpas* Raf. Секция *Magnibracteolata* Tod.: *G. hirsutum* L. (2n=52): subsp. *mexicanum*, subsp. *punctatum*, subsp. *paniculatum*; *G. barbadense* L. (2n=52): subsp. *ruderales*, *G. darwinii* Watt. Дикие диплоидные виды Африки: *G. incanum* (Sch.), Hills, *G. soudanense* Watt. Дикие диплоидные виды Америки: *G. klotzschianum* Anderss., *G. raimondii* Ulbr. Дикие диплоидные виды Австралии: *G. australe* F. Müll., *G. bickii* Prokh.

Результаты и обсуждение.

Ареалы диких видов хлопчатника занимают небольшие пространства, расположенные по ту или другую сторону экватора, а большинство являются узкими и очень узкими эндемиками и даже постепенно исчезают. Местом их обитания являются степи, пустыни, сухие саванны. Они растут по балкам у подножия холмов, каменистым местам побережий океанов, сохраняясь лишь в местах, недоступных скоту. Семена кубаревидные или яйцевидные покрытые одним или двумя ярусами одноклеточных волосков, иногда совсем голые. Кожура семени очень прочная, у исконо диких часто «каменистая».

Халазальная часть кожуры семени гораздо тоньше, чем средняя и отличается, тем что там у многих представителей более тонкая или вообще отсутствует механическая ткань (НЭВИ) (Рис.1). Клетки НИ у основания в халазальной части в виде цепочек подходят к пальчаторазветвленному

Структура кожуры зрелого семени




Табл. 1.

Структурные признаки кожуры зрелых семян подвидов ди- и тетраплоидных видов рода *Gossypium* L.

Вид	п/вид	Длина/ширина семени, мм	Толщина кожуры в ср. части, мкм	Толщина кожуры в халазальной части, мкм	Ширина воздухоносной полости, мкм	Посев-проросток, дни
<i>G. herbaceum</i>	<i>africanum</i> *	6/3	502,8±37,8	475,7±43,1	-	8
	<i>pseudo-arboreum</i>	7/4	473,5±36,8	387,0±36,9	39,9±3,4	7
	<i>frutescens</i>	7/5	284,0±45,1	194,4±24,6	51,2±4,8	-
<i>G. arboreum</i>	<i>obtusifolium</i> *	6/4	415,1±37,5	367,9±41,9	-	9
	<i>perenne</i>	7/5	378,5±34,3	318,3±25,0	77,2±3,2	7
	<i>neglectum</i>	7/4	450,9±21,9	354,7±38,4	91,3±9,1	6
	<i>nanking</i>	9/5	413,6±38,4	302,4±34,1	<u>56,5±2,7</u> <u>50,5±1,5</u>	7
<i>G. hirsutum</i>	<i>mexicanum</i> *	8/4	278,1±26,2	251,2±26,7	111,7±16,1	6
	<i>punctatum</i>	9/4	295,6±3,6	239,6±24,1	131,2±14,5	5
	<i>paniculatum</i>	9/4	314,5±24,8	265,5±19,1	148,2±14,7	5
<i>G. barbadense</i> subsp. <i>ruderale</i>		9/5	307,5±4,9	238,1±22,6	70,9±4,6	7
<i>G. darwinii</i> *		8/5	297,9±1,9	249,7±15,3	-	8

Представители, имеющие каменистую кожуру семени («Атлас рода *Gossypium* L.» Абдуллаев А.А., Дариев А.С. и др., 2010)

— подчеркнутые данные означают, что у данного представителя образуются две воздухоносные полости.

**Структурные признаки кожуры зрелых семян диких представителей
рода *Gossypium* L.**

Вид	Длина/ ширина семени, мм**	Толщина кожуры		Ширина воздухоносной полости, мкм	Посев-проросток, дни
		в средней части, мкм	в халазальной части, мкм		
<i>G. incanum</i> -	5/4	217,3±11,7	196,4±10,1	92,3±10,3	3
<i>G. soudanense</i>	5/3	374,5±33,6	291,4±25,1	27,6±9,6	не пророс
<i>G. raimondii</i> -	8/5	197,0±17,3	151,3±6,4	66,7±3,4	4
<i>G. klotzschianum</i>	6/4	250,4±22,8	161,2±12,5	36,2±0,7	4
<i>G. bickii</i>	4/2	164,4±17,3	123,2±7,6	16,8±0,3	5
<i>G. australe</i>	4/2	120,9±11,6	97,4±6,2	30,3±1,9	3

- представители, имеющие каменистую кожуру семени («Атлас рода *Gossypium* L.» Абдуллаев А.А., Дариев А.С. и др., 2010)

- данные из «Атласа рода *Gossypium* L.» Абдуллаев А.А., Дариев А.С. и др., 2010.

проводящему пучку семяножки, в созревшем семени эти клетки разрушаются и образуют воздухоносную полость. Пленочка, покрывающая зародыш, образованная из ВЭВИ, легко отделяется от семенной кожуры, но в халазальной части прочно соединена с ней. Причина такого прочного соединения заключается в том, что клетки ВЭВИ сильно сжаты клетками НЭВИ. Толщина семенной кожуры в халазальной части с 20-дневного возраста и до созревания семени мало изменяется. Клетки халазальной части не поглощаются в процессе его развития. Причина небольшого уменьшения толщины семенной кожуры заключается в сильной пигментации клеток, что обычно сопровождается их сжатием. В районе основания наружного интегумента образуется свободное пространство или воздухоносная полость.

В процессе работы были проанализированы данные 18 диких диплоидных и тетраплоидных видов по 5 признакам (смотрите таблицу 1. и 2.)

Такой признак, как мелкосемянность, является признаком примитивных, исконно диких подвидов. В данном случае этим признаком обладают такие подвиды как, *africanum* и *obtusifolium*. Сравнивая дикие диплоидные и тетраплоидные подвиды можно сделать вывод, что более мелкие семена у внутривидовых представителей *G. herbaceum* L. и *G. arboreum* L. А также этим признаком обладают такие виды, как *G. bickii* и *G. australe*. Сравнивая дикие диплоидные виды различных континентов, можно сделать вывод, что более мелкие семена у диплоидных представителей Австралии (табл. 2).

Отсутствие воздухоносной полости – это признак исконно диких представителей вида. Чем больше размер воздухоносной полости, тем более продвинутый представитель. Таким образом, такие подвиды и виды, как *africanum*, *obtusifolium*, *mexicanum*, *G. darwinii*, являющиеся примитивными представителями и имеющие «каменистую» кожуру, не имеют воздухоносной полости. По мнению Ф.М. Мауера, внутривидовое разнообразие *G. barbadense* L. несколько меньше, чем у *G. hirsutum* L., особенно в группе скороспелых субтропических форм. Он это объясняет более поздним возникновением и более ограниченным распространением этих форм по сравнению с формами *eu-hirsutum*. Остальные эколого-географические группы у этого вида не менее разнообразны, чем у *G. hirsutum* L. Полученные в исследовательской работе данные структуры кожуры зрелого семени противоречат мнению Ф.М. Мауера. Размеры воздухоносной полости больше у представителей вида *G. hirsutum* L., чем у *G. barbadense* L., что свидетельствует о продвинутом *G. hirsutum* L..

У диких представителей, чем меньше разность между размерами ширины (толщины) кожуры семени в средней и халазальной части, тем более «каменистое» семя. Если разность у диких представителей будет соответствовать значению $0 < x > 60$ мкм, то семя будет «каменистое». Также можно сказать, что чем больше выше указанная разность толщин, тем более продвинутый представитель. При сравнении как диплоидных, так и

тетраплоидных исконно диких подвидов, можно сказать, что по данному признаку наиболее «каменистая» кожура у *africanum* (Табл.1), и *G. incanum* и *G. raimondii* (Табл. 2).

На всхожесть (количество дней от посева до всходов) влияет именно соотношение размера семени и воздухоносной полости, так как именно в этом месте накапливается вода для зародыша, которая, в свою очередь, дает питание зародышу и, под давлением толкая его, с халазальной части выталкивает к микропилярной. И зародыш разрывает кожуру зрелого семени с микропилярной части.

И так по формуле $\frac{ab}{c}$,

где a - длина семени;

b – ширина семени;

c – размер воздухоносной полости.

Анализируя полученные данные (табл. 1.) по выше упомянутой формуле, можно сказать, что если данное соотношение будет $0 \geq 0,3$, то количество дней от посева до всходов будет меньше на 1-3 дня, чем у представителей, имеющих индекс $0,3 \geq 1$. Наименьший данный индекс соотношения у американских представителей и *G. australe*, у которых семена всходят через 3 дня после посева. А также наименьший данный индекс соотношения у представителей *G. hirsutum*, которые всходят через 5-6 дней после посева. И так, чем выше индекс, тем больше количество дней от посева до всходов. За исключением тех представителей, у которых отсутствует воздухоносная полость. У этих представителей (*africanum*, *obtusifolium*, *mexicanum*, *G. darwinii*) наибольшее количество дней от посева до всходов (8-9 дней).

Таким образом, можно сказать, что наличие или отсутствие воздухоносной полости есть диагностически значимый признак. Также, чем больше размеры воздухоносной полости, тем более продвинутый представитель.

Для диких видов и для культивируемых сортов, чем меньше разность размеров толщины кожуры зрелого семени в средней части и халазальной, тем тверже кожура семени, следовательно, степень загрязнения хлопкового волокна кожурой будет выше. В том числе, чем больше индекс соотношения размеров семени и воздухоносной полости, тем больше дней при прорастании. За исключением тех представителей, у которых воздухоносная полость отсутствует, у них семена прорастают дольше всех.

Литература

1. Glen L. Ritchie, Craig W. Bednarz Cotton Growth and Development. Bulletin 1252, September, 2004. The University of Georgia and Ft. Valley State University.
2. Carlos B. Armijo, Kevin D. Baker, Sidney E. Hughs, Edward M. Barnes, and Marvis N. Harvesting and Seed Cotton Cleaning of a Cotton Cultivar with a Fragile Seed Coat. The Journal of Cotton Science 13:158–165 (2009) <http://journal.cotton.org>, The Cotton Foundation 2009
3. Patil, Pravin; Malik, Surendra; Sutar, Shrikant; Yadav, S. R.; John, Joseph; Bhat, K. V Taxonomic importance of seed macro- and micro-morphology in *Abelmoschus Medik.* (Malvaceae) Nordic Journal of Botany. Exploring the botanical biodiversity on Earth. – 2015. – N 5. – P. 114-123.
4. <https://www.britannica.com/topic/cottonseed>
<https://www.britannica.com/topic/cottonseed>

РЕЗЮМЕ

В данной статье приведены результаты исследования взаимосвязи хозяйственно ценных признаков от размера воздухоносной полости, находящейся в халазальной части зрелого семени у дикорастущих видов хлопчатника.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада ғўзанинг ёввойи турларида етилган уруғларининг халазал қисмида жойлашган ҳаво сакловчи бўшлиғининг ҳажми қимматли хўжалик белгилари билан боғлиқлиги кўрсатилган.

SUMMARY

This article presents the results of a study of the relationship of economically valuable traits of the size of the air-cavity, located in the chalasal part of mature seed in wild cotton species.

Рекомендовано к печати доц. М.Хакимовой

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ЧЎЛ ЗОНАСИ ТУПРОҚЛАРИНИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ ВА ТУЗЛАР ЗАХИРАСИ

Рўзиева И.Ж., Ахмедов А.У. (Тупроқшунослик ва агрохимё
илмий тадқиқот институти)

Таянч сўз ва иборалар: *бўз-ўтлоқи ва ўтлоқи-бўз тупроқлар, механик таркиби, гумус, азот, фосфор, калий, сингдириши сизими, сувда осон эрувчи тузлар, кольматажланган тупроқлар.*

Ключевые слова: *лугово-сероземные и сероземно-луговые почвы, механический состав, гумус, азот, фосфор, калий, емкость поглощения, легкорастворимые соли, кольматированные почвы.*

Key words: *desert meadow soils, mechanical composition, humus, nitrogen, phosphorus, potassium, absorption capacity, easily soluble salts, colmatage soils.*

Шўрланиш табиий ва инсон омиллари натижаси бўлиши мумкин. Табиий (бирламчи) шўрланишнинг асосий шароитлари – бу жойнинг кучсиз зовурлашганлиги ва гурунт сувларининг ер юзасига яқин жойлашганлиги шароитида буғланишининг атмосфера ёғинларидан сезиларли устунлиги бўлса, антропоген (иккиламчи) шўрланиш тупроқ ва ландшафтларнинг бир бутунликда бузилиши билан боғлиқ.

Иккиламчи шўрланиш техноген ва агроген ифлосланиш ёки табиий жараёнлар – тупроқ ҳосил бўлиш жараёнлари йўналишининг ўзгариши, яъни суғоришлар натижасида сувда осон эрувчи тузларнинг тупроқ қопламларига қўшимча кириб келиши оқибатида шаклланади. Бу турдаги шўрланиш турли табиий зоналарда, асосан арид иқлим шароитларидаги тупроқларни ортикча меъёрларда суғориш таъсирида, табиий гидрогеологик ва геохимёвий жараёнларнинг салбий томонга ўзгариши натижасида содир бўлади, тупроқлар экологик-мелиоратив ҳолати ёмонлашади, унумдорлик ва маҳсулдорлик даражаси пасаяди. (ТАИТИ, 2017.328б.)

Ҳозирда шўрланган ерлардан қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланишда, улар тупроқ-мелиоратив ҳолатини баҳолашда, тупроқ профилидаги тузлар захирасини аниқлашда шўрланган тупроқларнинг уч хил тоифасига алоҳида эътибор қаратилади: 1 тоифа – тузлар устки 0-1 метрлик қатламда тўпланган тупроқлар; 2 тоифа – тузлар асосан 1–2 метрлик қатламда тўпланган тупроқлар; 3 тоифа – тузлар тупроқ ҳосил қилувчи ёки ундан ҳам пастроқда жойлашган жинсларда тўпланган тупроқ гурунтлар.

Тузлар устки 0-2 метрлик қатламда тўпланган тупроқларни ҳисобга олиш, уларни қишлоқ хўжалигида фойдаланиш даражасини аниқлаш ва мелиоратив тадбирларни (шўр ювишни) режалаштириш учун зарур бўлса, 3-тоифа шўрланган тупроқларни ҳисобга олиш эса уларни тубдан мелиорациялаш муаммосини ҳал қилиш учун зарурдир. (Исаков В.Ю. 1991й. 106с.)

Ўрганилган Фарғона вилояти Ёзёвон тумани “Қоратепа” массиви (хўжалиги)нинг мураккаб гидрогеологик ва табиий-хўжалик шароитлари туман ҳудудида тупроқ ва тупроқгрунтлар мелиоратив ҳолатининг ўзига хос хусусиятларини келтириб чиқарган. Қуйида туманда кенг тарқалган чўл-ўтлоқи тупроқлари мисолида суғорилдиган тупроқларнинг ҳозирги мелиоратив ҳолатини ақс этирувчи айрим маълумотлар келтирилади.

Ўрганилган чўл-ўтлоқи тупроқлари механик таркибига кўра енгил ва ўрта кумоқлардан, айрим ер участкалари кумлоқ ва кумлардан иборат бўлиб, физик лой фракцияларининг (<0,01 мм) йиғиндиси кумлоқ ва кумларда 7,2–15,6 фоиздан ўрта кумоқларда 31,1–40,1 фоизгача бўлган ораликда тебраниб туради, 653-кесманинг куйи 95–150 см.ли қатлами лойли механик таркибидан иборат бўлиб, физик лой заррачаларининг миқдори 69,4 фоизни ташкил этади (1-жадвал).

Гумус миқдори тупроқнинг 1,5 метри қатламида 0,51–1,0 фоиз миқдорида кузатилиб, гумус билан кам (0,5–1,0 фоиз) таъминланган тупроқлар гуруҳини ташкил этади. Устки ҳайдалма қатламидаги ўсимликлар ўзлаштира оладиган, ҳаракатчан фосфор миқдорига кўра кам (16-30 мг/кг) ва жуда кам (699-К) таъминланган (0-15 мг/кг); алмашинувчи калий миқдорига кўра эса кам таъминланган (100-200 мг/кг) тупроқлар тоифасига

мансуб. CO₂ корбонатлар тупроқ профили бўйлаб деярли бир текисда (6-7 фоиз) тақсимланган (1-жадвал).

Шўрланиш химизмига кўра ўрганилган чўл-ўтлоқи тупроқлари барча ҳолатларда сульфатли шўрланиш типларидан иборат бўлиб, шўрланиш даражасига кўра асосан ўртача шўрланган тупроқлар гуруҳини ташкил этади, сувда осон эрувчи тузлар миқдори куруқ колдик бўйича 1,060-1,490 фоиз кўрсаткичларида кузатилди, шундан хлор иони жуда кичик миқдорларни – 0,010-0,017 фоизни ташкил этади. Тузлар энг устки ҳайдалма қатлам-дан 1,5 метргача бўлган тупроқ профилида деярли бир хил кўрсаткичларда (1,0-1,4 фоиз) “Профилли шўрланиш” шаклида тарқалган (1-жадвал).

1-жадв.

Фарғона вилояти Ёзёвон тумани “Қоратепа” массиви суғориладиган чўл-ўтлоқи тупроқларининг кимёвий, агрокимёвий ва тупроқ-мелиоратив хоссалари ва механик таркиби

Кесма №	Қатлам чуқурлиги, см	Гумус, фоиз	Озука элементлари		Тузлар миқдори, фоиз		Шўрланиш		pH	Гипс CaSO ₄ ·2H ₂ O	CO ₂ карбонатлар	Фракциялар миқдори, фоиз		Механик таркиби
			Харакатчан, мг/кг		Куруқ колдик	Cl	Ти пи	Даражаси				Физик кум (>0,01 мм)	Физик лой (<0,01 мм)	
			P ₂ O ₅	K ₂ O										
627	0-32	0,93	21,60	148	1,350	0,014	с	Ўртача	7,30	16,31	7,26	76,0	24,0	Енгил кумок
	32-53	0,72	10,00	83	1,475	0,017	с	Ўртача	7,42	19,23	6,86	71,2	28,8	Енгил кумок
	53-90	0,56	9,47	12	1,125	0,010	с	Ўртача	7,36	15,66	6,50	68,9	31,1	Ўрта кумок
	90-150	0,52	10,80	12	1,270	0,011	с	Ўртача	7,65	9,90	7,01	64,4	35,6	Ўрта кумок
653	0-31	1,03	21,60	124	1,280	0,014	с	Ўртача	7,70	9,83	5,57	65,9	34,1	Ўрта кумок
	31-48	1,00	7,33	30	1,490	0,017	с	Ўртача	7,72	9,81	6,62	59,9	40,1	Ўрта кумок
	48-95	0,61	11,47	47	1,495	0,010	с	Ўртача	7,60	11,14	7,24	66,9	33,1	Ўрта кумок
	95-150	0,51	4,67	275	1,290	0,010	с	Ўртача	7,49	8,00	7,16	30,6	69,4	Енгил лой
699	0-30	0,69	6,67	163	1,445	0,014	с	Ўртача	7,56	15,63	5,71	84,4	15,6	Кумлок
	30-49	0,55	6,67	60	1,285	0,010	с	Ўртача	7,70	14,69	6,26	89,8	10,2	Кумлок
	49-94	0,53	6,00	15	1,135	0,010	с	Ўртача	7,47	8,57	6,62	90,9	9,1	Кум
	94-150	0,51	7,33	128	1,060	0,010	с	Ўртача	7,30	7,97	7,60	92,8	7,2	Кум

Суғориладиган тупроқларнинг устки илдиз қатлами (0-1 м)даги сувда осон эрувчи тузларнинг ялпи миқдори (фоиз) ва захираларини (т/га) аниқлаш, тупроқлар мелиорацияси нуқтаи назаридан ниҳоятда муҳим ҳисобланиб, шу қатламни захарли тузлардан тозалашга қаратилган агротехник, гидротехник ва мелиоратив тадбирлар мажмуасини ишлаб чиқиш, шу асосида шўр ювиш нормалари ва муддатларини тўғри белгилаш, суғориш сувларини тежаш имконини беради.

Ўрганилган Фарғона вилояти Ёзёвон тумани “Қоратепа” массиви суғориладиган чўл-ўтлоқи тупроқларининг турли қатламлари учун ҳисобланган, сувли сўрим анализи натижаларига асосланган тузларнинг ўртача миқдорий (фоиз) ва захира (т/га) кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотлар 2-жадвалда келтирилган.

Жадвал маълумотларининг таҳлилига кўра Қоратепа массиви суғориладиган тупроқларидаги сувда осон эрувчи тузлар захирасининг кесмалар бўйича миқдорий кўрсаткичлари қисқа ораликда тебраниб, устки 0–1 метрлик қатламда 175,49–198,70 тоннани, шундан ҳайдалма қатламда гектарига 53,76–60,69 тоннани ташкил этади (2-жадвал).

**Қоратепа массиви суғориладиган тупроқларидаги
умумий тузлар миқдори ва захиралари**

Қатлам, См	Кесма-627		Кесма-653		Кесма-699	
	фоиз	т/га	фоиз	т/га	фоиз	т/га
0-30	1,350	56,70	1,280	53,76	1,445	60,69
0-50	1,395	97,65	1,364	95,49	1,381	96,67
0-100	1,322	183,09	1,419	198,70	1,254	175,49
0-150	1,305	273,99	1,376	289,00	1,189	249,69

Гипсли тупроқлар одатда паст, шу билан бирга турлича унумдорликка эга бўлиб бу ҳолат унинг (гипсининг) шаклига, жойлашиш чуқурлиги ва миқдорига ҳамда ҳудуднинг гидрогеологик шароитларига боғлиқ бўлади. Ўрганилагн чўл-ўтлоқи тупроқларидаги гипс миқдори 8–9 фоиздан 16–19 фоизгача бўлган ораликда тебраниб, кам ва ўртacha гипслашган тупроқларни ташкил этади.

Хулоса: ўрнида шуни айтиш мумкинки массив тупроқларида туз тўпланиш ва иккиламчи шўрланиш жараёнлари ҳудуднинг геоморфологик ва гидрогеологик шароитлари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда турли даражада шўрланган бўлиб, бу ерда кучсиз шўрланган айримларидан жуда кучли шўрланган тупроқлар ва шўрхоқларгача, тузли горизонтларнинг тупроқ профилида жойлашиши ўрнига кўра эса асосан шўрхоқли (тузларнинг максимал миқдори устки ҳайдалма қатламда жойлашган) ва юқори шўрхоқсимон (30–50 см.да) айирмаларини ажратиш мумкин. Шу боисдан ҳам тавсифланаётган чўл-ўтлоқи тупроқларини жадал шўрланаётган тупроқлар груҳига киритиш мумкин.

Туманда мавжуд суғориладиган ерлардан тўғри ва самарали фойдаланиш, тупроқлар мелиоратив-экологик ҳолатини яхшилаш, унинг унумдорлик ва маҳсулдорлигини мунтазам сақлаш ва ошириб бориш учун экин майдонлари ҳар йили фермер хўжаликлари ва туман қишлоқ хўжалиги мутахассислари томонидан кўриқдан ўтказилиб турилиши, биринчи навбатда, мелиорацияга муҳтож ерлар аниқланиши, керакли мелиоратив тадбирлар комплекси режалаштирилиши ва зудлик билан қўлланилиши зарур.

Дренажлар фониде ерларни сифатли текислаш ва шўрини ювиш асосий (бош) мелиоратив тадбирлардан ҳисобланиб, зовурлар тизими (тармоқлари) бенуқсон ишлаб турган, ер ости сувлари оқими таъминланган, далалар сифатли текисланган майдонларда, шўр ювиш тадбирларини ўз вақтида ўтказиш, унинг муддатлари ва меъёрлари, шўр ювиш техникаси ва технологияларига амал қилган ҳолда, туман массивлари учун 1:10000 масштабда тузилган “Тупроқ шўрланиши картограммалари” асосида тупроқларнинг шўрланганлик даражаси, механик таркиби, устки 0–1 метрлик қатламдаги тузлар захираси, хлор-иони миқдорий кўрсаткичларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши, шўр ювиш тадбирлари дала ишлари бошланмасдан камида бир ой олдин тугатилиши (тупроқлар экишга етилиши керак) талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. ТАИТИ, муаллифлар жамоаси. Фарғона водийси суғориладиган тупроқларининг хоссалари, экологик-мелиоратив ҳолати ва маҳсулдорлиги. – Тошкент. 2017. – 328 б.
2. Исаков В.Ю. Свойства арзыковых почв Центральной Ферганы. – Ташкент, 1991. – 106 с.
3. Кўзиев Р.Қ., Абдурахмонов Н.Ю. Республика тупроқларининг ҳолати, унумдорлиги ва уни яхшилаш йўллари. “Тупроқшунослик – мамлакат экологик ва озиқ-овқат хавфсизлиги хизматида” номидаги Республика илмий-амалий анжумани. – Тошкент. 2017. ТАИТИ. – Б. 13-23.

РЕЗЮМЕ

Мақолада Ёзёвон тумани Қоратепа массиви суғориладиган ўтлоқи-бўз ва бўз-ўтлоқи тупроқларининг асосий хоссалари, механик таркиби, гумус, умумий ва ҳаракатчан азот, фосфор ва калийнинг тупроқ профилидаги миқдорлари, мазкур тупроқлар сингдириш сиғими ва сингдирилган катионлар таркиби ҳамда сувда осон эрувчи тузлар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ушбу тупроқларга мелиоратив ҳолатини яхшилашга доир тавсиялар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье приведены данные об основных свойствах сероземно-луговых и лугово-сероземных почв Коратепинского массива Языванского района. Приводятся данные по механическому составу почвы, по содержанию гумуса, общего и подвижного азота, фосфора и калия по профилю почвы, а также емкости поглощения и составе поглощенных катионов, количестве водорастворимых солей. Даны рекомендации по улучшению мелиоративного состояния этих почв.

RESUME

The article presents data on the basic properties and mechanical composition of the soil, the content of humus, total and mobile nitrogen, phosphorus and potassium on the soil profile, as well as the absorption capacity and composition of absorbed cations, the amount of water-soluble salts. Recommendations for improving the reclamation state of these soils are given.

Наширға доц. М.Ҳакимова тавсия этган

ТУПРОҚ ВА ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ТЕХНОГЕН ИФЛОСЛАНИШИ

Диёрова М.Х., Хайридинов А.Б. (ҚарДУ)

Таянч сўз ва иборалар: *углеводород, водород сульфид, сульфат ангидрид, кислотали ёмғир, кукун ҳолат, тупроқларнинг микрофлораси, вегетатив, генератив органлар, механизм, физиологик ўзгаришлар, натрий сульфат, калий сульфат, кальций сульфат, магний сульфат, аэрозол типидаги техноген моддалар.*

Ключевые слова: *углеводород, водород сульфид, сульфат ангидрид, кислотный дождь, микробиология почвы, вегетативный и генеративный орган, механизм, физиологические изменения, натрий сульфат, калий сульфат, кальций сульфат, магний сульфат, искусственные вещества аэрозольного типа.*

Keywords: *hydrocarbon, hydrogen sulfide, sulfate anhydride, acid rain, soil microbiology, vegetative and generative organ, mechanism, physiological changes, sodium sulfate, potassium sulfate, calcium sulfate, magnesium sulfate, morpho-anatomical, artificial substances of aerosol type.*

Тупроқ мураккаб табиий тарихий тана бўлиб, ўзининг келиб чиқиши, шаклланиши, тузилиши, физик-механик хоссалари, кимёвий таркиби, унумдорлик даражаси билан инсониятнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятини белгилайдиган, энг муҳими биосферада бевосита экологик функцияси билан иштирок этадиган ҳаёт манбаи ҳисобланади.

Ҳозирги кунда тупроқларни кимёвий ифлосланиш ва унинг муҳофазаси ер қуррасида энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади ва бу масалага жиддий ёндашиш талаб этилади. Шунинг учун ҳам тупроқларнинг кимёвий ифлосланиш даражалари ва коэффицентлари қабул қилинган.

Тупроқ унумдорлигини бошқаришда агрономик жиҳатдан муҳим бўлган микроорганизмларнинг ўзига хос гуруҳи аммонификатор, нейтрификатор, азотафикатор, сулфофикатор, кабиларнинг фаолияти жуда муҳимдир. Яъни улар тупроқдаги клетчатканинг парчаланишида, мой кислотали бижғишларда фаол иштирок этади, биологик жараёнларни бошқаради. Тупроқдаги микробиологик жараёнлар мавсумий характерга эга бўлиб, асосан озик моддалар миқдори ва табиатига, ҳароратга, нам ҳамда кислород миқдорига, эритма реакциясига бевосита боғлиқ эканлиги тадқиқотчилар томонидан маълум даражада ўрганилган [2].

Тадқиқотчиларнинг маълумотларига қараганда, суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқларнинг ҳайдов қатламида актиномитцетлар сони бошқа микроорганизмларга нисбатан кўп бўлиши аниқланган. Чунки бу организмлар тупроқдаги кескин экологик шароитларга ҳамда тупроқ эритмасининг кучли осмотик босимига чидамлидир.

Кейинги йилларда тупроқнинг саноат чиқиндилари, нефт маҳсулотлари, оғир металллар билан ифлосланиши натижасида ундаги микробиологик жараёнларнинг сусайиши ва унинг зарарли оқибатларини бартараф этиш борасида кўпгина илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Қашқадарё вилоятида қурилган Мубарак газни қайта ишлаш заводи

хамда Шўртганефтвер Унитар Шуъба корхонаси Республикамиздаги йирик саноат корхоналаридан бўлиб, узок йиллар давомида атроф-муҳитга кўп микдорда аэрозол типидagi техноген моддалар чиқариб, худудда тарқалган тупроқ ва ўсимлик қопламига зарарли таъсир кўрсатмоқда.


Муборак газни қайта ишлаш заводи чиқиндиларининг тупроқ микрофлорасига таъсирини стационар дала тажриба асосида ўтказилган илмий тадқиқотларимиз шунни кўрсатдики, Қарши чўли шароитида тарқалган тупроқларнинг микробиологик хоссалари аввало унинг типига ҳамда маданийлашганлик даражасига бевосита боғлиқдир.

Кузатишларимиз шунни кўрсатдики, техноген моддалар углеводородларни қайта ишлаш натижасида ажралиб чиқадиган техноген моддалар тупроқ ва ўсимлик устига кислотали ёмғир ёки кукун ҳолатда тушар экан, уларни зарарли таъсири заводдан узоклашиш масофасига бевосита боғлиқ бўлади [1]. Яъни бу чиқиндиларнинг зарарли таъсири завод ичи ва унга яқин 10-15 км масофагача яққол сезилади. Олтингугурт оксиди (SO₂) ҳамда водород сульфид (H₂S) ҳолида тушган кислотали табиатга эга бўлган чиқиндилар тупроқдаги ишқорлар билан реакцияга киришиб, натрий сульфат (Na₂SO₄), калий сульфат (K₂SO₄), кальций сульфат (CaSO₄), магний сульфат (MgSO₄) каби сувда у ёки бу даражада эрийдиган тузлар ҳосил қилади [3].

Олинган маълумотларнинг кўрсатишича, тупроққа нисбатан мевали дарахтлар саноат чиқиндиларидан кучли таъсирланади. Натижада ўсимликнинг вегетатив ҳамда генератив органларида жиддий морфо-анатомик салбий ўзгаришлар ҳосил бўлади, ўсиш ва ривожланиш сусайиб, ҳосил ва унинг сифати ёмонлашади. Кўп йиллик тўпланган илмий маълумотлар асосида кузатувимиздаги мевали дарахтларнинг барчаси ташқи муҳит омиллари бир хил таъсир этиб турган шароитда, олтингугурт бирикмаларининг таъсири натижасида уларнинг ўсиши ва ривожланишида кескин тафовутлар борлиги аниқланди.

1-расм.

Олтингугуртнинг мевали дарахтлар новдасининг йиллик ўсишига таъсири



Кузатувда бўлган барча ўсимликларнинг барглари сони новдаларнинг йиллик ўсиши, барг ва гул куртакларнинг шакли ва ўлчамидаги ўзгаришлар экологик тоза муҳит ўсимликларига нисбатан катта фарқ қилиши аниқланди (1-расм).

Расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, мевали дарахтларнинг йиллик ўсиши турли экологик муҳит шароитида бир-биридан анча фарқланади. Заводдан 70 км масофада жойлашган нисбатан экологик тоза худуд деб олинган Қарши тажриба назоратидаги барча мевали дарахтлар новдасининг йиллик ўсиши завод ичкарасидаги дарахтлар новдасининг йиллик ўсишидан сезиларли фарқ қилишини кўрсатди. Олча дарахтида бу кўрсаткич 2003 йилда 30,1 см, шафтолида 36,7 см, 2004 йилда олчада 26,1 см, шафтолида

31,3 см., ўсган бўлса завод ичи кузатувида бу кўрсаткичлар олчада 2003 йилда 18,2 см., шафтолида 23,0 см., 2004 йилда олчада 14,6 см., шафтолида 19,4 см ни ташкил этди.

Олма ўсимлигининг Қарши шароитида йиллик ўсиши 2003йилда 42,8 см., беҳида 29,4 см., 2004 йилда олмада 40,5 см, беҳида 24,2 см ни ташкил этган бўлса, завод ичида бу кўрсаткичлар олмада 2003 йилда 38,0см, 2004 йилда 36,2 см, беҳида эса 2003 йилда 26,2 см, 2004 йилда 22,0см ни ташкил қилди. Шундай қилиб, олча ва шафтоли ўсимликларида новданинг йиллик ўсишидаги тафовутлар 10-12 см ни ташкил этган бўлса, олма ва беҳи ўсимликларида бу кўрсаткич 3-5 см дан ошмайди. Яъни бу маълумотлар олма ва беҳи ўсимликларини завод чиқиндилари таъсирига нисбатан чидамли эканлигидан далолат беради.

Кузатишларимиз шуни кўрсатдики, бу кўрсаткичлар бўйича ўрик ва бодом ўсимлик-лари оралиқ ўринни эгаллайди. Завод ичи ва атрофи ҳамда Қарлиқ тажриба синов майдони ўсимликларининг деярли барчаси завод чиқиндилари таъсирида бўлиб, ўсимликларнинг барг ва барг куртаклари, шох-шаббалари олтингугурт бирикмаларидан маълум даражада зарарланиши оқибатида ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишида кескин пасайиш кузатилди. Бу ҳолат айниқса шафтоли ва олча дарахтларида сезиларли қайд қилинди.

Хулоса: Кузатув натижаларига асосан, техноген моддаларга чидамлилигига кўра, мевали дарахтларнинг экологик қатори мониторингини қуйидаги схема асосида - беҳи → олма → ўрик → бодом → олча → шафтоли тариқасида жойлаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Заиков Г.Е., Маслов С.А., Руббайло В.Л. Кислотные дожди и окружающая среда. – М.: Химия, 1991. – С.140.

2. Мирсодиқов М.М. “Действия микроорганизмов на плодородия почв” Орол денгизи ҳавзасининг саҳроланиш жараёнида тупроқ унумдорлигини тиклаш, ошириш ва улар мелиорациясининг долзарб муаммолари Илмий-амалий анжуман маърузалар тўплами. – Тошкент, 2002.– Б. 282-284.

3. Саидносирова З. Анорганик химия. – Т.: Укитувчи, 1970. – С. 240-253.

РЕЗЮМЕ

Завод асосан табиий углеводород газлари таркибидан олтингугурт моддасини ажратиб олишга ихтисослашган бўлиб, газни қайта ишлаш натижасида атмосферага кўп миқдорда водород сульфид (H_2S) ҳамда сульфат ангидрид (S_2O) бирикмалари ажралиб чиқади.

Мақолада ҳам ана шу чиқиндиларнинг кислотали ёмғир ва кукун ҳолатда тупроқларнинг микрофлорасига, мевали дарахтларнинг ўсув ҳамда генератив органларига таъсир қилиш механизми ҳақидаги фикрлар баён қилинган.

РЕЗЮМЕ

Завод, в основном, специализируется на выделении свободных углеводородных газов. Во время переработки в атмосферу выделяются вредные соединения серы в виде (H_2S)и (S_2O). Эти промышленных отходы попадают на растения в виде кислотных дождей и сухого порошка.

Задача наших исследований заключались в том, чтобы определить влияние этих вредных соединений на микрофлору почвы, на вегетивные и генеративные органы плодовых деревьев и качество урожая.

SUMMARY

The plant is mainly specialized to produce free hydrocarbon gases. During reprocessing into the atmosphere, harmful sulfur compounds are emitted in the form of (H_2S) and (S_2O) industrial waste on the plant in the form of acid rain and dry powder. The task of our research was to determine the effect of these harmful compounds in soil microflora on the vegetative and generative organs of fruit trees and the quality of the crop.

Наширға доц. М.Ҳақимова тавсия этган

**“ҚарДУ хабарлари” илмий-назарий, услубий журналида
мақола чоп этиш учун қўйиладиган
ТАЛАБЛАР**

1. Мақола сарлавҳаси бош ҳарфлар билан ўртада ёзилади.
2. Муаллиф фамилияси тўлиқ, исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари, ундан кейин у ишлайдиган ОТМнинг номи қавс ичида берилади.
3. Таянч сўз ва иборалар келтирилади.
4. Мақола матни Times New Roman ёзувида, 14 шрифтда, 1,5 интервалда 6–10 саҳифа ҳажмида, чапдан 3, ўнгдан 1,5, юқори ва пастдан 2 см қолдирилиб ёзилади.
5. Фойдаланилган адабиётлар рўйхати рақамланган ҳолда мақола сўнгида берилади. Унда адабиётдан олинган саҳифалар ёки шу манбанинг умумий ҳажми кўрсатилиши шарт. Матн ичида керакли ўринларда талаб этилаётган адабиётнинг рақами, ундан кейин икки нуқта қўйилиб, фойдаланилган бетлар ёзилади ва қавс ичига олинади ([1:176] тарзида).
6. Ҳавола (сноска)лар ҳар бир бетнинг пастида, рақамланган ҳолда берилиши керак.
7. Мақолалар ўзбек, рус ва инглиз тилларида ёзилиши мумкин.
8. Ўзбек, рус ва инглиз тилларида резюме бўлиши талаб этилади.
9. Муаллиф фаолият кўрсатадиган илмий муассасанинг услубий семинари ёки кафедра йиғилишининг мақолани нашрга тавсия этганлиги ҳақидаги қароридан кўчирма талаб қилинади.
10. Муаллиф фаолият кўрсатадиган илмий муассасанинг тўлиқ манзили, шахсий телефон рақами ёки электрон почтаси кўрсатилиши лозим.
11. Мақола qarduxj@qarshidu.uz ёки qarduxj@umail.uz электрон почталари орқали жўнатилади.
12. Кўлёзма ҳуқуқидаги мақолалар муаллифларга қайтарилмайди.
13. Кўшимча ахборотларни +998903853373 телефон рақами орқали олиш мумкин.

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА–МАТЕМАТИКА

- Мейлиев Х.Ж., Хуррамов О. Ш.** Эргодические свойства мер, порожденных одним классом квадратичных операторов на двухмерном симплексе..... 3
- Махсумова Н.К., Янгибоев З.Ш.** О первой задаче Дарбу для одномерного динамического уравнения пороупругости..... 9
- Вардияшвили А.А., Мейлиев Э.М., Вардияшвили А.А., Каримова С.Э.** Солнечная радиация в зависимости от времени суток и географических координат..... 15
- Хайридинов Б.Э., Умарова С.У., Холмирзаев Н.С.** Об изучении молекулярно-кинетической теории идеального газа..... 19

КИМЁ

- Шаропов Р.Т., Камолов Л.С.** Изучение процессов применения и регенерации абсорбента метилдиэтанолamina при очистке природного газа..... 24
- Тураева Б.И., Хамидова Х.М., Эшдавлатова Г., Камолов Л.С.** Низкомолекулярны метаболиты грибов *trichoderma harzianum* Uz.Cf-55..... 28

БИОЛОГИЯ

- Сапаров К.А., Азимов Д.А.** Африканский марабу (*Leptoptilos crumeniferus*) – новый хозяин нематоды *paronchocerca bumpae* anderson et prestwood, 1969 (filariata: oswaldofilariidae, lemdaninae)..... 32
- Кучбоев А.Э., Собирова Х.Г., Амиров О.О., Каримова Р.Р., Абраматов М.Б.** Внутривидовые и межвидовые взаимоотношения остертагиин в организме овец и коз..... 36
- Тургинов О.Т., Хўжанов А.Н., Пўлатов С.О., Бойсунов Б.** Хисор тизмаси учун янги топилмалар ва камёб турларнинг янги ўсиш жойлари..... 41
- Хамидова О.Ж., Амонов А.У., Рахимова М.Б., Абдулладжанова Н.Г., Рахимов Р.Н., Курбанназарова Р.Ш., Мерзляк П.Г., Сабиров Р.З.** Баъзи полифенол бирикмаларнинг хужайра ҳажм бошқарилиш жараёнларига таъсири..... 47
- Саимназарова Ч. Ю., Джуманиязова Г.И., Бекмирзаева У.Ю.** Влияние биопрепарата *rizokom-2* на микофлору почвы под пшеницей, искусственно зараженную фитопатогенами..... 51

ТАРИХ

- Давлатова С.Т.** Қашқадарё воҳаси аҳолиси гиламдўзлигининг Совет даври ҳолатига доир мулоҳазалар..... 56
- Кўчаров Ж.Қ.** Кеш – Суғднинг илк ўрта асрлардаги сиёсий ва маданий маркази..... 61
- Ҳайдаров И.М.** Қайта қуриш сиёсатининг Ўзбекистон саноатига таъсири ва оқибатлари (1985–1990 йиллар)..... 65
- Эргашев Ж.Ю.** Бухоро хонлиги карвон йўлларида хавфсизликни таъминлаш хизмати: ташкил этиш ва бошқариш масалалари..... 69
- Ҳайитов Ж.Ш.** Туркистонда картошка экин навининг тарқалиши тарихи (XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошлари)..... 73
- Полвонов К.Н.** 1970–1990-йилларда Қашқадарё вилояти шаҳарлари маданий ҳаётидаги ўзгаришлар..... 77

ФАЛСАФА

- Тожалиев А.А.** Янги ривожланиш босқичида рақобатбордош кадрлар тайёрлашга инновацион ёндашув..... 81
- Раҳмонова Г.** Ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг жамият тараққиёти жараёнида мураккаблашуви ва уларнинг маънавиятга таъсири..... 84

Абдуллаева И.Ғ. Иқтисодий ва инновацион тафаккур уйғунлигининг айрим масалалари.....	88
Зохиров Р.Т. Ўзбекистонда оила институтини мутаҳкамлаш концепцияси ва диахрон муносабатларнинг замонавийлашиш хусусиятлари.....	91
Ибрагимов Э. Ёшлар дунёқарашини ўзгартиришга қаратилган манипулятив технологиялар.....	97

СИЁСАТШУНОСЛИК

Эргашев А., Бойсунов Ж. Совершенствование системы общественного управления в Республике Узбекистан.....	102
Худойбердиев Д. Шахс истеъмолчилик хулқи ва унинг кўринишлари.....	105
Боймуродов З. Ш. Оммавий маданият ва мафкуравий кураш.....	108
Шайманова А.Э. Ўрта мулкдорлар синфи – фаровонлик омили.....	111

ФИЛОЛОГИЯ

Эркаев А.П. Алишер Навоий ғазалларида ўзлик масаласи	116
Жўраев М. Ўзбек фольклорида момақалди роқ билан боғлиқ мифологик қарашлар.....	125
Amirkulova N.A Approaches and activities that help to develop intercultural competence.....	130

ПСИХОЛОГИЯ

Облоқулов Ж.Ж., Жабборов А.М. Ахборот глобаллашуви жараёни ижтимоий-психологик муаммо сифатида.....	134
Бердиева Г.Ж. Шахслараро низолар ва уни енгиб ўтишнинг психологик ўзига хослиги.....	138

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

Бобоназаров Ғ.Ё., Бўриева Х.П. Йирик шохли молларнинг <i>Demodex L.</i> Каналари билан зарарланиши.....	142
Грабовец Н.В. Корреляция некоторых хозяйственно ценных признаков со структурными показателями кожуры зрелого семени диких видов хлопчатника.....	146
Рўзиева И.Ж., Ахмедов А.У. Фарғона вилояти чўл зонаси тупроқларининг хозирги ҳолати ва тузлар захираси.....	151
Диёрова М.Х., Хайридинов А.Б. Тупроқ ва ўсимликларнинг техноген ифлосланиши.....	154

Илмий-назарий, услубий журнал

Мусаххилар:	Д.Шодмонова А.Убоженко
Саҳифаловчи	Я.Жумаев
Навбатчи	Т.Жумаев
Техник муҳаррир	М.Раҳматов

Муассис: Қарши давлат университети

**Журнал Қашқадарё вилояти Матбуот ва ахборот бошқармаси томонидан
17.09.2010 йилда № 14–061 рақамли гувоҳнома билан
қайта рўйхатдан ўтган.**

Теришга 05.03.2019 йилда берилди.
Босишга 20.03.2019 йилда рухсат этилди.
25.03.2019 йилда босилди.
Офсет қоғози. Қоғоз бичими 84x108/16.
Times New Roman гарнитураси.
Нашриёт ҳисоб табағи 11,26.
Буюртма рақами: № 12.
Адади 100 нусха. Эркин нархда.

**Қарши давлат университети кичик босмахонасида чоп этилди.
Манзил: 180003, Қарши шаҳри, Кўчабоғ кўчаси, 17.**

Индекс: 4071